

R 566

ТАФАККУР





ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2018

303
№
1

ЮСУФ ХОС ҲОЖИЁ



"ҚУТАДҒУ БИЛИГ" – 950



Saodatga eltuvchi yo'l

*Жуда кўн гарданда боши бор одам,
Лек инсон аталмиш одам жуда кам.*

*Бой бўлайин десанг тугал, ҳақиқий,
Кўнгул бойлигин тут, эй ўктам, ахий.*

*Беклар бўлса эзгу, одил, баркамол,
Халқ бойиб, жаҳонда топади иқбол.*

*Раҳбарга ҳиммат-ла сиёсат керак,
Сиёсатга пухта раёсат керак.*

*Олимлар – ҳақиқат қаддин суянчи,
Илм-урфон карвони, элнинг таянчи.*

*Одам деб айтурлар, улким не киши
Одамларга фойда келтирса иши.*

*Эл учун ўзингни отмасанг ўтга,
Ким сени етказар абадий қутга?!*

“Қутадғу билиг”нинг ўзбекча нашридан олинди.

(Фазлиддин РАВШАНОВ таржимаси)





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят
Муҳиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁКУБОВ
(масъул котиб)

ШОҲСАНАМ
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Хуршид ДАВРОН
Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛТОН
Абураҳим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБӨЙ
Алишер ҚОДИРОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҲАККУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68
233-79-40



tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2018 йил 8 май кунги босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма тоб, 18-буйуртма. Нашр алади 3303 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Қаторда норинг бўлса... Адабиётшунос олим Жаббор ЭШОНҚУЛ билан суҳбат.....4



АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ. Ахлоқ ўзгарувчанми?.....12

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Виктор АЛИМАСОВ. Дао хайратлари.....22



SAHIFALARIDA

саҳифаларида

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Раҳмон ҚҶЧҚОР. Ўжар ҳақиқатлар.....28

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Мансурхон ТОИРОВ. Қирмиз баргли
огочлар.....34

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Султонмурод ОЛИМ. Хадичабегим ёхуд
бадий ва тарихий ҳақиқат зиддияти.....42

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Озод қалб. Ёзувчи Шухратнинг ҳибсдаги
кечмиши.....48

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Кечиккан иқдор.....56

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Мартин Лютер КИНГ. Башарти... ..66

“ТАФАККУР” ТАБАССУМИ

Шодмон ОТАБЕК. Робот ҳам туғадими?.....70

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Элдор АСАНОВ. Бирламчи қадрият.....74



Чехов билан Авилова

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Марат НИЁЗИМБЕТОВ. Тизимли тафаккур
нима?.....84

Бердиёр САФАРОВ. Ўзликни англаш
орзуси.....85

Дилноза ЖАМОЛОВА. Аҳмад Донишнинг
вориси.....86

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА. Идрок кўз-
гуси хира тортмасин.....88

Моҳисадаф УБАЙДУЛЛАЕВА. Санъаткор
қандай тарбияланади?.....90

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ. Инсценировка
зарурми ёки... ..91

Нурмон БЕРДИЕВ. Анъанавий қонуниятлар
бузилганда... ..92

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ. Рамзга йўғ-
рилган тасвирлар.....93

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....95



QATORDA NORING BO'LSA...

Адабиётшунос олим Жаббор ЭШОНҚУЛ билан суҳбат

– Жаббор ака, сизни асосан миф тадқиқотчиси сифатида таниймиз. Ўзингизга маълум, мифга кўпинча қадимги аجدодлар дунёқарashi – шунчаки бир “осори атиқа” деб қаралади. Ваҳоланки, миф дин, фалсафа, фан каби “рақобатчи”ларига аллақачон мавқеини бой берган бўлса-да, инсон руҳиятини буткул тарк этгани, унга ҳукм ўтказишдан тўхтагани йўқ. Яъни юксак тараққиёт даври – XXI асрда ҳам миф барҳаёт ва биз ҳар кунги унга чўмиб яшамоқдамиз. Оддий бир мисол, барчамизни ҳар қачон ва ҳар жойда таъқиб этувчи реклама миф бўлмай нима?! Биз айрим ёшларимиз нодонлик сабаб бузғунчи кучлар тузоғига илиниб қоляпти, деб нуқул ёзғирамиз. Аммо ўзим гувоҳманки, шу “айрим ёшлар” орасида... донолари ҳам бор, ҳатто таллайгина. Гап шундаки, бузғунчи кучлар замонавий миф яратишнинг кироий технологияларидан фойдаланади, бу қурол олдида манаман деганлар ҳам ожиз қолиши тайин. Демак, бузғунчи кучлардан ёшларимизни (ҳатто катталаримизни) ҳимоя қилиш учун ўша технологияларни фош этишимиз, уларнинг қўлидан қуроллини тортиб олишимиз керак. Айтинг-чи, нега бузғун ижтимоий-гуманитар фанларимиз ана шу долзарб муаммо билан жиддий шуғулланмаяпти? Ўзингиз, миф тадқиқотчиси сифатида, бу борада изланишлар қайси йўналишларда олиб борилиши керак деб ҳисоблайсиз?

– Лотин Америкаси адиби Хорхе Луис Борхес “Адабиёт миф билан бошланиб, миф билан тугайди”, деган эди. У мифни азал-абадни англашнинг бош мезони сифатида талқин этганки, бу – бежиз эмас. Бошқача айтсак, инсоннинг тафаккур тарзи, сезимлари, олами идрок этиши аввалу охир

миф билан чамбарчас боғлиқ. Биз ҳаётни, тирикликни, оламни мифсиз тасаввур қилолмаймиз. Чунки бизнинг дунёни англашимиз, тасаввуримиз миф билан бошланган ва адиб айтганидек, миф билан яқунланади. Миф онгу тасаввуримизда олис замонлардан бугунги кунгача турфа эврилишлар оша яшаб келмоқда.

Шуни тан олмоқ керакки, дунё психологлари тадқиқотларига кўра, бугунги инсон табиати қадимги мифларни яратган олис аждодлариникидан кам фарқ қилади. Яъни ўтмишдаги каби ҳозир ҳам инсонда мифга эҳтиёж жуда катта. Қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатини ҳисоблаганимиз, чақмоқ чақишию ёмғир ёғиши сабабларини аниқ билганимиз билан, барибир, ҳали ҳам олам биз учун жумбоқ, демак, унинг олдида ҳануз ожизмиз. Шундай экан, инсон ўз моҳиятини англаш, тасаввур ва воқеликни уйғунлаштириш йўлида яна мифга дуч келаверади. Ҳали фан мифологик тафаккурни йўққа чиқарар даражада тараққий этгани йўқ. Менимча, бундан кейин ҳам у инсон онгидан мифни сиқиб чиқариши даргумон. Бунга сабаб – инсон онги доимо моҳиятни ўзидан ташқарида деб тасаввур қилишидир. Бугун ҳар бир ақли расо киши яшин – “илоҳнинг найзаси” деган гап чўпчаклигини билади, Зевс аслида йўқлигига ҳам ишончи комил, аммо энди унинг онгини ўзга “миф” ва “маъбуд”лар бошқармоқда. Миф ўрнини турли ғоя, таълимот ва мафкуралар эгаллаган. Зевс ўрнини эса шахслар, даҳолар, фирибгарлар... Гап шундаки, Яратган инсонни жаннатдан қувғин қилганидан бери у “илоҳ” излашдан тўхтамаяпти. Бу – инсон табиатига хос ғалати эҳтиёж. Қонхўр мустабидлар, ёвуз таълимотлар бежиз пайдо бўлган эмас. Улар инсон онгининг “илоҳ”ларга эҳтиёжи сабаб юзага келган, яъни қонхўр мустабидлару ёвуз таълимотларни омманинг ўзи пайдо қилади. Сиз тилга олган – йўлдан адашганлар табиатида ҳам мифга эҳтиёж кучайиб кетгани бегумон. Зеро, Фрейд, Юнг, Фромм каби психологлар одамнинг мифга ружу қўйишини унинг психикаси, майллари, истаклари ҳосиласи сифатида баҳолайди.

Аслида, маъбудга, йўлбошчига, пирга эҳтиёжмандлик – омма, тўда, оломонга хос иллат. Шундай экан, ўзи доно бўлса ҳам, бузғунчи ғояни “маъбуд” деб танлаганининг патологик нуқсони бор. Бу билан тиббий психология жиддий шугулланмоғи керак. Умуман олганда, “маъбуд”ларга эҳтиёжу оломончилик кайфияти бор экан, бу – ҳали шахс хусусиятлари шаклланмагани, онг ҳануз ибтидоий давр эҳтиёжлари билан яшаётгани, ҳали ХХI аср тамаддуни ва маданий онги даражасига ўсиб етишмаганидан дарақдир.

Ақл, билим, тафаккур асосида мустақил хулоса чиқара билиш – шахс хусусиятидир. Одам ўзини доно санаши мумкин, аммо бирор нарса-ҳодиса ҳақида ўз ақлига таяниб хулоса ясаёлмаса, унинг қулдан, бошқача айтганда, Зевсга илоҳ деб топинган ибтидоий аждодидан нима фарқи бор?!

ХХ аср дунё адабиёти ва фалсафасида бу масала кўп ва ҳўб муҳокама қилинган. Фрейд, Юнг, Фромм, Лосев, Барт, Камю, Кафка, Карпентьер, Маркес каби олим ва адиблар асарларида замонавий миф муаммоси батафсил

тадқиқ этилди. Мифни тадқиқ этиш – инсон табиатини, унинг илоҳиёт, коинот, азал-абад, тириклик, ҳаёт билан боғланган ришталарини назардан ўтказиш дегани. Шу сабаб мифга ҳам, унинг талқинига ҳам эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди. Фақат улар ўзгача шакл-шамойил олади, холос. Илгари маъбудга топиниш шаклида юз кўрсатган бўлса, энди сиз айтмоқчи, рекламага, ахборотга, мафкурага, ғояларга қуллик кўринишида намоён бўлади.

Миф ёхуд мифик онг негизида нима ётади? Миф ёхуд мифик онг дунёни илоҳийлаштириб, мутлақлаштириб қабул қиладики, унинг қаршисида инсон ҳаддан зиёд кучсиз, ожиз, чорасиз бўлиб қолади. Шу сабаб ҳам у паноҳ излаб, ихтиёрини мифга топширади. XX аср модернизм намояндалари инсон руҳиятидаги шу ҳолатни кенг ва чуқур тадқиқ этган. Тоталитар жамият қошида муте бир қулга айланган инсон образи, масалан, Кафка асарларида мукаммал тасвирланди. Лосев XX асрдаги ғоя ва мафкураларни “Янги даврнинг янги мифлари” деб атаган эди. Унинг бу фикри, ажабки, шу асраёқ тўлиқ тасдиғини топди. Ўша янги мифлар инсониятни бир асрда икки марта жаҳон урушига дучор этди. Ҳитлер деган “маъбуд” бутунбошли миллатни ўзига мафтун этиб, уни “олий ирқ” деган сафсатага ишонтирди. Шўро халқи Сталинни қарийб 30 йил Олимпда ўтирган Зевс деб тасаввур қилди. Умуман, XX аср яратган аксар ғоя ва таълимотлар миф ролини бажарди. Бу эса инсон табиати ўзгармаслиги, уни фақат маърифат кутқаришини яна бир қарра исботлайди.

Турли бузғунчи ғояларга эргашиб кетаётганларга, ижтимоий сабаблар билан бир қаторда, миф ва психология нуқтаи назаридан ҳам баҳо бермоқ керак. Гапингизда жон бор – бугунги ахборот технологиялари тараққиёти даврида ҳар қандай ғояга мифологик кўлам бериш жуда осон бўлиб қолди. Ёш болаларга тақдим этилаётган компьютер ўйинлари ҳам аслида миф, ўз ғоясини мифик усулда ёйиш. Ибтидоий даврда инсоннинг табиат олдидаги ожизлигидан қоҳинлар, йўлбошчилар, ҳукмдорлар қандай фойдаланган бўлса, бугун ҳам турли кучлар шу усулда ўз ғоясига муте қулларни йиғишда давом этяпти. Бола кўнглида ёвузликка мойиллик уйғотишга мўлжалланган ўйинларнинг қадимги мифларни ўз манфаатига мослаб илоҳийлаштирган қоҳинлардан асло фарқи йўқ. Ёвузликни мақсад қилган кучлар бундай ўйинлар орқали болалар қалбидан майдон излайди. Қалбида шундай майдон ҳосил қилинган бола эса, ўзи англамаган ҳолда, қон тўкишга, қирғин қилишга мойил бўлиб улғаяди. Биз болага эзгуликдан қанча сабоқ бермайлик, кўнглидаги ўша майл бир кун уни бузғунчи ғоялар, ғаддор кучлар томон етаклаб кетаверади. Бу – масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳат эса маданий онг даражаси билан боғлиқ. Маданий онг даражаси қанча паст бўлса, мифларга, маъбудларга, йўлбошчиларга эҳтиёж шунча кучли бўлади. “Мен”ини тополмаган одам ўзини бошқаларда кўргиси, бошқалар орқали намоён қилгиси, ўзга ғоялар воситасида ўзини билдиргиси келади. Юнг буни оддийроқ тушунтиради: қаерда оломончилик кайфияти ва тафаккур тарзи устун бўлса, шу ерда йўлбошчига,

“маъбуд”га эҳтиёж кучли бўлади. Мустабид бўлиб туғилмайдилар, мустабид бўлиб яраладилар, деган эди Борхес. Мустабидни ўша халқ, ўша миллатнинг онг, тафаккур, маданий даражаси йўқдан бино қилади.

Демак, биз ёшларни анъана ва қадриятларни эъозлаган ҳолда ҳар бир воқеа-ҳодиса бўйича ўз нуқтаи назарига эга, мустақил фикрли инсон қилиб камолга етказишга эътибор бермоғимиз, умуман, таълим тизимимиз Шахсни тарбиялашга қаратилмоғи лозим. Эзгуликка хизмат қилмайдиган ҳар қандай ғоя, таълимот, мафкура сохта ва зарарлидир. Унинг сохта ва зарарли эканини эса фақат Шахс фoш эта олади.

– Менимча, олимлик ҳақиқатни изламоқ, топмоқ ва уни бошқаларга етказмоқдир. Булари осондек. Қийини ўша ҳақиқатни ошкор этганингиздан кейин бошланади, чунки у маълум кучларга ёқмаслиги мумкин-да. Шу нуқтада илмий иқтидор орқа қаторга ўтиб, шахсий жасорат олдинга чиқади, чамаси. Неча-неча илмий иқтидор соҳиби шахсий жасорати йўқлиги боис руҳан синиб, сафсатабозга айланганидан юрак эзилади. Кўз олдида биров сувга чўкиб кетган-у, томошабин бўлиб туришдан бошқасига ярамаган одамдек ҳис этасиз ўзингизни. Чўкаётган одамни-ку, дейлик, қутқарув чамбараги ташлаб халос этиш мумкиндир. Қўрқув боис ҳалокатга юз тутаяётган олимлар учун бирор “қутқарув чамбараги” борми, нима дейсиз?

– Бу саволингиз анча жиддий, унга бир суҳбат доирасида жавоб бериш мушкул. Бир гапни рўй-рост айтиш жоиз, “қўрқув синдроми” бизда бугунги кунгача на фалсафа, на адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Бироқ бу махсус ўрганилиши, тадқиқ этилиши шарт бўлган мавзулардан бири деб ўйлайман.

Аввалги савол билан боғласак, миф замонидан бизга мерос қолган энг ёмон иллат ана шу қўрқув. Қўрқув – мифнинг, юзига мифдан ниқоб тортиган кучнинг, умуман, зўровонликнинг қуроли. Қўрқув яшаётган экан, демак, қонимизда миф, унинг шарпаси кўпириб оқяпти, у янгича шаклу шамойилда яшаяпти. Қўрқув қонимизга шу қадар сингиб кетганки, ҳалигача қатикни ҳам пуфлаб ичамиз. Бу гап, биринчи галда, биз – олимларга тегишли.

Инсон тафаккури қанчалик юксалмасин, барибир, у – аввало, биологик мавжудот. Унда ҳам худди қурт-қумурсқа каби ҳимояланиш, ўзини ихота қилиш инстинкти бор. Тушунган бўлсангиз, инсонга қандай шароит яратилса, у ўшанга мослашади, демоқчиман. Агар жамият иқтидорсиз ва қўрқоқ кимсаларни алқаса, Худо ато этган иқтидору жасорат эгалари ўзини четга олади – ўз-ўзини ҳимоя қилиш механизми ишга тушиб кетади. Истеъдодсизлик рағбат олган жойда иқтидор яшамайди, қўрқоқлик улуғланган жойда жасорат бош кўтармайди. Бу – табиат қонуни, эволюцион ҳақиқат.

Агар одамда тафаккур, маданий онг Шахс даражасига юксалмаган бўлса, у юзта олимлик дипломига эга бўлса ҳам оломоннинг бир бўлаги-

лигича қолаверади. Оломондан китоб титгани билан фарқланади, холос. Агар олим Шахс бўлса, унда қўрқув йўқолади. Миф Шахс тафаккурига дош беролмайди, кесакдек уваланиб кетади, ўзининг ёлғону сафсата эканини, яъни, асл башарасини фош қилиб қўяди. Қутқарув чамбараги – шу: Шахс бўлиб тарбияланиш.

Умуман олганда, жамият ўз фуқаросининг Шахсга айланишидан манфаатдор бўлса, уни ана шунга рағбатлантирса, зарур ҳолларда мадад берса, мамлакат ҳар томонлама тараққий этади. Шахслик хусусияти йўқ халқ эса, афсуски, ўртача онг даражасида оломоннинг олимпиа олимларнинг оломони бўлиб қолаверади.

– Бу муаммони олдинроқ бир суҳбатда ҳам кўтарган эдик. Азбаройи долзарблигидан сизнинг фикрингизни ҳам олсак дедик. Вилоят ҳокимининг селектор йиғилишида бировларга ёғдирган ҳақорати интернетда катта шов-шув кўтарди – кенг жамоатчилик бу воқеадан ғазабга келди, мазкур хатти-ҳаракатни қоралади. Адолат юзасидан айтайлик, гарчи озчилик бўлса-да, ҳокимнинг тарафини олганлар ҳам топилди. Хуллас, шу можарони кузататуриб, бу ёғига халқни куч билан, қўрқитиб бошқариш мумкин эмаслигига шахсан мен имон келтирдим. Бугун лавозимга келаётган кишига раҳбарлик ваколатининг ўзи кифоя эмас, у лидерлик қобилиятига ҳам эга бўлмоғи керак. Етакчининг одатдаги раҳбардан асосий фарқи – у жамоани куч ишлатмай, мажбур қилмай бошқара олади. Ўзингиз бир кезлар “Фан” нашриётига раҳбарлик қилгансиз, ҳозир эса Адабиёт музейи директорисиз. Сиз янги ижтимоий шароитда раҳбарлик ва лидерлик уйғунлашувини қандай тасаввур этасиз?

– Тамаддун ғилдираги бетиним олға интиляпти. Бу – жуда шафқатсиз жараён. Тамаддунга қадамини ростламаган халқлар катта йўл четига чиқиб қолиши тайин. Ўрта асрларга хос бошқарув усули билан бугун нафақат дунё афкор оммасига кулги ва масхара бўласиз, балки тамаддунга қарама-қарши борганингиз учун бир четга улоқтириб ҳам ташланасиз. Бугун қайси халқнинг маданий онг даражаси юксак, дунё билими ва ҳаёт тарзини ўзлаштирган, шахслик фазилатини эгаллаган бўлса, ўша халқ тамаддун чархи марказига қараб интиляпти. Ҳали ҳам ўрта асрларда юрибмиз деб хаёл қилиб, шунга яраша иш тутаётган, чунончи, бошқараётган кимсалар ўз халқини тамаддун “арава”сидан тушириб қолдиришга хизмат қиляпти. Бу – ҳозирги социологик тадқиқотлар хулосаси.

Бугунги раҳбарлар бир ҳақиқатни – биз XXI асрда, маданий дунёда яшаётганимиз, ҳар бир қилган қилиғимиз ва айтган сўзимиз бутун халқимиз, миллатимизга ёрлик бўлиб ёпиштирилишини англаши керак. Ҳамонки кимдир шуни англамас экан, унда халқимиз XXI аср тамаддунидан ўзига яраша ўрин эгаллашига халақит бермасин, майли, ўша ўрмонига бориб, ёввойи қилиқларини қилаверсин.

Тана бошга муҳтож бўлгани каби халқ ҳам бошқарувга муҳтождир. Бу борада барчанинг фикри бир жойдан чиқади. Бошқарувни қандай ташкил

этмоқ керак? Мазкур савол ўртага қўйилгач эса, фикрларда фарқланиш бошланади. Ҳўш, XXI аср маданий дунёси бошқарувда қандай тамойилларга таянмоқда? Замонавий социология бу борада ўз олтин қоидаларини ишлаб чиққан. Интернетга кириб, савол ёзсангиз бас, мониторда узун рўйхат пайдо бўлади. Мен бу тамойиллар ичидан фақат биттасини айтиб ўтмоқчиман. Бошқарув ҳар бир ходимга ўзидаги кучли жиҳатларни намён этиши, айна чоқда, заиф жиҳатларидан қутула бориши учун шароит яратмоғи керак. Раҳбар шу биргина олтин қоидага амал қилса ҳам, қўл остидаги ходимлари меҳнати ўн карра самарали бўлади. Хуллас, эндиликда бошқарув кўпроқ ақлга, интеллектга таянмоғи керак, кучга, зўравонликка эмас.

Бу саволга ҳам яна раҳбар, аввало, Шахс бўлмоғи лозим, дея хулоса ясаш мумкин. Шу ўринда яна бир мақолни ёдга олсак: “Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди”. Бу мақолни ҳозирги шароитда айнан Шахс, биринчи галда, раҳбар Шахсга боғлаб талқин этиш жоиз. Чунки миллат ва Ватан юкига мардона елка тутувчи айна шу Шахсдир. Шахс мақомига юксалмаган раҳбар эса халқни майдалаштириш, тубанлаштиришдан, Ватан тараққиётини орқага тортишдан бошқасига ярамайди.

– Бозор муносабатлари фақат иқтисодиётга жорий қилинмоғи керак, деб ваъз айтаминиз-у, аммо у бош суқмаган соҳанинг ўзи қолмади-ёв. Мени тижорат маърифат жабҳасига ҳам тобора ёпирилиб кираётгани айниқса ташвишга солади. Аслида-ку, тижорат маърифийлашса, бу – кони фойда. Аммо маърифат тижорийлашса-чи? Қодири қудрат – бозор муносабатлари шароитида маърифатнинг тижорийлашмаслиги мумкинми ўзи? Сиз жаҳонгашта олимларимиздансиз, чет элларга бот-бот чиқиб турасиз, хорижий давлатларда бу борада аҳвол қандай? Умуман, маърифат ва тижорат қоришувининг истиқболи ҳақида ўйлаганда кўнглингиздан қандай фикрлар кечади?

– Бозор иқтисоди замонида маърифатнинг, тўғри маънода, тижоратлашувини ижобий қабул қилиш мумкин. Яъни олиму санъаткор ўзи яратган илмий ёки бадиий асар учун дурустгина тақдирланса, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Фақат мақсад моддийга қаратилмаса бўлгани.

Мен борган кўп давлатларда вазият бизникидан анча бошқача. Дейлик, Буюк Хитой деворини олиб қарайлик. Бу обидани томоша қилишга келганларнинг аксари – маҳаллий халқ. Тарихий масканларни вақти-вақти билан зиёрат қилиш улар учун одатга айланган.

Хитойнинг Ланжоу университетига сафарим чоғида бир ишбилармон ҳиммат қилиб, барча қишлоқдошларига ўзиникидек янги уй солиб берганини айтишди. Бошқа бир тадбиркор эса ўнтача кийим-бош, тўрт-бешта қўл-ёзма сақланаётган кичик бир музейга катта миқдорда пул хайрия қилибди.

Шундай хабарларни эшитиб, ўйланиб қолади одам. Хориждаги кўп ишбилармонлар музейларга қатнагани, сармоясининг бир қисмини маъ-

рифатга сарфлагани учун ҳам янгича тафаккурга эга, яъни миллат қанча маърифатли, маънавиятли бўлса, бизнинг бойлигимиз ҳам шунча кўпаяди, деб ўйлашармикан? Ёки биз билмаган бошқа сабаблари ҳам бормикан?

Нега бизнинг сарватдорлар топган пулини данғиллама иморату дабдабали тўйларга сарфлаб, маърифатсизлик тегирмонига сув қўйиш билан овора?!

Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи нафақат республика-миз, балки қўшни давлатлар орасида ҳам ягона адабиёт музейи ҳисобланади. Бу ерда халқ ижодиёти намуналари, қадимги давр адабиёти, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимиз меросидан тортиб бугунги кунгача бўлган адабий ҳаёт кўрғазмаларда тўлиқ акс топган. Музейда жуда ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар, шоир ва адибларимизнинг архив материаллари сақланади. Бу музей, аслида, миллий маънавиятимиз кўзгуси.

Ўз миллати фольклорини, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалари меросини севган, қадрлаган миллат вакили йилда ҳеч бўлмаса бир бор музейга келиб, уни зиёрат қилиши керак эмасми? Оддий халқни, пул топиб ақл топмаган бойваччаларни-ку қўятурайлик, ўзини зиёли, ижод аҳлидан деб юрганларнинг неча фоизи бу даргоҳга қаддам босган экан?!

Биз адабиёт ва санъат миллат руҳининг кўзгуси эканини теран англагандан сўнггина маърифат ва тижорат уйғунлашуви ҳақида орзу қилсак ярашади.

– Мафкура ва фан – ижтимоий-руҳий фаолиятнинг бир-биридан фарқли икки мустақил соҳаси. Айни чоқда, улар ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир шароитида ривожланиб боради. Бундай чамбарчас боғлиқлик айниқса мафкура ва ижтимоий-гуманитар фанлар муносабатида кўзга яққол ташланади. Агар мафкура ва фан тенгхуқуқлилик асосида елкадош, ҳамкор бўлса, бундан иккиси ҳам фақат наф кўриши аниқ. Аммо улардан бири устунлик даъво қилса, бошқасига ҳукмини ўтказмоқчи бўлса-чи? Ахир, совет даврида мафкуранинг фанга ана шундай тазйиқи илмий салоҳиятимиз пасайиши, сохта назариялар урчишига сабаб бўлмадимми?! Ўзингиз ҳам гувоҳсиз, фалсафа, сиёсатшунослик, социология, ҳатто адабиётшуносликка оид айрим монография ва мақолаларда мафкура фанни ҳамон ўзига тобе қилиб олган. Сизнингча, нима қилсак, мафкура ва фан муносабатини оқилона йўлга қўя оламиз?

– Фан миллат ва Ватанга, уларнинг тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилмоғи керак. У чиндан-да ана шуларга хизмат қилса, демак, у – мафкуравий, агар бундай бўлмаса, у ғайриилмий, ҳатто ғайриинсоний ҳамдир. Мен мафкурани шундай тушунаман. Илм-фанга ўткинчи давр сиёсати кўзи билан қарамаслик лозим. Сиёсий қарашлар ўзгариб, алмашилиб туради. Фаннинг, худди санъат ва адабиёт каби, бош вазифаси – миллат

ва Ватанга хизмат қилиши эса ўзгармайди. Фан учун мана шу – мафкура. Фанни сиёсатга эмас, халқ ва Ватанга хизмат қилдириш керак. Шунда у жадал ривожланади. Афсуски, биз узоқ йиллар сиёсатни фанга тиқиштиришни мафкура деб билдик. Шўро тузуми даврида шундай бўлмадимиз, ахир?!

Биз бугун ҳам ўша кайфиятдан тўлиқ қутула олганимиз йўқ. Қўлоғимиздан кишанлар ечилиб, вужудимиз озод бўлган эса-да, тафаккуримизда ҳали ҳам кишанлар жаранглаб турибди. Бунинг сабаблари кўп. Юқорида айтганингиздек, ҳамон қўрқув ҳисси ҳукмрон. Иккинчи томондан, биз ўзимиз, яъни фан аҳли ҳам ўшандай мафкурага мойил бўлиб қолганимиз. Бу мойиллик яна қанча давом этади – билмайман.

Мамлакат раҳбари қайта-қайта бир фикрни урғулапти: илм-фан тараққиётисиз, адабиёт ва санъат ривожисиз ҳеч бир натижага эришиб бўлмайди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи тенденциялар бунинг айни ҳақиқат эканини тасдиқламоқда. Бугун қайси мамлакатда илм-фан ривожланаётган бўлса, у тараққий топяпти. Қайси юртда илм-фан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёхуд, сиз айтгандек, фақат жорий сиёсий режимга бўйсундирилган бўлса, уни албатта таназзул кутяпти.

“Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни”, деган мақолни яратганда аждодримиз техника ҳозиргидек ривожланиб кетишини, эҳтимол, тасаввур қилмагандир. Бироқ у инсон ақли, билими ҳар нарсадан устун эканини дил-дилидан ҳис этган. У омоч ҳайдайдими, пода боқадими, аждодлардан мерос анъаналарга қоришиқ Улкан Билимга имкон қадар суяниб иш кўрган.

Хоҳлаган жойингга дарров элтиб қўядиган учар гиламлару дунёнинг нариги бурчагидаги воқеалардан хабардор этувчи ойнаижаҳон ҳақида эртақлар тўқилганида булар куруқ хаёл эмасди. Бу орзу-умид, тахмин-башоратлар маълум даражада илмдан, тафаккурдан озикланган.


Америкалик футуролог Элвин Тоффлер “Ҳокимият жилвалари” деган асарида “Келажак эра – билим эрасидир”, дейди. Олим бежиз бундай деяётгани йўқ. Буни келажак формуласи деб қабул қилиш мумкин.

Фан қачон ривожланади? Қачонки у эркин, яъни ҳар қандай тазйиқдан холи бўлса. Фан билан машғул одам илмдан бошқа нарсани ўйламаса...

Фаннинг эркинлиги, аслида, бутун жамиятнинг, чунончи, мафкураининг ҳам тараққиёти гаровидир.

Президент Шавкат Мирзиёев соҳамиз вакиллари билан учрашувда бежиз бундай деб таъкидлагани йўқ: “Ҳамма соҳанинг келажаги сиз олимларга, илм-фанга боғлиқ. Бундан кейин мамлакатимизга келаятган ҳар бир хорижий инвестициянинг муайян фоизи илм-фанни ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлашга йўналтирилади. Илм-фан ривожлансагина эртанги кунимизни тасаввур қила оламиз”.

Муҳиддин РАҲИМ суҳбатлашди.



АХЛОҚ О‘ЗГАРУВЧАНМИ?

Журналда¹ чоп этилган “Ахлоқийлик меҳвари” номли мақоламизга турлича фикрлар билдирилган эди. Гарчи ўша мақолада ахлоқнинг вужудга келиши, манбаи ҳақида сўз юритилмаган, бу масалани кўтариш мақсади ҳам бўлмаган эса-да, эътирозлар орасида бизга ахлоқнинг манбаи, келиб чиқиши ҳақида саволлар берилган. Жумладан: “Хўш, “ахлоқийлик – кишилар ўртасидаги муносабатда бутун жамият тўғри деб қабул қилган хулқ-атвор меъёрлари”ми ёки илоҳий йўл-йўриқлар асосида шаклланган ижтимоий муносабатлар тизимими?” “Ахлоқийлик – кишилар ўртасидаги муносабатда бутун жамият тўғри деб қабул қилган хулқ-атвор меъёрлари” бўлса, унда жамиятни ташкил этувчи шахслар қачон ва қай тарз тўпланиб бу ўлчов-меъёрларни ишлаб чиққан ва бир тўхтамга келган?”² Шунингдек, яна таъкидланган эдики, “Мақолада

(“Ахлоқийлик меҳвари” – Х.Й.) жуда нозик масала, нозик бўлганда ҳам киши эътиқоди билан боғлиқ анча ҳассос ва теран ахлоқ масаласи кўтарилган”. Ваҳоланки, бизнинг мақоламиз “Диний эътиқод кишиларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатларига етарлича таъсир қилдими?” деган савол устида эди. Бошқача айтганда, қўйилган савол социологик характерда эди. Яъни ахлоқ ҳақида эмас, кишиларнинг хатти-ҳаракати, ўзи тўғри деб билган меъёрларга, эътиқодга амал қилиши масаласида эди. Мақоланинг мақсади ва унда кўтарилган масала хато тушунилгани боис, билдирилган танқидларни ноўрин ҳисоблаб, ўша вақтда жавоб бермаган эдик.

Аввало таъкидламоқ лозимки, ахлоқни яратиш, унинг меъёрларини асослаш, таҳлил ва танқид қилиш бошқа масала, ахлоқ ўзи қандай вужудга келган, деган савол эса

¹ “Тафаккур” журнали, 2012 йил, 4-сон.

² “Тафаккур” журнали, 2013 йил, 3-сон.

бошқадир. Биринчиси дин ва фалсафа доирасидаги савол бўлса, кейингиси метаэтик характерда бўлиб, социология, антропология, тарих, психология каби фанлар шуғулланади.³ Ахлоқ масаласи дин учун хассос мавзу бўлиши мумкин, аммо фан ва фалсафа учун рационал масаладир. Биз бу масалани эҳтиросларга, миллий ва диний тарафкашликларга берилмай, холис ўрганиш тарафдоримиз. Бунинг уддасидан қанчалик чиқа оламиз – бу энди бошқа масала. Мақсадимиз кўр-кўрона эътиқодлардан четлашиб, тафаккур қилиш ва ўзгаларга ҳам фикр юритишга туртки беришдир.

“Хўш, “ахлоқийлик – кишилар ўртасидаги муносабатда бутун жамият тўғри деб қабул қилган хулқ-атвор меъёрлари”ми ёки илоҳий йўл-йўриқлар асосида шаклланган ижтимоий муносабатлар тизимими?” Аслида саволнинг ўзи тўғри қўйилмаган. “Ахлоқийлик – кишилар ўртасидаги муносабатда бутун жамият тўғри деб қабул қилган хулқ-атвор меъёрларидир” ва “Ахлоқийлик – илоҳий йўл-йўриқлар асосида шаклланган ижтимоий муносабатлар тизимидир” деган ҳар икки ҳукм ҳам қатъий тарзда бир-бирини инкор қилмайди. Жамият доим ниманики илоҳий ҳисобласа, ўшани тўғри билган ва ниманики тўғри ҳисобласа ўшанга илоҳийлик мақомини бериб келган. Муаммо эса қай бири бирламчи эканида. Хулқ-атвор меъёрларини кишилар хоҳ илоҳий ҳисобласин, хоҳ ҳисобламасин, нимани қабул қилиш ва нимага амал қилиш инсоннинг ўзига боғлиқдир. Яъни ҳар қандай йўл-йўриқ илоҳий деб эътиқод қилинса-да, одамларнинг ахлоқий туйғуси уни қабул қилмаса, унга амал қилиш чекланиб қолаверади. “Қадимги аҳд”да ота-онага бўйсунмаган фарзанд ўлдирилиши буюрилган: “Агар ўғил ота-она гапига қулоқ солмайдиган, ўжар ва итоатсиз бўлса, жазоланганида ҳам гапга кирмаса, ота-она уни шаҳар дарвозасида ўтирадиган оқсоқоллар қошига келтирсин. Ота-она оқсоқолларга “Бу ўғлимиз ўжар ва итоатсиз, очкўз ва майхўрдир”, десин. Шундан кейин шаҳар эркаклари ўша йигитни тошбўрон қилиб ўлдирсин”⁴. Яхудийлар бу буй-

руқнинг илоҳийлигини инкор этмайдилар, аммо амал ҳам қилмайдилар. Нега? Зино учун тошбўрон қилиш, ўғирлик учун қўл кесиш шариатда белгиланган, мусулмонлар шариатнинг асосини илоҳий ҳисоблайди, аммо нечта мусулмон давлатида бунга амал қилинади?

Бу – кишиларнинг ахлоқсизлигиданми, мунофиқлигиданми ёки бошқа омиллар ҳам борми? Агар ахлоқсизлигидан бўлса, қайси ахлоққа кўра ахлоқсиз улар?

Бугун одамларнинг жиноят ва жазога муносабати ўзгарган. Бошқача айтганда, ахлоқий тушунчалар, қадриятлар ўзгарган ва бу ўзгариш қонунларга ҳам кўчиб ўтган. Бугунги яхудий ота итоатсиз фарзандни ўлдириш ҳукмини илоҳий ҳисобласа-да, унинг ахлоқий туйғуси уч минг йил аввал яшаган аждодиникидан фарқли. Унинг хатти-ҳаракатларига уч минг йил аввалги меъёрлар эмас, бугунги қадриятлар, тушунчалар кўпроқ таъсир ўтказди. Бинобарин, ахлоқнинг қандай бўлишини, нима тўғрию нима нотўғрилигини белгилаб берувчи бошқа омил мавжуд. Аммо ўша омил диний эътиқод эмас. Аксинча, диний эътиқод ўша омилнинг мисоли кўзгудаги аксидир. Аввал ахлоқий қарашлар ўзгаради, сўнг диний эътиқодлар, талқинлар уларга мослашиб боради. Янги динлар, мазҳабларнинг вужудга келиши, эски матнлар янги талқин қилиниши, диний жамоалар ичида мўътадиллар ва радикаллар, консерваторлар ва либераллар ўртасида кураш кетиши бесабаб эмас. Инсоният тарихида қанчадан-қанча диний таълимотлар, ахлоқий қарашлар вужудга келган, қанчадан-қанчаси ном-нишонсиз тарих қаррига кўмилган! Шундан кейин ҳам биз билган бугунги ахлоқий қарашлар доим бўлган, мутлақ ўзгармаган дейиш мумкинми? Агар-



³ *Норматив ва дескриптив ҳукмлар ўртасидаги фарқ ҳақида бошқа ўринда сўз юритганмиз (Билим ва қадриятлар баҳси. “Тафаккур” журнали, 2013, йил 2-сон). Ана шу икки тур ҳукмлар ўртасидаги фарқни англамаслик фанни дидактикага айлантириб қўяди; фан, фалсафа ва дин ўртасида ноўрин зиддиятларга сабаб бўлади.*

⁴ *Қонулар, 21:18-21.*

ки биз ахлоқий қарашлар доимо ҳозиргидек бўлган, у мукамал ва ўзгармайди десак, у ҳолда “Жамиятни ташкил этувчи шахслар қачон ва қай тарз тўпланиб, бу ўлчов-меъёрларни ишлаб чиққан ва бир тўхтамага келган?” деб савол қўйиш ўринли. Башарти ундай бўлмай, ахлоқ тадрижий тараққиёт ҳосиласи бўлса, бундай савол мутлақо ўринсиз. Бошқача айтганда, ахлоқ энг примитив меъёрлардан бошлаб ўзгариб, мураккаблашиб, ҳар бир даврда ўзига хос кўриниш касб этиб, минглаб авлодлар оша ривожланиб келган. Яъни кимлардир тўпланиб ахлоқни ишлаб чиқмаган. Гапимиз тушунарлироқ бўлиши учун бир ўхшаш ҳолни мисол келтирсак. Ҳозирги самолётларни кимлар қачон тўпланиб ихтиро қилган, деб савол бериш мумкинми? Агар илк учоқлар пайдо бўлгандан бошлаб ҳозиргача ўзгармаган, такомиллашмаган десак, бу савол ўринли. Аммо аксинча бўлса-чи? Замоनावий ҳаво кемаларининг вужудга келишида “инсон уча оладими” дея илк бор савол қўйган одамдан тортиб, аэродинамика қонунлари кашшофларигача, учаман деб йиқилиб майиб бўлган ҳаваскор ихтирочилардан тортиб замонавий учоқлар ишлаб чиқарувчи компанияларга тегишли тадқиқот марказларигача, турли замон ва маконларда яшаган шу соҳага алоқадор барча кишиларнинг ҳиссаси бор. Ҳамма бир-бирининг хато ва ютуқларидан ўрганган. Ахлоқ борасида ҳам шундай – ўзгалар хатосидан ўрганамиз, муваффақият қозонса, тақлид қиламиз. Асрлар оша инсониятнинг ўзаро муносабатлардаги тажрибаси ҳам ошиб бораверган. Хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий муносабатни олинг, оддийликдан мураккаблик томон ривожланган. Ҳозирги иқтисодий ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатлари ёки сиёсий муносабатларни икки минг йил олдинги шундай муносабатлар билан солиштириб кўринг-чи! Мураккаблашув ўз-ўзидан янгича тартиб-қоидаларни тақозо этади. Бу каби ҳолатларни тугал ва мутлақ тўғри изоҳлашга даъво қилмаган ҳолда ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Бугун ижтимоий ҳаёт, ахлоқ ҳақида гап кетганда аксар зиёлилар ахлоқнинг такомиллашмаётгани, тараққиёт фақат ишлаб чиқа-

риш, фан ва технологияларда кузатилиши, одамлар ёвузлашиб, урушлар кўпайиб бораётгани ҳақида гапирди. Шу нуқтаи назардан, икки тур қарашни ажратиш мумкин:

а) илм-фан ва технология, одамларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, бироқ уларнинг ахлоқида илгари силжиш йўқ, аксинча, тубанлашиш кузатилмоқда;

в) кишилар ахлоқида илгари силжишни инкор этиб бўлмайди.

Ушбу қарашни таҳлил қилишдан аввал қуйидаги саволларга аниқлик киритиб олиш лозим. Ахлоқ ўзи нима? Ахлоқий прогресс нима? Ахлоқий таназзул-чи? Агар ахлоқий прогресс ёки таназзул юз берса, буни қаердан, қайси мезонларга кўра биламиз? Чиқарган хулосамиз бир томонлама, миллий ва диний қобиққа ўралган – маҳдуд эмаслигини қандай асослаш мумкин? “Кишилар ахлоқида илгари силжиш йўқ” деганда нима тушуниш лозим? Уларнинг ахлоқий тушунчаларидаги ўзгаришними ёки ўзлари тўғри ҳисоблаган меъёрларга қанчалик амал қилишиними?

Бу каби саволларга мутлақ тўғри ва тўлиқ жавоб беришга даъво қилмасак-да, уларни имкон қадар таҳлил қилиб, хулоса чиқаришга уриниб кўрамиз.

Ахлоқ нима?

Кўпчилигимиз ахлоқ деганда қандайдир мавҳум, минг-минг йиллар муқаддам пайдо бўлган, ўзгармас, барча инсоний муносабатлар, ҳаттоки соф шахсий қилмишларимизни ҳам тартибга солиши лозим бўлган “куч”ни тушунамиз. Бу “куч” асосан виждон, илоҳий қонун ёки бирор мифологик образда ифодланади. У мутлақ бўлгани боис ўзгармайди, замон ва маконни тан олмайди, инсон хатти-ҳаракатларига баҳо беришда бирламчи мезондир. Кенг тарқалган айтиш шундай нуқтаи назарга таяниб ижтимоий муносабатлар, қадриятлардаги ҳар қандай ўзгариш ё тубан кетиш ёки ахлоққа мувофиқ дея баҳоланади. Кишиларнинг унга мувофиқ ҳаракат қилиши ахлоқнинг илгариллаши деб тушунилади. Бу ахлоқий тушунчаларнинг илгариллаши ёки унга амал қилишининг илгариллаши? Бизнингча, ахлоқий прогресс ва унга амал қилишдаги илгариллаш айтиш бир нарса эмас.

Ўқувчи ёдда тутсинки, биз сўз мавзуи қилиб олган масала ахлоқий тушунча, қадриятлардаги прогресс борасидадир.

Биз ахлоқнинг мутлақ экани, ўзгармаслиги, барча замонлар учун ягона бўлишини инкор қиламиз. Уни мавжуд шароит ва эҳтиёжлар ҳосиласи ва ўз навбатида, ўша шароитга таъсир этувчи меъёрлар йиғиндиси сифатида кўрамыз. Меъёрлар рационал йўсинда асосланадими, илоҳий куч номи билан дастакланадими ёки шунчаки мажбурлов билан – бунинг аҳамияти йўқ.

Ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлардир. Шахс ва жамият манфаатию эҳтиёжга хизмат қилиши, амалда иш бериши уларнинг мавжудлигини оқловчи ва бардавомлигини таъминловчи бирламчи мезондир. Манфаат ва эҳтиёжлар ўзгариши билан уларга хизмат қилаётган меъёрлар ҳам эскиради. Зеро, бир муҳитда ижобий натижа берган меъёрлар ўша муҳит ўзгаргач, акс натижа бериши мумкин. Бу фикримиздан ўқувчида савол туғилиши табиий: эҳтиёжга хизмат қилса, ўрни келганда ўғирликни ҳам ахлоқан оқлаш мумкин экан-да? Бу ўринда эҳтиёж деганда жамиятнинг мавжудлиги, кучлилиги, бошқа жамиятлар билан рақобатга дош бера олишини назарда тутдик. Зеро, ахлоқ – ижтимоий ҳодиса. Аъзоларининг асосий қисми ўғри бўлган жамият барқарор туриши мумкинми? Ёки ёлғончи бўлса-чи?⁵ Табиийки, бундай жамият узоқ яшамайди. Эҳтиёж ва манфаатни эски меъёрларга мослаштиришга уриниш эса самара бермайди. Бу чақалоқнинг либосини катта одамга кийдиришга уринишдек беҳуда иш. Буни турли замонларда яшаган кишиларнинг ахлоққа муносабатидаги фарқда яққол кўриш мумкин. Дейлик, антик давр юнон файласуфлари баъзи инсонларнинг табиятан кул экани, баъзилар эса бошқариш, етакчилик қилишга қобиллиги ҳақидаги мулоҳазаларига таяниб, кулдорликни оқлаган бўлса, ҳозирги замонда барча инсонлар ягона генофонд-

га эгаллиги, ирқчилик ғайриилмий асосларга таяниши айтилмоқда. Табиийки, инсон табиатига доир қарашлар, илмий хулосалар янгилианиши, чуқурлашиши билан ахлоқий қарашлар ҳам ўзгарган. Ахлоқий меъёрлардаги ўзгаришни сунъий тарзда жиловлаш, хусусан, уларни миллий ва диний қадрият ўлароқ ўзгармас, муқаддас деб билиш ижтимоий шароит ва хизматини ўтаб бўлган меъёрлар ўртасида катта жарлик пайдо қиладики, оқибатда жамиятда иккиюзламачилик ва мунофиқлик урчиб кетади. (Диний, миллий ва мафкуравий жиҳатдан маҳдуд халқлардаги бугунги аҳволни кузатсак, буни пайқаш қийин эмас.)

Ахлоқ ибтидоси

Шу ўринда ахлоқ ўзи қандай пайдо бўлган, деган масалага қисқача тўхталсак. Бу масаладаги қарашларни икки гуруҳга жамлаш мумкин. **Биринчиси** – ахлоқий меъёрларни **Худо** ёки **худолар** жорий қилган дегувчи теологик ёндашув. Ушбу ёндашувга кўра, ахлоқ қачонлардир илоҳий куч томонидан инсонларга туширилган (ўқитилган, хабари берилган) ва у ҳукми олий иродасини ифодалагани боис ўзгармасдир. Улар турли муқаддас китобларда ёзиб қўйилган. Ижтимоий тартиб-интизом, кишилар ўртасидаги барқарор муносабатлар ўша илоҳий меъёрларда кўрсатилган. Башарти бу илоҳий меъёрлар бўлмаганда эди, жамият ҳам, ундаги батартиб муносабатлар ҳам юзага келмасди. Уларсиз ижтимоий адолат, кишиларда масъулият ва бурч тушунчалари бўлмас, ўғирлик, одам ўлдириш, инцест авж олар, инсон инсонга бўри бўлиб қоларди. Ушбу ёндашув хатти-ҳаракатнинг ахлоқлилики даражасини инсоннинг фитрати, яратилишдан мақсадига кўра баҳолайди. Инсон нима мақсадда яратилди ва у қандай яшаса ўша мақсадга хизмат қилган бўлади? Бу саволга илоҳий кўрсатмалар жавоб беради. Илоҳий кўрсатмани фақат ва фақат илоҳий кўрсатма бекор қилиши мумкин, асло инсон эмас. Демак, ахлоқнинг меҳвари – инсон ва унинг ақли эмас, илоҳий кўрсатмадир.

⁵ Иммануил Кант (1724-1804) шу масалани бундай ҳал қилади: биз муайян меъёрни ахлоқий деб қабул қилишимиз учун у барча инсонлар учун беистисно универсал деб тан олишимиз керак. Масалан, ёлғонни ахлоқан маъқуллаш мумкинми? Йўқ. Чунки сиз ёлғонни ахлоқан мумкин деб ҳисоблар экансиз, ўзгаларнинг сизни алдашига ҳам кўнишингиз керак бўлади. Демак, ўз шахсий манфаатингизга кўра, ёлғоннинг универсал ахлоқий меъёрга айланишини истамайсиз. Шу маънода, ҳар қандай ахлоқий меъёр инсонларнинг худбинона манфаатларини мувофиқлаштиради. Бинобарин, ахлоқий меъёрларни ўрнатилишида ўз-ўзимизга савол беришимиз лозим: шу ишни бошқалар менга нисбатан қилса, шунга кўнармидим?

Ушбу ёндашув, гарчи содда, тушунилиши осон, оммалашини қулай бўлса-да, айрим фактларни изоҳлашга ожиз. Масалан, жамоа бўлиб яшовчи турли жонзотлар ҳам муайян тартиб асосида кун кечиниши, ов қилиши, боласига ғамхўрлик қилиши, эркак ва урғочилари ўртасидаги муносабатда аниқ тартибот борлиги, ташқаридан қараган кузатувчида улар аниқ меъёрларга бўйсунмаётган-дек таассурот уйғотиши сабабини изоҳлаб бера олмайди. Йиртқич бўрилари ўртасидаги иерархик муносабатларни олайлик, тўда аъзосининг хатти-ҳаракатига қараб унинг мавқеини билиш мумкинлиги ҳайратланарлидир. Жамоа бўлиб яшовчи приматлардаги тартибни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Уларда ҳам инсонникидек ақл бўлганда ўз тартиботларини кодификация қилиши мумкин бўлармиди? Ўша ҳайвонларга ҳам Худо илоҳий китоблар орқали ахлоқни ўргатганми? Қандай қилиб? Нега уларнинг “ахлоқи” бирор ерда ёзиб қўйилмаган бўлса ҳам барчаси муайян тартибга мувофиқ яшайди? Аксариятимиз бунинг сабаби – инстинкт, инсонга эса ақл берилган қабилдаги жавобларни айтаемиз. Наҳотки, ҳайвонларни бир тартибда, ҳеч қандай ёзилган меъёр ва таълимотларсиз уюшиб яшашини таъминлаётган ўша инстинкт инсонда бўлмасми? Ёзув у ёқда турсин, ҳатто тил ривож топмаган даврда ҳам инсонлар уюшиб, тўда бўлиб яшаган. Инсон ҳали инсон бўлмасдан аввал ҳам жамоавий жонзот эди. Жамоанинг мавжудлиги ўзаро батариб муносабатларни тақозо қилади. Эҳтимол аллақачон шаклланиб бўлган, инстинктив асосда бир изга тушиб олган муносабатлар кейинчалик меъёрлар кўринишини олгандир? Вақт ўтиши билан бу меъёрларнинг манбаи ҳақида бош қотирган инсон уларни, дейлик, илоҳий деб талқин қилгандир?

Албатта, ушбу масалага теологик ёндашувнинг турлича вариантлари бор. Масалан, Худо инсонга муайян тартиб асосида

жамоа бўлиб яшаш қобилиятини берган (бошқа жонзотларга ҳам), ахлоқий меъёрлар эса ўша тартиботнинг ақлан англаниши оқибатида тадрижий вужудга келган дейилса, юқорида келтирилган факт буни инкор қила олмайди. Чунки бунда антропоморфик унсурлар камайти ва ахлоқнинг тадрижий тақомили эҳтимол тан олинади ва айни дамда ушбу жараёнга илоҳий “аралашув” ҳам инкор қилинмайди. Аммо устоз шогирдига йўл-йўриқ кўрсатгани каби Худо инсонга ахлоқни бус-бутун ҳолида ўқитган деган тасаввур ахлоқий меъёрлардаги ўзгаришлар фактини изоҳлаб бера олмайди. Шу нуқтаи назардан, ахлоқнинг вужудга келиши ҳақидаги теологик ёндашувларнинг барчасини буткул инкор қила олмасак-да, муайян тур теологик тасаввурларни рад этишимиз мумкин. (Динда антропоморфизм тўлиқ тугатилмагунча, фан ва дин, фалсафа ва дин ўртасидаги зиддият барҳам топиши душвор.)

Ахлоқнинг келиб чиқишига доир теологик ёндашувнинг яна бир заиф нуқтаси ахлоқий меъёрлар Худонинг амри экани билан боғлиқдир. Худо ўғирлик қилмаслик, ёлғон гапирмаслик, одам ўлдирмасликни амр этади. Шу боис, булар ахлоқнинг тамал меъёрларидир. Савол туғилади: Худо амр қилгани учун ўғирлик қилиш, ёлғон гапириш, одам ўлдириш ёмонми ёки бу қилмишлар ёмон бўлгани учун Худо улардан тийилишни амр қилганми? Бошқача айтганда, Х қилмишнинг ўзи ёмон бўлгани учун Худо ундан қайтарганми ёки Худо қайтаргани учун Х қилмиш ёмонми? Агар Худо амр қилгани учун Х қилмиш ёмон десак (теологик волюнтаризм), башарти амр қилмаганда ёмон бўлмасмиди? Ўғирлик қилиш, одам ўлдириш мумкин бўлармиди?⁶ Агар иккинчи версия тўғри – Х қилмиш табиатан ёмон бўлгани сабабли Худо уни тақиқлаган десак, унинг табиати ёмон ёки яхшилиги нимага боғлиқ деган савол туғилади. Агар биз маълум бир қилмишнинг нима учун

⁶ Ушбу савол антик давр файласуфларини ҳам қизиқтирган. Хусусан, Афлотуннинг “Эвтифрон” диалогига муҳокама қилинган. Шунингдек, ислом фалсафасида ҳам муътазиллик ва суннийлик бу борада фарқли қарашда бўлган. Муътазилликлар адолат мутлақлиги, Худонинг иродаси унга мувофиқ келишини таъкидласа, суннийликда эса, аксинча, Худонинг иродаси мутлақ ва у ирода қилгани учун адолат қошмидир (Ignaz Goldziher. *Mohammed and Islam*. New Haven: Yale University Press, 1917. pp. 109-112; Richard C. Martin, Mark R. Woodward, Dwi S. Atmaja, *Defenders of Reason in Islam: Mu'tazilism from Medieval School to Modern Symbol*. Oneworld Publications, 1997. pp. 16-17).

ёмонлиги устида тафаккур қилсак, табиийки, бунга рационал ечим қидира бошлаймиз. Масалан, ёлғон гапириш жамиятдаги ўзаро ишончни йўқ қилади, ўзаро ишонч йўқолса, жамият ҳам барҳам топади. Инсон жамиятдан айро – ёлғиз яшай олмайди, яшаш учун курашда мағлуб бўлади, инсоният қирилиб кетади ва ҳоказо. Бундан ахлоқ ва ахлоқсизликни фарқлаш учун ақлнинг ўзи кифоя, дин шарт эмас, деган хулоса чиқиб қолади.⁷ Саволлар кўп. Бу борада чуқурлашиш эса кўпчилиқда норозилиқ тудиради. Анъанавий теологик ёндашув инсоният эволюцияси ва тарихига доир фактларни тизимли тарзда, ишонарли изоҳлаб бера олмайди.

Иккинчиси – эволюцион ёндашув бўлиб, унга кўра, ахлоқ аввалига примитив шаклда пайдо бўлган ва кейинчалик турлича кўриниш олиб, мураккаблашиб борган; турли даврларда яшаган инсонларнинг мақбул ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қарашларини (истак ва идеалини) ўзида ифодалаб келган меъёрлардир. Бу ўринда меъёрнинг ахлоқийлиги унинг ижтимоий муносабатларни қанчалик тўғри ва самарали йўлга қўя олгани, инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлай олгани билан белгиланади. Ахлоқ меъёрий характерда бўлгани боис, кишилар хатти-ҳаракатига таъсир этиб уни йўналтириб турса-да, вақти-вақти билан шароит етилгач, ўзи ҳам ўзгара бошлайди.

Кичик жамоалар катталлашиб, уруғлар, қабилалар, давлатлар пайдо бўлиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларининг мураккаблашуви инсонларни янги шароитга мослашишга мажбур қилган. Аввалига ўз туғишганлари билан алоқа қилган инсон беғоналар билан тўқнаш келгач, ўз-ўзидан янгича меъёрлар шаклланади. Шароитга мослашув эса ахлоқий меъёрларга таъсир этмай қолмайди, албатта. Бунда, айниқса, ислоҳотчи ҳукмдорлар, файласуфлар ва янги вужудга келган динлар муҳим роль ўйнаган. Шароит пишиб етилгач, аввалги қарашлар ахлоқсизлик деб баҳоланган ва янгича қадриятлар кучга кирган. Ахлоқни вужудга келтирган омил инсондаги жамоавийлик ва айна шу жамоавий тартиботга бўйсуниб

яшаётган инсонларнинг турмуш шароити, эҳтиёжларидир. Инсонлардаги жамоавийлик эса бошқа жамоавий жонзотларда бўлгани каби табиий йўсинда вужудга келган. Ахлоқни ўзгартирувчи ҳам яна шароит ва эҳтиёждир. Зеро, бир муҳитда ижобий самара берган меъёрлар, ўзга муҳитда регрессив таъсир этиши, ижтимоий муносабатларнинг илдамлашига халал бериши мумкин. Тарихда бу каби ҳоллар кўп бўлган, меъёрларни мутлақлаштириб, уларга илоҳий тус берган, шароитга мослаша олмаган халқлар йўқ бўлиб кетган ёки бошқа халқларга қарам ва қул бўлиб қолган. Ислоҳотчилар – ўша шароит ва эҳтиёж талабининг ифодачиси, ўзи яшаб турган муҳитнинг меваси, холос.

Янгича меъёрлар ҳам вақт ўтиши билан эскира боради. Бу билан барча меъёрлар бирдек ўзгаришга учрайди, демоқчи эмасмиз. Баъзи меъёрлар турли шароитларга нисбатан умумаҳамиятлилиги билан узоқ яшайди. Масалан, ёлғон гапирмаслик, ўғирлик қилмаслик ҳақидаги меъёрлар маданий ва иқтисодий жиҳатдан турлича ривожланиш даражасига эга барча жамиятлар учун бирдек зарур. Яъни, ҳозиргача бирорта жамиятда бу каби меъёрлар регрессив таъсирга эга бўлмаган. Бироқ бошқа меъёрлар ҳам борки, умри у қадар узун эмас. Масалан, қачонлардир ҳукмдорлар, диний раҳнамоалару авлиёларни танқид қилиш ахлоқсизлик, ҳатто жиноят саналган. Бироқ илм-фан тараққиёти, демократик ва очиқ жамиятнинг вужудга келиши сўз эркинлиги, танқидий ва холис тафаккур аҳамиятини кўрсатиб бердики, энди юқоридаги каби меъёрларга амал қилиш жамиятда турғунликни вужудга келтириши ойдинлашиб қолди. Худоларга инсонни қурбон қилиш, ирқчилик ва қулдорлик ўз вақтида ахлоқан нейтрал хатти-ҳаракат саналган бўлса, бугун – мутлақо акси. Аёллар ҳуқуқлари, ўзга дин ва тил вакилига тенг муносабатни талаб қилувчи меъёрларни инкор этувчилар сони озайиб бормоқда. Ваҳоланки, бу каби меъёрлар қадимда ўз қавмига хоинлик ва мунофиқлик саналган.

Нафақат ахлоқий меъёрлар, шу билан бирга ахлоқий қадрият ва тушунчалар ҳам

⁷ Бу масала юзасидан Ўрта асрлар христиан теологиясида қизгин баҳслар кечган, яъни инсон ахлоқли бўлиши учун христиан бўлиши шартми, агар ахлоқни рационал ағлаш мумкин эса, черковнинг мавжудлигидан маъно не? Ислам тарихида ақлни нақддан устун қўйган муътазиллийлар танқид остига олинishi сабабларидан бири ҳам айна шу масала бўлган, яъни улар Қуръоннинг – ваҳийнинг аҳамиятини туширишида айбланган.

ўзгаради, айримлари қадрсизланади, яна қайсидир бирлари янгича талқин қилинади. Ёки турли қадриятларнинг аҳамияти бир-бирига нисбатан ошиб ёки камайиб туради. "Қаҳрамонлик", "ватанпарварлик", "хиёнат" каби тушунчалар ҳамма замон ва ҳамма маконда доим бир хил тушунилмаган. Қайсидир даврда ҳарбий қаҳрамонлик дея олқишланган ҳаракатлар бошқа бир даврда жиноятга тенглаштирилган. Қачонлардир душманни буткул қириб ташлаш ватанпарварлик, жасорат ҳисобланган. Вақт ўтиб урушга муносабат ўзгариши билан бу каби ҳаракатлар уруш жинояти деб атала бошлади. Умуминсоний қадриятлар, жумладан, дини, миллати, ирқидан қатъи назар, барча инсонлар тенг қадр-қимматга эгалиги ҳақидаги ахлоқий тушунчалар шаклланган, жуда кўп қаҳрамонликлар геноцид, қатлиом номини олди. Ҳатто ватанпарварликнинг ўзига-да истехзоли муносабат мавжуд.

Шуларни ҳисобга олиб, ахлоқни замонга мувофиқ ўзгариб боровчи динамик ҳодиса дейиш мумкин. Доим шундай бўлади деб башорат қилиш фикрдан йироқмиз. Аммо бугунгача бу жараёни тўхтатиб қолишнинг имкони бўлмаган. Тўхтатишга қаттиқ бел боғлаган миллатлар таназзулга учраган ёки таслим бўлган. Бу каби ўзгаришлар, ҳатто, энг консерватив куч саналувчи динда ҳам кузатилади. Бу кўпинча диний матнларни қайта талқин қилиш йўли билан амалга оширилдиган, зиддиятли, мўътадил ва радикал диний жамоалар ўртасида можароларга сабаб бўлувчи жараёндир. Радикаллар аста-секин камайиб боради ва камайгани сари янада радикаллашиб, қатъий чоралар кўриш йўлига ўтади. Бу жараён бугуннинг ҳодисасигина бўлмай, инсоният шундай ўзгаришларни кўп бора бошдан ўтказган. Радикаллар аксар ҳолларда енгилган, енгиб чиққанда эса бутун қавмини турғун ҳолатга тушириб, ўзга халқларга қарам қилиб қўйган.

Қачонлардир шаънига сал ноҳўя сўз айтганлар ҳам ўлимга ҳукм қилинган Митраю Юпитерлардан мифларгина қолган, холос. Ҳолбуки, айна шу эътиқод ҳимояси йўлида янги пайдо бўлаётган динларнинг минг-минглаб вакиллари, масалан, насронийлар

таъқиб қилинган, ўлдирилган. Христианлик ҳукмрон бўлгач, аввалги дин вакиллари қувғин қилинган, ўлдирилган. Атиги уч-тўрт аср аввал миллионлаб инсонлар ёстиғини қуриган, қанчадан-қанча хурфидрли инсонларнинг ўтда ёнишига сабаб бўлган эътиқодлар бугун комик актёрларнинг севимли предметига айланиб қолди. Бугунги ислом оламидаги жанжаллар, шиа-сунний хунрезликлари, ёш бир аёлни ўртага олиб тошбўрон қилиб ўлдираётган эркакларни кўрганимизда бир нарса хаёлга келади: эскича меъёрлар янги шароитга мослаша олмаяпти. Зеро, меъёр ҳеч қачон ўзгармайди, ўзгармаслиги ҳам керак дейдиган ўжар бир тоифа бор.

Бу ердаги муаммо ахлоқнинг динамик, ўзгарувчан хусусиятга эга феномен эканини ҳисобга олмасликдир. Ечим эса, бизнингча, ахлоқ табиати ва унинг вужудга келишига доир анъанавий теологик тасаввурларни ислоҳ қилиш, бунда антропология, биология, эволюцион психология, тарих ва социологияда тўпланган инсон табиати ва ижтимоий ўзгаришларга доир фактларни ҳисобга олиш керак. Табиат, биз истаймизми-йўқми, ўз ҳукмини ўтказади. Истак ва имкон доим ҳам мувофиқ келавермайди. Ушалиши имконсиз истак – хаёлпарастлик, ушалиши фожиаларга сабаб бўлувчи истак эса – ёвузликдир.

Ахлоқий жамоа

Муайян меъёрнинг қанчалик ахлоқий ёки ахлоқий эмаслигини унинг нечоғли қадимийлиги, кимдир айтгани ёки китобда ёзгани эмас, инсон яшаб турган муҳит белгилайди. Энг оптимал муносабатларни вужудга келтириб, уларни тартибга сола оладиган меъёрларгина яшаб қолади. Шу жиҳатдан, инсонлар тимсолида турли меъёрлар ўртасида кураш кетади ва бу кураш энг оптимал меъёрнинг, ахлоқий тушунчанинг ғалабаси билан яқунланади ва у ўзини вужудга келтирган шароит ва эҳтиёж ўзгаргунича ҳукм суради. Сўнг унга рақиб бўла оладиган янги меъёрлар илгари сурилади. Эски меъёрлар амалда самарадорлигини сақласа, яшаб қолади, акс ҳолда, у ҳам ўрнини бошқасига бўшатиб беради. Демак, бу ўринда ахлоқий меъёрларни сараловчи инсон эҳтиёжи ва шароитдир.

Бу – юқоридаги таҳлилимиз хулосаси. Энди шу хулосани ахлоқий жамоанинг кенгайиб бориши жараёнини изоҳлашга татбиқ қилиб кўрамиз.⁸

Ахлоқий жамоа кишиларнинг муайян гуруҳи бўлиб, ахлоқий меъёрлар шу гуруҳ доирасидагина амал қилади. Бошқача айтганда, ўша меъёрлар шу гуруҳга мансуб инсонларгагина татбиқ қилинади. Бунинг нималигини тушунтириш учун уни бугунги кундаги сайлов ҳуқуқига қиёслаб кўрамиз. Сайлов ҳуқуқи Ер юзидаги деярли барча давлатларда тан олинган бўлса-да, ҳар бир давлат қонунчилиги сайлов ҳуқуқини фақат ўша давлатнинг фуқароларига беради. Яъни, сайлов ҳуқуқи фуқароларнигина ўз ичига олган эксклюзив ҳуқуқ саналади. Ҳеч бир давлат ўзга давлат фуқаросига бундай ҳуқуқни бермайди. Ахлоқий меъёрлар ҳам тарихан муайян ахлоқий жамоалар доирасида амал қилган. Жамоага кирмаганларга муносабатда ахлоқий меъёрларга амал қилиш талаб этилмаган. Масалан, қулдорлик ҳукм сурган даврларда қуллар ахлоқий жамоа аъзоси саналмаган. Жамоага мансуб одамни ўлдирганга ўлим жазоси берилган бўлса, қулни ўлдирганлик учун унинг эгасига тоvon тўланган, холос. Жамоага кирмайдиганлар чалаодам саналган ёки умуман одам қаторига қўшилмаган. Табиийки, ёлғон гапирмаслик, тухмат қилмаслик, ўлдирмаслик каби ахлоқий меъёрлар ҳайвонларга нисбатан татбиқ қилинмаганидек, одам қиёфасидаги “махлуқ”ларга ҳам қўлланмаган. Инсон деганда эса фақат ўша ахлоқий жамоа аъзолари тушунилан.

Минг-минг йиллар аввал айtilган “бировни ўлдирма”, “қўшнингни ўзингни севгандек сев” каби буйруқлар ўша давр контекстида, асл маъносиде тушунилса, юнон юнонлар, яҳудий яҳудийлар, римлик римликларни назарда тутган бўлади.⁹ Сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун аниқроқ мисол келтирсак. “Би-

ровни ўлдирма” буйруғи “Таврот”да Худонинг яҳудийларга берган ўн кўрсатмасидан биридир¹⁰. Бу буйруқ кейинчалик насронийликка ҳам кўчиб ўтган, яъни насронийлар учун ҳам бу илоҳий буйруқ саналади. Хўш, ўлдирма деганда ким назарда тутилган? Ҳозирда инсонни ўлдирмаслик назарда тутилган деб талқин қилинаверади. Аммо ўша даврдаги муҳит, кишилар дунёқараши эътиборга олинса, Бани Исроилга берилган буйруқ айнан Исроил авлодини ўлдирмасликни назарда тутди. Буни англаш учун “Қадимги аҳд”да буюрилган ва тасвирланган хунрезликлар, қатлиомларни эслаш kifоя. “Сихуннинг ҳамма шаҳарларини босиб олиб, барчасини вайрон қилдик. Эркалари, аёллари ва болаларидан биронтасини ҳам тирик қолдирмадик”¹¹. “Эгангиз – Худо бу халқларни сизнинг қўлингизга топширганда уларни мағлуб этасизлар. Шунда уларнинг барчасини тамомила қириб битиринглар, улар билан иттифоқ тузманглар, уларга раҳм-шафқат қилманглар”¹². “Омолек халқига ҳужум қил. Уларга қарашли борики нарсани йўқ қил, шафқат қилма. Эркагу аёл, болалари, молидан тортиб қўйигача, туясидан тортиб эшагигача – ҳаммасини ўлдир”¹³.

Ахлоқий жамоаларнинг яна бир ёрқин намунаси ирқлардир. XVIII-XIX асрларда ҳам европалик оқтанлилар учун қоратанлилар чалаодам ёки умуман ҳайвон, демакки, ахлоқий жамоадан ташқари ҳисобланган. Яъни оқтанли бошқа бир оқтанлини ўлдириши, қул қилиши мутлақо ахлоқсизлик ва жиноят саналса-да, айна шу меъёрлар қоратанлиларга нисбатан татбиқ этилмаган. Осиёликлар европаликлар наздида ахлоқий жамоанинг бир бўлаги ҳисоблангани боис, имкони бўлса-да, уларни қул қилиб сотишга уринмаган. Кейинчалик тушунчалар ўзгариб, қоратанлилар ҳам тўлақонли инсон деб эътироф этилгач, улар ахлоқий жамоанинг бир бўлагига айланган.

⁸ Ахлоқий жамоанинг кенгайиб бориши ҳақида XIX асрда айtilган. Қаранг: W.E.H. Lecky. *History of European Morals. In two volumes*, New York, D. Appleton and Company, 1917. Шу мавзуда кейинроқ ёзилган асар: Peter Singer. *The Expanding Circle: Ethics, Evolution, and Moral Progress*. Princeton University Press, 2011.

⁹ “Таврот”да бундай дейилган: “Агар биродарларингиздан бирортаси қашшоқлашиб, ўзини сизга сотса, уни қулдай ишлатманг. Унга мардикор ёки мусофирдек муомала қилинг... Уларни қулдек сотманглар, уларга зулм қилманглар. Мен, Худойингиздан кўрқинглар. Агар қулу чўрига муҳтож бўлсангиз, уларни атрофингиздаги халқлардан сотиб олишингиз мумкин” (Левилар, 25:39-44). Айна шу мазмундаги кўрсатмаларни Афлотун ҳам юнон ва юнон бўлмаганларга нисбатан айтган (қаранг, Давлат, 5:469-71).

¹⁰ Қонунлар, 5:17

¹¹ Қонунлар, 2:34

¹² Қонунлар, 7:2

¹³ I Шомуил, 15:3

Ахлоқий жамоалар ахлоқ эволюцияси билан параллел равишда ўсиб борган. Оила, уруғ ва қабилаларнигина қамраган жамоалар кейинчалик кенгайиб, бутун бошли миллатлар, динлар, ирқлар ва умуминсониятни қамраган ягона ахлоқий жамоага айланди. Ҳаттоки ҳайвонлар ҳуқуқлари учун курашувчи гуруҳлар ҳайвонларга ҳам инсонлараро амал қилувчи меъёрларни қўллаш кераклигини айтмоқда.

Аввал-бошда ҳар бир инсон оиласи, уруғидан ташқари чиқмаган, ўз яқинларидан бошқасини кўрмаган, ксенофобик изоляцияда яшаган. Табиийки, бегоналар билан муносабатни тартибга солувчи меъёр ҳам бўлмаган. Ўзаро бегона уруғларнинг учрашуви хунрезлик билан яқунланган. Ўзга уруғ ёки қабила ҳудудига кириб қолган бегона одамнинг ҳаёти хавфда бўлган. Қўлга тушганлар ўлдирилган, айрим ҳолларда еб юборилган. Антропологларнинг Жанубий Америка, Полинезия ва Янги Гвинеяда яшовчи примитив ҳаёт тарзига эга инсонлар ҳақидаги маълумотлари ҳам буни тасдиқлайди¹⁴. Ҳар бир гуруҳ, халқ ер-сув, бойлик, умуман, яшаб қолиш учун бегона гуруҳлар билан курашган. Бу курашда гуруҳнинг жипслиги, гуруҳ аъзоларининг ўзаро аҳиллиги, садоқати муҳим роль ўйнаган. "Алдама", "хиёнат қилма", "ўлдирма", "ўғирлама" каби буйруқлар айна шу мақсадга хизмат қилган. Аммо гуруҳлар доим изоляцияда яшаши, ўзаро ҳамкорлик қилмаслиги мумкин эмасди. Одам сонининг ортиши бегоналар билан тўқнашувларни ҳам кўпайтирган. Ўзга гуруҳ билан ҳамкорлик қилиш, иттифоқ тузиш ўзаро ишонч ва садоқатни талаб қилардики, ҳамқавмга нисбатан қўлланган меъёрларни эндиликда бегоналарга ҳам қўллашга зарурат туғилган. Юзага келган янги шароит янгича меъёрларни яратиши табиий эди. Уруғлараро алоқалар қабилалараро, давлатлар, динлараро мулоқотга эврилиб, бугунги глобал ҳамкорликкача етиб келди. Спорт ва коммуникация воситаларининг мукамаллашуви, ўзаро мулоқотнинг фаоллашуви ахлоқий жамоанинг кенгайишини жадаллаштирди, бутун инсониятни қамраб олувчи ва барчага бирдек

татбиқ этилувчи ахлоқ ҳақидаги қарашлар пайдо бўлди. Бундай шароитда дискриминация фақат мувозанатни бузишга хизмат қилади. Шароит ўзгариши билан ўша қадимий буйруқлар шу тарзда шаклан ўзгармаса-да, талқин янгиланди. "Инсонга яхшилик қил", деган ахлоқий кўрсатма ифодаси асрлар оша ўзгармади, "инсон" деган тушунча ўзгарди. Аввалига ҳамқавм, миллатдош, диндошгина чинакам, тўлақонли инсон дея ҳисобланган. Вақт ўтиб бу тушунча ўзгариб, талқин янгиланди. Энди мамлакатни ўзга, тили ўзга, дини ўзгалар ҳам инсон категориясига киритила бошлади. Қачонлардир заифларни беаёв қирганлар бугун ўйлаброқ йўл тутди. Касалхона ёки мактабни бомбалагани учун, қилмиши фош бўлса, зўрларнинг зўри ҳам оммага изоҳ беришга мажбур бўляпти. Минг йиллар аввалги тарихни қўтурайлик, бир аср аввал шундай бўлганми? Қачонлардир кичик бир гуруҳнинг жипслигига хизмат қилган меъёрлар бугун умуминсониятни ягона ахлоқий жамоага бирлаштирмоқда.

"Инсонга яхшилик қил" буйруғи қадимий китобларда қандай ёзилган бўлса, ҳозир ҳам шундай ёзилади, айтилади. Аммо муносабат, талқин бошқа. Талқин янгиланса-да, ифоданинг ўзгармай қолиши ахлоқий меъёрлар ўзгармаслигини гўё "асослайди". Биз юқорида баён қилганимиз теологик ёндашув тарафдорлари матн ифодасигагина эътибор қаратиб, талқин янгиланишини пайқамайди, демакки, тан олмайди ҳам. Ҳаттоки диний реформаторларнинг ўзлари ҳам динга ўзгариш киритаётганларини пайқаманлар. Аксинча, биз динни асл ҳолига қайтаряпмиз, уни тозалаяпмиз, деганлар. Бир неча авлод алмашгач, тарихчилар улар аслида динни реформа қилгани ҳақида ёзади. Диннинг табиати ана шу зайлда киши билмас ўзгариб бораверади. Одамларнинг ахлоқий туйғулари ўзгарар экан, улар кўҳна муқаддас матнлардаги ўзларига номаъқул ўринларни қабул қилишга қийнала бошлайдилар ва айна дамда динимиз бундай номаъқул ишларга буюриши мумкин эмас, биз уни тўғри тушунмаяпмиз, моҳиятидаги ҳикматни англамаяпмиз, дея ўзлари би-

¹⁴ Edward Westermarck. *The Origin and Development Of the Moral Ideas*. Vol. I, Second edition, Macmillan and co., limited St. Martin's street, London, 1924. pp.328-344. <http://www.gutenberg.org/files/52106/52106-h/52106-h.htm>.

либ-билмай ўша матнга янгича талқинларни тиркаб қўядилар.¹⁵ Оқибатда турли оқимлар пайдо бўлади, улар фақат биз тўғри йўлдамиз деб ҳисоблайди. Бу жараён кўп баҳслар, жанжалу урушларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Динларда консерватив ва мўътадил жамоаларнинг пайдо бўлиши эски матнни талқин қилишдаги шу каби тафовутлар маҳсулидир.

Ахлоқий жамоанинг кенгайиши, глобаллашуви силлиқ кетяпти, деган фикрдан йироқмиз. Баъзи миллатчилар бошқа миллат вакиллари аздаш, ўлдириш мумкин деб ишонса (дейлик, нацистларнинг одамларни орий ва орий бўлмаганларга ажратиши), айрим диндорларда ахлоқий жамоани айна шу дин аъзолари доирасида чеклашга майл бор (масалан, исломий фундаменталистларнинг дунёни “дорул-ислом” ва “дорул-ҳарб”га тақсимлаши). Яъни ҳамқавмларга лойиқ кўрилган муносабат ташқаридагиларга муносиб кўрилмайди. Судда гувоҳлик беришда ҳамқавмга бошқа, бегонага бошқача муносабат қилинади, қуда-андачилик қилинмайди... Ҳатто баъзи такфирчи мусулмонлар ахлоқий жамоани ўз маслақдошлари доирасида чеклаб қўйган. Яъни ўзларидан бўлмаганларни ўлдиришни гуноҳ санамайдилар, “ўлдирма” буйруғини ўз тоифаларигагина татбиқ этадилар.

Ахлоқий жамоаларнинг кўшилиби, уруғ даражасидан умуминсоният даражасигача каттариб бориши ахлоқ тараққий этаётганининг ёрқин нишонасидир. Умуминсоний ахлоқий жамоа тўлиқ шаклланди дея олмаймиз, албатта. Гуруҳга мансублик туйғуси бор экан, инсониятнинг мукамал ягона ахлоқий жамоаси шаклланиши имконсиз, зотан. Аммо жараён шу томон ривожланмоқда.

Ўзга миллат, дин, ирқ вакилини ҳам ўзига тенг кўриш, ўз ҳамқавмлари қатори уларга ҳам бирдек муносабат қилишга даъватлар, расмий ва норасмий меъёрлар инсоният эришган катта ютуқдир. Бугун миллати, дини, ирқига қараб турлича меъёрлар белгилаш, солиқ солиш, соғлиғини сақлаш, таълим ва фуқаролик бе-


риш ахлоқсизлик саналади. Аммо бу қайтмас жараён эмаслигини ёдда тутиш лозим. Қаерлардадир ҳамон ватанпарварлик ниқобида миллий маҳдудлик, имон, ахлоқ ниқобида диний маҳдудлик тегиримонига сув қуйилмоқда. Муҳим инсоний, ахлоқий қадриятларни пеш қилиб, шахсий, гуруҳий манфаатлар қондирилмоқда. Бу ишлар қадриятларнинг қадрсизланувига хизмат қилади. Демак, ҳаммаси жойида дейишга ҳали эрта.

Шу ўринда ахлоқдаги прогресс билан одамларнинг ахлоқий меъёрларга амал қилиши бошқа-бошқа масала эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Ахлоқий прогресс ахлоқий меъёрларнинг умуминсонийлашуви, жамиятнинг мавжуд ҳолатига янада мувофиқроқ келиши билан белгиланган (Ахлоқий прогрессни ахлоқнинг шариоатга адаптацияси, дейиш ҳам мумкин). Одамларнинг қанчалик ахлоққа мувофиқ ҳаракат қилишини аниқлаш эса жуда мушкул. Биз одамларнинг ахлоқли ёки ахлоқсизлиги ҳақида ҳукм чиқарар эканмиз, доимо ўз тушунчамиздаги ахлоқий меъёрларга таянамиз. Консерватив ахлоқ тарафдори бўлган одам учун ахлоқсизлик бўлиб кўринган амал ислоҳ қилинган ёки ўзгачароқ ахлоқ меъёрларини дастаклаганларга бошқача туюлиши мумкин. Бугунги инсон қилаётган ишларни беш аср аввал ва беш аср кейин яшайдиган одам мутлақо фарқли баҳолаши тайин. Чунки улар ахлоқ эволюциясининг турли босқичи ва турли миқёсидаги жамоа аъзосидир.

Юқорида билдирганимиз фикрлар янгилик эмас. Янги-янги антропологик маълумотлар, социобиология ва эволюцион психология соҳасидаги тадқиқотлар ва бунга қўшимча инсоният тарихига доир фактлар шунга далолат қилади: ахлоқий тушунча ва қадриятлар бир вақтда, бир авлод ҳаёти давомида вужудга келмаган, аксинча, тадрижий ривожланган, ўзгарган ва ўзгаради. Ўтмишда – “олтин давр”да инсонларнинг ҳозиргидан олижаноброқ, одилроқ, биздан кўра яхшироқ бўлгани ҳақидаги тасаввурлар эса ишонарли эмас.¹⁶

¹⁵ Психологияда мазкур ҳолат “когнитив диссонанс” (онг, тафаккурдаги зиддият) дейилади. Инсоннинг эътиқоди, туйғулари билан реаллик ўртасида зиддият пайдо бўлганда когнитив диссонанс вужудга келади. Йиллар бўйи асралган эътиқоддан воз кечишга қўпчилик қодир эмас. Аксар кишилар ўз эътиқодини сақлаб қолиши, айна чоқда, зиддиятдан чиқиш учун ё фактларни ёлгонга чиқариши, ё ўша фактга зид келаятган эътиқодни шаклан сақлаган ҳолда янгича талқин қилишга уринади. Бу ҳам бўлмаса, фактларга эътибор бермасликка, ўша фактларни айтаятганларнинг самимиятига шубҳа қилишга ўтади. Масонларнинг уйдирмаси, сионистларнинг найранги каби баҳоналар қўлоққа кўп чалиниши беэсиз эмас.

¹⁶ Шу хулосани тасдиқловчи монументал асарлардан бири, қараңыз: Steven Pinker. *The Better Angels of Our Nature: Why Violence Has Declined*. Viking Penguin, 2011.



Виктор АЛИМАСОВ

DAO НАЙРАТЛАРИ

Ҳаёт парадоксларга бой, энг сирли парадокс – одам. Унинг ўзини жонзотлар ичра махлуқи аъло тутиши, амалларини мутлақ тўғри ва зарурият деб билиши, ожиз қолганида мавхум руҳиятидан нажот излаши ҳайратланарли. Одам ўзининг экосфера ва ноосферанинг бир бўлаги эканидан хабардор, аммо у “Мен”ига қул.

Қадимги Хитой мутафаккирлари илгари сурган “олижаноб эр” ғояси одамни борлиқ билан уйғун яшашга чорлайди. Лао Цзи, Ле Цзи, Чжуан Цзи каби мутафаккирлар ўз эътиборини “Дао”га, одам ва унинг ҳаётидаги парадоксларга қаратди. Гоҳо ҳаётдан парадокслар излаш ақл ўйини, ўзи ўзи учун зарур машғулотдек туюлса-да, бироқ улар одамнинг, ҳаётнинг ўзида бор. Ақлу идрок, билиш истаги парадоксларни пайқамай қолмайди. Масалан, “Ҳақиқий сўзлар, – дейди устоз Лао Цзи, – парадокс кўринади, аммо ҳеч бир таълимот улар ўрнини босолмайди”. Сўзларга шунчаки табиий ҳодиса сифатида қаровчи кишилар учун уларда ҳайратга солувчи хусусият йўқ. Аммо оддий товушларнинг миллионлаб кишиларни ҳаракатга келтириши ҳайратланарли эмасми? Мутафаккир сўзлардан парадокслар излайди ва улардан парадокслар ясайди, оқибатда ҳаётини ҳам парадоксларга айлантиради. Унинг она қорнида 81 йил яшагани, оқ

сочли чол бўлиб дарахт тагида дунёга келгани, эътоборли лавозимдан кечиб, номаълум томонга жўнагани, одам ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари ҳайратомуз. Хуллас, Дао (даосизм) тафаккур тарихида ажиб ҳодиса, уни ўрганиш ақлни чархлайди, борлиқдан, инсон ҳаётидан ғайриодатий хулосалар чиқаришга ўргатади, онг сарҳадларини кенгайтиради. У хурфикр-лиликнинг фавқуллодда намунасиدير.

Даосизм борлиқда, инсон хатти-ҳаракатларида ижобий ва салбий, мусбат ва манфий томонлар уйғунлигини кўради. Унинг учун мантиқийлик ва мантиқсизлик уйғун ҳодисалардир.

“Дао кўринмайди, у шаклсиз. Қарайсан-у, кўролмайсан, тинглайсан-у, эшитолмайсан, ушлайсан-у, тутолмайсан”. “У мудом ҳаракатсиз, аммо у қилолмайдиган нарса йўқ”. Кўринмасдан шакл излаш – бесамар машғулот, чунки қарайсан-у, уни кўролмайсан. Атомни кўриш мумкинми? Эфирни-чи? Йўқ. Аммо уларнинг мавжудлигини инкор қилмаймиз. Оддий нигоҳ Марс, Сатурнни ҳам илғамайди, аммо улар бор. Демак, кўринмаган нарса ҳали мутлақ йўқ нарса эмас. Эшитилмас ва тутилмас нарсалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мудом ҳаракатсиз нарсанинг ҳар нарсага қодирлиги эса ақл бовар қилмас ҳодиса. “Дао ҳамма нарсани яратувчи, У – ер ва осмон илдизи, борлиқнинг

онаси, У – дунё асоси”, деган сўзларни қандай тушуниш керак? Агар Лао Цзи таърифидан келиб чиқсак, Дао – холикдир, дунёнинг ибтидоси, борлиқни ҳаракатсиз ҳаракатга солувчи, қудрати қуллий, энг ҳайратланарлиси, “бўшлиқдир.” Ушбу “бўшлиқ” туфайли ғилдиракдан, қумғондан, хоналардан фойдаланиш мумкин. “Бўшлиқ” – борлиқ атрибути, борлиқда юзага келади, яратилади, барча нарса-лар ана шу “бўшлиқ”нинг борлиги туфайлидир. Бироқ бўшлиқнинг ўзи яратмайди, у яратишга, мавжудликка имкон беради. Имкон бературиб яратади ҳам. Даони бу қадар улуғлаш, борлиқни, табиатни унга хослаш субъективизмга етаклайди. Барча динлар субъективизмга таянади, аммо бу субъективизм объектив борлиқни рад этмайди. Дао – яратувчи. У ҳатто бўшлиқда туриб яратишга қодир.


Бахаваан Шри Ражниш ёзади: “Саньясин (шогирд, издош) даошунос деб аталиши мумкин, аммо у ҳали Дао одами эмас. У шунинг учун даошуноски, у Дао ҳақиқат эканига ишонади, бироқ у Дао одами эмас, чунки унинг эътиқодининг таянчи йўқ. Унда ўзининг хос тажрибаси йўқ, унда хос экзистенциал тафаккур йўқ, у шунчаки билимдондир. Даошунос бўлиш осон – билимни ўзлаштириб олиш мумкин. Дао одами бўлиш қийин, бунинг учун жасорат зарур”. Мутафаккир назарида, Даога оид билимларни ўзлаштириш билан киши Дао одами бўлиб қолмайди. Билимларни ўзлаштириш интеллектуал фаолиятдир, Дао одами бўлиш учун эса мустаҳкам эътиқод зарур. Бироқ бу эътиқод трансцендентга, ғайриҳаётий кучга эътиқод эмас, балки мудом йўлда эканига эътиқоддир. Билимдон билимни кўзлайди, шу нуқтаи назардан, у медитация усулларини, йога машқларини, технологиясини эгаллашга интилади, аслида эса Дао мудом йўлда эканингни туйиб, шунга эътиқод қилиб яшашдир. Билиш мақсади билан Дао – йўл айнан эмас. Биринчиси учун интеллектуал изланиш етарли, иккинчиси эса чуқур, трансцендентал эътиқодни тақозо этади. Дао одами учун ҳаёт – беманзил йўл, мақсад ҳам йўлнинг ўзидир. Шунинг учун Дао мақсад, ютуқ каби тушунчаларни тан олмайди, уларни йўл учун кераксиз ҳисоблайди.

Наҳотки, инсон учун мақсад зарур бўлмаса? У ҳолда инсон ҳаётдан нима қидиради? Наҳотки, ақл Даодан чалғитса? Инсон нима-

га таяниши зарур? Мақсадга эришишда ҳеч қандай маъно йўқми? Инсонни янги-янги изланишларга нима ундайди? Мақсад пайдо бўлган он киши унга етиш воситаларини қидиради. Эртанги ишлари режасини тузади. Бор диққатини тезроқ мақсадга етишга қаратади.

Ҳаёт олдиндан режаланган, ранг-барангликни, тасодифни, парадоксларни тан олмайди, Ҳаёт бузилган режалар, ақидалардан кенглиги, сийқалиқдан йироқлиги билан завқлидир. Мақсад эса завқ олиб яшашга халал беради, инсонни роботга айлантиради, уни эртанги кунидан хавотирда, хавфда яшашга мажбурлайди. Эртанги кун ғами, ташвиши билан яшаган одам бугун завқини тотмайди. Аслида ҳаёт бугунда мужассам, ўтмишни қайтаришнинг имкони йўқ, келажак эса мавҳум, фақат бугун мавжуд. Хоҳиш, эртанги кун ташвишлари ва мақсад эркин яшаш, ҳаётни яхлит кўришни мушкуллаштиради. Комилликни мақсад қилиш ҳам ақл ўйинларидан ўзга нарса эмас, чунки унинг нима эканини кимса билмайди, уни ҳеч ким англамаган, ўлчамаган, топмаган. Бугунги шу он, эртанги шу он, индинги шу он... Агар улар такрорланса, комилликни яратишга ҳам, ўлчашга ҳам қодир эмас. Бугунги шу онда комил бўлмаган эртанги ёки индинги шу онда комил бўлолмайди. Чунки эрта, индин йўқ, фақат ҳозир бор. Дао инсонни ҳаётий мақсадсиз яшашга даъват этмайди, балки мақсадни қуруқ догмага айлантirmасликка чорлайди. Унга кўра ўз-ўзи учун мавжуд мақсад йўқ, мақсад – йўл, йўл – мақсад. Йўл-мақсад – принцип, у бузилдими, тамом, Дао одамнинг эътиқоди ҳам ўлади.

Ҳикоят. Бир товухона тепасига ҳар кўлам қалдирғочлар ин қуракан. Совуқ тушиб, қиш яқинлашгач, иссиқ ўлкаларга учиб кетаркан. Бир куни улар қайси ўлкалар иссиқлиги, егулик сероб, одамлари раҳмдил экани ҳақида сўзлашаётганини товуклардан бири эшитиб қолибди. Унинг ҳам иссиқ ўлкаларга учги-



си, дунё кўргиси келибди. Бунинг имкони йўқлигини товуқлар ҳарчанд тушунтирмасин, у ўз ниятидан қайтмабди. Куз охирлаб, қалдирғочлар кетишга чоғланаётганини кўрган товуқ уларга эргашишга аҳд қилибди. Томга чиқибди, қанотларини ёйиб, қалдирғочлар кетган томонга ўзини отибди. Кўчани учиб ўтибди-ю, ерга қулабди. Машиналар ва одамларга тўла кўчани зўрға кесиб ўтиб, товуқхонага қайтибди. Шериклари иссиқ ўлкаларни кўрдингми, қандай экан, деб сўрашибди. У катта кўчалар, кўпдан-кўп одамлар, машиналар кўрганини айтиб мақтанибди. Товуқлар уни дунё кўрган, кўп нарсадан бохабар, “оқил” товуқ дейишаркан. Ақл, интеллект ўша товуққа ўхшайди...

Дао сўзни инсон йўлидаги ғов деб билади. У сукутни эъзозлайди. “Оқил ҳеч нима демай ҳамма нарсани айтади”. Буни англаш учун Дао эъзозлайдиган сукутдан, бўшлиқдан, ноборлиқ ва номавжудликдан яхши хабардор бўлиш, уларни руҳан, қалбдан идрок этиш лозим.

Мутлақ сукут йўқ, бизга сукут туюлган нарса сукут эмас, зотан. Мутлақ бўшлиқ ҳам йўқ, албатта. Даосизм сукут деганда онгнинг ўзи билан ўзи ёлғиз қолишини назарда тутди. Онгни ташқи таъсирдан, ортиқча ахборотлардан холи қилиш махсус машқларни талаб этади. Онгини тозалашмаганлар онгига жойлашиб олган ахборот, ғоя ва идеаллардан нажот излайверади, натижада улар ўз ҳаётини эмас, ўша идеаллар талабига мос ҳаётни яшашга мажбур. Даосизм эса кишига ўзининг бетакрор ҳаётини яшашини тилайди.

Даосизм назарда тутган сукут ва бўшлиқ онгнинг трансцендентал ҳолатидир. Бу ён-атроф билан алоқани руҳан узиш, мавжуд тартиблар, анъана ва қарашлардан маънавий холилик, ҳаёт билан ҳеч қандай воситаларсиз робита ўрнатидир.

Лао Цзи, Ле Цзи, Чжуан Цзи ҳаёти ва меросидан ҳурликка мойил ақлга туртки берувчи истаганча фикр, ғоя топиш мумкин. Лекин даосизмдан фалсафа, айниқса, илмий фалсафа изловчилар бир нарсани унутдилар – Дао фалсафага, илмий назариялар ва ақидаларга қарши. У тайёр таълимотларни эркин фикрлашга, дао – йўлда бўлишга, ҳақни излашга тўсиқ деб билади. “Донишмандлар пайдо бўл-

ганида, – деб ёзади Лао Цзи киноя билан, – буюк ёлғон бўй кўрсатди. Донишмандлик, илмийлик бартараф этилса, халқ юз карра бахтиёр яшарди”. Шу боис, у ақл алдоқларидан холи мутлақ эркинлик тарафдори.

Даога кўра, йўлда бўлиш ҳали мудом йўл билан бирга бўлиш эмас, йўл билан бирга бўлиш Бутун билан бирга бўлишдир. Бутун – борлиқ, мавжудлик. Бу борлиқ, мавжудлик улкан ўргимчак уяси кабидир. Унинг бир учига тегсангиз, бутун уя титрайди. Дарахт япроғи тебранишидан бутун олам тебранади. Оддий нигоҳ буни илғамайди, қисмлар ўртасидаги узвийликдан хабардор, бутуннинг бўлагига айланган киши эса ер ва юлдузлар ўртасида, ҳатто энг оддий тебранишларда ҳам боғлиқлик, бутунлик борлигини сезади. Ой тўлганида инсон қалбида, руҳида қандайдир ўзгаришлар рўй беради. Денгиз, океанлар жонланади, ўрмонлар, дашт-сахролар, улардаги жониворлар ноодатий ҳаракатга келади. Демак, дао – йўл – бутунни излаш, бутун билан бўлиш, бутун билан алоқалар. Бутунни излаб, дао одами ўзини бахтиёр сезади. “Бутун билан бўлмаган – шўрбахт. Бахтиёрлик формуласи: бутун билан бўлиш – бахт топиш.”

Ҳикоят. Бир ҳукмдорнинг туганмас бойлиги, аҳил оиласи, содиқ хизматкорлари, шер мисол куч-қуввати, хуллас, бахтли яшаши учун зарур барча нарсаси бор экан. Аммо у ўзини бадбахт санаркан. Бир куни сарой табибини хузурига чорлаб, мен ғоят бахтсизман, бунинг давосини изла, агар тополмасанг, бошингни оламан, дебди. Табиб бир кун муҳлат сўрабди. Китобларни титкилабди, бошқа табиблардан сўрабди, ҳеч ким бахтли бўлиш сирини билмасмиш. Ўйлай-ўйлай ҳукмдорга бахтли одам кўйлагини кийишни маслаҳат қилибди. Ҳукми олий бош вазирга шундай кўйлак топиб келишни буюрибди. Бош вазир бадавлат кишилар олдида борибди. Уларнинг ҳеч бири бахтлиман дея олмабди. Кейин ном чиқарган мунаажимлар, алломалар, шайхлар олдида борибди, улар ҳам ўзини бахтсиз сезармиш. Бутун мамлакатни кезиб бирор бахтли одам тополмабди. Ҳар тун дарё бўйида най чаладиган бир кишининг хабарини беришибди. Чамаси дунёдаги энг бахтли одам – ўша, унинг олдида боринг, деб маслаҳат солишибди. Бош вазир тунда куйчини топибди. “Сен бахтлимисан?” деб сўрабди у. “Ҳа”, деб жавоб берибди куйчи.

“Унда менга кўйлагингни бер, ҳукмдор бахтли одам кўйлагини топиб келишни амр қилган”. “Майли, олақол. Аммо мен яланғочман-ку! Табиат – уст-бошим, най чалаётган мен эмас – Бутун. Мен йўқман, Бутун бор”, дебди.

Даосизм тавсия этган Бутун априори эканини сезиш қийин эмас. Ҳатто талқинларда спекуляция кузатилади. Реал ҳаётий муаммолар ечимини излашга ўрганган ақл “Бутун нима?” деб сўраши табиий. Платон, Аристотель “Бутун” деганда давлатни, жамиятни; Декарт, Бэкон, Ҳегель, Нитше, Гуссерль ҳаётни, борлиқни назарда тутган. Даосизмдаги бутун иррационал. “Бутун” тушунчасини фақат иррационал талқин қилиш мумкин. Ҳатто хонтахта устидаги кулча ҳам ҳали тўла маънодаги Бутун эмас, зеро, бошқа кулчалар ҳам бор. Ақл уларнинг ҳаммасини бутунича қамраб ололмайди. Даосизм ақлни унинг Бутунни қамраб ололмаслигидан, алоҳидалик, яққаликка қарамлиги сабабли ожиз ҳисоблайди. Унинг талқинидаги Бутун қандайдир реал, тайёр нарса эмас, у – ҳаракат ва ҳаракатсизлик, борлиқ ва ноборлиқ, топиш ва йўқотиш, тирилиш ва ўлиш каби антиномиялар уйғунлигидир. Дао – йўлнинг бутунлиги ўзаро уйғун антиномияларда. Файласуфлар Бутун тўғрисида фикр юритганида антиномияларни, зиддиятларни бартараф этишга, тайёр таъриф, схемалар яратишга интилади, даосизм эса антиномияларга таянади. Ҳамма нарса ўзининг зиддидан ўсиб чиқади, зиднинг асоси эса – бўшлиқ, хаос, Дао.

Даосизмнинг яна бир предмети – ҳақиқат. Бу файласуфлар назарда тутган ҳақиқат эмас. У изланмайди, бутун вужуд, қалб билан англанади. Файласуфлар уни ахлоқ, дин ва жамиятдан излайди, натижада, тажрибага, ақлга, мавжуд таълимотларга таянишга мажбур. Бу билан улар изланиш предметини ҳам, унинг ўзини ҳам чегаралаб, маълум бир доирага соладилар. Шунинг учун Бхагаван Шри Ражниш “Фалсафа – ҳақиқат душмани,” дейди. Чунки у реаллиқни сўз, назария, таърифларга жойлайди, онгни чалғитади. Дао одами эса сўз, назариялар изламайди, у ҳақиқат билан яшайди. У Дао одами онгида. Шунинг учун у борлиқни рўё, онгни эса реал деб билади. Кўзгуга қараётган эмас, кўзгу-

да акс этаётгани англаётган онг, яъни “Мен кўзгу олдида турибман” деган фикр реалдир. Фалсафа, сўз, ташқи олам – иллюзия, ёлғон. Улар умид беради, умид ўзгарувчан борлиққа мутелиқдан бошқа нарса эмас. Нима ўзгарувчан бўлса, у тутқич бермайди, фақат умид беради. Умидга алданиш инсонга хос хусусият, шунинг учун у бугун амалга ошмаган ишнинг эртага амалга ошишига, тополмагани эртага топилишига умид қилади.

Дао – ички олам, онг томон йўл. “Ички оламингизга кирган сайин сиз реал бўла борасиз, унга қанча яқинлашсангиз, шунча роҳатланасиз, шунча шод ва қувноқ бўла борасиз. Шундай пайтда Упанишад пайғамбари “Мен – Худо, Мен – Брахма”, дейди. Шундай онда маънавий ўзакка етган Мансур Халлож “Ана ал-Ҳақ”, яъни “Мен – Ҳақман” деб тўлғонган. Исо эса “Мен ва Отам икки эмас, бирмиз” деганди. Ташқи оламга яқинлашган сари ўзингиздан, Ҳақу ҳақиқатдан узоқлашасиз, чунки Ҳақу ҳақиқат сизда мужассам. Бунинг учун санньясин ён-атрофга, воқеа-ҳодисаларга бефарқ туриб, олам билан алоқани узмасликни ўрганади. Бундай санъат уни ташқи олам кетидан югурмасликка, нофаол қолиб онгини фаоллаштиришга, ўткинчи нарсалардан ўзини тийиб, уларга банди яшамасликка ўргатади. Ҳар қандай фаоллик онгни чалғитади. “Ҳеч нима қилмасликка ўрганиш зарур”. Бусиз Даога етиш йўқ.

Ҳикоят. Санньясин Лао Цзига “Устоз, мен келдим,” дебди. “Агар “Мен келдим” десанг, сен эҳтимол ҳали келмагансан”, деб жавоб қилибди Лао Цзи. Шогирд устозининг сўзи устида бош қотирибди. Бир неча ой ўтгач, яна келиб “У келди”, дебди. Устоз шогирди бошини силаб, мамнун “Бу бошқа гап. Айт-чи, нима рўй берди?” дебди. Санньясин бундай жавоб қайтарибди: “Сиз ўшанда, агар “Мен келдим” десанг, сен эҳтимол ҳали келмагансан, деган эдингиз. Ўшандан буён бош қотирдим ва шундай хулосага келдим: қандай қилиб “Мен” келиши мумкин, ахир “Мен” тўсиқ-ку?! Мен яхши ҳам, ёмон ҳам, гуноҳкор ҳам, авлиё ҳам, ҳеч нима ҳам, ҳеч ким ҳам бўлмаганман. Мен суст, энг суст, фақат очилишини кутадиган эшик, унинг тирқиши эдим. Мен ҳатто сас чиқармаганман, сасим мени тасдиқларди-да. Тўғриси, мен сас чиқармадим, ҳеч нимага интилмадим, куюнмадим, ташланмадим, шунча-

ки ўтирардим. Мен йўқ эдим, кутилмаганда у мени бутун вужудимни тўлдирди”.

Шогирднинг ҳолати – мистик. У “У” деганида Даони, Ҳақу ҳақиқатни назарда тутяпти. Мистик ҳолатда ҳаёл, ақл, қизиқиш, заруриятдан холилик унинг онгига эркинлик беради. Бу пайтда ҳатто онгнинг ўзи ҳам йўқолади, бу – трансцендентал, мутлақ эркинлик ҳолати. Демак, даосизм назарда тутадиган Ҳақу ҳақиқатни ҳамма ҳам топавермайди. Ташқи заруриятга, ақлга банди одамга трансцендентал ҳолат керак эмас. Бироқ мистиклар тажрибасини мутлақ кераксиз матоҳга чиқармаслик зарур. Шоирлар, мусаввиру бастакорлар энг бетакрор асарларини трансцендентал ҳолатда яратгани барчага маълум. Бхагаван Шри Ражниш Ҳақу ҳақиқат излашда шоирлар дао одамига яқин туради, деб ҳисоблайди. Тўғри, у шоирлар Ҳақу ҳақиқатни излайди, дао одамлари эса Ҳақу ҳақиқат ичида яшайди деб кўрсатади. Шунинг учун шоирлар ва дао одамлари топган Ҳақу ҳақиқатлар эъзозланади. “Ҳақу ҳақиқат изланадиган жараён эмас, у юз беражак воқеа”. У ҳаммага ҳам келавермайди, гоҳо уни излаб ҳам топиб бўлмайди.

Одамнинг нодонлиги, Дао талқинига кўра, ақлидан. Мана, яна бир ҳайратланарли ёндашув. Ахир, ақл оқиллик аломати эмасми? Ақлсиз одам нодон аталмайдими? Ақл рад этилса, одамда эъзозланадиган нима қолади? Даосизмнинг ўзи ақл маҳсули эмасми? Дао ақлу идрокни рад қилмайди, у ҳаётни тайёр режаларга, схемаларга, таълимотларга мослашга, ақлни мутлақ ҳақ ҳисоблашга қарши. Онги безовта кишида ўзини англашга вақт қолмайди, у тиним билмайди, тун-кун нималардир қилиш ўйи билан банд. Онги сокин киши хавфли эмас, у бошқаларга зиён етказиш ҳақида ўйламайди. Боқий ҳаёлларга тўла одам дунёни ўзгартириш режалари билан бошқалар ҳаётини беором, беҳаловат, серташвиш қилади. Наполеон, Ҳитлернинг онги нималар билан банд эди? Ўта фаол шахсни ёвуз, риёкор, террористга айлантириш, уни буюк саркарда, раҳнамо бўласан, деб инонтириш осон. Онги сокин, нофаол кишини эса ҳеч қачон қотилга айлантирилмасиз, чунки унинг онги дунёни ўзгартиришга эмас, ўзининг ички оламини, қалбини англашга йўналтирилган.

Ҳикоят. Машҳур донишманд Диоген ҳақида эшитган Александр Македонский уни

кўришга борибди. Донишманд сув бўйида, яланғоч ҳолатда, қуёш тафтида исиниб ётган экан. Табиат шунчалар сокин эканки, ҳатто у ҳам донишманд бефарқлиги, хотиржамлиги ва беғамлигига ҳавас қилаётгандек туюлибди саркардага. У қалбнинг, руҳнинг борлиқ билан бунчалик уйғунлигига ҳавас қилиб “Агар яна туғилиш насиб этса, мен Худодан Александр эмас, Диоген қилиб яратишни сўрадим”, дебди. Диоген унга жавобан кулиб, “Нимани кутяпсан, мана, мендек ёт қуёшда”, дебди. “Кейин...кейинроқ... Дунёни забт этай, кейин сендек завқ оларман” дебди шох. “Дунёни забт этиш сенга нега керак? Мана, жой етарли-ку! Ҳозироқ бошлаш мумкин, эртага қолдиришга на ҳожат?”

Дао таянадиган навбатдаги предмет – шахсий мистик тажриба. Шахс ўтган авлодлар тажрибаси асосида бунёд бўлган муҳитда шаклланади. Тайёр, қолипланган тажрибалар эса бошқаларники, уларга эргашган киши ўша тажрибаларга мувофиқ фикрлайди ва яшайди. Дао – йўл – бетакрор, мутлақ хос, ютуқлар ҳам, мағлубият ҳам кишининг ўзиники. Одам ҳар қадамида ён-атрофига аланглайверса, бошқаларнинг ўзига муносабатидан хавотирга тушаверса, анъаналарга мутеларча эргашса, муқаллидга айланади. Ваҳоланки, бетакрор умрни ҳеч нима тўлдиролмайди. У шундай ноёб неъматки, уни тақлид билан ўтказиш инсоннинг ўз-ўзига қарши хиёнатдир.

Даосизмда умумий тажриба йўқ, хос, шахсий тажриба бор, хос йўл излаш бор. Бу эгоизм эмас. “Дао – йўлдан ёлғиз боришга тўғри келади. Дао жамоага эмас, алоҳида инсонга воқе бўлади. Дао тўдани эмас, бетакрорни қутлайди. Дао конформизмни эмас, эркин эъзозлайди. Даода анъаналар йўқ. Унинг асосий белгилари – эрк, анархия, хаос”. “Анархия”, “хаос” ва “исён” сўзлари изоҳ талаб этади. Даосизмга кўра, анархия, яъни бошбошдоқлик – тартибнинг боши. Ҳар қандай бошбошдоқлик зидига, яъни тартибга олиб боради. Хаос ҳам зидига, яратишга олиб боради. Шунинг учун, даосизм анархияни, хаосни тарғиб этар экан, деган хато хулоса чиқармаслик лозим. Ноижобийдан ижобийни келтириб чиқариш даосизмга хос усулдир. Ақл, мантиққа ўрганган кишилар учун у – исён; онгдаги, тафаккурдаги исёндинр.

Бхагаван Шри Ражниш даосизми дин деб атайди, ammo унда худо йўқ. Даосизм худосиз дин. Унга ташкилланганлик, яъни жамоа, черков, мачит ёки ибодатхона хос эмас. Унда руҳонийлар, қатъий ақидалар ҳам йўқ. Унда бир нарса бор, у – йўл. Ҳар кимнинг ўз йўли бор. Бинобарин, ҳар кимнинг ўз дини, ўз худоси бор. Бу дин, бу худо ҳар кимнинг йўлидадир. Йўлни топишга ҳеч ким ўргатмайди, уни ҳар ким ўзи топади, ундан ҳар кимнинг ўзи юради. Динларда хатти-ҳаракатларни, ҳаёт тарзини, урф-одатларни тартибга солувчи меъёрлар бор, эътиқодга чорлаб турадиган ибодатхона, черков ва руҳонийлар бор. Сон-саноксиз саждагоҳлар инсон эркини жиловлашга, уни ўз ақидалари атрофида бирлаштиришга қаратилган, улар онгдаги бетакрорликни унификациялашга, инсонийликни сакраллаштиришга хизмат қилади. Санъясин Будда бўлиши мумкин, лекин буддавий – ҳеч қачон; у Исо бўлиши мумкин, лекин исавий – ҳеч қачон. Будда, Исо ягона, бетакрор. Буддавийлик ва исавийлик уларнинг издошлари томонидан яратилган таълимот. Иккинчи шахслар яратган таълимотларни ўзлаштириш билан Будда, Исо бўлиш у ёқда турсин, улар яратган динни, трансцендентни эгаллаш мумкин эмас, зеро, уларнинг ўзлари муқаллиддир. Шунинг учун даосизмда амал қилинадиган, чўқинадиган муқаддас китоб йўқ. Даосизм эркин фикрлашни идеалга айлантирган, инсондаги бетакрорликни улуғлайдиган ва ундан маъно-мағиз излайдиган, кишини ўз қалби даъватларигагина ишониб яшашга ундайдиган такаббуруна таълимот. Унинг такаббуруналиги шундаки, унда ҳеч ким ҳеч нимага ўргатмайди, ҳар кимнинг ўзи ўрганади, ўзи изланади, ўзи ўзидан шод, мамнун. Унинг шиори – табиийликни севиш, табиийликда яшаш. Табиийликка қарши – Даога қарши. У тафаккур тарихидаги барча таълимотлардан фойдаланиши мумкин, лекин уларга тақлид қилмайди, улардаги, хоҳ илмий бўлсин, хоҳ – маънавий, ақидаларга таянмайди.

Дао одами – оддий одам. У буддавийлар, мусавийлар каби махсус кийимларга ўранмайди, исавийлар каби черковларга қатнамайди, белгиланган вақтда тоат-ибодат қилмайди, оятларни қайтариб чўқинмайди, муқаддас жойларга боришни қарзу фарз билмайди. У художўй эмас. Даосизмда худо йўқ, ammo азалий мавжудликка эътиқод бор. У файласуфлар,

тадқиқотчилар каби илмий даражалару унвонлари билан керилмайди. Ҳаётни бевосита кузатувчи, чинакам ҳаётни яшовчи, интеллект ва ташқи олам тазйиқларидан холи, ҳар бир онни бахт билувчи, умрнинг бетакрорлигидан завқманд одам у. Унинг шодлиги гўдак шодлигидан мусаффо, ҳаётга меҳри аёл меҳридан жўшқин, шу онга эътиқоди чексиз, ҳикматлари Сулаймон ҳикматларидан ҳаётийроқ, пурҳикмат. У – бетакрор одам. Бетакрорлиги боис у парадокслар парадокси! Ҳайратлар ҳайрати!

Ҳикоятлардан фойдаланиш даосизм ғояларини ишонарли, қизиқарли ва асосли қилади. Ушбу сермаъно ҳикоятлар гоҳо жилд-жилд асарларга, илмий тадқиқотларга мавзу бўлиши мумкин. Ақлу идрок ҳикоятларга ишонмайди, унга назария, далил ва тажрибадан келиб чиқувчи хулосалар керак. Ўз онгига, ҳаётга, трансцендентга ишонган ҳикоятларни далилларсиз қабул қилади. У биладикки, ҳикоятлар онг, ҳаёт, трансцендент махсули. Ҳикоятлар барча давр, барча кишилар учун бирдек зарур, бирдек тушунарли, бирдек муҳим. Буддавийлик, исавийлик ва исломга оид ҳикоятлар ўз даврида қандай аҳамиятли бўлса, ҳозир ҳам шундай аҳамиятли. Уларга экспериментлар, илмий далиллар зарур эмас, улар чин юракдан, севгиде қабул қилинади. Киши нима учун айнан шу эркакни ёки шу аёлни севишини изоҳлаб беролмайди. Севги далил талаб этмайди. Севгининг ўзида далил, асос, тажриба мужассам. Севгисида киши изтиробларга чидайди, номаълум туйғуларни чин деб қабул қилади, уларни синамайди, уларга ишонади. “Жимгина севиш афзалроқ эди. Аммо унга онг ва шахс аралашади, натижада сўзлашга тўғри келади. Ва севги дўзахга айланади” (А.Камю). Шахс сўзлашни, мақтанишни, жар солишни яхши кўради, севги уларга муҳтож эмас. У ўз ўзи учун мавжуд. Даосизм ўз онгига, қалбига, ҳаётига шундай ишониш тарафдори. Муҳаббат қувончлари ва ўкинчлари қанчалик хусусий, ҳаётий тажриба бўлса, Дао – йўл ҳам худди ўшандай хусусий, ҳаётий, бетакрор тажрибадир. У табиий; ташқи омиллар, фалсафа, тайёр назария ва ақидалар билан булганмаган, содда, ammo бетакрор тажрибадир. Даонинг унча-мунча онг, ақл, қалб чидайвермайдиган оғир, мураккаб йўл экани ҳам шундадир. У қадимги юнонларнинг “Ўзингни англа” даъватига ҳамоҳанг.

Раҳмон ҚҶЧҚОР



Кўпчилигимиз адабиёт тарихининг шонли саҳифаларидан жой олган ижодкорлар қисматига оид маълумотларни ҳиссиз-туйғусиз тилга олишга ўрганиб қолганмиз: фалон йил фалончилар томонидан Насимийнинг тириклай териси шилинган, Машраб дорга осилган, қатлиом даврида Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари не-не ижодкорлар отиб ўлдирилган ва ҳоказо. Ҳолбуки, улар одам ўлдиргани, бировнинг мол-мулкини талагани, недир ахлоқсизлик қилгани учун эмас, фикри учун, ҳақ каломни сўйлагани, адолатни талаб қилгани, бир сўз билан айтганда, чинакам инсон бўлгани учун маҳв этилган.

Албатта, уларнинг-да сизу биздек жони ширин, қони иссиқ бўлган. Уларга ҳам оғриқ, азоб, жон талвасаси каби ҳислар бегона эмас эди. Тана азобинигина эмас, инсоний хўрлик, нафсониятга тегиниш, ғурур топталишини улар кучлироқ ҳис қилган,

оғирроқ олган. Шу маънода, қишнинг аёзли кечаси – 31 декабрь куни бола-чақаси чирқиллатилиб, қўлига кишан солиниб номаълум манзил томон олиб кетилган Қодирийнинг винтовка ўқи бош чаноғини ёриб чиқиб кетгунга қадар тортган азобларининг мингдан бирини ҳис қиламизми? Бир вақтда нашрдан чиққан романлари учун касбдоши мукофот билан сийланиб, ўзи эса миллатини асл дардларидан воқиф этгани боис ит азобига дучор этилган Чўлпоннинг қатл олди қайтаргани муқаддас калимани, қонталаш кўнглидан ўтган сўнги нидони қалбдан ҳис қилмасак, ким деган одам бўламиз?! Ёки “Не деб сўзлаганкин боқиб биз сари, / Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин кўзлари?!”

Биз-чи?

Қўлимизга, кишан не, игнанинг учидеки-на зирапча кирса ёки озиқ тишимиз кечаси ногоҳ зириллаб қолса, қай кўйларга тушамиз! Бир кунгина оч-наҳор юришу ўн дара-

жа совуқда икки соатгина кўчада қолишнинг азоби-чи?! Туппа-тузук даромад бериб турган амалдан, бошқаларнинг кўзини куйдираётган обрў-эътибордан айрилиб қолиш аламини-ку айтмай кўяқолайлик...

Ана шу қиёслар асносида ҳақпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар ижодкор бўлиш оддий – ҳаммадан кутиладиган, "илгида қалами бор"ки кишининг қўлидан келадиган иш эмаслиги маълум бўлади. Барчамиз мана шу ўжар ҳақиқатга таяниб ўзимизга назар солсак, баҳо берсак, бизнингча, адолатга заха етмас эди.

Ўзбекнинг жувонмард шоири Шавкат Раҳмон умри охирироғида битган бир шеърида "Ахир кимман ўзим, мангуликка сал / Агар қиёсласак, Шавкат Раҳмон ким?" деган боқий саволни берганди. Назаримда, ўзи, ҳаёти ва ижодига шу тарзда ёндаша оладиган, қисмат тарозисига шу талабнинг зил-замбил тошини қўйиб асар ёзган шахслардангина мангуликка дахлдор битикларни кутса бўлади. Бўлмаса, ҳаммаси – замондошлар олқиши ҳам, катта-кичик мукофотлар ҳам, давр ижодшуносларининг ҳавоии баҳо ва эътирофи ҳам ўткинчи – қақроқ қумга сингган сув сингаридир.

Бу боқий саволга етиб келиш учун ҳам, не тонги, Яратгангина юқтирадиган бир имдод зарур: туғма истеъдод. Бўлмаса, зўр бериб ўқиш-ўрганиш, талантларга ошно тутиниш, бировнинг сўзига янги либос кийдириб энг баланд саҳнага-да олиб чиқиш билан иш битмаган, битмайди ҳам. Мен шоир Беҳзод Фазлиддин манзумаларида кўнглимдаги нотинч фикр-туйғуларга ҳамоҳанг мисралар топдим.

Беҳзод Фазлиддинда:

*Дод солгинг келади ёлгон чўзилса.
Бозорга айланса назму нафосат.
Кечаги бокира сўзлар бузилса...
Томошабин бўлса аҳли фаросат!
Солланиб бозорга отланар сўзлар...*

Яқин ўтган кунларнинг аччиқ тажрибаси шундан далолат бердики, истеъдоднинг даражаси тўғрисида башорат қилган Иоҳанн

Гёте барибир ҳақ экан. Бу закий зот "Қобилиятнинг юқориси – истеъдод, истеъдоднинг юқориси – даҳолик", деганди. Дарҳақиқат, нафис санъатнинг барча соҳаларида яратилган ва яратилаётган асарларга назар солсак, улар



мана шу ўзаро фарқли даражалар берган самара эканига гувоҳ бўламиз. Жумладан, биз "истеъдод" деб суюнган баъзи қаламкашларда, нари борса, шеър ҳикоя битишга қобилият бор экан, холос. Шунданми, уларнинг аксарияти ҳашаки шоирлик, нўноқ ёзувчиликдан нарига ўтмади. Ачинарлиси – кўпчилиги шахс сифатида шаклланмади: бошқалар етовидан чиқолмайдиган, шу етовга етишмоқнинг ўзини-да ҳаёт мўлжали деб биладиган майда одамлар мақомини ўзига раво кўрди. Абдулла Қаҳҳор топиб айтганидек, уларнинг бирини амал-эътибор, бошқасини хотин-халаж, яна бирини ўз ҳаётини тартибли кура билмаслик, бир қисмини бўлса машаат ва ичкилик хароб қилди. Ана шу кутқуларга бирваракайига мубтало бўлганлари қанча. Аслида, бу ҳолга ҳайрон қолиш ҳам, асабийлашиш ҳам ўринсиз. Чунки, боя эслаганимиз – истеъдодни, айниқса, даҳоликни Худонинг ўзи юқтирмагач, бандасидан ўпкалаб ўтиришга не ҳожат?! Айтишади-ку, "дарёдан дарёни талаб айлагил..." деб.

Беҳзод Фазлиддинда:

*Шу чиркин матоҳга борми учмаган?
Барининг онгига губор сачраган.
Бойликни кир қоғоз билан ўлчаган
Тўдага тескари боқишни ўргат.*

*Бу йўлда юзини йўқотган кўпдир,
Илдизу изини йўқотган кўпдир.
Энг керак сўзини йўқотган кўпдир,
Аларнинг сафидан чиқишни ўргат.*

Тўғри, инсон зотига хос бўлмиш унча-мунча ҳис, туйғу, кечинма ва ўйни шеърий йўсинда, оҳорли бадий безакка буркаб ифодалаш ҳам шоирлик, ижодкорлик сана-лади. Одамларнинг, оддий кетмончи не, анча-мунча жойда ўқиб битиргани тўғрисида жилд-жилд ҳужжати бор кишининг ҳам тўртта сўзни бир-бирига тўғри улаб гапириши даргумон бўлиб қолган бугунги кунда меҳрибон она ҳақида, бепарво ёр тўғрисида, бепён юрт мавзуида ёқимлигина шеър тўқиб бериш чакана ишми? Кўпчилик “ижодкор халқи” айни жабҳада кўрсатаётган фаоллиги учун ҳам недир эътибор ва эътирофдан умидвор бўлиб тепаларга кўз тикадики, уларнинг бу аянчли ҳолига боқиб, беихтиёр Рауф Парфининг қаттиқ қимтилган лаблари, терс қараган нафратли нигоҳи ёдга келаверади. Биз эса бу ҳол таассуротидан осонгина кутулиш йўлини топиб олганмиз: “Ҳаммаси ўткинчи, вақтинчалик томошалар...”

Лекин “ўткинчи”, “вақтинчалик” деб жиддий эътибор бермаётганимиз бу ҳол мунтазамлик касб этса, кундаликигина эмас, йиллик, ўн йиллик турғун аҳволга айланса, қанча кўп сув шимса шунча яхшироқ қотадиган “бетон муҳит”га дўнса-чи? Ижоднинг, ижодкорнинг, асарнинг қадру қиммати шу ҳол, шу муҳитга асосланиб ўлчанадиган, баҳоланадиган бўлса-чи? Салгина жиддий эстетик талаб билан ёндашилса тит-пити чиқиб кетадиган тушунчаю диди ва шуларга таяниб “яратган” “эъжод”лари билан ижодий уюшмалар рўйхатига тиркалиб олган кимсалар даражаси умумадабиётнинг, бадий ижоднинг ҳам мезони бўлиб қолса-чи? Мана шу – ичию таши силлиқ-сийдом кишилар тўпланган издиҳом давр адабий муҳитини, уларнинг Тўйтепадан нарини илғамайдиган нигоҳи миллат эстетик идеалини белгиласа-чи?

Миллат эстетик идеали эса чиройли ибора, олифта тушунча эмас. У – ниҳоятда жиддий эътибор, мушоҳада ва масъулият талаб қиладиган қадрият. Уни тасаввурда тиклаш учун, масалан, Навоий жисму жонидаги шижоатни, унинг бадий тафаккур ҳамласидан,

дунё мутафаккирлари сари йўналган панжасидан атрофга таралган ҳайбатни, қувватни ҳис қилишимиз керак. Ёхуд XIX аср рус, француз, инглиз адабиёти, XX аср Лотин Америкаси, япон ижодкорлари интилган ва эришган марраларни кўз олдимишга келтирсак, бизнинг бугунги аҳволимиз – турган ўрнимиз ва яқинлашиб бораётган манзилларимизнинг асл ҳоли дурустроқ илганса, ажаб эмас...

Ахир бундан қирқ йиллар илгари (ўзидан аввалги авлоднинг бутун куч-қудратини ҳис қилгани ҳолда) дадил ва самимий тарзда “Энди савол сизга Абдулла Ориф, / Менга айтадиган гапингиз йўқми?!” (Усмон Азим) дея ҳайқира олгани учун ҳам йирик бир адабий авлод майдонга чиққани, у халқининг нафақат эстетик, балки келажак тақдири билан боғлиқ идеалларни ҳам олға сургани, охир-оқибат, шу асрий орзуларнинг бир қисмига эришилгани – ҳақиқат-ку!

Хўш, бугунги сон-саноксиз ижодкорнинг, каттадир-кичикдир адабий авлоднинг шундай идеаллари борми? Идеаллар бўлиши лозимлиги, уларсиз барча тоат-ибодат чикора экани тўғрисида тушунчанинг ўзи мавжудми? Агар бўлса, ўша буюк идеални олға суришга, дадил ҳимоя қилишга қувват, матонат ва шижоат етарлими?

Менинг тушунишимча, Худо бирор одамни недир қобилиятсиз, демакки, недир вазифасиз яратган эмас, яратмайди ҳам. Шу маънода, халқ ичида юрадиган, “одам кўпайсинга яратиб қўйган” қабилидаги бир оз шаккокона гап ҳам, аслида, мана шу ҳақиқатни англамасликдан, инсоний ожизликдан (ўша – “чиқит”га чиқарилаётган одамни тўғри йўлга сополмаслик ожизлиги!) бошқа нарса эмас. Афсуски, кўпчилигимиз, минг турли омиллар сабаб, бизга – зоҳиримиз ва ботинимизга не қобилият, имконият, вазифа ато этилганини билмай, англамай умрни совураимиз, ғанимат вақтни увол қиламиз. Бу минг турли омиллар ичида биз кўриб-кўрмайдиган ақлий ва руҳий танбаллик; нафсий ва шаҳвоний қутқулар; ота-она, қариндош-уруғ орзу-ҳавасию талаб ва эҳтиёжи; тушиб қоладиганимиз – олтин

балиқчаникидан фарқ қилмайдиган – ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий муҳит; мақсадга эришишнинг энгил йўлларида чалғиш ва бошқа объектив ҳамда субъектив омиллар бўлиши мумкин.

Натижада одамларнинг аксари ўзи яйраб, яратиб-яшнатиб юриши мумкин бўлган соҳалар қолиб, ўзини ҳам, соҳани ҳам, бошқаларни ҳам абгор ҳолга келтирадиган юмуш ва амалларга даъво қилиб ўтиб кетади. Содда қилиб айтганда, табиатида миришкор боғбон бўлиш қуввати яширинган киши ўттиз йилдан буён ўзини прокурорман деб алдаб юрган бўлса, қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам топа оладиган ҳақимнинг умри молхона қоровуллигига сарф этилмоқда. Охир-пировардида бўлса, яна ўша аҳвол: бу дунёга буюк вазифаларни адо этмоқ учун юборилган инсондек қудрат эгаси бераётган самара чўғи, салмоғи ҳаминқадарлигича қоляпти.

Беҳзод Фазлиддинда:

*Бу қандай шажардир туб томон ўсган,
Ҳар қуртак кўзини ғофиллик тўсган.
Бир уйғоқ сўз айтсанг нафаси қисган –
Элатга уйғониш учун қудрат бер.*

*Буюкларин бир-бир ташлайди ўрга,
Сафсата сотганни бошлайди тўрга,
Борини бой бермиш данғир-дунғурга,
Ўзинг бу саҳнага бошқа суврат бер.*

Шу маънода, талъатиға ижодкорлик, бадий яратувчилик юқтирилган кишилардан талаб қилинадиган масъулият ва жавобгарлик сизу бизниқидан ўн чандон, юз чандон каттароқдир, десак хато бўлмас. Агар уларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, “менга нима, ғовлаб кетмайдими” деган кайфият юзага келса, миллий адабиётимиз ва унга тақдирдош бутун маданиятимиз соҳалари инқирозга юз тутиши мумкин. Зеро, бизга катта-кичик замондош бўлмиш қаламқашлар қилиб юрган ишларни, ёза солиб эълон қилаётган битикларни, йиғинларда айтаётган гап-сўзлари, даъвою дастакларини сукут-ла кузатиш, уларнинг кўпчилиги юқорида эсланган жиддий талабларга умуман дош беролмаслиги-

га жим қараб туриш – келажакка хиёнатдир. Чунки уларнинг шеър дoston, сценарий ва роман деб эълон қилаётганлари тонналаб қоғоз исрофигагина эмас, миллий эстетик диднинг қашшоқлашуви, ёш авлоднинг адабиёт, бадий ижод хусусидаги тушунча ва қарашлари жўнлашуви, ўтмаслашуви, бир сўз билан айтганда, ўзбек адабиётининг шу вақтгача эришган ютуқлари унутилиб, эгалланган марралар қўлдан бой берилишига сабаб бўлиши тайин. Бинобарин, бундай қўймижоз кишилардан боя айтганимиз – миллий эстетик идеални белгилайдиган ижодий ҳамлаларни, юксак манзиллар сари шитоб интилувни кутиб бўлмаслиги аниқ. Бу ҳолни Альберт Эйнштейн отлиғ шумгина донишманд истехзо ила бундай ифодалаган: “Попада энг намунали қўй бўлиш учун, энг аввало, қўй бўлиш керак...”

Дарҳақиқат, мана бу жиддий саволни ўзимизга бериб кўрайлик: подадаги қўй мавқеи билан, шу мавқега мос даража ва дид билан бутун бир халқни-ку айтмайлик, бир гуруҳ одамни-да недир нурли манзилларга даъват этиш, бошлаш мумкинми? Ҳар қанча намунали бўлмасин, қўймижоз кимсалардан нени кутиб, нимани умид қилиб бўлади?

Беҳзод Фазлиддиндан:

*Бу дунё асли бир кўнгилзор эди,
Кўнгилни кўнгилдан кечирмаганлар!
Наҳотки сизда ҳам кўнгил бор эди,
Кўнгилнинг кўзини очирмаганлар?!*

Шунинг учун ҳам биз жамият, миллат ва келажак чинакам ижодкор шахсдан катта, жуда катта нарсалар кутишга ҳақдор эканини эслатмоқдамиз. Бу – “жуда катта нарса” деган тушунча эса ўз доирасига, жумладан, қуйидагиларни қамрайди.

Абадий муаммоларнинг ҳозирга қадар яратилган мумтоз мерос ичида учрамаган янги талқинларини кашф этиш.

Сизу биз хоҳлаймизми-йўқми, ўткинчи, майда муаммолар доим бўлади, жамики инсон боласини ўзининг тубсиз домига тортиб хор ва абгор қилади. Ижодкор, мана шу муваққат, маиший муаммолар панжасидан

ёқасини бўшата олса, руҳини қутқара билса, абадий муаммолар истиқболига чиқиш, улар билан юзма-юз келишдек олий бахтга мушарраф бўлади. Уларга рўпара келиш имкони эса ҳаммага ҳам берилган эмас. Яратган ижодкор инсонга истеъдод билан бирга ўша муаммолар қўламига чиқиб бориш қудратини ҳам ато қилади. Шу маънода, абадий муаммолар хусусида ўйлаш, улар юзасидан баҳс очиш – азал ва абад борасида кечадиган улуг машваратга қўшилиш, то қиёмат қадар давом этадиган руҳоний мунозарада иштирок этиш деганидир.

Афкор (фикрловчи) оммага ўша абадий муаммолар ечимини бериш эмас (чунки бандасида бундай имкон йўқ!), балки уларнинг нақадар мураккаблигини ҳозирга қадар ҳеч ким турмаган ракурсдан кўрсата олиш.

Тап шундаки, дунё адабиёти вакиллари яратган мумтоз асарларнинг бирортасида у ёхуд бу абадий муаммога тайёр ечим, мудом фойдаланса бўлаверадиган универсал йўл-йўриқ берилмаган, берилиши мумкин ҳам эмас. Ҳар қайси мумтоз асарни олинг: нажот йўлини эмас, нари борса, бу йўлнинг чеки ва чегараси йўқ экани тўғрисидаги мангу ҳақиқатга ишорани топасиз, холос. “Фарҳод ва Ширин” ҳам, “Фауст” ҳам, “Ўтган кунлар”у “Бегона” ҳам айни шу мангу ҳақиқатлар қаршисидаги мангу ожизликнинг мардона эътирофи бўлгани учун қимматлидир. Агар шундай бўлмаганида, Ҳазрат Навоий “Кўзни ўқуш саъй ила забт этгамен, / Етса кўнгил забтига иш, нетгамен?” дея ўзини қийнамаган, Абдулла Тўқай эса “Дунёни поклайин деб, ўзимда кирланиб битдим” деб таассуф этмаган бўларди.

Инсон аталмиш мавжудот руҳиятида кечадиган минг турли эврилиш, товланиш, букилиш, синиш ва сўниш ҳодисаларининг туб илдишлари сари мунтазам чуқурлашиб бориш.

Очиқ тан олмоғимиз керакки, ҳозирги миллий адабиётимизнинг бу борадаги муваффақиятлари билан кўп мақтана олмаймиз. Буни аниқроқ ҳис қилиш учун, ҳеч

бўлмаса, яқин тарих намуналарини эсга олайлик: “Галатепага қайтиш” (М.М.Дўст), “Жавоб” (Э.Аъзам), “Кўнгил озодадир” (Х. Султонов), “Ойдинда юрган одамлар” (Т.Мурод) киссалари, “Рухлар исёни” (Э.Воҳидов), “Гаплашадиган вақтлар” (О.Матжон), “Изоҳсиз луғат” (А.Қутбиддин) дostonлари, “Лолазор” (М.М.Дўст), “Отамдан қолган далалар” (Т.Мурод) романлари, унутилмас қанча-қанча шеър, ҳикоя матни аро жилва бериб турган инсоний руҳ товланишларини фақат адабий ҳодиса сифатида баҳолаш, тушуниш ва тушунтириш камлик қилади. Бу асарлар XX аср адоғида кузатилган сўнгги миллий уйғониш, ўзликни англаш, миллий юксалишни майдонга келтирган қудрат тимсоллари эдики, айнан шуларга нисбатан “атомдан кучли” деган сифатни қўллаш тўғри бўлади. Шундай экан, ҳар бир янги адабий авлод инсон руҳиятининг қай бир қоронғи пучмоғига ёруғлик туширмоғи, бугунги ўзбекининг қалби аслида қандай алфозда экани, нега шундай экани, бу алфоз ижобий томонга ўзгариши учун нелар талаб этилиши борасида жиддий ўйга толмоғи керак.

*Занжирлар узилса, кишанлар синса,
Ортиқ юкинмасанг шу эски тосга.
Ўзлигин йўқотган руҳга файз инса,
Умрингни буркасанг боқий ихлосга...*

*Яшасанг шу қўйи, яшасанг мудом,
Ҳаёт китобида зарҳал битикдай.
Ўлим-да мард бўлса, қилмаса ғирром,
Юрганга яраша юрсанг тирикдай...*

Авалло миллат ва халқ, агар интеллектуал қувват куч берса, инсоният ўтмиши, бугунигагина эмас, балки келажак тақдирига дахлдор ўй ва ташвишлар, дард ва орзуларга одамлар эътиборини жалб этиш.

Бу эса замон ижодкоридан ўзига қўяётган талабни ўн чандон, юз чандон оширишни тақозо қилади. Зеро, майда маиший мавзулар, олди-қочди воқеалардан ҳосил қилинган сюжет, китобий мулоҳазаю қуруқ панд-насихатни мақсад этган битиклар адабиёт саналмаслигини ҳамма бирдек

тан олиши вақти аллақачон келган. Дунё инсоншунослиги, инсон руҳиятининг бадиий тадқиқи кириб бораётган, кўтарилиб юксалаётган манзилларга қарасак, кўзимиз тиниб кетиши турган гап. Шу нуқтаи назардан, биз ўзимизни юпатаётган ютуқлар саноғи аслида ўзни алдашдан бошқа нарса эмаслиги тобора ойдинлашмоқда. Бу – халқимизнинг бугунги интеллектуал, илмий ва бадиий-эстетик салоҳияти аслида қай ҳолда эканидан дарак берувчи кўпдан-кўп “асар”лар мисолида, афсуски, очиқ намоён бўляпти. Шундай экан, бу ҳолдан биринчи навбатда ижод аҳли кўпроқ ва кучлироқ безовталиқ ҳис қилиши, бошқаларни ҳам оғоҳ этиши лозим:

*Ташқарига чиқдим. Юрагим – кўлда.
(Бутун бир кўчани ёритарми шам?)
Бўлиши мумкин-ку худди шу йўлда
Умрида ёруғлик кўрмаган одам...*

Ижодкор шахсдан қутиладиган вазифа, ҳаракат ва интилиш бошқаларникидан минг чандон каттароқ эканини доимий янгидан идрок этиб туриш, бундан толиққан он эса “тахта-ўқловни йиғиштириб” бошқа ишга уннаш учун ўзида куч ва виждон топиш.

Бу масалада, очиғи, “ўзбекчилик”нинг жамики емирувчи таъсиридан қутулиб, кимнинг аслида ким, ёзгани нима эканини исбот-далил билан ошкора айтиш, шу аснода ҳар қандай ошнолик, гуруҳбозлик, сохта иззат-нафсдан воз кечиш, воқеликка тик қараш талаб этилади. Зеро, бугун гап кимнингдир шахсий манфаати, таги пуч обрў-эътибори, эгаси танимаган иззат-нафси устида эмас, бир пайтлар инсоният адабиёти, эстетик тафаккури, бадиий юксалишига ҳал қилувчи қувват бера олган миллатнинг эртанги тақдири, умумжаҳон йиғинида унга ажратиладиган жой, миллий-маданий мавқе хусусида бормоқда. Бу масалага бефарқ қараган халқни, миллатни, шу миллат вакилиман, дея бош кўтариб юрган инсонни яқин ва узоқ келажакда нималар кутишини тасаввур қилиш унчалар қийин эмас. Шундай экан, мақоламиз бошида эслаганимиз, жувонмард руҳи олдида ҳаммамиз қарздор Абдулла Қодирий армони тақрорланмасин десак, “тарихимизнинг энг кир ва қора кунлари” яна қайтарилмаслигини истасак, адабиёт иши бугун шахсий иш эмас, миллий иш, миллий вазифа ва масъулият эканини англайлик, бир-биримизга қўлдан келганча англайлик.



Маъсурхон ТОИРОВ



QIRMIZ BARGLI OG' OCHLAR

2005 йили Санкт-Петербург шаҳрида яримўтказгичлар физикаси муаммоларига бағишланган 6-Бутунроссия илмий конференциясида икки маърузам билан қатнашдим. Орадан кўп ўтмай, мазкур конференциядаги маърузаларим матни билан танишган чоғи, АҚШ олимларидан Денвер, Япония олимларидан эса Осака шаҳрида бўлиб ўтажак анжуманларга таклифнома олдим.

Денвер конференцияси сабаб АҚШ заминига қадам қўйдим. Илмий машварат тугагач, Нью Йоркка учдим. Аэропортда мени собиқ курсдошим Фарид Мақсудов кутиб олди. Икки дўст яна дийдорлашиб турганимиздан ғоят шод эдик. Фарид ака менга аввал шаҳарни томоша қилдирди, сўнг “Бир америкалик қадрдоним бор. Исми – Рабай Клейн. Унинг Хайм деган ўттиз яшарлар ўғли бор. Хаймга математика ва физикадан дарс берганман. Кўпдан бери Рабай мени далаҳовлисига таклиф этади. Мана, ҳамроҳ ҳам топилди, ўша ерга бориб, бирга ҳордиқ чиқарамиз”, деб қолди. Тошкентга шошиб

турган бўлсам-да, дўстимнинг юзидан ўта олмадим – таклифига рози бўлдим.

Хайм бизни далаҳовлига машинасида элтиб қўйди. Далаҳовли деганлари 100 гектардан мўлроқ ўрмонзор, сара дарахтлар тиғиз ўсган хушманзара бир гўша экан. Уч-тўрт кун ўтгач, бекорчиликдан зерика бошладик. Қарасам, атроф-жавонибдаги дарахтлар остини хазон қоплабди. “Келинг, ҳеч бўлмаса шуларни йиғиб, ўзимизни овутайлик”, дея таклиф киритдим. Хаскашлар ҳам топила қолди. Фарид ака ошга уннаб кетди. Мен эса хазон тўплай бошладим. Танам қизиб, кайфиятим кўтарилди. Бир оз чанқагандек бўлдим. Қани бир пиёла чой бўлса. Ошхона анча узоқ – боришга эриндим. Теварака хаёлчан назар солдим. Қулоғимга мақом саси урилгандек бўлди. Шу пайт қаршимдаги уч дарахт эътиборимни тортди. Улардан бири – ғоят улкан, бошқаси – анча кичик бўлиб, кичиги улкани томон эгилиб ўсган ва ўн-ўн беш газ юқорида унга суяниб, ўсишда давом этган эди. Эрта кўклам бўлса-да, бу икки

дарахт куртак тугмаган, шу боис қуриб қолган-ов деган хаёлга ҳам бордим. Учинчи дарахт эса икковининг ўртасидан ўсиб чиққан, танаси анча йўғон тортган, куртаклари ҳам бўртиб қолганди. Шу уч дарахтга боқиб туриб, хаёлим болалик давримга, қулупнай эгатларига кетди...

Ўтган асрнинг 50-йиллари адоғи. Мен у кезлар 11 яшар бола эдим. Ҳовлимизда қулупнайзор бўларди. Қулупнайни парвариш қилиш, ҳосилини йиғиб олиш, барглари уни ўриб ташлаш қўлимдан келар эди-ю, лекин дадам ҳарчанд ўргатса ҳам эгат олиб, келгуси йилга ҳозирлашни уйдалаёлмасдим. Дадамнинг ўзи эса соғлиғи ёмонлашиб, оғир ишга ярамай қолган эди. Хуллас, дадам қулупнайга эгат олишга мардикор ёллади.

Мардикор оқ ятак кийган, белига қийиқ боғлаган, бошига дўппи қўндирган, калта мош-гуруч соқолли норғул одам бўлиб, бир қўлида кетмон тутиб, бир қўлида тўрт-беш яшар қизалоғини етаклаб кириб келди. Мардикорнинг исми Қодир бува, қизалоқнинг исми эса Зарифа экан. Қодир бува бир маромда кетмон чопар, намозини ҳам қанда қилмас эди. Қизалоқ эса сингилларимга қўшилиб қўғирчоқ ўйнамас, пайкал бошига ўтириб олиб, икки тирсагини иягига тираганча, кетмондан кўзини узмасди. Улар шом тушганда ойим пиширган таомдан ейишди-да, ётоқларига йўл олишди. Дадамнинг айтишича, Қодир буванинг уй-жойи йўқ, Зарифа эса қариганда топган ёлғизи бўлиб, ота-бола совхознинг қайсидир бригадаси шийпонида бир ойдан бери ётиб юришар эмиш.

Эртасига Қодир бува пиёлага кўк чой тўлдириб, бирров нафас ростлашга ўтирганида “Сиз қамалганмисиз? Дадам айтдилар”, деб сўрадим. Қодир бува саволимни эшитмади чоғи пиёладаги чойни симириб, чойнақдан яна тўлдириб куйди-да, бир кесак устига қўйиб, кетмон тигини аввал теша билан ростлади, сўнг ҳафсала билан эговлашга киришди. Мен саволимни қайтариб ўтирмадим-да, қулупнай эгатларида қолган яккам-дуккам ўтларни ўроқда ўрган бўлиб юравердим. Қодир бува ишимни кузатиб турган, шекилли,

кетмонини эговлаб бўлгач, менга “Қани, ўроғингни келтирчи, ўтни ўрмапти, юляпти-ку!” деди. Ўроғимни қўлига олгач, “Бу – ўрис ўроқ, уни “серп” дейишди. Бизники бошқача бўлади. Серпда майда тиш бўлади. Бизнинг ўроқда эса тиш йўқ. Бу ўроғинг-



нинг тиши ейилиб адо бўпти. Эгов солмасанг, ўтни юлади, холос. Сидирилиб кетиб, қўлингни тилиши ҳам мумкин”, дедию уни ҳам эговлай бошлади. Шу орада қўққис “Қоратегинни эшитганмисан?” деб сўраб қолди. Мен “У нима, ўроқми?” деган эдим, кулиб юборди. Сўнг “Қишлоқнинг номи, мен туғилган қишлоқ... Ҳозир Тожикистонга қарайди. Тожик, ўзбек аралаш яшайди”, деб тушунтирди ортидан бир хўрсиниб қўйиб. Қоратегинни сендек эканимда ташлаб чиққанмиз, дея ҳикоясини бошлади. Оиламиз аввалига Пошота деган ерда кўним топди. Пошота – Қирғизистонда таниқли маскан. Балки эшитгандирсан, шунақа авлиё ўтган”, деб менга бир қараб қўйди-да, жавобимни ҳам кутмай давом этди, “Мен Пошота қабрини отам билан зиёрат қилганман. Мозор баланд тоғ этагида. Бир гал қаттиқ ер қимирлаганда, балки Андижон зилзиласидадир, тоғ тепасидан 20 туя катталигида ҳарсанг юмалаб, Пошота қабрига етганда тақа-тақ тўхтаган экан. Мен ўша тошни айланиб кўрганман. Устига чиқмоқчи ҳам эдим-у, лекин қўлимдан келмади – баландлик қилди.” Шу сўзларни айтиб Қодир бува пиёладаги чойни сипқорди-да, яна ўроқни эговлашга уннаб кетди.

Қодир буванинг ҳикояси мени қизиқтириб қўйган, бир маромда босиқ сўзлаши эса ўзига ром этган эди. “Қани эди ўқитувчиларимиз ҳам дарсни шунақа қизиқ ўтса. Дарсда ҳеч ким тўполон қилмас эди”, деган фикр ўтди хаёлимдан. Ўша йили ўқитувчимиз Ҳабиба опа узоқ вақт касал бўлиб ётиб қолди. Баъ-

зан унинг дарсларини бошқа муаллим ўтар, баъзан эса биз – 16 нафар ўқувчи бўш қолар эдик. Шунда Чавандоз деган, уни Човар деб атардик, синфдошимизни доскага чиқариб кўярдик-да, бувисидан эшитган эртакларини мириқиб тинглардик. Чавандоз шу қадар кифтини келтириб эртақ сўйлардики, хануз ўша чўпчакларни кўмсайман. Човарнинг ота-онаси ҳаётдан барвақт кўз юмган, бувисининг кўлида қолган эди боёқиш...

“Пошотада қимиз сероб бўлади. У ердагидек ўткир қимизни бошқа жойда ичмадим. Тезоқар катта сойи ҳам бор. Ўша сой бир келинни оқизиб кетган, уни кутқараман деб сувга сакраган қайнотаси ҳам чўкиб кетган. Қайнота келини билан набирасини сайрга олиб чиққан экан-да ўшанда”, деб Қодир бува ўроқ эговлашни тамомлади. Сўнг ўроғу эговни четга қўйиб, мудрабгина ўтирган Зарифани бағрига олди. Қизча отасининг иссиқ бағрида ухлади-қолди. Қодир бува Зарифанинг юзидан аста ўпиб, ҳикоясини давом эттирди: “Эҳ-ҳэ, биз Қоратегиндан кўчган кезлар Оқпошшо замони эди. Отам улфатлари билан чойхонада гурунглашиб ўтирса, золимлиги билан ном чиқарган мингбоши кириб қолибди. Улфатлар дарров уни давра тўрига олишибди. Мингбоши эса дабдурустдан “Пошшо-вазир ўйнаймиз, гугуртни кўлга олинглар!” – деб буюриб қолибди. Отам “Йўқ, мен ўйнамайман”, деса ҳам мажбур қилибди. Биринчи гал гугурт ташланганда, мингбошига шоҳ тушиб, отамга ўғри чиқибди. “Ўғрининг соқол-мўйлабини қиртишлаб, ўн дарра уринг”, деб фармон берибди мингбоши. Ўзи эса ёстиққа ёнбошлаб, фармон “ижро”сини мамнун томоша қилибди. Кейинги бор гугурт ташланганда эса отамга шоҳ, мингбошига ўғри тушибди. Отам ҳам “Ўғрининг соқол-мўйлабини қиртишлаб, ўн дарра уринг” деб фармон берибди. Мингбоши “Нималар деяпсан ўзи, мен мингбоши бўлсам, бу ҳолимни кўрганлар “Мингбоши бачча бўлиб қолибди” демайдим, дея зорланишга тушибди. Бироқ отамнинг қайсарлиги тутиб, сўзида қаттиқ туриб олибди. Қоратегин йигитлари эпчил бўлади – бир зумда мингбошининг иягини

ялтиратиб қўйибди. Шунда отам “Мен шоҳ-у, сиз фуқаро бўлсангиз, эшитинг, бундан буён Қоратегинда бу ўйин тақиқлансин. Кимки ўйнаса, юз дарра урилиб, халқ ичида сазойи этилсин, минг тилла жарима солинсин”, деб туриб чиқиб кетибди. Ахир, отамга яна ўғри, мингбошига пошшо тушса, у отамни ўлимга буюриб юбориши ҳеч гап эмас экан-да.

Шу воқеадан кўп ўтмай Қоратегиндан кўчиб кетдик. Мингбоши ҳеч алаmidан чиқолмас, қаерга кўчсак, дарагимизни топар, ўйинни давом эттиришга қистарди. Отам эса бунинг оқибатидан кўрқиб, бизни яна пинҳона бошқа жойга кўчирарди. Бу орада большевик, босмачи деган гаплар чиқди, биз эса хануз аравада қишлоқма-қишлоқ кезардик. Охири саргардонлик бизни Мирзачўлга етаклаб келди...”

“Ночорлик орқасида дадам беш яшар укам Ҳабибиллони бир бойга дастёрликка бериб юборди, – дея ҳикоясини давом эттирди Қодир бува. – Эртаси куни тонгда укам бойнинг уйидан қочиб келди. Дадам билан тоғам ҳарчанд куйиб-пишмасин, укам “Бойникига бормайман!” деб йиғлаб туриб олди. Шунда тоғам ғазабланиб “Ҳарқалай нон тилаган бир оғиз камаярди бойникида юрсанг, ҳалиям бўлса йўқол ўшаникига!” деб Ҳабибиллонинг курагига мушт туширган эди, укам қон қусиб юборди. Онам “Вой, шўрим қуриб қолди менгинани!” деб укамни маҳкам бағрига босди. Укам бойникига қайтмади-ю, бироқ уч кун деганда... бу оламни тарк этди. Бу воқеа юрагимда битмас яра бўлиб қолган...”

Бир хира пашша ҳадеб Зарифанинг юзига кўнар, Қодир бува уни ҳарчанд қувса-да, барибир, қайтиб келаверарди. Ниҳоят, Зарифа уйғониб кетдию ичишга сув сўради. Қодир бува менга имо қилган эди, дарров пиёлага чой куйиб узатдим. Энди Зарифанинг уйқуси батамом қочган эди. У ўрнидан туриб, капалак қувиб кетди. Қодир бува ҳам кетмонининг зеҳига кўз ташлаб олиб, “Ё пирим!” деб ўрнидан турди-да, қулупнай чопигига унади. Мен эса ўроқда ўт ўрган бўлиб Қодир буванинг атрофида ўралашиб юрдим. Бироқ Қодир бува шу куни ҳикоясини давом эттир-

мади. Мен ҳам гарчи эшитишни жуда-жуда хоҳласам-да, бояги хира пашшага ўхшагим келмади.

Эртасига яна мавридини топиб Қодир бувани гапга солдим. “Ҳозиргилар ҳам ўзини овчиман деб юрибди, – деб гап бошлади Қодир бува нафас ростлаш учун пушта четига ўтириб, Зарифани тиззасига олгач. – Тунда машинаси чироғини ёқиб олиб, кийикни тинкаси қуригунча даштма-дашт, чўлма-чўл қувишади. Жонивор қоча-қоча охири толиқиб, машина етиб олишига кўнади. Ана энди, мерганликка ҳам ҳожат йўқ. Тепкини боссангиз бас, кийик типирчилаб ётибди-да! Ваҳоланки, кийикни жабрламай отиш керак. Қўй-мол сўйсанг, ташна кетмасин деб, сув тутиб кўрасан. Кийик машинада қувилса, оғзи қуриб, ўпкаси шишар, ахир. Овчи дегани бераҳм бўлмаслиги керак. Мерганлик ҳадисини олмагунча овчилик қилмаган маъқул. Отган ўқинг тегса-ю, жонивор ўлмаса – на у ёқли, на бу ёқли...” Ҳикоя шу ерга етганда “Қодир бува, кийикни нега тунда машинада овлашади?” деб савол ташлаб қўйдим. “Машинанинг бир чироғи бор – узоқни ёритади. Шу чироқ ёруғидан ташқариси кийикка баланд қора девор бўлиб кўринади. Шу соддалиги уни номард овчи қўлида ҳалок қилади.”

“Ёшлигимда учиб кетаётган ғознинг кўзини нишонга олиб, камонда беҳато уриб туширар эдим, – деб ҳикоясида давом этди Қодир бува. – Бир куни ғаройиб туш кўрдим: бир турнани уриб тушириб, калласини челақдан осилтириб кетаётсам, тепамда бошқа турна айланиб учаётир. Уни ҳам отиб олсамми, деб турган эдим, осмондаги турна тилга кириб, челақдаги биродарига қарата бўзлаб қолди: “Эй биродарим, оламга сен олдин келдинг, мен эса кейин. Ҳар нарсада навбат олдин сенга бўлди, сўнгра менга. Отанамиз емишни ҳам аввал сенинг оғзингга солар, сўнгра менга тутарди. Сен олдин учирма бўлдинг, сўнгра мен. Сен олдин оила қурдинг, сўнгра мен. Сен олдин полапонли бўлдинг, сўнгра мен. Мана, овчининг ўқи ҳам мендан олдин сени қулатди. Ҳеч қурса, шунда биринчиликни менга бермадинг-а?

Шу ҳам биродарлик бўлдими, жоним акам!” У шундай деб қон йиғлар, кўзёшлари юзимга қуйилар эди. Сесканиб уйғониб кетдим у бир неча кун ўзимга келолмай юрдим. Шундан сўнг қуш овлашни тарк этдим. Тўқайда чайла тикладим-да, ёввойи ҳайвонларни овлашга киришдим. Кундан кунга кучга тўлар, мерган овчи, яна эпчил чавандозу билаги зўр полвон бўлиб қолган эдим...

Йигитлик фаслига кирганимда Ҳабибулло укам нега бойнинг уйига қайтмайман деб оёқ тираб туриб олганини тушундим. Жирканч бир аблаҳлик содир бўлганини кўз олдимдан кетказа олмай қуярдим. Бир куни пайт пойлаб овлоқ ерда ўша бойни тутиб олдим-да, қон қусгунича дўппосладим. Одамлар келиб қолиб, ҳайҳайлаб ажратмаса, нақ ўлдирардим. Ўшанда мени 25 йилга қаматиб юборишди. Қамокдан чиқиб бой ҳали ҳам тириклигини эшитдим, лекин кўзи кўр бўлиб, каловланиб қолибди. Худо жазосини берибди-ку, дея ўзимга тасалли берган бўлдим.”

Қодир буванинг ҳикоясини шу куни ишдан барвақт қайтган дадамнинг “Ассалому алайкум, ҳорманглар” деган сўзлари узиб қўйди. Қодир бува астойдил алик олиб, дадам билан қўшқўллаб кўришди. Дадам менга ишора қилиб, “Қалай бизнинг Мичурин ўғлимиз? Қулупнай чопиғини ўрганиб олдимми?” деб бошимни силаб қўйди. Мен катталар ёнидан кетиб, ўроқни ишга солдим-у, кўз қирида қузата бошладим. Улар бир оз суҳбатлашиб туришгач, дадам чўнтагидан пул чиқариб, Қодир бувага узатди. У киши раҳмат айтиб пулни олди-да, белбоғига тугиб қўйди. Дадамнинг “Мақтаб директори билан гаплашдим. Қоровул қилиб ишга олишга рози. Омборхонага ёндош бир хонани ҳам кўрсатди. Менимча, ўша ерда қишласа бўлади. Бир темир печка қуриб берамиз деб ваъда берди” деган гаплари қулоғимга чалинди. Дадамнинг “Одамларга қўлим билан кўп беролмадим, лекин йўлим билан кўп бердим”, деган сўзи мени бутун ҳаёт йўлимда савоб сари чорлаб туради.

Шу куни ойим кечки овқатни барвақтроқ пиширди. Қодир бува ҳам қизалоғи билан

ётоғига эртароқ жўнади. Кун ботишига ҳали бир оз бор: мен ҳам ғилдирагимни симга солиб ғилдираганча уларга эргашдим. Кўчани кесиб ўтгач, ўнг тарафга қайрилдик. Сал нарида сартарошхона бор. Қодир бува унинг эшигидан мўралаб, сартарош бандлигини кўрди-да, менга қизини тайинлаб ўзи қаергадир кетди. Зарифага ғилдирагимни мақтаб турган эдим, Қодир бува кўлида тугунча билан қайтиб, мен билан қизига музқаймоқ узатди. Биз музқаймоқни еб бўлгунча, сартарош Қодир буванинг сочини қиртишлаб, соқол-мўйлабини ҳам кузаб кўйди. Қодир бува Зарифанинг сочини устага таратиб олиб, меникига тикилиброқ қараган эди, сартарошхонадан қочиб чиқиб, нарироққа бориб турдим. Қодир бува менга “Ҳа, қочқоқ!” деб ёлғондан пўписа қилди-да, “Бу ёғига ҳам биз билан борасанми?” дегандек маъноли қаради. Сўнг соқолини бир силаб олиб, Почта бекати сари йўл олди.

Толариқдан ўтаётганимизда, “Шу сув бўйидаги шийпонда бизнинг “қароргоҳ”, бориб кўрмоқчимисан дейман?” дея менга яна бир қараб кўйди. “Бу ариқни неча марта бошдан-оёқ кетмон билан чопганман. Шундай қилиб турмаса саёз тортиб қолади-да. Ахир, водийликман-да, қоратегинликлар ҳам водийлик ҳисобланади. Водийда Бешариқ, Олтиариқ деган жойлар бор. Биргина ариқнинг ҳам фарқи бор, шекилли, олтиариқликларнинг ошиғи доим олчи, ҳосили – мўл. Бешариқликларда эса гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ. Ёки бешариқликларнинг мироби чатоқроқмикан-а? Мироб адолатли бўлса, ишини пухта билса, деҳқоннинг омади келди, деявер. Ғилдирагини бир пас кўлингга ол, бир мироббоши ҳақида сўзлаб бераман, қулоғинга кириб қолгани – фойда. Мана, халқимизни аёлларни кадрламайди, камситади, дейишади. Ҳеч ҳам ундай эмас-да. Водийда бир мироббоши бўлган экан. Хотини унга шу қадар меҳрибон эканки, эри қайга борса ортидан қолмас, оқ ювиб-оқ тарар экан. Аёлнинг исми Холбиби экан.” Қодир бува ҳикоя шу ерга етганда мени саволга тутиб қолди: “Сен ўқийдиган тарих дарсликлариди Холбиби ҳақида ёзилганми

ўзи? Биласанми шундай аёл ўтганини?” Мен қандай жавоб беришни билмай гоҳ Қодир бувага, гоҳ ўткинчи машиналарга қарадим. Шу пайт кўлимдаги ғилдирак ерга тушиб, Толариққа юмалаб кетса бўладими. Қодир бува кексайиб қолган бўлса-да, эпчиллик қилиб ғилдиракни ушлаб қолди. Сўнг “Зинҳор бўшанглик қилма. Оз қолди-я ғилдиракдан ажрашингга. Сувга тушиб кетса, олиб чиқармидинг”, деб танбеҳ берди. Ортидан “Одам ўз буюмини хушёр асраши керак, – деб кўшиб кўйди салмоқ билан. – Худди шунга ўхшаб ота-она, ака-ука, опа-сингил, дўст-ёрларни ҳам... Акс ҳолда улардан ҳам кўққис ажраб қолиш ҳеч гап эмас. Холбиби ҳам ўша миробни асраган-да. Бироқ қисматдан қочиб қутулиб бўлмас экан. Вақт-соати етиб ўша бош мироб вафот этибди. Шунда хон барча миробларни саройга тўплаб машварат ўтказибди: хўш, ким бўлади янги мироббоши? Бева Холбиби ҳам эркакча кийиниб хон саройига кирибди. У машваратда наинки иштирок этибди, барча мироблардан билимдон ва зийраклигини ҳам намойиш қилибди. Эрининг ортидан изма-из эргашиб, кўзи обдон пишган экан-да. Шунда хон уни мироббоши қилиб тайинлашга фармони олий берибди. Унинг эркак эмас, аёллиги маълум бўлганда ҳам хон фармонини бекор қилмабди. Бизда бугун мироббоши лавозимини сув хўжалиги министри дейишади, шундайми?” Мен Қодир буванинг бу саволига жавобан елка қисиб кўяқолдим.

“Қани, Увайсийнинг “Анор” шеърини бир айтиб бер-чи”, деб қолса бўладими Қодир бува хиёл вақт ўтиб. Бу пайтда биз Почта бекатидаги чорраҳадан чап тарафдаги кўчага бурилаётган эдик. Ўзимни Қодир буванинг саволини эшитмаганга олдим-да, орқамга ўгирилиб, кўчанинг у юзида тузланган бодринг сотиб ўтирадиган икки оёғи йўқ ўрис кампирни излай бошладим. Кампир бугун негадир кўринмасди. Шунда Қодир бува “Сенгаям ёқаркан-да, кампир тузлаган бодринг? Жуда қойиллатади-да ўзиям”, деди завқ билан. Сўнг бирдан хомуш тортиб бош чайқайди: “Урушда икки оёғидан ажраб қолган экан

бечора. Ҳамшира бўлиб беш йил қон кечи-
б, эртага уруш тугайди деган куни икки оёғи-
дан ажраб турса-я! Кампир билан узоқ-узоқ
ҳасратлашганман. Кўкси тўла орден-медал
бўлса-да, шу тузланган бодринг кунига яра-
ган. Эри, ёлғиз ўғли урушда ҳалок бўлган.
Тошкентга меҳри бўлакча экан унинг. Уруш-
дан яна шу шаҳарга қайтибди. Бир кулда
танҳо умр ўтказяпти экан. Ёзи билан уч-тўрт
бочка бодринг тузлайди. Сўнг ҳар куни оз-оз
пуллаб нонига яратади. Уч-тўрт кун бўлди –
кўринмай қолди. Тоби қочдимикан, қайдам.
Ҳай, майли. Қани ғилдирагингни менга бер-
чи. Бу – уч оёқли велосипеднинг олд ғилди-
раги экан. Ғилдиратишга моҳир экансан-у,
лекин шеър билмаслигинг чатоқ. Қани За-
рифа, шеър айтиш қанақа бўлишини аканг-
га бир кўрсатиб қўй-чи!” Қодир бува шундай
деб, қизалоғининг бошини силаб менга юз-
ма-юз қилди. Кейин маъюс оҳангда “Бу шеър
юрагимдаги дардим ҳақида ёзилганми деб
кўп ўйлаб қоламан”, дея қўшиб қўйди. Зари-
фа бир ўнг, бир сўл томонга қараб олгач, икки
кўзини қўлчаларининг очиқ кафтига тикиб,
“Увайсий шеъри. “Анор”. Бу шеърни Увай-
сий дадам билан менга бағишлаб ёзган”, де-
ди-да, ўқий кетди:

*Ул на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзларига парда тортиғлиқ турарлар бағри қон.*

Мисралар Зарифанинг лабидан булбул
ноласидек тўкилар эди. “Қон” сўзи лабидан
чиқар-чиқмас у ўзини дадаси бағрига от-
ди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Қодир бува
уни “Бўлди қизим, бўлди йиғлама!” дея ову-
тар, лекин ўзининг ҳам кўзидан ёш тирқираб
оқарди. Бу манзарага боқиб туриб, менинг
ҳам кўзимга ёш келди. Ўтган-кетганлар бизга
қарарди-ю, ғайриоддий ҳолни пайқамасди.
Мен ота-бола билан хайрлашмай, уйга қараб
чопдим. Мени бир ҳолатда кўриб, ойимни
ваҳима босди: “Нима бўлди сенга, қаерларда
тентираб юрибсан, орқангдан биров қувди-
ми, қани ғилдирагинг?” Мен ҳиқ-ҳиқ қилганча
бўлган воқеани сўзлаб бердим: “Ойи, нега

улар тўсатдан бир-бирини ачомлаб йиғлай
бошлади? Буни кўриб чидаёлмадим. Бирдан
сизни соғиниб кетдим, соғиниб кетдим, ойи-
жон!” дер эдим энтикиб. Шу кеча алаҳсираб
чиқдим. Ойим эса бошимда ўтирди. Ҳар гал
уйқум қочиб, кўзимни очсам, ойимни кўрар,
уни маҳкам кучоқлаб олар, яна уйқуга ке-
тар, яна алаҳсираб эдим. Уйқу аралаш гоҳо
дадамнинг “Ухладим, ухлаб қолдим?” де-
ган овози ҳам эшитилиб қоларди. Эртасига
кун бўйи тўшақдан бош кўтармадим. Нуқул
ойимни кўргим келар, соғинар эдим. Шу куни
Қодир бува билан Зарифа ҳам келмади. Қо-
расувдаги жоме масжидига жума намози-
га борган экан. Зарифани эса шийпондаги
ошпаз аёлга қолдириб кетибди.

Шанба куни қуёш найза бўйи кўтарилган-
да уйқуга қониб уйғондим. Ўзимни тетик ҳис
қилганимдан дарров ҳовлига чиқдим. Қара-
сам, Қодир бува қулупнай чопиғини бошлаб
юборибди. Зарифа, одатдагидек, эгат боши-
да икки кафтини иягига тираб отасининг кет-
мон чопишини томоша қилиб ўтирибди.

“Ҳа йигит, бунақамас-да энди. Хайр-маъ-
зур йўқ, ғилдиракни ҳам ташлаб қочиб кет-
динг-а. Ана, ғилдирагингни иккита қилиб
келтириб қўйдим. Энди Баротхўжада сенга
ҳаваси келмайдиган бола қолмайди. Бунақа-
си ҳеч кимда йўқ”, деди Қодир бува айвонда
ётган катта баллонни кўрсатиб. Мен қувонган-
нимдан лаб-лунжимни йиғиштира олмай қол-
дим. Зарифани маҳкам кучоқлаб, бир айлан-
тирдим-да, яна ерга қўйдим. Ҳар замон За-
рифа иккимиз югуриб бориб, Қодир бувани
кучоқлар, яна қайтиб келиб, баллон устида
ирғишлардик. Ойим узоқдан бизга завқланиб
қараб кўярди. Қодир бува қулупнай эгатлари-
ни чопа берди, Зарифа икковимиз эса бал-
лон устида сакрайвердик.

Бир пайт дарвоза олдида юк машинаси
тўхтади. Ойим қўшниларникига чиқиб кетган
эди. Ҳовлида Қодир бува, мен ва Зарифадан
бўлак кимса йўқ. Дарвозани очиб қарасам,
катта тоғам турибди. “Тахта олиб келдим,
эшик-ром ясагани. Устани шу ерга соламиз.
Яхшиямки уйда экансан. Тахтани туши-
риб кетаман, уйга олиб кириб қўй”, деди у.

Юкларни тушириб бўлгач, тоғам мени четга тортиб, “Уйга олиб киргач, дарвозани тамбалаб кўй. Тахтани томга чиқариб тахла. Қоғози йўқ, тушунгандирсан!” деди. Катта тоғам Ўртасаройда янги қуриладиган клубга директор қилиб тайинланган эди. Бу – ўша клуб қурилишига келган тахталардан, шекилли. Тоғам бизникига яқин жойдан чек олган эди.

Тахтани аввал нарвон остига ташиб олдим, сўнг деворга суюдим-да, ўзим томга чиқдим. Уларни шу ердан тортиб чиқариб, тахлаб кўйдим. Ҳали суюги қотмаган ўспиринлигим, қолаверса, касалдан янги турганим учун тинка-мадорим қуриди ўзиям. Қодир бува бир-икки бор ёнимга келиб, “Кел болам, қарашиб юборай. Бир ўзинг эзилиб кетасан бунақада...” деса ҳам кўнмадим – орият талашгандек “Ўзим...” деб туриб олдим. Бу орада ойим кўшникидан чиқиб, дастурхонга тушлик овқатни тортди. Овқатдан сўнг ҳар ким яна ўз ишига уннаб кетди. Қодир бува қулупнай эгатини чопишга, мен билан Зарифа баллон ўйнашга киришдик. Асрга яқин яна дарвоза таққиллади. Югуриб бориб очдим. Қарасам, яна катта тоғам. Мени кўриши билан “Тахта қани?” деб сўради. Мен томга ишора қилдим. У нарвондан томга чиқиб, тахталар саногини олгач, пастга тушиб, ойим билан сўрашди-да, айвондаги кўрпачага ёнбошлаб, чой хўплай бошлади. Шу вақт кўзи ерда ётган баллонга тушиб қолса бўладими. “Ия опа, худди шунақасини қидириб юрган эдим-да! Том ёпганда михга кийдиргани резинка керак экан. Уста баллоннинг резинкаси ҳам бўлаверади деган эди”, дедилар-да пиёладаги чойни шартта сипқорди ва баллонни юмалатиб дарвозадан чиқди-кетди.

Қодир бува бу воқеани узоқдан кузатиб турган экан, “Ҳабба...” деб носқовоқдан кафтига бир отим нос тўкиб, тил остига ташлади-да, яна чопиқни давом эттирди. Бир оз ишлаганидан сўнг аср намозини ўқидию кетишга чоғланди. Ойим кечки овқатга қолинг, деб қистаса ҳам кўнмади. Мен ота-болани кўча бошидаги қудуққача кузатиб, уйга қайтдим. Ўзимни тўшакка отиб йиғлаб юбордим. Ойим тепамга келиб, бошимни силади, ле-

кин овутишга сўз топа олмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам Қодир бува келмади. Мен дадам ва ойимдан сўрасам, “Билмадик”, деб қўяқолишди. Шунда анови гал уларга эргашиб, шийпонгача бормаганимга афсус қилдим, балки ўзим сўроқлаб борармидим. Қулупнай эгатларидан тўрт-бештаси чопиқсиз қолган эди. Уларни ўзим чопиб, тартибга солган бўлдим. Шу-шу, Қодир бувани ҳам, Зарифани ҳам кўрмадим. Уларни кўргим, Қодир буванинг ҳикояларини тинглагим келар эди...

Келаси йили қулупнай шиғил ҳосил берди. Ойим иккимиз қулупнайни тоғараларга солиб, автобусда Миробод бозорига элтиб сотдик. Кондуктор аёл тоғораларга ҳам пул тўланг, дея ойимга нуқул тиргалар, ойим эса у билан жанжаллашса жанжаллашардики, бироқ тоғорага пул тўламасди. Қулупнайни сотиб бўлгач, уйга хурсанд қайтардик. Ойим ҳар гал бозордан чиқишда бўш тоғораларни менга қолдириб, шу яқиндаги заргарлик дўконига бирров кириб чиқарди. Қулупнай сота бошлаганимизнинг ўнинчи куни заргарлик дўконидан чиқаётган ойимга разм солсам, қулоқларида – ёқут кўзли тилла зирак. Ойим уларни менга кўрсатиб, “Қара, чиройли-а, сенга ёқдимиз? Ҳар кун пулни чамалардим-у, етмас эди. Сотилиб кетмадимикан деб хавотирда эдим. Хайрият, ўзимга буюрган экан, мана, сотиб олдим”, деди қувониб.

Ёшим йигирмага етганида бир кун ойимнинг қулоқларига тикилиб туриб, “Ўшанда сотиб олган ёқут кўзли тилла зирагингизни нега ҳеч тақмадингиз? Қачондан бери шуни сўрагим келади-ю, лекин ийманаман”, дедим. Ойим бир оз ўйланиб қолди-да, “Кел, ўша эсдан чиққан гапларни қайта ёдга солма”, деди маънос тортиб. Мен бу ҳолдан ажабланиб, қистовга олдим. Шунда ойим “Қодир бува билан унинг қизи Зарифа эсингдами?” деди. Ахир, унутиб бўлармиди уларни! Мен “Ҳа, ҳа, ойи, бари ёдимда, нега сўраяпсиз?” дедим ажабланиб. Ойим кўзини олиб қочди-да, “Ўшанда Қодир бува тонгда юрак хуружидан жон берган, қулупнай чопиғи туғалланмай қолиб кетганди. Даданг билан

буни сендан сир тутганмиз. Даданг бош-қош бўлиб Қодир бувани дафн қилган, маъракасани ўтказган. Қизи Зарифани Чилонзордаги етимхонага жойлаштирган. Мен ҳам бир гал даданга кўшилиб Зарифани кўргани ўша ерга борганман. Шунда "Отангдан эсдалик бўлсин, қизим, бу зиракни отанг чопиқ қилган қулупнай пулига сотиб олдим – ол, қизим, отангни эслаб юр!" деб Зарифанинг қулоғига тақиб кўйдим".

Бу ҳикояни эшитиб, бўғзимга нимадир тикилди. Ров ўрнимдан туриб, ҳовлига чиқиб кетдим. Қодир бува чопиқ қилган қулупнай пайкалию Зарифа чўк тушиб ўтирган эгат бошини изладим. Қодир буванинг тилидан эшитганим – чигал тақдир қиссаси хаёлимда қайта жонланди. Энди билсам, у бошидан кечирганларига ривоятларни ҳам кўшиб-чатиб ҳикоя қилган экан. Ўз сўзлари мендек бир ўспирин қалбига чуқурроқ жойлашсин деб шундай қилган, албатта.

Кўз олдимдан Қодир бува совға қилган ўша баллон ҳам ўтди. Қайсидир йили катта тоғам уйи томини ёпгани ҳашар қилди. Шу ҳашар чоғи икки қаричча жойи кесиб олиниб, ўзи айиқ ўлигидек чўзилиб ётган ўша баллонга кўзим тушди. Эсиз-эсиз, икки қаричгина резинка деб шундай баллон ҳайф бўлса-я... Қодир буванинг Толариқ бўйида "Бўшашма, қўлингдаги нақдингни олдириб кўйма!" дея берган ўғитини ўшанда адо этмаганим алам қилди. Шу куни кечгача уйга кирмай, ҳовлида гоҳ у-гоҳ бу ишга уннаб, тимирскиланиб юрдим. Ойим нон ёпаётганида ҳовлидан терган бир қучоқ хас-чўпимни тандир ёнига ташладим. У нон узаётган маҳал эса бетоқатланиб, "Ойи!" дедим. Ойим нон узишдан тўхтаб, "Нима дейсан?" дегандек ўгирилди. "Ойи, мен бир етим қизга уйланаман. Ҳаётимни ўша қизни бахтли этишга бағишлайман. Мени дуо қилинг!" дедим. Ойим менга бир оз тикилиб турди-да, қўлидаги ёпқични бир четга ечиб, қўлларини дуога очди: "Ниятингга етгин, болам. Сендек ўғил берган Оллоҳимга шукр!"...

– Бир ош пишгулик ҳам хазон йиғмаб-сиз-ку, биродар! Нега бу дарахтларга тикилганча ҳайкалдек қотиб қолдингиз, – деган сўзлардан ўзимга келдим. Шундоққина ёнимда Фарид ака кулибгина қараб турарди.

– Боядан бери ёнингиздаман. Келганимни ҳам сезмадингиз. Нима гап, тинчликми ўзи? Қизиқ, бу дарахтларнинг барги қирмизи бўлади. Худди анор доналари каби. Бу рангни қаердан олади, ҳайронман. Гўё бағри қонга тўлаю у баргига ҳам кўчгандек...

– Бугун бир-икки марҳум тушимга кирибди. Дарахтларга боқиб туриб, шу тушни эсладим. Хаёл мени ўспиринлик йилларимга етаклаб кетди.

– Нимасини айтасиз! Мен ҳам ҳар кун тушимда марҳум яқинларим, қариндошларимни кўраман. Ўзбекистон қаерда-ю, Америка деганлари қаерда! Бироқ уларнинг руҳи шу ерга ҳам бизни излаб келади-я. Ўзбекистонга борган америкаликлар ҳам юртимизда шундай тушлар кўрармикан, сўраб кўрсак бўлармиди, нима дейсиз?

– Гапингизда жон бор. Шеър ўқиб берайми?
– Шеър? Майли.

*Ул на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзларига парда тортиглик турарлар бағри қон.*

– Увайсийнинг "Анор" чистони-ку бу!

– Йўқ, бу Қодир бува билан Зарифанинг шеъри!

– Ким улар?

– Улар... Улар ўспиринлик йилларим қалбим тўрига ўрнашган қадрдонларим, жуда меҳрибон инсонлар!

Фарид ака бир зум менга тикилиб турди-да, сўнг қирмиз баргли оғочларга нигоҳ ташлаб:

– Нима сир бор экан-а, шу барглар рангида, – дея хаёл суриб кетди ўзича.

Мен эса дўстимни хаёллари билан ёлғиз қолдириб, аста-аста босиб ётоқ сари жўнадим...

Султонмурод ОЛИМ

XADICHA BEGIM

ёхуд

бадий ва тарихий ҳақиқат зиддияти

Алишер Навоийнинг “Хамса”си – бир қарашда, соф бадий асар. Бироқ унда теурий ҳукмдорларни улуглаш баҳонасида уларга насиҳатлар қилиш, буюк салтанатнинг эртасини ёруғ кўриш илинжи барқ уриб туради. Айни жиҳати билан бу эпопея замонасининг буюк сиёсатномаси ҳам эди.

Достонларнинг ҳар бирида муаллифнинг замондошлари, хусусан, Султон Ҳусайн Мирзо ва унинг хонадони вакилларига бағишлаган боблар бор. Жумладан, “Сабъаи сайёр” достонининг 10-боби “Исмаат баҳористонининг шукуфта боғи ва ифбат шабистонининг гавҳари шабчароғи, рўпўшлиғ Қофининг асмойи париси, маҳжублиғ сипехрининг меҳри ховарийси, ахлоқи ҳамида ва авсофи писандидасидин шаммае изҳор қилмоқ” деб номланади. Сарлавҳадаги “исмаат” (поклик), “ифбат”, “шабчароғ” (тунги чироқ), “рўпўшлиғ” (юзи ёпиклик), “пари” каби ифодалардан нозикдид китобхон гап аёл киши ҳақида бораётганини сезади, албатта.

Ҳўш, ким бу аёл?

Шоир қаҳрамони аёл бўлгани учун ҳам унинг исмини яширади.

Нега?

Бу – Навоийнинг аёллар тасвиридаги ўзига хос бир қатъияти эди. Айни қатъият муаллифнинг шахсий топилмаси бўлмай, уни шоир яшаган даврга хос исломий қадриятлар тақозо этар эди.

Сираси, “Сабъаи сайёр”нинг 10-боби, гарчи унинг сарлавҳа-сида очиқ-ойдин айтилмаган бўлса ҳам, Султон Ҳусайн Мирзонинг суюкли хотини Хадичабегимга бағишланган. Даҳо шоир, бир куни келиб номи яширин тутилган аёл турли баҳсларга сабаб бўлишини олдиндан билгандай, унга ишора этиб кетади. Аввал мадҳ этилаётган шахсни Сулаймон алайҳиссаломнинг аёли Билқисга ўхшатади, кейин уни Иброҳим алайҳиссаломнинг хотини Сораи узмога (узмо – улуг, буюк дегани) менгайди, сўнг эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг завжаси Хадичаи куброга (кубро – катта дегани) тенглаштиради. “Хадича” сўзи қўлланган ана шу байт жумбоқнинг калити бўлиб хизмат қилади.

Тўққиз парда ичида

Хадичабегим ҳақидаги бобда унинг кўпдан-кўп фазилатлари баён этилади.

Биринчиси – у тўққиз парда ичра ўтиради. Бу унинг малика эканига ишора. Ҳарир матодан тўқилган тўққиз пардани малаклар кўриқлаб туради. Ҳеч бир маҳбуб унга

сирдош эмас. Бу ерда фалак мансабдори, поклик осмони тепасидаги бир Ой тахтда ўтирибди.

Иккинчи сифати шундан иборатки, у бағоят покдоман хилқат, фалак бундай пок гавҳарни илгари кўрган эмас.

Манбалардан маълумки, Хадичабегимнинг “Маҳди улё” (Олий йўлбошчи) ва “Исмат уд-дунё” (Дунё покизаси) каби унвонлари бўлган. “Сабъаи сайёр”да ҳам шоир ана шу икки сифатни зикр этади.

Учинчи фазилати шундан иборатки, у ниҳоят даражада саховатли. Кафти денгизи дурлар бахш этади.

Тўртинчи фазилати шуки, бу аёл бағоят хушрўй. Ҳатто Қуёш ҳам унга кўзгу бўла олмайди. Чунки унинг ўзини “Меҳр”, “Хуршид” деб аташади. Унинг даргохидан қувилган Қуёш уялиб, сарғайиб, титраб, ўз ётоғига бош кўяди.

Маликанинг хизматидагилар ҳам парига ўхшайди. Ўзини парда орасида пинҳон тутмаса, уни кўрган сунбулу райхоннинг ғайирлиги келади. Иффати шу қадарки, Ой оқшом олам аро чиқиб, “Юзимни қора қилдилар”, дейди. Яъни бу аёл Ойдан ҳам покроқ.

Шундай юксак мадҳдан кейин Навоий сўзни унинг икки ўғли таърифи сари буради. Шоир Хадичабегимни аввал пайғамбарларнинг аёлларига ўхшатган эди. Энди уни Биби Марямга тенглаштиради, икки ўғлининг Исо алайҳиссаломдек ўликларни тирилтирадиган илоҳий нафасга эга бўлишини орзулашини баён этади.

Шу тариқа шоир Султон Ҳусайн Мирзо билан Хадичабегимга бахт тилайди, икки ўғилнинг ҳам иқболини сўраб дуолар қилади.

Шоҳ, малика, шахзодаларга бир мақтов бўлса, шунчалар бўлар, бундан ортиқ бўлмас!

Ким таърифлангани аниқ ғазал

Навоий “Хамса”ни ёзишдан олдин ҳам Хадичабегимга ғазал-мадҳия бағишлаган. У шоир ўзи тузган биринчи девон – “Бадоеъ ул-бидоя”га 59-ғазал сифатида киритилган. Кейинроқ жузъий таҳрир билан “Хазойин

ул-маоний” тўпламининг 3-девони бўлмиш “Бадоеъ ул-васат”дан ўрин олган. Бу ғазалда ҳам Хадичабегим номи очиқ тилга олинмайди. Фақат айнан унга бағишланганини исботлайдиган икки ифода бор.

Булар – ғазалнинг охирги сатрида зикр этилган “Маҳди улё” ва “Исмат уд-дунё” сифати.

Афсуски, бу ғазал қачон ёзилганини аниқлаш мушкул. Айрим ғазалларнинг қайси йили ёзилгани, эҳтимол, унчалар катта аҳамиятга эга эмасдир. Бироқ мазкур ғазал Хадичабегим Абусаид Мирзонинг ҳарамиди эканида ёзилганми ёхуд у Султон Ҳусайн Мирзонинг умр йўлдоши бўлганда ёзилганми? Ушбу масалага аниқлик киритиш илм учун алоҳида аҳамиятга эга. Буни навоий-шуносликнинг келгуси вазифалари сирасига киритайлик-да, ғазалнинг дастлабки ва сўнги байтини ўқийлик:

*Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин
манга сиймо,
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ
донайи савдо...*

*Навоий гар Қуёш норанжидин беҳрак кўрар,
тонг йўқ,
Беҳиким, лутф қилмиш маҳди улё,
исмат уд-дунё.*

Ҳозир ғазални байтма-байт таҳлил қилишнинг мавриди эмас. Асардаги тўрт муҳим ва нозик жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак, назаримизда.

Биринчидан, бу – ишқий ғазал. Чунки ундаги “дарди ҳажр”, “оқартиб ишқ бошимни”, “тиғи ҳажр” ифодалари шундай деб ҳисоблашга асос беради.

Иккинчидан, лирик қаҳрамон ишқ йўлидаги машаққатларни ранги-рўйи сарғайгани



билан ифодалаган. Гап шундаки, халқда, кутиш, интизорлик, ялиниш охир-оқибат рангу рўйнинг сарғайишига олиб келади, деган қараш бор. Шунга кўра тахмин қилиш мумкинки, шоир бу ғазални сарғайма дардига чалинган маҳалда ёзгандир. Негаки, унинг бошқа ғазалларида ҳам сариқ касали билан оғриганига ишораларга дуч келамиз.

Учинчидан, ишқ бу ўринда беҳи, унинг ранги, туки, бу мева одатда пичоқ билан кесилмасдан истеъмол қилиниши (кесилса, суви қочади), мевасининг кўплигидан дарахтининг эгилиши ва ҳоказо тасвирлар билан бақамти тарзда талқин этилади.

Тўртинчидан, матлаъдан маълум бўладики, Маҳди улё лирик қаҳрамонга беҳи юборган.

Ғазалдаги ишқ талқинларини зинҳор-базинҳор Навоийнинг Хадичабегимга муҳаббат тарзида талқин этмаслик керак. Аввало, ғазалда шоирнинг эмас, лирик қаҳрамоннинг ишқи куйланяпти. Қолаверса, ошиқ ҳам ёри кимлигини очиқ айтаётгани йўқ. Фақат охирида беҳини юборган кимса тилга олинапти. У ҳам тўғридан-тўғри эмас, лақаблари орқали эслатиляпти, вассалом. Лирик қаҳрамон муҳаббатини, анъанага кўра, ёрга, яъни Ҳақ таолога ишқ сифатида қабул қилган маъқул.

Бобурнинг ўғай бибисига муносабати

Хадичабегим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ота тарафдан бобоси Абусаид Мирзонинг хотинларидан, демак, отаси Умаршайхнинг ўғай оналаридан бири эди. Бобур — ўта ҳаққониятчи, яъни реалист. Ҳақ сўз йўлида ҳеч кимни, ҳатто отасини ҳам аямаган. Бу жиҳатдан, “Бобурнома”да Хадичабегим хусусида айтилган фикр-мулоҳаза ва баҳоларни кўриб ўтишимиз шарт. Ана шундагина хира манзара кўз ўнгимизда равшанлашади.

Ҳижрий 911, милодий 1505-06 йил воқеалари бобида Султон Ҳусайн Мирзонинг Самарқандни эгаллаган Шайбонийхон устига лашкар тортиб кетаётиб йўлда вафот этгани қайд этилади. Ўрни келгани учун муаллиф Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги маълумотларни баён қилади. “Ахлоқ ва атвори” фасли, қа-

ранг, қандай масалага аниқлик киритишдан бошланади: “Аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ имомни хутбада ўқутгай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ иш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди” (“Бобурнома”. Тошкент, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти. 1960. 222-бет. Кейинги иқтибосларда ана шу китоб саҳифаси кўрсатилади).

Бобнинг “Авлоди” деган фаслида аввал Бадиуззамон Мирзо ҳақида сўз боради, унинг онаси Санжар Мирзо Марвийнинг қизи экани айтилади. Кейин Шоҳғариб Мирзога ўтилади. Унинг букри экани, аммо таъби назми бўлиб, “Ғарибий” тахаллуси ила туркий ва форсий шеърлар битгани, девон ҳам тартиб бергани, бир муддат Ҳиротга ҳоким бўлгани, отаси замонидаёқ ҳаётдан кўз юмгани баён этилади. Муаллиф сўнг Музаффар Мирзо таърифига ўтади: “Султон Ҳусайн Мирзонинг суюклук ўғли бу эди. Агарчи хейли суйғудек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди, ўғлонлари мунӣ кўп ортуқ кўргани учун аксар ёғиқтилар (қарши бўлдилар, душманлашдилар — С. О.). Иккаласининг онаси Хадичабегим эдиким, Султон Абусаид Мирзонинг ғунчачиси эди” (224-бет).

Хўш, “ғунчачи” дегани қандай лавозим бўлди?

Ғунча гулнинг очилмаган муғжаси эканини биламиз. Мантиқан олганда, ғунчачи ёш, бокира, кушрўй қизларни топиб, подшоҳга тортиқ қилиш билан шуғулланган. Луғатларда ҳам бу сўзга шундай изоҳ берилади.

Бадиуззамон Мирзо катта ўғил эди. Демак, у валиаҳд бўлиши керак эди. Лекин подшоҳ Хадичабегимдан туғилган Музаффар Мирзони яхши кўрар эди. Албатта, бунда Хадичабегимнинг таъсири бўлган. Табиийки, у Музаффар Мирзонинг келажақда отаси тахтини эгаллашини жон-дилдан истар эди. Бироқ Бадиуззамон билан отаси ўртасидаги келишмовчиликларнинг ҳаммасига Хадичабегимни айбдор қилиш ҳам унчалар тўғри эмас. Аслида, бунинг узун тарихи бор.

Бадиуззамоннинг онаси Бека Султонбегим эди. Бобурнинг маълумот беришича, у

Санжар Мирзо Марвийнинг кизи эди. “Мирзо” дейилдими, билинги, Санжар Марвий теурийлардан бўлган. “Бобурнома”да бу хотин ҳақида бундай “айбнома”ни ўқиймиз: “Кўп кажхулқ (бадфеъл – С. О.) эди. Султон Хусайн Мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлиғидин Мирзо батанг келди (безор бўлди – С. О.), охир қўйди ва халос бўлди. Не қилсун, Ҳақ Мирзо жониби (тарафида – С. О.) эди” (231-бет).

Бобур Хадичабегим ҳақида батафсилроқ маълумот беради. Мақоламиз мақсади учун ўта аҳамиятли экани боис иқтибосни тўлиқ келтирамиз: “Яна Хадичабегим эди. Султон Абусаид Мирзонинг ғунчачиси эди. Мирзодин бир қизи бор эди, Оқбегим отлиқ. Ироқта Султон Абусаид Мирзонинг шикастидан (мағлубияти – С. О.) сўнг Ҳирига келди. Ҳирида Султон Хусайн Мирзо олди ва севди. Ғунчачилиқ мартабасидин бегимлик мартабасига тараққий қилди. Сўнғралар худ асру ихтиёр бўлуб эди. Муҳаммад Мўмин Мирзони анинг саъйи била ўлтурдилар. Султон Хусайн Мирзонинг ўғлонлари ёғиқтилар, кўпраки мунинг жиҳатидин эди. Ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй (сергап, майдагап – С. О.) хотун эди. Рофизия (шиа – С. О.) ҳам экандур. Шоҳғариб Мирзо била Музаффар Мирзо мундин туғуб эди” (231-бет).

Муаллиф Хусайн Бойқаро вафотидан кейинги ҳолатни бундай тасвирлайди: “Султон Хусайн Мирзо оламдин нақл қилғонда, мирзолардин Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Хусайн Мирзо эдилар. Чун суюклук ўғул Музаффар Хусайн Мирзо эди ва Муҳаммад Бурундук барлос соҳибихтиёр бек эди, онаси Хадичабегим эди, Мирзонинг эътиборлиқ хотуни эди. Мирзонинг эли ҳам Музаффар Мирзога ружуи хейли бор эди. Бу жиҳатлардин Бадиуззамон Мирзо тараддуд қилиб келмас хаёлда эди. Музаффар Мирзо ва Муҳаммадбек ўзлари отланиб бориб, тараддудни Мирзонинг кўнглидин рафъ қилиб, Бадиуззамон Мирзони келтурдилар. Султон Хусайн Мирзони Ҳирига келтуруб, подшоҳона расм ва ойин била бардошт қилиб (кўтариб – С. О.), мадрасасида дафн қилдилар” (245-246-бетлар).

Аҳвол таҳликали эди. Шайбонийхон лашкарлари бирин-кетин теурийлар қўл остидаги ҳудудларни босиб олаётган эди. Шу вазиятда Султон Хусайннинг ўғиллари Бобурни Ҳиротга чақириб, шу ерда қишлашни таклиф қилишади. Бу ёғини Бобурнинг ўзидан эшитсак: “Мирзоларга узр айттук. Қабул қилмадилар, кўпрак таклиф қилдилар. Ҳар неча узр дедук, таклифни бажидроқ қилдилар. Охир Бадиуззамон Мирзо ва Абулмуҳсин Мирзо ва Музаффар Мирзо отланиб, менинг уюмга келиб, қиш турмоқ таклифини қилдилар. Мирзолар юзига “Йўқ”, деёлмадук, мундоқ подшоҳлар ўзлари келиб, турмоқ таклифини қилдилар. Яна Ҳириниким, рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Хусайн Мирзонинг замонида Мирзонинг тасарруфидин ва тақаллуфидин Ҳирининг зебу зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эрди, кўрмак орзуси хейли бор эди. Бу жиҳатдин турмоқни қабул қилдук” (251-252-бетлар).

Бобур Ҳиротга борганда Султон Хусайннинг хотинлари ва қизлари, Бобурнинг амалари подшоҳ дафн этилган мадрасага йиғилади: “Аввал Поянда Султонбегим (Бобурнинг аммаси – С. О.) била юкунуб кўруштум, андин сўнг Офоқбегим била юкунмай кўруштум. Андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум. Бир замон мунда ўлтуруб, ҳофизлар Қуръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасадаким, Хадичабегимнинг уйини тикиб эдилар, бордуқ. Хадичабегимнинг ошини торттилар” (252-бет).

Ҳақ сўз аччиқ келади

Дунё дунё бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек ҳаётга тик қараган, танқид борасида бировни ҳам, ўзини ҳам аямаган ҳукмдорни кам кўрган. Султон Хусайн Мирзонинг хотинлари тугул, ўзи ҳам Бобурнинг “калтаги”дан куруқ қолмаган. Теурий ҳукмдорнинг 10 нафар хотини ва ғумаси ҳақида маълумот бериб ўтганидан кейин бундай деб ёзади: “Яна кичик-кирим ғума, ғунчачи бисёр эди. Хотунлардин ва ғумалардин мўътабар булар эди, мазкур бўлди. Султон Хусайн Мирзодек улуғ подшоҳ Ҳиридек ислом

шаҳрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўғлидин учи валад уз-зино эмас эди. Фисқ-фужур ўзида, ўғлонларида ва эл-улу-сида асру шоеъ эди. Ушбуларнинг шоматидин (оқибати – С. О.) эдиким, мундоқ хонводадин (хонадон – С. О.) етти-секкиз йилда бир Муҳаммад Замон Мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади” (232-бет).

Охир-оқибат Шайбонийхон Ҳиротни ҳам босиб олди. Босиб олдигина эмас, бу ерда кўп ёмонликлар қилди. Биринчи галда те-мурийлар вакиллари қийноққа солди. Бундан Хадичабегим ҳам қуруқ қолмади, албатта: *“Шайбоқхон Ҳирини олгондин сўнг бу подшоҳларнинг зоҳ ва зоди била ёмон маош қилди, на ёлғуз бу жамъ била, бори халойиқ била. Рустойи (беақл – С. О.) ва нодиди (кўрмаган – С. О.) киши беш кунлук ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозгонди. Шайбоқхондин ношойист ҳаракот ва афъ-олеким, Ҳирида содир бўлди, аввал буқим, черик дунё учун Хадичабегимни Шоҳ Мансур бахши кўтаргучига туттуруб, турлук-турлук қийинлар қилдурди” (269-бет).*

Мўмин Мирзо фожиаси

“Хамса” ёзилаётган маҳалда ҳали Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо туғилмаган эди. У бу буюк эпопея тугалланганидан бир йил ўтгач, 1486 йили дунёга келган. 11 ёшида, яъни 1497 йили Астрободда отаси ўрнида ҳоким бўлиб турганида Музаффар Мирзо Астрободни ундан тортиб олиш ниятида кўшин тортиб келади. Мўмин Мирзо ақлли, зийрак ва жасоратли эди. У шошилинч равишда жангга ҳозирланиб, шаҳар ташқарисиди душманга қарши курашади. Лекин кучлар тенг эмас эди. Енгилади. Амакиси уни асир олиб, Ҳиротга жўнатади. Шаҳзода Ихтиёридин қалъасига қамаб қўйилади.

Бадиуззамон тўнғич ўғил, демакки, тахт учун асосий даъвогар эди. Хадичабегимнинг дарди эса, нима қилиб бўлса ҳам, отасидан кейин тахтга ўз ўғли – Музаффар Мирзони қўйиш эди. У вазири аъзам Низомулмулк билан келишиб, Султон Ҳусайн қаттиқ маст бўлганидан фойдаланиб, шаҳ-

зодани қатл этиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олади. Ҳукм зудлик билан ижро этилади. Бу эса Султон Ҳусайн Мирзо билан Бадиуззамон Мирзо ўртасидаги зиддиятни ҳадди аълосига етказди.

Тарих гувоҳи, айнан Мўмин Мирзонинг ўлими Хуросонда теурийлар салтанатининг таназзулига асосий сабаб бўлди. Султон Ҳусайн Мирзодек улуғ подшоҳ умрининг қолган 9 йилини мамлакатга хавф солиб турган асосий душманлари қолиб, фарзанди аржуманди Бадиуззамон билан урушлар олиб боришга сарфлади. Подшоҳ ўз ўғли билан қирпичоқ бўлиб турган мамлакатни ёв босиб олиши унчалар қийин эмас. Шундай бўлди ҳам.

Бу мудҳиш воқеадан 12 йил бурун Алишер Навоий “Хамса”сида Султон Ҳусайн Мирзо билан ўғиллари ўртасидаги муносабатларни яхшилашни орзулаб, мадҳу насихатлар битган эди.

Авлиё шоирнинг кўнгли истиқболдаги мудҳиш ҳодисалар шабадасини сезмаган, деб ўйлайсизми?

Хадичабегимга атаб муболағали, бандпарвоз байтлар бахшида этилишининг туб-тубида ҳам айнаи шу мақсад ётмаганми?

Нега айнан “Сабъаи сайёр”?

“Ҳайрат ул-аброр” – фалсафий-пандона асар. Унинг “Хамса”даги дастурий вазифаси ҳам шуни талаб этар эди. Қолган тўрт дostonга ҳам муаллиф алоҳида-алоҳида юк юклаган.

Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ўзбек адабиётида рубоий жанрининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган тадқиқотида қизиқ бир фикрни илгари суради. Унингча, бор-йўғи тўрт қаторгина рубоийда ҳам тезис, антитезис ва хулоса бўлади. Одатда, биринчи ва иккинчи сатрларда тезис, учинчи сатрда эса антитезис илгари сурилади. Тўртинчи мисрада, табиийки, хулоса баён этилади.

“Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр”дан кейинги дostonларини ҳам худди шундай талқин этиш мумкин. “Фарҳод ва Ширин” билан “Лайли ва Мажнун” – тезис. “Сабъаи сайёр” – антитезис. “Садди Искандарий” – хулоса.

Аввал бир нарсага келишиб олайлик: “Хамса” – бошдан-охир тасаввуф таълимоти тизимига бўйсундирилган, бошқача айтганда, сўфийлик ғоялари кенг ва тизимли асосда тарғиб этилган, дostonлар маъзи-маъзига чуқур сингдирилган асар.

Тасаввуфда “сахв” ва “суқр” деб аталган қарама-қарши икки йўл бор (*Қаранг: Тасаввуф атамалари. Изоҳли луғат. 1-китоб. Тошкент, “Movarounnahr” нашриёти, 2015. 232-234-бетлар*). Суқрада солиқ бир лаҳза бўлсин ҳушёрликни йўқотмайди. У ўзини ўзи тўлиқ идора қилади. Ҳаққа етиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳосиласи сифатида қандай ҳол ва мақомга эришганини ҳам сезиб-билиб туради. Бу – нақшбандиянинг йўли. “Фарҳод ва Ширин”да айнан шу йўлнинг тўғрилиги ҳаётий воқеа-ҳодисалар (сюжет) талқини орқали кўрсатилади.

Суқрада ошиқни Ҳақ ўзига тартади. Ана шу оҳанрабо таъсирида у ўзини батамом унутди. Ишқ оташида ёниб энди у қаерда юргани, нима қилаётганини ҳам билмай-сезмай қолади. Одамлар уни жиннига чиқаришлари ҳам ҳеч гап эмас. “Лайли ва Мажнун”да ишқнинг айнан ана шу йўли ҳаётий воқеа-ҳодисалар талқинида тасвирланган.

Шундай қилиб, “Хамса”даги бу икки дostonда икки тезис илгари сурилди: ишқнинг сахв йўли билан ҳам Ҳаққа етиш мумкин; суқр йўли билан мақсадга эришса бўлади. Демак, “Фарҳод ва Ширин”да ҳам, “Лайли ва Мажнун”да ҳам илоҳий ишққа етиш йўли талқин этилган. Фарҳод билан Ширин, Лайли билан Мажнун ўртасидаги муҳаббат эса мажозий. Бу икки асарда мажозий ишқ илоҳий ишқнинг воситаси, муайян бир босқичи янглиғ тасвирланган. Гарчи воқеада бу ошиқ-маъшуклар бир-бирининг васлига етмаган бўлса ҳам, моҳиятан булар руҳан бир-бирига қовушган ошиқ-маъшуклар сифатида талқин этилади.

Ана энди муддаога яқинлашдик: “Сабъаи сайёр” – “Хамса”даги антитезис. Бу билан улуғ шоир агар ошиқ, сахв бўладими, суқр бўладими, илоҳий ишқ йўлини тутмаса, демак, у ишқнинг энг қуйи даражасида қолиб кетади, дейди. Тўғри, дoston қаҳрамони

Баҳром Дилоромни севади. Лекин арзимаган хатоси, унинг кийикни маҳорат билан отганидан кейин ҳам мақтамагани учун кайф устида унинг баҳрдан ўтади. Кейин, албатта, ўзига келиб, пушаймон қилади, айрилиқ азобини чекади. Бироқ уни яна қайта топганидан сўнг ҳам айшу ишрат, шикордан воз кечмайди. Охири ўлжа кетидан қувиб, ўзи ва шериклари билан ботқоққа ботиб, ҳалок бўлади. Бу билан буюк шоир, жумладан, “Мажозий ишқ илоҳий ишққа айланмас экан, охири вой бўлади” ҳам демоқчи.



Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин темурий хонадон вакиллари давлатни сақлаб қола билмагани, қўшҳокимият жорий этилгани, оқибатда подшоҳ Шайбонийхон уларни осонликча енггани, оиланинг аксар аъзолари қириб ташлангани, ҳатто Хадичабегимдек маликанинг қийноқларга солингани ҳақида ўқиб, Навоий фожиаларни олдиндан ҳис этиб, безовта бўлгани, шоҳни ҳам, маликани ҳам бундан огоҳ этиб, чорасини кўришга ундаганига ишонасиз.

Бир олманинг икки юзи

Мана, кўриб чиқдик, икки буюк мутафаккир бир тарихий шахсга турлича таъриф берган. Бири тасвирланаётган кишини яқиндан таниган-билган. Иккинчиси уни кўрмаган, лекин у билан қариндош. Бу икки соҳибқаламнинг ижодий мақсади айри-айри. Навоий бошқа бир эзгу ният билан қалам сурган, Бобурнинг хотираларида эса тамоман ўзга мақсад мужассам. Навоий тасвирида бадиий ҳақиқат биринчи ўринда туради, Бобур тасвирида эса – тарихий ҳақиқат.

Илмимиз ва журналистикамизда Хадичабегим ҳақида оз ёзилмаган. Интернетга кириб, шу номни ёзинг, бир этак материал чиқади. Биз уларни батафсил таҳлил қилиб ўтирмадик. Чунки бу алоҳида мавзу. Аммо уларнинг ҳеч бирида Хадичабегимга Навоий ва Бобурнинг муносабати ўзаро қиёсланмаган.

Хайриятки, Навоий билан Бобур бор. Темурийлар хонадонининг қудратли маликаси ҳаётини тадқиқ этишимизда ҳам ана шу икки буюк зот битиклари асқатди...



ОЗОД ҚАЛБ

Ўзувчи Шухратнинг ҳибсдаги кечмиши

Котиб муқаддимаси

Ўтган асрнинг қирқинчи йиллари охири, эллигинчи йиллар бошида йигирмага яқин кўзга кўринган ўзбек зиёлиси ҳибсга олинди, улар махфий суд қилиниб, узоқ муддатларга сургунга жўнатилди. Даҳшатли томони шундаки, ҳукм ҳам, сургун жойи ҳам махфий сақланган, ҳеч кимга билдирилмаган.

Мудҳиш ҳибс ва сургун уқубатларини бошидан кечириб, яна соғ-саломат Ватанга қайтган адиблардан бири Ўзбекистон халқ ўзувчиси Шухрат эди...

1988 йил ёз ойларида Дўрмондаги Ўзувчилар ижод боғида Шухрат аканинг оғзидан ушбу хотираларни ёзиб юрганамда ҳали мустамлака даври эди. Архивларда 1930, 1950-йилларга оид ғаройиб маълумот кўп, лекин мен ўша мудҳиш қатагон йилларини бошидан кечирган тирик инсоннинг ўзидан қиссалар эшитишига муштоқ эдим. Адабиётдаги ёлгонлар кўплар қатори мени ҳам безор қилган эди.

Табиатан шижоатли Шухрат ака, оғир бетобликдан сўнг, бу вақт анча заифлашиб, дудуқланиб қолган, нутқини ҳар ким тушунмас, ишоратлар билан гаплашилар эди. Суҳбат асносида мен гапларини тушунадиган бўлиб қолдим ва... ўтмиш воқеаларини ўзувчи хаёлан тартибга солиб бораётганини англадим.

Шухрат ака бу қиссанинг наширдан умидвор эди. У киши ҳаётлигида бир парчаси “Ватан” газетасида босилди, холос. Энди дунё аҳли охирад аҳлини унутса, бўлмас. Шояд, шу билан у кишининг инсоний ҳақини адо этсак.

Бу қисса мустабид тузумнинг бир инсон ҳаётидаги инъикосидир. Унинг қаҳрамони 1930 йиллар фожиясини кўрган, англаган, энг фикрчан инсонларнинг қамалиб, отилиб кетганига гувоҳ бўлган, 1940 йилда ҳарбий хизматга олинди, хизмат муддати яримлаб қолганида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, қонли жангларда қатнашган, урушдан қайтиб, бир оз тин олар-олмас қатагонга учраган, неча йиллар қамоқда юриб, ватанга қайтгач, ижодий ишларга берилганида бошига хасталик ва кексалик мусибати тушиб, куч-қувватдан қолган, яхшиларни яхши кўриб, ёмонларни ёмон кўриб яшаган ўктам бир инсон...

Устоз Шухрат таваллудига 100 йил тўлаётган ушбу кунларда унинг ўз оғзидан ёзиб олинган дардли хотиралардан айрим лавҳаларни сиз билан баҳам кўраётирмиз.

Тергов азоблари

...Терговчи Суханов мени одатдагидек қаршилади. Тагин ўша саволлар, ўша таҳдид, ўша дағдаға...

– Қандай қилиб аксилшўро фаолиятга аралашиб қолдинг?

– Махфий ташкилот раҳбари ким?

– Сени ташкилотга биринчи марта ким жалб этди?

Қўшни хонада айбдор саналган бир рус йигит нимадир деб йиғлар, терговчи бақирар, айбланувчини ураётгани билиниб турар эди. Суханов менга:

– Кўрдингми?! Сенга ўхшаб тажанглик қилганнинг аҳволи шундай бўлади! – деб қўшни хонани имлаб кўрсатди. Терговчи мушт ўқталиб, дағдаға қилиб олдимга яқинлашар, “Энди билдингми, биздан ҳеч ким жиноятини яширолмайди! Ичидагини суғуриб оламиз!” деб ўшқирар эди.

У олдимга келиб, мени қулочкашлаб урмоқчи бўлди, лекин урмади. Мен жуда чарчаган эдим. Ўтирай десам, рухсат бермади. Ўрнига бориб, тугмачани босган эди, эшиқда битта барзанги пайдо бўлди: оёғида кирза этик, ўзи бадбашара – кўпол. У остонада гўдайданча нима хизмат, дегандек, терговчига боқди. Терговчи барзангига қараб, мен томон ишора қилди:

– Сен билан танишмоқчи! Сени соғиниб қопти, нуқул сени сўрапти! – деди.

Барзанги олдимга келди-да, чамалаб кўргандек, менга бошдан-оёқ совуққон қараб қўйди. Унинг маҳбусларни калтаклайдиган ясоқчи эканини дарров билдим. Ясоқчи:

– Мен билан танишув арзонга тушмайди, – деди-да, тўсатдан мушт қўйди. Мен гандираклаб ўтириб қолдим.

– Етарлими? – деди. Мен ҳайрон жавдираб турардим. Урган жойи оғриб, ловуллаб ёнарди. Бир оздан кейин ясоқчи терговчи билан кўз уриштириб чиқиб кетди. Суханов:

– Танишдингми? Қалай? – деди. – Бизда ана шунақа танишувлар бўлади! Керак бўлса, бундан ҳам қизиқлари бор. Бу – биттаси, холос...

Шундай деб, терговчи важоҳат билан саволларини бошдан такорлади.

...Ётганимиздан кейин ҳам соқчи туйнукдан бот-бот қараб қўяди. Ўрнидан турмоқчи

бўлган маҳбусга “Ёт!” деб ўдагайлайди. Кечаси маҳбус ўзини туйнук панжарасига ёки каравот темирига осиб қўйиши мумкин эмиш! Шунинг учун тунда камар, белбоғ, сочиқ, ботинка ва бошқа нарсаларни олиб қўйишади. (Ботинканинг ипидан ҳам шубҳаланишади). Ҳеч қандай металл буюмни қолдиришмайди, тугма металдан бўлса, уни ҳам юлиб олишади. Шу боисдан маҳбусларнинг пальто ва костюми тугмасиз.

Лекин ўз-ўзини осий фикри ҳеч қачон хаёлимга келмаган...

Кечалари совуқ, адёлдан бошқа ёпинчиқ йўқ, тўшак юпқа, каравотнинг темир симлари ўйнаб кетган, баданга ботади. Арз қилсанг, қулоқ солишмайди, аксинча, масхаралашади...

Баъзи-баъзида ҳибсхонага виқор ва салобат билан Ўзбекистон прокуратурасининг алоҳида ишлар бўйича ўринбосари генерал Брокков ўз ёрдамчиси бўлмиш ўзбек аёлини эргаштириб кириб қолади. Ҳол-аҳвол сўраган бўлади, лекин шикоят қилсангиз ҳам ҳеч қандай чора кўрмайди. Хўжакўрсинга маҳбуслардан ҳол сўраб, шарт-шароитни назорат қилади гўё... Уйдагилардан жўнатма ололмаётганингизни айтсангиз, “Яқинда оласиз”, деб қўяди. Тамом!.. Терговда яхши жавоб бермасангиз, жавобларингиз уларнинг гумон ва айбловларига мувофиқ келмаса, уйдан жўнатма олишни тўхтатиб қўйишади. Учрашувга ҳам рухсат йўқ!

Бир куни жуда таъсирланиб, дилим вайрон бўлиб, хўрланиб кетгач, терговчи Сухановнинг устидан арз қилиб, Ички ишлар министри ўринбосари полковник Қурбоннинг қабулига кирдим. Бу зотнинг қабулхонаси ҳибсхона ҳудудиди эди. У мени тик турғизиб қўйиб:

– Урдими? – деди.

– Йўқ, урдирди.

– Бу ҳисобга ўтмайди! Агар терговчи ўзи урса ёки кўпол муомала қилса, бизга айтасиз!

– Кўполлик қилади, сўқади.

– Гувоҳингиз борми?

– Йўқ. (Ҳибсхонада гувоҳни қаердан топасиз!)

– Демак, гапингиз ёлғон! Бизда уриш, сўкиш одати йўқ! – дейди министр ўринбосари пинак бузмай.

Тамом. Ўзиникини маъқуллаб, менинг бирон сўзимни инобатга олмай, чиқариб юборди...

“Бешиқдан қабргача...”

(Шунда Юсуф айтди:) “Эй зиндондош биродарларим! Таркок – турли-туман “худо”лар яхшими ёки ягона ва ғалиб Оллоҳми?!”

(Қуръони карим, Юсуф сураси, 39-оят)

...Кейин мени икки кишилик бўлмага кўчиришди. Бу гал олдимга олтмиш ёшлардаги бир чолни кўйишди.

У кишининг кийиниши ўзбекча: эғнида – чопон, устидан жун чакмон кийган, оёғида ковуш, ёнида 12-13 ёшлардаги бир йигитча ҳам бор. Иккаласи бир колхоздан экан. Улар камерага кириши билан чолни терговга чақиришди.

Йигитча билан озгина сўзлашиб, фаҳмладимки, буларга илгари ҳукм чиққан, лекин суд ҳукми бузилиб, қайта тергов бошланган. Чол бир тракторчининг ўлдирилишида айбланаётган экан.

Терговдан бобо жуда хафа бўлиб қайтди. У татар таржимон орқали сўроқ қилинапти экан. Айбини яна бошқатдан бўйнига қўймоқчи бўлишибди. Роса бақириб, сўкишибди. Таъби беҳад хира. Кечаси у менга аҳволини батафсил айтиб берди.

– Хафа бўлманг, жойига тушиб кетар, – деб кўнглини кўтардим.

– Нимага хафа бўламан, – деди бобо, – аслида ҳаммаси Худодан. Булар бир сабабчи, холос. Худонинг изн-иродаси бўлмаса, бир пашша ҳам қанотини қоқолмайди! Илоннинг иши чақиш, чаённинг иши захар солиш. Бизнинг ишимиз Яратган Эгамизга бандалик қилиш. Лекин буларнинг фитнасига қарши тадбир қилиш керак! Оллоҳга таваккул қиламиз, лекин ҳаракатсиз таваккул таваккул эмас!..

Бобонинг гапларидан мен анча дадилландим. Ўзи билмаган ҳолда менга зўр таскин берган эди! Мен бу қийноқ-қийинчиликларга чидашга, туҳмат айбловни бўйнимга олмасликка қатъий қарор қилдим!

Чолнинг исми Эшонқул бўлиб, ўзи ўқимишли домла экан. Табиати вазмин, хотиржам, кўп дуоғўй одам эди! У Навоий, Фузулийдан байтлар айтиб, мени лол қолдирар эди. “Ўтган кунлар”дан ҳам хаёлимга келмаган маънолар топарди.

Эшонқул бобо яшаган колхозда фаол совет ташкилотчиси ҳисобланган бир оила бор эди. Оила бошлиғи бобога яқин қариндош –

амакисининг ўғли экан. Ана шу фаолни ўлдириб кетишибди. Болалари етим қолибди...

Қариндош бўлгани учун бобо мархумнинг болаларини, жумладан икки қизини ўз тарбиясига олади. Қизлар мактабда ўқир эди. Уйда эса исломий таълим-тарбия зимдан олиб борилар эди.

Бир куни колхознинг жўхоризоридан катта қизнинг ўлиги топилди. Омонат сақлаётган бобога бу катта мусибат бўлди.

Қизнинг бир тоғаваччаси бўлиб, қизга кўп хуштор экан. Шу йигит қизга одам қўйганида, Эшонқул бобо бошлиқ оила аъзолари рози бўлмаган. Ҳатто қизнинг онаси ҳам уни ўз жиянига беришга кўнмаган. Энди эса қутилмаган ўлим!..

Қизнинг сирли ўлимида бобонинг куёвини айбдор гумон қилиб, сўроқ бошлашади. Бобони ҳам унга шерик деб билиб, терговга чақиришади. Бобо бу қутилмаган айбномдан эзилиб, сўроқ беради.

Бу орада яна бир фожиа юз беради: колхоз тракторчиси ҳам ўлдириб кетилади. Бу ўлимга ҳам ҳалиги куёвни, бобони ва бобога эргашиб юрган анави йигитчани айбдор санаб, тергов қилишади. Чунки бу йигитча бобога қариндош бўлиб, мархум тракторчига ёрдамчи эди. Йигитча даладан болта кўтариб ўтганини одамлар кўрган, шунинг учун қатлни бобо уюштирган, деб ҳисоблашаётган эди...

– Сизни бу ўлимга қандай алоқадор деб айтишяпти?

Бобо овозини пастлатиб, ҳазин товушда:

– Ҳамма гап бизнинг мусулмонлигимизда, – деди. – Буларга нима қилиб бўлса ҳам, мусулмон зиёлиларини бадном қилиш керак бўлиб турибди... Эшитмаганмисиз, қайси бир элатнинг “Шарманда қилинган итни жазолаш осон бўлади” деган мақоли бор...

Тергов тугаб, суд бошланади. Йигитчага ўн уч йил ҳибс жазоси берилиб, бобо билан куёв отувга ҳукм қилинади. Лекин булар терговда жиноятга иқрор бўлмаганидек, судда ҳам айбловни рад этишади. Оқибатда Республика олий суди бу асоссиз ҳукми бекор қилади.

Совет фаоли ва унинг қизларининг ўлдирилиши сиёсий воқеа ҳисоблангани, айбдорлар топилмагани учун, энди бу ишни кўриб чиқиш КГБга ҳавола этилади.

Бобо билан йигитча тергов тугагунча камерада мен билан бирга туришди.

Кечаси ётганимизда бобо билан йигитча анча сўзлашиб ётар, мен ухлаб қолиб, суҳбатнинг қанча давом этганини билмай қолардим. Йигитча арабча сўзларни айтар, маъносини тушунтирар, бобо яна унга янги вазифа ёдлатар эди.

– Нимани бунча гаплашасизлар? – деб сўрасам,

– Бу – илм, – дерди бобо, – илмда таътил йўқ, Чунки илм фарз. Жой ҳам, вақт ҳам танламайди, бешиқдан то қабргача илм олиш буюрилган!

Мен эса “сиёсий хушёрлик”ни қўлдан бермадим:

– Биз мактабда, олий ўқув даргоҳларида динни хурофот деб ўқиганмиз!

– Улар бу гапга илмсиз кишиларни ишонтиришади, – деди бобо. – Бу гапнинг бўҳтонлигини билиш учун ҳам илм керак...

Бобонинг ихлоси, қатъиятига қойил қолдим. Қайта тергов натижасида бобо ҳам, куёви ҳам, йигитча ҳам айбсиз деб топилди.

Булар айбсиз деб топилгач, терговчи нима қиларини билмай қолди. КГБга тушган киши жазосиз қутулмас эди. Шунда бобога бошқа айб қўйишди. Куёв билан йигитчани қўйиб юборишди. Аммо Эшонбобони “диний тарғиботчи” деб айблаб, беш йил қамоққа ҳукм қилишди.

– Бунга ҳам сабр қиламиз, – деди бобо. – Олпоҳ сабр қилувчилар билан биргадир.

Шундай деб бобо мен билан йиғлаб хайрлашди. Уни умумий камерага олиб чиқиш кетишди.

“Кичик озодлик”

Менинг ҳам терговим охирлаб қолди. Кейин умумий камерага ўтказишди. Бунда 8-10 нафар маҳбус бор экан. Хурсандлигимдан “Кичик озодлик!” деб юборибман. Ҳамма менга ҳар хил қараш қилди: бирови хайрон, бирови ачинган, бирови хўмрайган.

Бу бўлмада шоҳмот бор экан. Тўрт-беш киши бир жойга тўпланиб, шоҳмот ўйнаб ўтирибди. Билсам, ҳаммаси терговдан қутулиб, ҳукмни кутиб ётганлар экан.

Пешин вақти бўлди. Қамоқ ҳақида, зулм ва зўравонликлар ҳақида суҳбат кетар эди. Ақлли, фикрли зиёлилар қамоқда чириётгани, мамлакат хароб бўлаётгани, алдовга асосланган тузум барпо бўлганини очиқ-ойдин гаплашиб ўтиришар эди. Совет тузуми-

нинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ эканини иддао қилишарди.

Бир маҳал бир рус маҳбус Сталинга ишора қилиб:

– Бу ишларнинг ҳаммасига “мўйлов” айбдор. Агар шу бўлмаса, ҳаммаси яхши бўлиб кетар эди, – деб қолди.

Мен урушда қатнашган, одамларнинг Сталинга бўлган ишончи ва эҳтиромига гувоҳ, ўзим ҳам унга ҳурмат билан қарайдиган киши эдим. Бир чеккада ўтирган эдим, бу гапга чидай олмай:

– Причём здесь Сталин? (Бунда Сталиннинг нима дахли бор?) – деб юбордим. Шунда ҳалиги гапирган ўрис қизариб, жаҳл қилиб бошимга келди-да, ўдағайлаб:

– Қамоқда шунча ётиб, ҳали ақлинг кирмадими?! – деди. Мен тараддуланиб, ўрнимдан турдим. Бир мушт урди. Зарбадан қулаб тушдим. Шоҳмот доналари сочилиб кетди.

– Бу сенга “кичик озодлик”нинг биринчи мукофоти! – деди.

Бири олиб, бири қўйиб, Сталинни ёмонлай кетишди.

Бир ўзбек маҳбус олдимга келиб, секин:

– Сиз шунча зулм-хўрликлар қўриб, отаси бетайин бир жўгининг тарафини оласизми? Фамилиясини ҳам Жўгашивили-ку! – деди. Унга эътироз билдирмоқчи эдим, бошқалар ҳам Сталиннинг қилмишларини тушунтира кетишди. Тилимни тийиб қўяқолдим. Лекин бу ердаги гаплар ўта даҳшатли ва қўрқинчли эди.

Маҳбуслардан бири менинг урушда бўлганимни билиб:

– Бўлди, бунга индаманглар, урушда қатнашганларнинг кўпи шундай фикрда, – деди. Яна бири туриб:

– Биз ҳам урушда қатнашганмиз, лекин “мўйлов”нинг аҳмоқлигини биламиз! – деди. Нафасим ичимга тушиб кетди. Индамадим.

Бу ерда биринчи марта Сталинга қарши ошқора кайфиятга дуч келдим. У маҳал ҳали Сталиннинг айблари очилмаган, уни доҳий деб билар эдик.

Суд жараёни

Икки йилдан кўпроқ вақт қамоқда ётдик. Кейин суд бошланди...

Суд раиси... Муҳиддинов деган киши эди. Абдулла Қодирийнинг акасига куёв эди.

Суд КГБ биносининг клубида бўлди.

Судланувчилар кимлар эди?

Ўзбек миллатининг улкан олими Ҳамид Сулаймон, ёзувчи ва таржимон Мирзакалон Исмоилий, шоир Шукрулло, ака-ука – таржимон Абдунаби билан ёзувчи ва таржимон Абдурахмон Алимухамедов, у Абдулла Қаҳҳор ижодидан илмий иш ёқлаган, филология фанлари номзоди; Мели Жўра, Маҳмуд Муродов ва мен, жами саккиз киши.

Суд аввал русча бошланди, биз бунга эътирозсиз рози бўлдик. Нега? Чунки айбсизлигимизни рус тилида исботлашнинг сиёсий аҳамияти бор. Бироқ кейин судни русча ўтказишга Муҳиддинов рози бўлмади.

Суд икки тилда бораверди. Раис судни кўпроқ ўзбекча қилишга уринар, бизлар эса терговнинг русча бўлганини айтиб, шу тилда жавоб бераверар эдик. Судда тергов пайтидаги кўп гаплар эсланмади ҳам.

Маҳкама йигирма кунга чўзилди. Ўзи нари-бериси билан икки кунлик иш эди-ю, аммо ҳакамларнинг мақсади жиноят кўламини бўрттириб кўрсатишдан иборат эди. Шунинг учун суд ҳар кун йигирма дақиқа ёки ярим соат давом этиб, кейин эртагача танаффус эълон қилинарди.

Судда, аввал ҳаммамизни бир жиноий гуруҳ ҳисоблаб, Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовларнинг “думи” сифатида айблашга уринишди. Биз бу айбномани рад этдик.

Кейин Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғоз Юнус, Усмон Носир сингари қамалиб ёки отилиб кетган ёзувчи-шоирларга издош сифатида айблашди.

Суд фикрича, гўё Ўзбекистонда ижодий шахсларнинг аксилшўро ташкилоти тузилганмиш. Бу ташкилотга ёзувчи Ойбекни раис қилиб сайламоқчи бўлган эмишмиз.

Бу айбномага ҳам рози бўлмадик.

Ҳукм: ватанга қайтмаслик шарти билан 25 йил!

Айбномалар тобора қаттиқлашиб бориб, суд мажлиси яна икки кун давом этди. Айбларимизни бўйнимизга қўйиб, ҳаммамизни ўрнимиздан турғизишди. Совуқ оҳангда ҳукм ўқилди.

Тўрт-беш йилдан жазо берса керак, деб ўйловдик. Кутилмаганда Жиноят кодексининг 58-моддасига кўра ҳаммамизга ватанга қайтиб келмаслик шарти билан 25 йилдан қамоқ жазоси берилди!

Норозилик билдириб, жанжал қилгандик, мени ажратиб карцерга – сув тўлдирилган бир кишилик қамоқхонага тиқиб қўйишди. Етти-саккиз соат сувда тикка турдим. Совуқ ўтиб кетди. Ўтириш мумкин эмас, чунки сув тиззадан келади. Эшик устимдан қулфланган. Йўлақдаги ҳаракатлар зўрға эшитилиб туради. Саркашлик қилганларга ана шундай жазо берилади.

Кеч соат ўн иккиларда мени олиб чиқиб, бир кишилик камерага тиқишди. Муносабат қаттиқлашди...

Суд тугади, ҳукм ўқилди. Бироқ мени яна терговга чақириб, энди бошқа шахслар ҳақида тергай бошлади. Мен улар ҳақида ҳеч нарса билмаслигимни айтир эдим, бақариб-сўкиб чиқариб юборар эди.

Биздан ҳеч гап чиқмаслигини билгач, Тоштурмага – Тошкент шаҳар қамоқхонасига чиқариб юборишди...

Икки-уч ой Тоштурмада қолдик...

“Мўйлов”нинг ўлими

Сталиннинг ўлганини Жўнатув майдонида эшитдик. 1953 йил 5 март. Нозир кириб расмий товушда:

– Халқлар доҳийси Иосиф Виссарионович Сталин вафот этди! – деди. Рус-совет одати-га кўра, ўрнидан туриб таъзия билдирилади. Лекин ҳеч ким турмади, фақат йиғиндаги айрим расмий кишилар бош кийимини олиб, таъзия билдирди. Бошқа ҳеч ким чурқ этмади. Унинг ўлимини кутганлар кўп эди.

Одамларда жонланиш пайдо бўлди. Қамоқдан чиқиб кетсак керак, деган умид ҳамма-нинг дилида бор эди.

Юртдан кетиш

Бизни “Чёрный ворон” деган машинага босиб, “Товарный” станциясига келтиришди. Ҳаммамизни ерга ўтиргизиб, санаб чиқишди. Хайрлашгани келган ота-оналар, ака-укалар, болалар маҳбуслар томон ёпирила бошлаган эди, соқчилар уларни итлар билан қўрқитиб, ваҳшийларча ҳайдаб юборишди. Ҳаммамизни махсус вагонларга тиқишди.

Кўклам кўриниб қолганди. Вагон деразалари панжарали, берк, бир бўлмага 8-9 кишини тиққан, ўтиргани ҳам жой йўқ: бир маҳбус ўтирса, бири тик туради. Олдиндаги бурчақда “параша” – тувак турибди. Эшикда соқчи, назоратчилар... Чанқаганлар, қақраганлар кўп,

чунки вагон жуда қизиб кетган. Худди бочкага қамалган балиқлардай ётибмиз...

Кўйлақларни ечиб кўлимизга олдик. Зўрға нафас олиб кетяпмиз. Дам ўтмай чанқайверамиз. Назоратчи сув бермайди...

Ўша кунлари Бериянинг қамалганини эшитдик. Маҳбусларда умид кучайди. Ҳамид Сулаймон қатъий ишонч билан:

– Энди аниқ қамоқдан чиқиб кетамиз! Фақат сабрли бўлинглар! – деди.

Кўплар қатори биз ҳам СССР прокурорига ариза ёза бошладик. Мен ўзбекча ёздим. Жўнатув майдонидан бизларни яна вагонларга босиб, Ульяновский шахрига жўнатишди. Етиб келиб, яна СССР прокурорига ариза ёздик. Почта бор эди. Лекин хатларимиз дом-дараксиз кетди. Жавоб олмадик.

Кум лагери

Ульябенскийда бизларни ҳар томонга ажратиб юборишди. Мени Қозоғистон жумҳуриятининг энг чеккасига – Кенгир минтақасига жўнатишди. У ерда маҳбусларнинг қумлоқ манзиллари бўлиб, Қум лагери дейилар эди...

Мен арматурачилар бригадасига тушдим. Пишиқ ғиштдан қурилган барақда катнинг (сўрининг) иккинчи қаватидан жой теғди.

Эртасидан бошлаб ишга чиқдик. Бизнинг биринчи бригадамиз бошлиғи Левин деган ғарбий украиналик йигит эди. Ўзи хушмуомала, яхши одам. Ўн йилга кесилган. Бригададаги кўпчилик унинг юртдошлари эди. Лекин мени ҳам ажратиб қўймади. Маҳбус дардини маҳбус билади. Айниқса, бу ерда “58”ларнинг – сиёсий айб билан қамалганларнинг обрўйи жойида эди. Мен темир сим букадиган бўлдим.

Биз маҳбуслар мис комбинати қурилишида ишлар эдик. Комбинат қурилиши зонадан, яъни ётоқдан ўн-ўн беш чақирим узоқда.

Иш оғир, айниқса, қалам иши билан шуғулланган киши учун бу юмушлар машаққатли эди. Юртдан ҳудолик етмагандай, яна ҳар турли таҳдир, ҳақорат, ҳўрликлар... Фақат биргина эркинлик – сўз эркинлиги бор эди. Хоҳлаган раҳбарнинг, истаган сиёсий арбобнинг гўрига бемалол ғишт қалайверасиз!..

Бериянинг ўлиmidан сўнг..

Берия қамалганидан кейин, бирмунча вақт ўтиб, отиб ташланди. Берия ўлгач, қамоқда аҳвол анча юмшади, доруломон бўлиб қолди. Газеталар ола бошладик. Уйга хат ёзиш энди

бемалолроқ бўлиб қолди. Илгаригидек уриш, кўрқитиш, ўлдириш каби ёвузликлар қамайди.

Сал вақт ўтиб, ўғрилар галаси девор ошиб, қотиллар лагерига тушадиган бўлди. Бу хатарли иш эди. Шундан сўнг қўлга тушганларни жазолаш, азоблаш бошланди. Жабр кўраётганлар орасида “58”лар ҳам бор эди. Ҳолбуки, қамоқда “58”ларнинг обрўйи баланд, чунки ўғри эмас, қотил эмас, бузуқ эмас, сиёсий айб билан қамалган! Булар мавжуд тузумга рози бўлмаган шахслар сифатида ҳурмат қилинади.

Ўғриларнинг келиши тажовуз ва ноҳақликнинг ҳаддан ошишига сабаб бўлди. Натижада нозирлар билан маҳбуслар орасида келишмовчилик чиқди. Бу ҳол тўқнашувга айланди. Бутун маҳбуслар бир кун иш ташлади. Ҳеч ким ишга чиқмади. Икки-уч кун ўтиб, яна иш ташлаш бўлди.

Қамоқ тартиби, иш режими барбод бўлди. Олдиниға лагпункт бошлиқлари, ишга чиқинглар, деб маҳбусларга ялинишди. Лекин йигитлар бўш келмади. Жабр-зулмлардан тоқати тоқ бўлган маҳбуслар норозилиги сиёсий исёнга айланиб кетди. Исён таъсири тезда атроф лагерларга ҳам ёйилди.

Бизнинг лагпункт маҳбуслари ўртадаги ҳайбатли деворни бузиб, 2-лагпунктнинг хўжалик омборига бостириб боришди. Бу қўзғолонга бошқа лагер маҳбуслари ҳам қўшилиб кетди. Оқибатда учта лагпункт маҳбуслари бирлашиб, ғоят катта кучга айланди. Бир кунда, бир соатда барча лагерларда исён кўтарилди. Маҳбуслар лагерлар бошқаруви олдига куйидаги мазмундаги талабномани қўйди:

1. Маҳкумларнинг иш соатлари қисқартирилсин.

2. Бир йилда бир марта хат ёзиш ҳукми бекор қилиниб, бемалол хат ёзиш ҳуқуқи берилсин.

3. Оиласи ва бошқа яқин кишилари билан кўришиб туришга рухсат этилсин.

4. Вафот этган маҳбуслар ўз миллий ва диний урф-одатига биноан кўмилсин, кафансиз ёки фақат қўлига тахта боғлаб кўмиш тўхтатилсин.

5. Ноҳақ қамалганларнинг ишлари қайта кўриб чиқилиб, улар озод этилсин! Хусусан, сиёсий айблар – 58-модда билан ҳукм қилинганларнинг ҳукми қатъиян бекор қилинсин!

6. Меҳнатга яраша ҳақ тўлансин, иш ҳақи нонга, тамакига етгулик бўлсин.

7. Лагер хизматчилари маҳбуслар ҳуқуқларини поймол этмасин, уларга инсон деб қарасин.

Шундан кейин маҳбусларни бошқариб бўлмай қолди.

Лагер ҳокимиятини маҳкумлар бутунлай қўлга олди. Шундай қилиб исён 45 кун давом этди. Оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқлар талаби билан бошланган исён бориб-бориб, катта сиёсий талабларга айланиб кетди.

Авал бошлиқлар билан расмий музокара қилиниб, қатъий талаблар қўйилган бўлса, энди лагер ҳокимияти қўлга олингач, СССР Олий Советидан, Олий судидан, КПСС Марказқўми Сиёсий бюросидан расмий вакиллар келиши талаб қилина бошлади...

Лагер ҳудудига соқчилар, назоратчилар киритилмай қўйди. Хотин-қизлар алоҳида лагпунктда эди, энди аралашиб кетди.

Ўзбек, тожик, туркман ва озарбойжонлар – қоралар дейилади, латиш, литваликлар ва эстонлар – Ёлбўйи (Болтиқбўйи) дейилади, Шарқий Белоруссия ва шарқий Украинадан келганлар – шарқликлар, Украинанинг асосий ҳудудидан келганлар – украинлар деб юритилади. Ҳар бир тоифанинг ўз бошлиғи бор. Мени “қора”ларга бошлиқ қилиб қўйишди. Ҳар тоифа, ҳар табақа ўзича мажлислар ўтказади. Ҳамма ўз муаммосини бемалол, эркин муҳокама қилади. Фақат масалани ҳал этувчи расмийлар йўқ.

Маҳкумлар ҳокимияти ўрнатилгач, лагерда тўйлар бўла бошлади. Кўпроқ ғарбий Украина, Белоруссия маҳбуслари маҳбус қизларни танлаб, катта клубда ўз урф-одатларига кўра тўй қилишади. Хотин-қизлар ўзларининг миллий кийимларини топиб, кийиб юришади.

Бир маҳал христиан ва жухуд диндорлари ҳам жонланиб, дарров руҳоний поплар пайдо бўлиб қолди. Баптистлар, “Яҳова шоҳидлари” лагер ошхонасида ўз мажлисларини ўтказишарди.

Исён бошлиғи Кузнецов деган ўрис йигит эди. У Германияда ҳарбий полковник бўлиб хизмат қилган.

Лагер мустақилликни қўлга киритгач, Кузнецов қора чарм шим, янги этик кийиб, камар боғлаб, ҳақиқий раҳбар бўлиб олди. У ўзи маҳкум ва мазлумлар тарафдори бўлгани учун маҳбуслардан ҳеч ким унга қарши чиқмас, ҳамма сўзсиз бўйсунарди. У лагерни да-

дил айланиб, адолат билан тартиб ўрнатар, асли адолатга ташна маҳбусларга шу мақбул эди. Шундай қилиб, барча лагерларда қатъий тартиб ўрнатилди: тўполон, зўравонлик, ўғрилик, овқат талашиш, зулм бутунлай барҳам топди.

“58”ларга, лагер хўжалик омборидан ма-саллиқ олиб, алоҳида овқат пишириш ҳуқуқи берилди. Лагерга ҳеч ким киритилмай қўйди. Лагер бошлиқлари назорат эшиги олдида кутиб олиниб, ўша ерда гаплашилиб, орқасига қайтарилар эди.

Москвадан ҳеч ким келмади. Қозоғистон НКВДси ва прокуратурасидан вакиллар келган эди, қабул қилинмади...

Қирқ бешинчи куни эрта тонгда, ҳали маҳбуслар уйқудан уйғонмай, махсус отряд лагерга танклар билан бостириб кирди. Отряд тўппончалар отиб, итларни вовуллатиб, даҳшат солиб кирди...

Лагер атрофи танклар билан ўраб олинган, тиканли сим деворларнинг минораларида автомат тутган соқчилар турарди.

Лекин маҳбуслар ён бермади. Ялпи очлик эълон қилинишини баён этиб, ўлимни бўйинга олиб тураверишди. Аммо беҳуда ўлгандан кўра сўнги чораларни кўриш фойдали эди. Бошқа илож ҳам қолмади.

Лагер аҳлини кўчага ҳайдаб чиқишди. Йигирмата танк киритилган эди. Маҳбус хотинлар танкларга чиқиб олиб, устига муштар, итлар даҳшатли вовуллар, оператив бўлим хизматчилари тўппончадан ўққа тутмоқда эди. Баракларга кўзни ёшлантирадиган гранаталар отишди. Натижада битта аёл ҳалок бўлди.

Танлаб, саралаб, маҳбусларнинг бир қисмини бошқа лагерларга тарқатиб юборишди.

Умидбахш натижалар

Исён бостирилди... Лекин ғалаёнлар, иш ташлаш, талабномалар беҳуда кетмади. Ўзларини “юқоридан” деб таништирган кишилар келиб, маҳбуслар билан учрашди. Яқин орада талаблар қондирилажаги, муддатлар қисқартирилиши, ноҳақ қамалганларнинг иши қайта кўрилишини ваъда берилди.

Орадан икки-уч ой ўтиб, айрим маҳбусларнинг иши қайта кўриладиган бўлиб, улар терговга чақирила бошлади. Ноҳақ қамалганларда умид жонланди. Аммо бу умид кўркүв билан қоришган эди. Мабодо, иш яна тескари кетса-чи!..

Уч-тўрт ойдан кейин дафъатан мени ҳам штабга чақириб қолишди. Менинг ва яна бир нечта маҳбуснинг иши қайта кўрилар экан. Тошкентга қайтадиган бўлдик. Лагердош ўртоқларим дарҳол менга костюм-шим тикишди. Кузатгани кўплаб биродарларим йиғилди. Кўлимга озгина пул ҳам жамғариб беришди.

Қайта тергов

Қаттиқ йўл азобларини тортиб, Тошкентга етиб келдик. Бу гал КГБ қамоқхонасида яхши кутиб олишди. Энди, вазият, муомала, муносабат ўзгарган: аввалги бақирешлар, таҳдид-ҳақоратлар, уриб-сўкишлар йўқ. Овқат маҳали терговга чақирешмайди. Менинг терговчим Мирзоян деган хушмуомала киши эди: мен нимани гапирсам, шуни ёзади, чақирилган гувоҳларнинг айбловларига ҳам унча аҳамият бермайди. Сизлаб гапирди.

Тергов яна бир неча ой чўзилди. Энди гувоҳларнинг кўпчилиги аввалги гапларидан тонди. Масалан, Муҳиддин Комилов:

– Мен айрим гапларни мажбурият остида айтган эдим. “Миллий истиқлол” ташкилотига Шухратнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ! – деб гувоҳлик берди.

Лекин Неъмат Тошпўлат ўша гапида турди, аввал мени Чўлпоннинг таъсирида қолган, деган эди, энди “Чўлпоннинг “думи” деб гувоҳлик берди.

Ёнғин Мирзодан ҳеч нарса сўрашмади ҳам. Олдинги гал судда мен “Тухматчи!” деб унга калишимни отган эдим. Бу гал сўзининг аҳамияти ҳам бўлмади.

Дийдор

Тошкентга етиб келган кунимиз КГБдан уйимизга хабар беришди. Бир ҳафтадан кейин оилам билан учрашувга рухсат этилди.

Онам билан хотиним келган экан.

Қамоқхона қабулхонаси йўлагига бир бола ёнимдан чопқиллаб ўтди.

Терговчининг олдига кирсам, онам ўтирибди! Шўрлик онам озиб-тўзган, кексайган, менинг ғамимда куйиб адо бўлган! Онаизорим аввал армияга, урушга кетганимда қанча интизорлик чекканди, энди қамоқдан кутиш азоблари!

Онамни кўришим билан йиғлаб юбордим. Онам ҳам мени кучоғидан кўймай, кўп йиғлади...

Хотиним ясан-тусан қилиб олган экан. Кўришдик.

– Ўғлим қани? Олиб келмадингми? – дедим.

– Ана, чопиб юрибди, – деди. Бояги бола ўғлим экан. Келиб, бўйнимга осилиб олди, йиғлади. Оталик меҳримни туйган бўлса керак.

Онам уй-рўзғордан гапирди. Хотиним ҳамон шаҳардан ташқаридаги боғчада тарбиячи бўлиб ишлар экан.

Онам билан бирга ҳар куни ўғлимни бағрига босиб, мени кутишар экан. Хотинимдан рози бўлдим, чунки у онамга қараб туришга ва мени кутишга ваъда берган эди. Аҳдида турди.

Анча гаплашиб ўтирдик. Кейин зўрға ажралишдик. Терговчи Мирзоян онамга далда берди, ҳатто:

– Яқин орада ўғлингиз чиқиб қолади, – деди.

Онам йиғлаб-йиғлаб кетди.

Хотиним билан ўғлим ҳам...

Мен ҳам йиғлаб қолдим...

Шундай қилиб, тергов яна бир неча ой чўзилди.

“Сиз энди озодсиз!..”

Мен ҳамон бир кишилик камерада эдим. Турмада одам оз. Ҳамид Сулаймон билан Мирзакалон Исмоилий ҳам шу ерда эканини одамлар орқали билганман. Ҳамид Сулаймон сариқ касал бўлиб қолибди. Уни озод қилишган экан. Бу хушxabар мени бесаранжом қилиб қўйди.

Бир шом пайти соқчи келиб, мени терговга чақириб кетди.

– Тергов тўхтади, ишингиз тугади! – деди майор.

– Тўхтагани йўқ, гувоҳлар келмади, – дедим.

– Тугади!.. Сиз энди озодсиз! – деди.

Ё Худо!.. Мен алланечук бўлиб, қалқиб кетдим. Соқчилардан бири шошиб бир стакан сув келтириб, менга ичирди. Ўзимни зўрға туби қолдим. Бутун борлигим билан ҳаяжонлар эдим.

– Сиз энди озодсиз!..

Қулоғимда ҳамон шу уч сўз жаранглаб, кўлларим титраб, ҳужжатларга имзо қўйдим.

– Энди нима қиласиз? – деб сўради майор.

– Аввало тилимни тийиб яшайман, – дедим.

– Шеър ёзинг, ижод қилинг, – деди.

– Ўйлаб кўраман, бу кайфият билан ижод қилиб бўлармикан?..

Мана, турма дарвозаси озодликка қараб очилди...

ШОҲСАНАМ

КЕЧИККАН ЎҚУР



У аср рус адабиёти оҳанрабои мени ўзига тортгани тортган. Тургенев, Достоевский, Толстой, Чехов... Дарвоқе, бу мумтоз адиблар даврасидан даставвал таниб-билганим – Чехов. Чамаси, учинчи синфларда ўқирдим. Дадам бир гал Ялта сафаридан келтирган совғалар орасида Чехов уй-музейининг жажжи альбоми ҳам бор экан. Бу каби фотожамламалар китоб жавонимда ҳам топиларди-ю, айнан Ялтадан келгани менга маъқул тушди, қайта-қайта томоша қиламан денг: мана, адиб яшаган оппоқ қўшқават уй, мана, иш бўлмади, мана унинг ижод ашёлари... Бир куни албатта Ялтага бораман, Чехов уй-музейини зиёрат қиламан, барини ўз кўзим билан кўраман деб кўнглимга тугиб ҳам қўйганларим-чи!

Адиб ижоди билан эса анча кейин, улғайгач танишдим. Табиийки, ёзувчи шахсияти, кўнгил олами ҳам қизиқтириб қўйди мени.

Чеховнинг қандай ёзувчи экани жумла-жаҳонга аён. Биз уни ҳикоя жанрининг пири деб таниган бўлсак, дунё театр аҳли Шекспирдан кейинги зўр драматург сифатида ардоқлайди. Биласиз, бошда тирикчилик вазидан газеталарга ҳажвий ҳикоячалар ёзиб юрган талаба кейинчалик – унча-мунча танилгач ҳам ёзувчиликка даъво қилмаган. Бунини ўша кезлар эллиқдан ортиқ тахаллус қўллаб ёзганидан ҳам билса бўлади. “Тиббиёт менинг қонуний рафиқам, адабиёт эса маъшуқамдир” деган эди Антоша Чехонте. Аслида унинг қисмати адабиёт экан.

Адабиётшунослар орасида ижодкорнинг шахсияти эмас, ёзган асарлари муҳим, шахсий ҳаёти – шахсий ҳудуд, айниқса, унинг ётоғига “бош суқиш”

бориб турган беадаблик, сурбетликдир дегувчилар ҳам бор. Лекин бандаи ожизни айнан шуниси жалб этади-да: ўша машҳур деганлари нима еб-нима ичган, нечта маъшуқаси бўлган, кимни ростакамига севгану ким уни чув туширган... Рус адабиётидаги орадан юз йиллар ўтиб ҳам “ишқ дафтари” зўр эҳтирос билан варақланаётган ижодкор Чеховдир. Хўш, нега?



Адибнинг ўзи бошқалар сингари шахсий ҳаётидан нақл этувчи хотираномалар ёзиб қолдирмаган. “Менинг автобиографофобия хасталигим бор, – дейди у ҳазил аралаш. – Матбуотда ўзинг ҳақингда чиққан ниманидир ўқиш ёки ўзингни таърифлаб нимадир қоралаб бериш кўп малол-да одамга!” Аммо унинг таржимаи ҳоли беками кўст битилган деса бўлади: бунда у ҳақдаги кўпдан-кўп хотира-эсдаликлар қўл келган, албатта. Дейлик, “ишқ қиссалари” хусусида ҳам жилд-жилд китобга жо бўлгулик тафсилоту маълумотлар бор. Аммо бир савол ҳамон очик, ҳамон жумбоқ – адиб атрофидаги кўплаб парвоналардан қай бирига кўнгил берган? Ольга Книпперга-да дерсиз: охир-оқибат шунга уйланган-ку! Уйланган-у, оилавий ҳаловат топганми? Сен унда зор, мен бунда зор... Уч йиллик турмуш мобайнида эр-хотин бор-йўғи олти ой бирга яшаган. Бошқа вақт Ялта – Москва, Москва – Ялта ўртасида гоҳ эҳтиросли дилизхорлар, гоҳ қисқа-қуруқ хат-хабарлар, вассалом. Улар бир-бирига саккиз юзта хат йўллаган. Хўш, бу ўртада қайноқ муҳаббат бўлган дейишга асос берадими? Адибни таниган-билган дўст-ёрлари ва аксар чеховшуносларнинг фикрича: йўқ-да!.. Тарих бағрида кўп ҳақиқатлар пинҳон, қўлингизда аниқ маълумот бўлмагач, гоҳ тахминларга ҳам таянмоққа мажбурсиз.

“Чехов бирор аёлга астойдил кўнгил берганми? – дея савол қўяди Иван Бунин. – Менимча, бунақаси бўлмаган”, деб яна ўзи хулоса ясади. Негаки, Чехов унча-мунчага сир берадиган анойи эмас эди. Ҳатто яқин маҳрамлари ҳам унинг кўнглига қўл сололмаган, Бунин буни биларди. 1947 йили нашр этилган “Чехов – ҳаётим менинг” хотира-романи эса адабий жамоатчиликни ҳанг-манг қилиб қўйди. Асар муҳожиротда яшаётган Иван Бунин қўлига орадан уч йиллар ўтибгина етади. “Билмаганимни қаранг, Чехов севган, ҳа, севган – Авиловани!” дейди ҳайратини яширолмай кекса адиб.

Ҳақиқатми ёки уйдирма?

“Чехов – ҳаётим менинг” хотира-романини камина бир неча йил илгари таржима қилиб, “Жаҳон адабиёти” журналида чиқарган эдим. Неча вақт унинг таъсирида юрганман. Хўш, бу ёднома қанчалик ҳақиқат? Ким эди ўзи у аёл? Чеховга бўлган қизиқишим бунисини ҳам билишга ундаган.

1890 – 1900 йиллар рус адабий жамоатчилигига Лидия Авилова номи унча-мунча таниқли эди. Унинг қисса ва ҳикоялари Петербургу Москвада-



ги номдор матбуот нашрларида чоп этиб турилган. Ким билсин, ўзини буткул ижодга бағишлаганида ундан салмоқлироқ адабий мерос қолармиди (ҳарқалай, Толстой, Чехов, Буниндек адиблар унинг иқтидорини эътироф этган). Лекин оила, уй-рўзғор, уч бола, рашкчи эрнинг инжиқликларидан ортиб ул-бул қоралашнинг ўзи ҳам салкам қаҳрамонлик эди.

Айтайлик, Авилованинг номи бугун бадиий сўз аҳлига озми-кўпми таниш, адабиёт оламида бутунлай унутилмаган бўлса – айнан Чехов туфайлидир. Умри поёнида битган хотираномаси Россияда ҳам, хорижда ҳам қайта-қайта нашр этилган. Адабиётшунослар унинг айнан “Чехов – ҳаётим менинг” асарини бадиий жиҳатдан устунроқ деб баҳолайди. Лекин аксарият бир фикрда яқдил: ушбу асарни жиддий қабул қилмаслик керак, у кекса адибанинг анчайин тасаввур маҳсули, холос. Биз Чехов ҳақидаги аввалги мақоламизда эслатган англиялик чеховшунос Дональд Рейфилд ҳам “Антон Чеховнинг номаи аъмоли” деган салмоқдор тадқиқот романида унинг барча “қиз жўралари”га батафсил тўхталгани ҳолда, Лидия Авиловани деярли тилга олмайди, адибани чўпчакбозликда айблайди.

Тўғри, Чеховнинг ўзи бирон ўринда Лидия Авиловага кўнгли бўлганини шама қилмаган. Уларнинг ўзаро ёзишмалари ҳам дўстона, устоз-шоғирд мақомидаги гап-сўзлардан иборат, ҳеч бир маҳрамлик ёки бунга ишора сезилмайди. Боз устига денг, адибанинг ўзи ҳам асар муқаддимасида “Ўн йиллар давом этган-у, бирон кимса воқиф бўлмаган ишқ қиссаси” дея изоҳ беради. Демак, у савдоларга гувоҳ йўқ – бу сирдан хабардор бўлганлар аллақачон дунёдан ўтиб кетган (масалан, Надежда Худякова – Авилованинг опаси).

Мария Чехова эсдалик-романни ўқиб, “Назаримда, Лидия Алексеевна бир замонлар Антон Павловичга нисбатан туйган жўшқин туйғуларидан нақл этган. Ўзига адибнинг муносабатига келганда эса бирмунча ноҳолислик сезилади. Асарда бадиий тўқима устунроқдек...” дейди “рисоладаги ака қиёфа”сига соя туширгиси келмай. Чеховшунослар учун эса акага ўзини бахшида этган фариштамонанд сингилнинг гапи қонун мақомида эди.

Ҳам Лидия Авилова, ҳам Антон Чехов билан яқин бўлган Иван Буниндан эшитайлик: “Зўр ҳаяжон, ноёб иқтидор, ўта назокат билан битилган бу гўзал ишқ қиссасини ўқиб Авиловани қайта кашф этдим. Мен уни яхши билардим, ҳақгўй, зийрак-зукко, бир оз тортинчоқ аёл эди. Ҳазил-мутойибага мойиллиги бор, гоҳо ўзини ҳам аямасди.

Ушбу хотираномани ўқиб Чеховни янгидан танигандек бўлдим.

Улар ўртасида бундай муносабат борлиги хаёлимга ҳам келмаган экан!

Биламан, баъзилар бу аёлнинг хотираларига ишониб бўлармиди, деган гумонга борар. Лекин Лидия Алексеевна бағоят тўғрисиўз инсон эди. Чехов унинг ҳикояларинию ўзини ҳам танқид қилганини яширмай ёзибди-ку!”

Ҳақ гап йўлида ҳеч кимни аямайдиган Иван Бунинки Лидия Авилова-нинг хотираларига ишонган, унга ён босган эканми, бу беҳуда эмас.

Қолаверса, сўзбошисида Лидия Алексеевнанинг ўзи “Ушбу асарда бир калима тўқима йўқ... Ёзиш асноси ширин хаёлларга, фараз-тахминларга берилиб кетиб, ҳақиқатни бузиб қўймайин дея мудом ўзимни назоратда тутдим. Антон Павлович хотираси мен учун бениҳоя муқаддас, бинобарин, заррача ёлғон сўз айтишга ҳақим йўқ”, дейди. Таассуфки, бу эътироф асарнинг фақат қўлёзма нусхасида сақланиб қолган, негадир (!) китобга киритилмаган.

Агар Авилова, баъзи чеховшунослар зўр бериб уқтирганидек, буюк адиб баҳона ном қозонишини кўзлаганида, асарни умри поёнига келибгина эмас, ёшроқ кезлари, дейлик, Чехов вафот этиши ҳамано ёзиб чоп эттирмасмиди?! Ёхуд 1916 йили эри оламдан ўтгач моддий жиҳатдан танг аҳволда қолганидами, Биринчи жаҳон уруши ёки инқилоб йиллари бир бурда нонга зор, бор-будини сотиб қорин тўйдирган кунларидами хотираномани эълон қилиб мўмай қалам ҳақи ундириши ҳам мумкин эди-ку! 1917-41 йиллардаги кундалигидан маълумки, тўкин-фаровонликка одатланган зодагонлар наслдан бўлмиш адиба ўша кезлар чиндан-да ночор ҳаёт кечирган. “Мен ҳозир умр бўйи ўзим ор деб билган “юмуш” билан бандман: уззукун нима ейман, эртанги кунга нимани тежаб қўйсам экан, нимани сотиб, эвазига нима олсам экан, дея бош қотираман... Фикру зикрим – қорин, қорин! Кўнгилда заррачаюм рўшнолик йўқ. Шахсий ҳаёт, севимли машғулот, эрмак-овунчоқ деганлари ширин тушга айланган...” дейди у изтироб билан.

Қизгина Флора

1880 йиллардан рус матбуотини забт этган умидли ёш адиб Антоша Чехонтега навниҳол Лидия ғойибона кўнгил қўйган эди. Аммо у билан учрашиш орадан кўп йиллар ўтибгина насиб этди. “Пинҳона дарди”дан хабардор опаси бир куни унга оқсочидан хат юборади: “Тез етиб кел, Чехов бизниқанда!” Бир уй меҳмон ўтирган хонага шоша-пиша кирган Лидияни кўриб, поччаси “Мана, Флора қиз ҳам келди, – дейди чехраси ёришиб. – Антон Павлович, сизга таништирай, бу қизгина – Флора. Менинг шогирдим. Ҳикояларингизни ёддан билади. Сизга мактуб ҳам битгандир-у, лекин айтмайди, уялади-да!”

Сергей Худяков (1871 – 93 йиллар “Петербург газетаси”-нинг ношир-муҳаррири бўлган) қизгина Флора деганигами, Чехов хонадоннинг асранди қизи бўлса керак деб ўйлайдию бир чеккада деворга суяниб турган Лидиянинг олдига келиб унинг икки ўрим йўғон сочини қўлга олади: “Бунақасини кўрмаганман!” Табиийки, бундай бетакаллуфлик турмуш қурган, ҳатто бир болали аслзода хонимнинг иззат-нафсига тегади, бироқ арзанда меҳмон ҳурмати, у лом-мим демайди.



Зиёфатда улар ёнма-ён ўтиради, суҳбат ҳам қуради. Чехов уни илк пьесаси “Иванов”нинг премьерасига таклиф қилатуриб, “Чипта юбораман, сиз шу ерда – Сергей Николаевичникида яшайсиз-да, а?” деганида Лидия кулиб юборади: “Энди айтай, ҳеч қандай Флора қиз ҳам, Сергей Николаевичнинг шогирди ҳам эмасман. Мен у кишининг қайнсинглисиман. Боз устига, ўзим бир хонадон бекасиман!”

Қизгина Флоранинг бир яшар ўғли ҳам борлигини билиб, Антон Павлович гўё бор ҳақиқатни уқиб олмоқчидек унинг кўзларига тикилиб қарайди. Ана шунда нигоҳлар бир зумга тўқнашиб кетади. “Ич-ичимда нимадир портлади: завқу шиддат билан ёрқин бир мушак отилди гўё. Антон Павлович ҳам худди шундай бир ҳисни туйганига шубҳам йўқ. Ҳайратланиб бир-биримизга тикилиб қолдик”, деб ёзади Авилова.

1892 йили “Петербург газета”сининг 25 йиллик тўйига Чеховнинг ташрифидан умидвор Лидия уни кўргач, “Сизни келасиз деб ўйламовдим” дейди атайин, аммо сири фош бўлиб, дувва қизариб кетади. “Мен эса сизни кўришимни билардим”, дейди адиб жилмайиб. Гўё орадан уч йил ўтмагану кечагина хайрлашган қадрдонлардек чақчақлаша кетадилар.

Шу учрашув уларни хийла яқинлаштиради: айни йиллардан ўрталарида ёзишма бошланган. Чеховнинг Авиловага ёзган 32 та мактуби маълум. Ёзувчининг ўлимидан бир неча йил ўтиб, унинг асарлар тўпламини нашрга тайёрлаётган Мария Павловнага бу хатларни топширар экан, Лидия ўзи ёзган номаларни қайтариб олади (баъзи мактубларни китобга киритиш-киритмаслик борасида икки аёл ўртасида жиддий келишмовчилик юзага келган). Бу бир даста хатни у олов гуриллаб турган ўчоққа ирғитади. “Баъзиларининг ҳошиясида Чеховнинг изоҳлари бор эди, нега ўқиб кўрмадим-а?” дейди кейинчалик армон билан.

Тажрибали адиб Авилонинг қисса ва ҳикояларини ўқиб фикр айтган, хато-камчиликларини кўрсатиб, енгил таҳрир қилган, маслаҳатлар берган. Айтиш жоизки, у бошқа бир ҳаваскор қаламкаш – Елена Шаврова билан ҳам мунтазам ёзишиб турган. Унинг ҳикоялари ҳақида фикр билдирганда устоз хийла қаттиққўл, танбеҳлари ҳам кескин, кинояли (чеховона услуб!). Авиловага келганда эса анча-мунча мулойим, эҳтиёткор. Бу ҳам бежиз эмасдек, назаримизда...

Ўн йил мобайнида улар бор-йўғи саккиз ё тўққиз марта учрашган: Чехов Петербургда келганида – бирор тадбирми-зиёфатда ёки Авилова Москвага борганларида. Қизиқ, икки инсон бир-бирига кўнгил боғласа-ю, бундан сўз очмоққа ботинмаса! Тўғри, Лидиянинг эри, уч боласи, рисоладагидек оиласи бор. Нима, худбинлик қилиб уларнинг тинч ҳаётини бузсинми? Муҳаббатнинг кўзи кўр, ана, Анна Каренина на бола, на оилани ўйлади, барига қўл силтаб ёш жазмани билан кетди-ку, дерсиз. Лекин жамият бундай “шармандалик”ни (зотан, Аннага маломат ёғдирган ўша олиймақом даврада уни йўлда қолдириб кетадиганлари ҳам топиларди) кўтармас эди.

Аслида, Авиллованинг бу муҳаббатдан ҳеч бир даъвоси йўқ – ўзи куйган, ўзи қолган. Чеховнинг унга кўнгли бор-йўқлигига ҳам тўлиқ амин эмас эди у.

Хўш, Чехов-чи, у нима қила оларди? Бунинг айтганидек, “нақадар қийин, чигал бир савдо”... Ўзига қандай дард ёпишганини унинг бедаволигини яхши биларди у. Билатуриб аёлнинг осуда турмушини бузсинми, сўнг уни умр йўлида танҳо ташлаб кетсинми? Чеховдек одам-а? Лидияга кўнгили ёрмагани аслида уни аяганидан эмасми?!

“Илк учрашувимиз ёдингиздами? Ўшандаёқ сизни ёқтириб қолган эдим. Сизмагандингизми? Доим сизни ўйлардим. Уч йиллик айрилиқдан сўнг кўришганимизда янада очилиб кетганингизни, сизни қаттиқроқ севиб қолаётганимни, айрилгим келмаётганини англадим... Аммо билардимки, сиз мен ташлаб кетган ёки мендан кечган аёлларнинг ҳеч бирига ўхшамасдингиз; сиз пок муҳаббатга лойиқ эдингиз. Мен учун бамисоли бир фаришта эдингиз, сизга қўл теккизишга ҳам қўрқардим. Шуни билардимингиз?”

Лидия умрида бир мартагина таваккалга бориб (эри сафардалигида) уйига таклиф этганида Чехов айтган эди бу гапларни!

“Бу нима – иқрорми, изҳори дилми? Нега ўтган замонда айтмасиз? Наҳот севмай қўйдингиз? Кўзингизга бегона, ёқимсиз кўриняпманми энди?” дейди аёл ичида, юраги эзилиб. “Йўқ, мен буни билмасдим. Билганимда... бахтдан бошим кўкка етмасмиди!” дейди яна ўзига ўзи, кўзёшлари юзини ювиб. Сўнг бирдан сергак тортади, шоша-пиша эрининг иш бўлмасига кириб шам ёқади. “Унинг гапларини ёзиб қўйишим керак! Ҳозир ҳушим жойида эмас. Кейин, кейин ҳаммасини ўйлаб, тушуниб оларман”.

Эртаси куни Антон Павловичдан ҳув ваъда қилинган китоб билан бир парча қисқа-қуруқ хат келади – гўё ўтган тун ҳеч гап бўлмаган, улар асло кўришмагандек. Лидия ҳайрон, ўйлай-ўйлай шундай хулосага келади: уни хафа қилиб қўйдим-ов, кечки таомга чақириб тузук-қуруқ икром этолмадим, боз устига, унинг дил изҳорига чурқ этиб оғиз очмадим.

Шу хижолатликни ювмоқ бўлибми, Авилова заргарга китобча шаклида бир медальон буюртма қилади. Юза томонига: “А.Чехов. Ҳикоя ва қиссалар тўплами”, орқасига: “267-бет, 6-7-сатр” деб ёздирди. Хўш, бу “жумбоқ”да нима дейилган эди? “Мабодо сенга жоним керак бўлса, келгину ол, уни сенга фидо қилгум!”

Ор-номусни ҳар недан устун қўядиган, сал гапга дувва қизариб кетадиган аслзода хоним қайдан олди экан бу дадилликни?

Сирли жавоб

Машҳур “Оқчорлоқ” пьесасида Нина Заречная хайрлашув олдидан Тригоринга китоб шаклидаги медальон совға қилади. Бу – ўша, Авилова Чеховга йўллаган сирли туҳфа.

Адиб уни олганидаёқ кимдан эканини тахмин қилган, албатта. Аммо бундай қалтис даъватга дабдурустан нима дерди у? Балки, аёл бу ишни ўйламай қилгану энди пушаймондир, деган хаёлга борганми, буниси бизга қоронғи, ҳарқалай, ушбу лавҳани у пьесасига киритгани бор гап; совға эгасига шу тарзда жавоб қайтариш ҳам қулай, ҳам бехатар.

Совға жўнатганнинг-ку ўйлайвериб мияси ғовлаб кетади: ранжитиб қўйган бўлсам-чи? Ёки буни ўринсиз ҳазил деб тушундимикан?

Ўзини қийнаган саволларга у орадан бир йил ўтибгина, Алексей Суворин театрида – маскарад чоғи қисман жавоб олади. Укасининг қистови билан базмга борган Лидия аслида Чеховни кўриш, унинг кўнглини билиш ниятида эди. Адиб ниқоб таққан Лидияни атай танимаганга олади. Шампань виносидан ҳўплаб суҳбатлашадилар, турли ҳазил-ҳузул. Чехов уни “Оқчорлоқ” премьерасига таклиф қилади (бу ўша – 1896 йил 17 октябрда Петербургдаги Александринск театрида қўйилиб, шармандали якун топган илк намойиш эди): “Спектаклни диққат билан томоша қилсанг – барча саволингга жавоб оласан!” (Маскарад-базмнинг шартига кўра барча бир-бирини “сен” лаб мурожаат қилиши лозим эди.)

Лидия гап нимадалигини дарров фаҳмлайди: демак, совғани олган. Лекин кимданлигини билганмикан? Сир бой бермай сўрайди: “Қанақа савол?” “Ҳамма саволингга! Фақат диққат билан кузатсанг бўлгани!” дейди гапни бошқа ёққа буришга шошилиб Чехов.

Авилованинг хотира-романида спектакль намойиши, томошабинлар уни қандай қарши олгани, театрдаги муҳит батафсил тасвирланган. Шовқинсурон ичида у “саволига жавоб”ни илғаб олади: “121-бет; 11-12-сатрлар”. Мазмуни бундай экан: “Ёш хонимларнинг маскарадга бориши жоиз эмас”. Бир йил интиқ бўлиб кутган жавоби шуми?!

Чехов Анна Суворинага ёзган мактубининг хомаки нусхасида “Оқчорлоқ” намойишидан сўнг Петербургдан қочиб кетганини изоҳлай туриб, “Биттаси юрагимдан урганга ўхшайди”, дейди дабдурустан. Асл нусхада эса бу жумла йўқ. Хўш, ким эди унинг ҳушини ўғирлаган ўша сирли хоним? Спектакль томошасида ўзининг қалб изҳорига саҳнадан жавоб айтилишини бетоқат кутиб ўтирган Лидия Авилова эмасмиди у?

Зотан, Чехов пьеса қаҳрамони Тригорин бўлиб жавоб қайтаради. Лидия эса китоб саҳифаси ва сатрларини эслаб қоламан деб асосий “жавоб”ни эътибордан қочиради. Тригорин медальонни қўлига олиб, Нинага “Бунча латиф! Бебаҳо совға!” дейди, бу – Чеховнинг Лидияга миннатдорлиги эди. “Нега бундайин соф, юракдан айтилган дил изҳори менга қайғули эшитилди? Нега бунча эзилиб кетдим?” дейди кейин китоб саҳифасини топиб ўқиган Тригорин ўзига ўзи. Медальон-китобчадаги “Мабодо сенга жоним керак бўлса, келгину ол, уни сенга фидо қилгум!” деган иқрорга унинг асл жавоби шу эди. Бу – Чехов ижодини ва ҳаётини обдон ўрганган рус адибаси Инна Гоффнинг тахмин ва таҳлили. Бизнингча ҳам бу гапларда жон бор. Йўқса,

Лидия Авиллованинг (“аллақандай” Лика Мизинованинг эмас!) дил изҳорига Чехов қуруқ ҳазил билан чап берганини нима деб изоҳлаш мумкин?..

Дарвоқе, “Ёш хонимларнинг маскарадга бориши жоиз эмас” деган таҳдидомуз жавоб – Чеховнинг совға кимдан эканини ва Суворин театридаги маскарад-базмда ким билан шампань ичиб дардлашганимни биламан, дегани эди.

Сўнги учрашув

Чехов билан Авилова сўнги бора темирйўл вокзалида учрашади – адабнинг “Муҳаббат бобида” ҳикояси қаҳрамонлари Алёхин билан Анна Луганович сингари. Ўйлаб боқилса, уларнинг қисмати ҳам ўхшаш. Ҳикоя қаҳрамонларининг ҳам бир-бирида кўнгли бор-у, тилга чиқармоққа ботинмайди. Улар ҳам вагонда айрилишади.

Ўшанда Чехов Лидияни театрга таклиф этган эди: “Бугун кечқурун менга атаб “Оқчорлоқ”ни қўйиб беришади. Бегона одам бўлмайди. Пьесани бирга томоша қилсак девдим. Эртага кетардингиз-да. Хўш, нима дейсиз?”

Лидиянинг боши қотади. Уч боласию лаш-лушлари билан йўлга чиққан бўлса, қандай қолсин? Болаларни меҳмонхонага жойлаш, қишлоққа – опасига, Петербургга эрига телеграмма жўнатиш керак бўлади. Булари ҳам майли, бадрашк эрга нима баҳона айтади?..

Лидия бу гал ҳам Чеховнинг илтимосини рад қилади. Хув машҳур Остроумов шифохонасига қон қусиб ётган Чеховни кўргани борганида ҳам у “Яна бир кунгина қолинг. Мен учун” дея ўтинган, аммо Лидия қололмаган эди.

Доим шундай – яккама-якка кўришиб, гаплашиб олмоққа жазм қилганларида нимадир ҳадал берган. Дейлик, Лидия Чеховни аzza-базза уйига таклиф этганида устига меҳмон бостириб келган; Москвада эса меҳмонхонада учрашишга келишганларида Чехов касалхонага тушиб қолган.

Шифохонадаги учрашувдан кейин озроқ вақт ўтиб Лидия гезеталарда нашр этилган бир неча ҳикоясини Чеховга юборган эди. “Унутилган номалар” ҳикоясида бир бева жувон қачонлардир ўзи кўнгил қўйган одамга мактуб битиб, муҳаббатига иқрор бўлади: “Сенсиз, сендан беҳабар яшаш – азоб, уқубат. Сенинг овозларингни, айтган сўзларингни эслаб юришдан ҳам бахтиёрман. Фикру ёдим сенда, фақат сенда... Лекин сен бирон марта севаман деб айтганмисан менга? Эслай олмайман. Шу бир оғиз гапни эшитишга қанчалик зорлигимни билсанг эди...” Кейин эса, одатича, “Бошдан-оёқ эҳтирос, муҳаббат, соғинч уфуриб турган “Унутилган номалар”ни Чеховга жўнатиб нима қилардим?” дея ёзғирган Лидия.

Бу кўнгил изҳорлари кимга аталганини Чехов фаҳхламаганми? Фаҳхлаганда қандоқ! У ҳам “Муҳаббат бобида” ҳикоясида Алёхин номидан юрагида борини тўкиб солади. “Биз соатлаб суҳбатлашардик, баъзан соатлаб индамай ўтирардик, лекин бир-биримизга изҳори дил қилмасдик. Сиризмизни ҳатто ўз-ўзимизга ошкор қилиб қўйишдан чўчирдик. Унга бўлган

муҳаббатим ўта кучли эди. Мен мудом шу ҳақда ўйлар, ўзимдан ўзим сўрар эдим: биз бу муҳаббатни жиловлашга ўзимизда куч топа олмасак оқибати не кечади? Менинг бу ҳазин севгим тинч-осуда бир оиланинг турмушини бузиб юборса нима бўлади? Буни ҳеч ақлимга сиғдирилмасдим. Инсофдан эмас-да бу. Ёки мен дардга чалиниб, ўлиб-нетиб қолсам унинг ҳоли не кечади?.. Афтидан, у ҳам шуни ўйлайди, эри, болаларини кўзи қиймайди..."

Вокзалда Чеховни охириги марта кўраётгани Лидиянинг хаёлига ҳам келмаган эди. "Энди ўйласам, ўшанда биз видолашган эканмиз. Нега буни билмадим экан, нега?.. У бирдан ортига ўгирилиб, менга совуқ ва ҳатто нафрат билан тикилган: "Касал бўлиб қолсангиз ҳам сизни кўргани бормайман. Мен тузуккина докторман, лекин беморлардан катта ҳақ оламан... Сизнинг чўнтагингиз кўтармайди буни. Демак, энди кўришмаймиз". Лидиянинг кўз ўнгида Чехов кейин бир умр мана шундай – норози, гинахон қиёфада қолади.

Ўн йиллар давом этган бу мужмал муносабат ана шундай маҳзун якун топади.

* * *

Москвадаги кўҳна коммунал уйнинг тангу тор хонасида кекса аёл талаба набираси билан яшарди. Чеховшунос Александр Эйгес шу кампирни кўргани, баҳонада ундан Чехов ҳақида бирор янги гап эшитиш илинжида дам-бадам бу ерга келиб турарди. Берилган саволларга кампир алланечук паришонхотир жавоб қайтарар, бундан олимнинг ҳафсаласи пир бўлар эди. "Қанча кавлаштирмайин, арзирли бир гап чиқмаяпти. Назаримда, Чехов ўта совуққон одам бўлган, бирорта аёлга чинакамига кўнгил бермаган... Йўқ, жиддий муҳаббатнинг ўзи йўқ". Қулоғи оғирлигидан гапни англамайдими ёки ўзини атай меровликка соладими, Лидия Алексеевна бир гал ундан "Мария Павловнага хат ёзсам бўлармикан, нима дейсиз?" деб сўрайди. "Нега бўлмас экан, ёзинг, хатингизни ўқиб кўнгли кўтарилади" дейди Эйгес. Бу вақтда Лидия Алексеевна Чехов ҳақидаги хотираномани аллақачон тамомлаган, қўлёзманинг у ёқ-бу ёғини кўриш билан банд эди. Эйгеснинг далдаси туртки бўлибми, у кўпдан буён кўнглига тугиб юрган мактубни ёзади:

"1939 йил 14 апрель. Москва.

Азизам Мария Павловна!

"Азизам" деб мурожаат қилаётганимдан жаҳлингиз чиқмасин. Ишонинг, Сизни бошқача атай олмадим.

Сизни кўп эслайман. Сизга ғирт бегонаман, балки мени хушламасиз ҳам, бундан дилим озурда. Кўп йил илгари Сиз билан бир масалада келиша олмаганмиз, мендан қаттиқ ранжиган эдингиз. Кўзингизга баллодек кўриниб қолганман деб, ҳатто Ялтага борганларимда ҳам Сизни зиёрат этгани журъат қилмадим.

Сизга бир омонат гапни етказиб қўйишим керак. Бир неча йил муқаддам ёз ва куз ойларини мен Полтава яқинидаги бир далаҳовли-

да ўтказган эдим. У ерда А.Смагин деганлари билан танишиб қолдим. Жуда яхши киши экан, тағин денг, Сизлар тўғрингизда гапиргани гапирган. У бир умр Сизни севган экан. Сиздан бошқа биронта аёлга кўнгил қўёлмабди, қаранг! Бир гал ҳатто “Ҳозир ҳам севаман” деб қолди. Эҳ, буни эътироф этганида уни бир кўрсангиз эди!

Бугун энди у йўқ, ўтиб кетган. Сиз унинг муҳаббати ва садоқати ҳаққи, бир бор ёдга олиб қўйсангиз руҳини шод этган бўлардингиз. Ундан сўз очиб ярангизни янгилаб қўймадимми ишқилиб? Мендек кекса, нотавон аёлдан хафа бўлмагайсиз. Шундоқ ҳам бир оёғим гўрда, узоққа бормасам керак. Қани эди, Сиздан бир оғиз ширин сўз эшитсам!

Мен ҳам Смагин каби умр бўйи бутун вужудим билан бир инсонни севиб ўтдим, биласиз.

Сизни ўпиб қоламан десам, ранжимассиз?

Л.Авилова“.

Мария Павловна бу хатга дарров жавоб қайтаради: “...Умид қиламанки, тез орада дийдор кўришамиз... Сиз билан эшлашадиган, гаплашадиган гап бир дунё! Акамга бўлган муносабатингиз ўзиёқ Сизни менга яқинлаштириб қўйган. Ўртадаги эски гиналарга келсак, мен аллақачон унутиб юборганман.

...Хуллас, бор бўлинг, бардам бўлинг, Сиз билан яна кўришмоқ, дардлашмоқ насиб этсин, азизам Лидия Алексеевна...

Бу мактубга хатжилдни Антон Павловичнинг ғаладонидан олдим!

Омон бўлгайсиз!”

Орадан бир-икки ой ўтгач – 1939 йилнинг ёзида Мария Павловна Москвага келади.

“...Авилованинг хонадонига бир ўзим бордим. Кекса, касалманд аёлни кўриб... Стол устида тамаки қолдиқлари уюлиб ётибди.

Сўхбатимиз ғамгин кечди.

Биз қайтиб учрашмадик” (Мария Чехова эсдаликларидан).

Ўшанда Лидия Алексеевна етмиш беш ёшда, Мария Павловна эса ундан бир ёшгина катта, аммо анча-мунча тетик, соғлом эди. У Авиловадан сўнг яна ўн тўрт йил яшади.

Хўш, бу икки аёл нега умр поёнида қайта кўришмоққа қарор қилади? Илк учрашганларида ўрталарида кечган тушунмовчиликка барҳам бериб, кўнгил тубида тошдек босиб ётган оғир юқдан халос бўлмоқ учунми? Балки иккисининг ҳам юрагида армон бўлиб қолган муҳаббат доғи уларни кўришишга ундагандир? Эҳтимол, шундан сўнг Авилова Чехов ҳақидаги хотираномани нашр эттиришга азм этгандир. Зотан, энди у юрагида пинҳон сақлаган муҳаббатини ошкор этишдан истиҳола қилмасди: ёши бир жойга бориб қолган, ким, нима деб айбларди дейсиз!

Нима бўлганда ҳам, чеховшунослар орзу қилган ишқ қиссаси – Чеховнинг сирли муҳаббати бугун ҳам адабиёт муҳибларини ҳаяжонга солиб келмоқда.

Мартин Лютер КИНГ



BASHARTI...

Шундай инсоний қадриятлар борки, муайян миллат, дин ёки ирққагина хос эмас. Шундай шахслар яшаб ўтмишки, умрини ва жонини ўша қадриятларга бағишлаган, керак бўлса, қурбон қилган. Ана шундай шахслардан бири, АҚШдаги Фуқаровий ҳуқуқлар учун ҳаракатининг ёрқин вакили, Махатма Гандидан илҳом олган ва христианлик эътиқодига таяниб, куч ишлатмай, тинч йўл билан фуқаролик ҳақ-ҳуқуқларини қарор топтириш учун курашган нотиж ва жамоат арбоби Мартин Лютер Кингдир (1929 – 68). Унинг нутқларида насронийча лексикон кенг қўлланса-да – зеро, у баптист черковида воиз эди – илғари сурган ғоялари бошқа диний таълимотлар билан ҳам уйғундир. Зеро, зулмга, адолатсизликка қарши кураш, ҳақиқат масаласида муросасизлик ҳамма халқлар учун ҳамма даврларда муҳим масала бўлиб келган. Қуйида берилаётган нутқни у 1967 йили – отиб ўлдирилишидан бир йил аввал Атлантадаги Эбенеzer баптист черковида сўзлаган.

Таржимон

Шундай бир замон бўлдики, исроилликлар ўзларини Бобил қафасларида кўрдилар. Бобилнинг Навуходонсор деган подшоси бор эди. Сиз у ҳақда “Дониёл китоби”да кўп ва хўб ўқигансиз. У ҳақдаги ривоят авлодлар

оша онгимиз қатларида тошга ўйилган битик янглиғ қолажак. Навуходонсор қудратли ҳукмдор эди. Бир куни у фармон бердики, олтиндан бир сурат ишлансин, менинг қаламравимдаги барча халқлар ўша суратга

топинсин. Библияни ўқиганлар билади, Навуходоносор қозилар, ҳокимлар ва миршаббошилари хузурига чорлайди. Барчаси олтин суратга топингач, олампаҳоқ уларга дейди: “Ҳар бир фуқаро олтин суратга сиғинишини амр этаман”. Шу ерда уч йигит ҳам ҳозир эди: бирининг исми – Шадрох, яна бириники – Мешах, учинчисиники – Абеднего. Улар шундай жавоб бердилар – буни Муқаддас китобдан ўқиб бераман: “О Навуходоносор, сенга берадиган жавобимиз тайин. Бизнинг Худомиз ловуллаб ёнаётган гулхандан ҳам саломат олиб чиқишга қодир. У бизни сенинг чангалингдан ҳам халос этажак, эй ҳукмдор! Башарти, У шундай қилмаса ҳам, билиб қўй, эй ҳукмдор, биз барибир на сен айтган ҳудоларга, на олтин суратинга сиғинамиз”¹.

Шу ерда бир жиҳатга диққат қилишингизни истардим: ўша йигитлар “фуқаровий бўйсунмаслик”ни намойиш этдилар. Фуқаровий бўйсунмаслик ҳукумат, давлат, ҳатто маҳкаманинг виждонингиз адолатсиз деб топган амру фармонларига итоат этмасликдир. Фуқаровий бўйсунмаслик – виждонга итоатдир. Бошқача айтганда, фуқаровий бўйсунмаслик – юксакроқ қонунга итоатдир. Шундай вақтлар бўлади, боахлоқ киши виждони адолатсиз деб топган қонунга бўйсунмайди. Шу тонг сизларга дейманки, биродарларим, ҳар бир авлоддан “Мен олий қонунга итоатдаман”, деб баралла айта олган шахслар етишиб чиққани учун ҳам тарих буюк даврлар гувоҳи бўлди. Ўша зотлар “Мен фоний подшоҳга эмас, боқий Подшоҳга итоатдаман”, дер эдилар. Фуқаровий бўйсунмасликни намойиш этишимиз шарт бўлган айни шу дамда бизни танқид қилаётганлар бу тупроқда – Америкада Британия империяси зулмидан озод бўлиш учун миллатимиз айнан фуқаровий бўйсунмасликни кўрсатиб қўйганини эсламайдилар ҳам. Фуқаровий бўйсунмасликни “Бостон чойхўрлари”дан ҳам яхшироқ намойиш қила олган яна ким бор? Шуни унутмангки, Ҳитлер Германияда нима қилган бўлса, бари қонунга мувофиқ

эди. Ҳитлер яҳудийларнинг бошига қандай кунларни солган бўлса, барига қонун рухсат берган эди. Унинг Германиясида яҳудийга кўмак бериш, унинг оғирини енгил қилиш қонунга, айнан Ҳитлернинг ўзи қабул қилган қонунга зид эди. Очиги, агар мен ҳозирги тутумим билан Ҳитлер Германиясида яшаганимда эди, қонунни очиқ-ошкора бузар, фуқаровий бўйсунмасликни амалда кўрсатар эдим.

Шундай вақтлар бўладики, инсон ўйлаб топган қонун Борлиқнинг ахлоқ қонунидан четга чиқади. Шундай вақтлар бўладики, инсоний қонунлар барҳаёт илоҳий қонунларга терс келиб қолади. Башарти шундай бўлса, уни бузишга бурчлисиз, мен ҳам бажонидил шундай йўл тутаман. Бу борада менга хайрихоҳлар йўқ эмас. Шадрох, Мешах ва Абеднего елкадош менга! Исо ва Суқрот ҳам менинг маслақдошимдир! Бўйсунмаганини истамаган барча илк христианлар ҳамроҳларимдир!

Иккинчи яна бир муҳим жиҳати – бу кишилар Худога, унинг қудратига заррача шубҳа қилмаганлар. Улар бошларига не савдо тушмасин, Худо кутқаришга қодир эканига инонганлар. Ахир улар ҳукмдорга айтмадиларми, “Биз сиғинадиган Худо бизни халос этишга қодирдир”, деб? Улар бунга бешак, бегумон инонганлар. Улар Худога инонишарди, улар Худонинг барҳақлигини ҳис этишарди, улар Худонинг холиқлигини билишарди.

Ижозатингиз-ла сизга етказмоқчи бўлган фикримнинг асосий жиҳатига ўтсам. Ҳозир айтганларимнинг барини унутсангиз-да, мана шунисини ёдда сақлаб қолсангиз: “Бизнинг Худомиз ловуллаб ёнаётган гулхандан ҳам саломат олиб чиқишга қодир. **Аммо аксинча бўлса ҳам**, У бизни халос этмаса ҳам, биз барибир сенинг суратинга сиғинмаймиз”. “**Аксинча бўлса ҳам**” – нима демоқчилигимни пайқадингизми? Бу зотлар айтмоқдаки, “Имонимиз шу қадар кучли, шу қадар мустаҳкам, шу қадар мўътабарки, бирор куч бизни ундан юз ўғиртира олмас. Бизнинг Худомиз бизни халос эта олур. Аммо аксин-

¹ Дониёл, 3:16-18

ча бўлса...”. Бу шуни англатадики, кишининг имони “Аmmo аксинча бўлса” дея айта билишида синовдан ўтади. Кўряписизми, “шартли” ва “шартсиз” имон бор. Доимий, яшовчан, кучли имон айнан шартсиз имондир. “Шарт” имони айтади: “Агар ҳаммаси яхши кетса; агар ҳаёт умидбахш, фаровон, бахтга тўла бўлса; агар мен қамалмасам; агар бошимга азоб-уқубат, машаққатлар тушмаса; аъмолим учун маломатларга қолмасам; агар шуларнинг бирортаси бўлмаса, у ҳолда Худога имоним бутун, зеро, мен учун бари хайрли бўлади”. Ана шу – “шарт” имонидир. Сиз кўплаб шундай имон эгаларини биласиз. Ёқуб бир гал шундай иккиланишга тушиб қолган эди. Унинг имони шартга асосланган эди. У айтади: “Агар Худо мен билан бўлса, сафаримни беҳатар қилса, менга ейишга нон, кийишга либос берса, ота уйимга хотиржам қайта олсам, шунда У менинг Худоимдир”². Бу “шарт” имонининг айни ўзидир. Ёқуб у маҳал ҳали диннинг моҳиятига етиб бормаган эди.

“Шартсиз” имонга келсак, у дейдики, **“Гарчи** ҳаммаси хато кетса ҳам; гарчи ёвузлик муваққат ғалаба қилса ҳам; гарчи хасталик устун келса ҳам, **барибир**, эътиқодимда собитман, бардавомман; гарчи денгиз кўтарилиб, тошқин турса ҳам, тоғлар ларзага келса ҳам, барибир Яратган биз билан, Ёқубнинг Худоси бизга паноҳгоҳ”³. Кекса Айюб ана шундай имон соҳиби эди, “шартсиз” имон эгаси эди. Унга нимаики берилган бўлса, барчаси қайтиб олинди, ҳатто хотини “Энди қиладиган ягона ишинг – Худони лаънатламоқ ва ўлмоқдир. Худо сенга адолат қилмади, сен бошиданоқ унга бой бўлиб қолсамгина, мол-давлатимдан мосуво этилмасамгина сенга сигинаман дейишинг керак эди. Уни лаънатла ва омонатингни топшир, Айюб, у сенга адолатсизлик қилди”, деди. Аммо Айюбнинг жавоби бундай бўлди: “Азизам, мени кечиргин-у, лекин имоним сен ўйлаганчалик суст эмас. У мени ўлдирса ҳам, бари-

бир, унга ишонаман. Менинг имоним – беғараздир”. Ана шудир ҳаётнинг, диннинг моҳияти. Масала фақатгина сизнинг қандай имон эгаси эканингизда.

Сиз биласиз бунинг нима эканини, дин савдолашиладиган матоҳ эмас. Жуда кўп одамлар Худо билан савдолашади. “Агар мени хасталиқдан халос этсанг, агар бахтимни тўқис қилсанг, менга азоб-уқубатни яқин йўлатмасанг, умидсизликдан фориғ этсанг, шунда мен мамнун бўламан, сенга даромадимнинг ўндан бир улушини бағишлайман, черковга бораман, сенга бўлган имонимда собитман”. Аммо чинакам дин савдолашиладиган матоҳ эмас, у олди-берди муносабати ҳам эмас. Биласизки, қаерда савдолашув бўлса, ўша жойни покиза туйғулар тарқ этади. Дўстлик, севги, никоҳ ҳақида ўйлаб кўринг. Булар шартга эмас, шартсизликка асосланади. Бу олий туйғулар устида савдолашилмайди, улар шартларни тан олмайди.

Ниҳоят, хулосага ҳам яқинлашяпман. Бу тонг, биродарлар, сизга етказмоқчи бўлганим шуки, ҳаёт йўлингизда ўзингиз учун шундай кадрли, шундай асл, қиймати боқий бир эътиқодни кашф этингки, ундан зинҳор воз кеча олмай қолинг. Шундай тутум, шундай буюк имонни кашф этингки, у сизнинг борлигингизга айлансин, ундан айрила олманг. “Мен танийдиган, топинадиган Худо менга кўмак беради, агар аксинча бўлса ҳам, барибир, мен ўз йўлимда давом этаман, ундан асло чекинмайман”, деб айта олинг. Бу нима дегани? Бу шуни англатадики, тўғри йўлда юринг, аммо бу дўзахдан сақланиш учун бўлмасин. Агар сиз анъанавий илоҳиёт “дўзах” деб атайдиган жойдан сақланиш учунгина тўғрилиқ қилсангиз, бу – асл тўғрилиқ эмас. Агар анъанавий илоҳиётчилар “жаннат” деб атаган жой илинжида тўғрилиқ қилсангиз, бу ҳам чин тўғрилиқ эмас. Агар сиз азобдан қочиш, бахтга эришиш, лаззат учун тўғрилиқ қилсангиз, бу тўғрилиқ эмас. Тўғрилиқни айнан тўғрилиқ бўлгани учун қилинг. **“Барибир”** деб айта

² *Ибтидо*, 28:20-21

³ *Псалтирь*, 46:3, 7

олинг. Севгингиз мустаҳкам бўлсин, зеро, се-вишнинг ўзи севимлидир. Адолатли бўлинг, зеро, адолат тўғрилиқдир. Самимий бўлинг, зеро, самимиятнинг ўзи тўғрилиқдир. Сизга демоқчи бўлганларимнинг индаллоси – шу.

Ва ниҳоят, тўғрилиқ сизнинг жон томирингизга айлансинки, унинг учун керак бўлса, ўлимга-да тик боқинг. Шу тонг сизларга айтаманки, унинг учун жонингизни-да фидо қилишга тайёр бўлган қадрли, бебаҳо эътиқодни ҳали топмаган бўлсангиз, демак, чинакам ҳаётни яшамабсиз. Сиз ҳам эҳтимол мендек 38 ёшдадирсиз, тасаввур қилинг, шундай аҳволга тушдингизки, ўзингизнинг буюк маслагингиз, муаззам мақсадингиз учун сабот-ла туриб беришингиз керак бўлди. Аммо сиз ортага тисарилдингиз. Чунки кўрқингиз, узоқроқ яшашни истадингиз; ишингиздан айрилишдан, танқид ўқига нишон бўлишдан, омма назаридан қолишдан, кимдир пичоқлаб ўлдиришидан, кимдир ўқ узишидан, кимдир уйингизга ўт қўйишидан кўрқингиз. Шу боис, ўз қадриятингиз учун сабот-ла туриб беришни истамадингиз. Дуруст, эҳтимол узоқ яшаб, 90га кирарсиз, аммо билиб қўйинг, сиз 38 ёшдаёқ ўлгансиз! 90га киргач, тўхтаган нафасингиз – 38даги руҳий ўлимингизнинг зоҳири, холос. Тўғрилиқ учун курашдан чекингандаёқ ўлгансиз, ҳақиқат учун курашдан чекингандаёқ ўлгансиз, адолат учун курашдан чекингандаёқ ўлгансиз! Бугун мен ўша уч йигит учун Худого шукр дейман, улар илоҳий насибасини олди. Қизиб турган гулхан уларни эътиқодидан қайтара олмас. Улар “ўтга ташланг бизни!” дедилар. Биласизки, Библияда ўшал мўъ-

жиза ҳақида гапирилмоқда. Уларнинг имони “шартсиз” имон эди. Худо уларнинг абадий ҳамроҳи эди.

Гапим сўнгида яна бир бор такрорлайман: тўғрилиқни тўғрилиқ учун қилинг, бунинг эвазига шаксиз мукофот бор. Муқаддас китобда айтилади: ўша ловуллаб турган оташхона бамисли салқин хонага айлантирилди. Кимдир ичкарига қарадию беихтиёр ҳайқирворди: “Бу ерга уч кишини қамаган эдик, тўртта бўлиб қолишибди!” Асло ёлғизман деб ўйламанг. Боринг ўша қамоқхонага, у ерда ёлғиз қолмайсиз. Тўғрилиқ томонда туринг, дунё сизни тушунмасин, маломат тошлари отсин, сиз асло ёлғиз эмассиз. Қаердадир ўқиган эдим: Худо ҳамроҳи бўлган одам – озчилик эмас. Худонинг ўзи ўша озчиликни кўпчиликка айлантириб қўяди. У билан бўлинг шу тонг, унга инонинг, нимаики тўғрилиқ бўлса, шуни қилинг, У дунё тургунча сизга ҳамроҳдир. Ҳа, мен чақмоқ нурларини кўрмоқдаман, момоқалдиरोқ гулдирашини эшитмоқдаман, руҳимни гуноҳга судровчи майллар забт этишга уринаётганини ҳис қилмоқдаман, бироқ, айни чоқда, Исонинг курашга чорловчи нидосини ҳам эшитяпман. У мени ҳеч қачон ёлғиз қолдирмасликка сўз берди. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Бугун қаерга йўл олманг, биродарлар, ҳақиқат билан, адолат билан, яхшилик билан эканингизни дунёга билдиринг, абадий Ҳамроҳингизни танитинг. Майли, дунё аҳли сизга тушунмай боқсин, атрофингизда ловуллаб гулханлар ёнсин, майли, бироқ чекинманг. Нима бўлса бўлсин, бўйин эгманг, Худо ёвузлик “маъбуд”ларига бош эгмасликни амр этади.

**Инглиз тилидан
Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси**

ШОДМОН ОТАБЕК



РОБОТ НАМ TUG'ADIMI?

Пўписа

Халқ суйган санъаткор Сойиб Хўжаев уй олиш учун навбатда турарди. Ижроқўмнинг ўша даврдаги раҳбарларидан бири Сойиб акани назар-писанд қилмадими ёки уни бир ялинтиргиси келдими – артистга кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватидан жой ажратади. Сойиб аканинг “Барака топгурлар, менга пастроқдан уй беринглар, кексаман, хастаман” деган илтимос-илтижоларига ҳам эътибор қилмайди.

Кунлардан бир куни Сойиб ака Муқимий номидаги театр сахнасида роль ижро этаётганди. Пьесанинг “Агар гапимга кирмасанг – ўзимни мана шу теракка осаман!” дея пўписа қилиб айтадиган жойи бор эди.

Сойиб ака жаҳл билан шу гапни айтишга чоғланиб турганида ногоҳ олдинги қаторда ўтирган ўша ижроқўм раҳбарини кўриб қолади. Илҳоми жўшиб кетганда ўзидан ҳам анча-мунча қўшиб юбораверадиган, гап келганда отасиниям аямайдиган кулги дарғаси ҳалиги раҳбарга тик қараб, шундай хитоб қилади:

– Агар гапимга кирмасанг, ўзимни тўртинчи қаватдан ташлайман!

Пўписанинг таъсири тезда билинади – орадан кўп ўтмай Сойиб акага пастки қаватдан бошқа уй берилади.

Сафар ва хатар

Илгариги артистларнинг гастрол томошаси анча узоқ муддат давом этарди. Муқимий номидаги театр жамоаси шундай сафарда юрганида бир артист йигит хотинидан хат олибди: “Дадаси, суюнчи беринг, ўғилчамиз юриб кетди!”

Йигит хурсанд бўлиб, Сойиб Хўжаевнинг ҳузурига ошиқибди.

– Уста, суюнчи беринг, ўғилчамиз катта бўлиб қолибди!

Сойиб ака негадир бу гапга парво қилмабди.

– Уста, ўғилчам юриб қолибди!

У бу гал ҳам индамай, тескари ўгирилибди.

– Устажон, ахир ўғилчам юриб кетибди деяпман! Мана, хотиним хат йўллабди!

Шунда уста чидолмай, жаҳл билан хитоб қилибди:

– Бу ерларда яна бирор ой юрсанг, хотининг ҳам юриб кетади!

“Барабанная” кўчаси

Ўзбекнинг буюк актёри Шукур Бурҳон ҳаётда анча содда одам бўлган. Бир куни у меҳмондорчиликка жўнаётиб кўчада такси тўхтатади. Ўрис ҳайдовчининг:

- Қаерга? – деган саволига Шукур ака:
- Барабанная улица, – деб жавоб беради.
- У қаерда? – деб сўрайди ҳайдовчи.
- Чилонзорнинг нарёғида, – дейди актёр.

Чилонзордан ўтиб, “Барабанная” деган кўчани роса излашади, одамлардан сўраб-суриштиришади. Ҳамма бунақа кўча борлигидан беҳабарлигини айтади. Ҳайдовчи ўзи билган кўчаларни бирма-бир санай бошлади:

- Фалон кўчани биламан, пистон кўчани биламан, Дўмбирободни...
- Ҳа, ҳа, Дўмбиробод, Дўмбиробод, – дейди Шукур ака жонланиб.
- Нега шуни олдинроқ айтмадингиз? – дейди ҳайрон бўлиб ҳайдовчи.
- Ахир Дўмбирободнинг ўрисчаси Барабанная бўлади-да!..

Эшак тўрга ўтсин

Шукур Бурҳонов бир фильмда роль ижро этаётган экан. Аравага қўшилган эшак етаклаб кетилаётган эпизодни суратга олишда роса қийналишибди. Негадир эшак эшаклигига бориб, юрмай тураверибди. Режиссёр боёқиш қайта-қайта “Мотор!” дея томоғи йиртилгудек бақиравериб хуноб бўлибди.

– Бу сўқимни қаердан топиб келдинглар ўзи?! – деб сўрабди Шукур ака хитланиб.

– Цирқдан ижарага олувдик, – дея бўйнини қисиб жавоб қилибди маъмурий ишлар мутасаддиси.

- Унга ҳойнаҳой гонорар ҳам тўларсизлар? – дея ўсмоқчилаб сўрабди актёр.
- Албатта тўлаймиз.
- Қанча тўлайсизлар?
- 75 сўм.

– Ў-ҳў! Зўр-ку! Менга бор-йўғи 35 сўм, эшакка эса 75 сўм! Бу қанақаси?..

Тушлиқда ҳамма дастурхон атрофига жамулжам бўлганда Шукур ака бир четга омонатгина ўтираётса, режиссёр “Тўрга ўтин!” дея мулозамат қилибди.

– Йўқ, тўрга 75 сўм гонорар оладиган эшак ўтсин! – дебди Шукур ака ачитиб.

Компартия ўлгач...

Ўзи ака Чориев мустақилликнинг дастлабки кунлари юртга ош бермоқчи бўлади. Рассомнинг болалиги етимхонада ўтганини яхши билган танишбилишлари ҳазил аралаш сўрашади:

– Ахир қип-қизил етимман деб юрардингиз-ку?! Кимга ош бермоқчисиз ўзи?

– Болаликдан бизга отанг ҳам компартия, онанг ҳам, деб уқтиришган. Кўриб турибсизки, энди компартия тамом бўлди. Тил тортмай ўлди! Ана ўшанга ош беряпман!

Шекспирнинг ўзи келсин

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимон сифатида ҳам машҳур. У Шекспирнинг уч томлигини таржима қилиб, чоп эттиради. Талабаларга асқотиб қолар дея ўша китобдан ўттизтасини бир институтга олиб боради. Ректор билан учрашиб, мақсадини тушунтиради. Раҳбар молия масаласи би-

лан шуғулланувчи муовини – проректорга йўллайди. Ёш проректор шоирни илиқ қаршилайди. Илтимосни эшитгач, юқорига – Молия вазирлигига телефон қилади.

– Жамол Камол деган шоир китобини олиб келган экан, шуни сотиб олишимиз учун нима қилишимиз керак?

Шоир проректорга эътироз билдиради:

– Сиз Жамол Камолнинг китоби дедингиз. Бу менинг эмас, Шекспирнинг китоби-ку!

– Э-э, шундайми? Ундай бўлса Шекспирнинг ўзи келсин!

Чемпионни доғда қолдирди

Машҳур мусиқашунос аллома, академик Юнус Ражабийнинг ўғли, шифокор Маҳмуд Юнусов анча-мунча рақибни писанд қилмайдиган уста шахматчи ҳам. Бир йили шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов Тошкентга келади. Ҳурматли меҳмон шарафига мезбонлар – қадимий ўйин ишқибозлари бир пиёла чой ташкил қилишади. Зиёфатдан сўнг ишқибозлар шахсан чемпионнинг ўзи билан дона суриш шарафига муяссар бўладилар. Ҳаммани аёвсиз имтиҳондан ўтказаетган чемпион кутилмаганда Маҳмуд акага ютқазиб қўяди. Ҳайратланган ишқибозлар мўъжиза юз бергандек, иккала рақибни ўраб олишади, кўпчилик Маҳмуд аканинг қўлини қисиб, оламшумул ғалаба билан табриклайди.

Ютқазиб ўрганмаган жаҳон чемпиони мулзам тортиб, шоша-пиша доналарни қайта тераркан, рақибига яна бир қўл ўйнашни таклиф этади. Маҳмуд ака чўнг рақибини иккинчи марта, сўз билан ҳам мот қилади:

– Мен ютқазган одам билан ўйнамайман!

Ошни катта есанг ҳам...

Устоз таржимашунос олим Ғайбулла Саломов шахмат билан боғлиқ шундай бир ғаройиб ҳангомани айтиб берган эди. Домланинг хатирчилик бир ҳамюрти шахматга шу қадар ишқибоз эканки, қаёққа борса шахматини ўзи билан бирга кўтариб юраркан. Кунларнинг бирида у Россиядаги санаторийга жўнайди. Табиийки, қадрдон шахматини ҳам унутмайди. Поездга чиққач, купедаги қўшниси, қалин кўзойнак таққан, сийраксоч, малларанг чолга бир қўл шахмат ўйнашни таклиф этади. Қўшниси истар-истамас, ҳамроҳнинг кўнгли учун рози бўлади, аммо тезда рақибига ютқазиб, “Энди дам олсак ҳам бўлар” деган маънода тепадаги ўринга ишора қилади. Ғалаба нашъасидан димоғи чоғ бўлиб турган хатирчилик шахматчи рақибига беписанд қараб, шундай дейди:

– Ётишдан олдин яна битта эзиб қўяйми, оғайни?

– Менимча, бугунга шунисиям кифоя. Яхши ўйнар экансиз, қойил қолдим.

– Э, яхши ўйнаш ҳам гапми? Ҳозир Ботвинникнинг ўзиниям (Ботвинник жаҳон чемпиони бўлган йиллар эди) эзиб ташлайман керак бўлса.

– Ҳм, шунақами?! – дейди қария кулимсираб, қалин кўзойнагини рўмолчаси билан “куф”лаб артаркан. – Майли, сазангиз ўлмасин, уйқудан олдин яна бир қўл ўйнасак ўйнабмиз-да.

Доналар терилгач, чол негадир фарзинни бир четга олиб қўяди:

– Кечирасиз, мен... фарзинсиз ўйнашга одатланганман.

– Ие, ақлингиз жойидами?

– Ақлим жойида, хавотирланманг!

Ажабо, чол ростдан ҳам фарзинсиз яхши ўйнар экан, рақибини ҳаш-паш дегунча мот қилиб қўяди. Жамики ҳовлиқма шахматчилар каби мағлубиятни ғирт тасодиф деб ҳисоблаган хатирчилик кетма-кет яна ютқизаверади. Ахийри ҳолсизланиб, тушимми-ўнгимми дея рақибига ҳайратомуз тикилиб қолади. Шунда рақибини унга хайрихоҳлик билдиргандек, елкасига қўлини ташлаб, шундай дейди:

– Оғайни, хафа бўлманг, мен ўша – сиз айтган Ботвинник бўламан!

Домланинг айтишича, хатирчилик шундан кейин ошни катта еса ҳам, катта гапирмайдиган бўлади.

Ўзиники экан

Хоразмда раҳматли халқ ҳофизи Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган танлов ниҳоясида таниқли хонанда Ортиқ Отажонов қўшиқ куйлай бошлайди. Шунда тадбирда қатнашаётган қўшиқчи шоир Ошиқ Эркин ўзини қўярга жой тополмай, бесаранжом бўлади, кафтини пешонасига босиб, нима-нидир эслашга уринади. Даврадаги айрим меҳмонлар қўшиққа эътибор қилмай, гап-сўзга андармон бўлаётган эди, даврабоши секин жойидан қўзғалиб, уларни тартибга чақиради:

– Илтимос, дўстлар! Ошиқ Эркин шеъри билан айтилаётган шу қўшиқни диққат билан эшитсак!

Ошиқ Эркин қидирган нарсасини топгандек, рангига қон югуриб, ўзига келади:

– Э-ҳа, ўзимники экан-ку!

Драматург ашъор битганда...


Фарғона вилояти театрининг 60 йиллик юбилейига таниқли драматург Шароф Бошбеков ҳам таклиф этилади. Унинг “Темир хотин” спектакли ушбу театрда сахналаштирилиб, машҳур бўлиб кетган, шу боис драматург тантананда сўз беришганда жўялироқ гап айтишим жоиз деб ўйлар, аммо тунин билан поездда “штатний” улфати Машраб Бобоев ҳамроҳлигида обдон “каллани шишиб” келгани учун хаёлига дурустроқ фикр келмас эди.

Ўша кезларда “Темир хотин” спектаклидаги робот аёл ролининг ижрочиси Ойқарам Ҳалимова ва шу номли фильмда робот аёл ролини ўйнаган Дилором Эгамбердиевалар фарзанд кўришган эди. Ана шу воқеалар туртки бўлди умрида шеър ёзмаган драматургнинг илҳоми жўшиб кетиб, шундай бир шеърни қоралаб қўяди:

*Не балолар ёғилса ҳам
Аёл бешик кучаверар.
“Туғмоқ зарар!” дея баъзи
Маддоҳлар лоф ураверар.
Биров алла айтса, улар
Томоғидан бўғаверар.
Лек қасдма-қасд ўзбекларнинг
Роботи ҳам туғаверар!*

Шароф Бошбеков эртаси кунин тантананда бу ҳазилни ўқиб берганида бутун зал оёққа қалқиб, гулдурас қарсақлар билан олқишлайди. Бу писанда ўша кезлардаги “оилани режалаштириш” кампаниясига яхшигина жавоб бўлган эди.





BIRLAMCHI QADRIYAT

*Eldor ASANOV
mutolaa qiladi*

Миллий қадриятлар, шарқона қадриятлар, ғарбона қадриятлар, исломий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар... Қадриятлар азбаройи кўплигидан санокдан адашиб кетасан киши. Тафаккурга қатъий чегаралар ўрнатиб, “таъсир доиралари”ни тақсимлаб олган бу қадриятлар бир-бирини тўлдирадигандек, ўзаро ҳурмат ва муросада яшайдигандек гўё. Ваҳоланки, улар ҳам табиий-ижтимоий тараққиётнинг ўзгармас қонунларига бўйсунди: ўзаро ихтилофга киришади, бир-бирини сиқиб чиқаради, сулҳ тузади, иттифоқлашади, уруш қилади...

Қадриятлар мафкуравий қурол сифатида миллионларни ўз ордидан эргаштиришга, уларни муайян мақсад томон етаклашга, айрим ғоялар атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Қадриятлар негизига мафкуралар, мафкуралар негизига эса жамиятлар қурилади. Бу жараёнга қатъиян салбий ёки ижобий баҳо бериб бўлмайди – кўзланган мақсадлар фароғатга ҳам, ҳалокатга ҳам элтиши ҳеч гапмас, тош билан миҳ қоқиш ҳам, бош ёриш ҳам мумкин.

Қадриятларнинг бирлаштирувчилик миссияси, одатда, зиддиятли вазиятни юзага келтирадики, оқибатда ўзига хос дихотомия асирига айланади: бир тарафдан одамларни бир мушт қилиб жамлаш, бошқа тарафдан уларнинг “ўзга”дан фарқини белгилаб бериш тақозо этилади. Кимдир муайян гуруҳга нисбатан “биз” калимасини қўлласа, муҳаққақ савол туғилади: “Биз” бир бутун эканмиз, бошқалардан фарқимиз қандай? Ҳар қандай ўзлик ўзига тақайдиган “бағрикенг”, “ватанпарвар”, “фидойи”, “доно”, “тиришқоқ” каби ёрлиқлар аҳамиятини йўқотади, негаки улар универсалдир. Тафовут кийим-бошдан, ейиладиган овқатдан, айтиладиган сўздан, бошқа икир-чикирлардан қидирилади. Аммо бу ижтимоий келишувни янада чигаллаштиради – сен фидойисан, доносан, бағрикенгу меҳнаткашсан, бироқ қандайдир кийимни кийган-киймаганинг, бирор таомни еган-емаганинг учунгина жамиятдан ёт унсур мисоли итқитиласан. Пировардида келажак йўлини ёритишга, руҳий овунч бўлишга даъвогар мафкура ва қадриятлар маиший тақиқлар мажмуига айланади. Тафаккур уфқини кенгайтиришни ваъда қилган куч онг сарҳадларини ихоталайди, зеро, “онг торлиги – ижтимоий талаб”.

“Тафаккур ўйинлари”нинг бу телба-тескари парадокслари устида узоқ мушоҳада юритиб, ўзим учун маълум хулосалар чиқариб олганман. Кўзига идеологик “парда” тортиб, жамиятдаги ҳукмрон одатларга кўр-кўрона бўйсуниб яшайдиган одамлар олдида минг истиҳола қилган ҳолда, бундай қараш ва концепцияларга постмодернистик нуқтаи назардан ёндашишни маъқул кўраман. Ҳар қандай қадриятлар тизими, ғоя, мафкура моҳиятан ижтимоий тузилмадир. Улар қачондир сунъий моделлаштирилган ва муттасил ўзгариб, такомиллашиб боради. Бизнингча, бугунги “ўзбек миллий қадриятлари” нари борса 50-60 йил олдин тўқис тизим ҳолига келган. “Шарқона” ва “ғарбона” қадриятлари ҳамма ўзича тушунади. Қўйинги, “умуминсоний қадриятлар” ҳақида ҳам 1955 йилдан кейин гапира бошланди у муайян мақсад йўлида аниқ принциплар пойдеворига қурилди.



Муқаммалликка ва абадийликка даъво қилувчи қадриятларнинг бундай ўтмишию келажagini билгач, беихтиёр асл ҳақиқатларни қидиришга тушасан. Инсоннинг инсонлигини белгилаб берадиган, тили, дини, миллати, ўзлигидан қатъи назар, ҳамма учун бирламчи бўлган қадрият борми? Бу саволга жавоб топиш учун китоб титкилаб, ундан илҳомланган мулоҳазаларимни баён этишга қарор қилдим.


Китоб қандай яшашни ўргатади, дейишади. Қуйида тилга олинадиган китоблар, аксинча, қандай яшамасликини ўргатади; кўзни қамаштирар даражада ярқироқ шиорлар ортида баъзан қабихлик пинҳонлиги, эзгуликни осонликча ёмонотлиқ қилиш мумкинлиги, жамият ва шахсият ўртасида мувозанат бузилиши қандай мудҳиш оқибатлар туғдиришидан огоҳ этади. Уларнинг барчасида бош қахрамон ўша – бирламчи қадриятдир. Аниқроғи, унинг йўқотилиши, оёқости қилиниши одамни ҳиссиз махлуққа айлантириб қўйиши мен сўз юритмоқчи бўлган уч асарни бир шодага тизадиган қизил илдир.

“Нима экан у бирламчи қадрият?” деб сўрарсиз. Очик-ойдин айтилган гап доим ҳам нишонга тегавермайди – плюрализм шовқин-суронида қулоқларни четлаб ўтиши, популизм дея қабул қилиниши мумкин. Қолаверса, бу – бир кишининг шахсий фикри, холос. Кўтарилган мавзуни мендан теранроқ тушунадиган, ақлим етмаган нозикликларни ҳам фаҳмлайдиган, сермаъно хулосалар ясайдиган ўқувчилар кўплигига аминман. Шу боис бу саволга жавобни таҳлил ва мушоҳада йўли билан митти кашфиёт ўлароқ билиб олганингиз афзалроқ.

ҲАҚИҚАТ – ЁЛҒОН

George Orwell. 1984. Penguin classics, 2004.

Антиутопия жанри ҳақида сўз кетганда энг аввал эсга келадиган қаламкаш Жорж Оруэлл бўлса керак. Ундан иқтибос келтириш, сиёсий мубоҳасалар қизиганда дарғазаб бўлиб “1984 йилга марҳамат!” дея киноя қилиш зиёлилар орасида кўп учрайдиган ҳол. Бир сўз билан айтганда, роман ҳам, унинг муаллифи ҳам рамзга айланиб улгурганки, улар ҳақида янги сўз айтиб, ўқувчини лол қолдириш мушкул. Шундай экан, “1984” романи фабуласи, кўлами ва ҳоказолар ҳақида узундан-узоқ мулоҳазаларга киришмай, асар билан танишувим хусусида сўз юритсам.



Одатда, ўқишга ҳозирланганинг китоб воқеаларидан хабардор бўлсанг, кўп нарса йўқотасан, қахрамонлар тақдиридан хавотирга тушмайсан, муаллиф топилмаларидан завқланмайсан, деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, асар сюжетини аввалдан билиб, ижодкор яратган бадий оламнинг ҳар бурчини тасаввур қилиб, қоғозга кўчган хаёлотга қадам қўйиш китобсеварга бошқача таассурот ва ҳаяжон бахш этади. Дейлик, Бора-Бора оролини кирои тасвирлаб беришди: ойнадай шаффоф сувлар, яшил либосга бурканиб, оқ булутларга бош

қўйган тоғлар, денгиз томчилари-ла ўпишган ёмғир зарралари ва баҳри муҳит насими симфонияси – бу чизгининг ўзиёқ қалбингизни чиннидай жаранглаптиб, вужудингизни ёқимли сескантиради, гидрокингизни аллалаб, орзулар оламига етаклайди. Бора-Бора ишқи билан ёнасиз, у ҳақдаги маълумотни ютоқиб “ютасиз”, суратларига узоқ термуласиз. Лекин бундай танишув саёҳат ўрнини босмайди – оролнинг намчил тупроғига оёқ қўйиш, салқин ҳавосидан симириш, шаббодасидан баҳра олиш ўзгача фароғат бағишлайди.

Китоб мутолаасини шундай саёҳатга менгзайман: сафар қилаётганингиз макон ҳақида қанча тўлиқ тасаввурга эга бўлсангиз, унинг жинкўчаларида адашиб қолмаслигингиз шунча кафолатланади.

Алқисса, қомуслар ёрдамида сюжети, моҳияти, аҳамияти борасида хийла маълумотга эга бўлганим, бир қанча тақризларни ўқиб чиққангиздан кейингина романини қўлга олдим. Нигоҳимни сатрлар узра сабрсизлик билан йўрғалатар эканман, соҳам тақозосига кўра, биринчи галда лингвистик деталларга эътибор қаратдим: асар тили бир қарашда унча сайқалланмагандек. Воқеалар ҳам анча жўн, бир текис кечаётгандек. Лекин пировардида Оруэлл гавдалантирган хаёлий олам шу қадар чигаллашадик, буни англаб етиш ва қабул қилиш осон бўлмайди.

Адабиётшунослар бу ҳолни икки хил изоҳлайдилар. Айримларнинг фикрича, Оруэлл энг сара романини шунчаки адабиёт дурдонаси эмас, балки бир манифест ўлароқ яратган. Яъни адиб тунд оламни орқича жимжимасиз, ўхшатишу қочириқларсиз батафсил тасвирлаб, инсониятни бундай аҳволга тушишдан огоҳлантирган. Яна баъзиларга кўра, у “1984” кайфиятини тўлақонли юқтириш ниятида туссизлик ва тушқунлик руҳиятига мос услубни танлаган. Ўйлаб қаралса, икки кўзқараш бир-бирига зид келмайди.

Океаниянинг ўзида ҳам тилни соддалаштириш, синонимия, кўп маънолиликни йўқотиш, луғат бойлигини камайтириш, ўхшатиш ва образли ифодаларни истеъмолдан чиқариш юзасидан иш олиб борилиши диққатга сазовор. Бу мақсадда бутун бошли луғатлар қайта тузилади, сўзларни саралаш ва таснифлаш бўйича қизғин иш олиб борилади, лексемаларга сиёсий бўёқ ва бир маънолилик берилади, аънаввий тилни сиқиб чиқариш учун тинимсиз тарғибот юритилади. Партиянинг Newlang отлиғ тили Океания табааларининг фикрлаш доирасини торайтириш, ҳукмрон сиёсий қарашга мувофиққина ўйлаш ва гапириш, “фикр жиноят”дан (thoughtcrime) ҳаргиз тийилишга ўргатади – Партия наздида, Буюк оға паноҳида яшар экансан, унинг доно сўзларини билишнинг ўзи кифоя.

Парадокс шундаки, астойдил қиртишланган бу тил мутлақо акс натижа беради: теле-скринлар – универсал ахборот етказиш, назорат қилиш ва манқуртлаштириш аппарати воситасида Буюк оғанинг фаровонлик, биродарлик ҳақидаги маърузалари етказилади-ю, аммо қашшоклик ва итоат назарда тутилади, ватанпарварлик, муҳаббатдан сўз юритилади-ю, илло нафрат ва адоват кўзғатилади. Моҳиятан, Океания турмуши шундай иккиюзламачиликка асосланган – Тинчлик вазирлиги тинимсиз уруш олиб боради, Ҳақиқат вазирлиги авомни уйдирма билан “боқади”, Тўкин-сочинлик вазирлиги рационни қисқартириш, озиқ-овқатни тежаш билан овора, Муҳаббат вазирлиги эса фикр жиноятчиларини пойлаш, тутиш ва йўқ қилиш пайида. Океаниянинг бош шиори – “Уруш – тинчлик. Эрк – қуллик. Жоҳиллик – куч!” Бу шиор ҳақиқат ва ёлгон орасидаги чегара ювилиб кетиб, ҳамма йўллар бирдай маънавий қарамликка олиб бориши, бироқ шўрлик одамлар эшитганига астойдил инониб, асоратда хушбахт яшашини ажабтовур тарзда акс эттиради. Бир-бирини рад этувчи икки нарса аслида бир эканига сидқидилдан ишониш – иккификрлик (doublethink) Океаниянинг садоқатли табааларига қўйиладиган асосий талабдир.

Умуман, Оруэлл бутун фаолияти мобайнида тил масаласига алоҳида урғу бериб келган. Геббельс пропагандаси тилини, Сталин диктатураси ҳужжатларини узоқ вақт ўргангани, инглиз лисони адабиясининг дағаллашиб боришини таҳлилдан ўтказиш тилнинг сиёсатда тутган ўрни борасидаги муаллиф қарашларини шакллантирди. Лингвистик эҳти-

моллар назарияси (Сепир-Уорф гипотезаси) принципларидан келиб чиқиб, забон онги кодлайди, деб ҳисоблаган адибнинг тилни тил ёрдамида қутқариш ғояси бутун жаҳон зиёлилари орасида эътироф қозонди, муқаррар таҳликалар ҳақида ошқор гапирилишига замин яратди, тилнинг сиёсий қуролга айланишига қарши ҳаракатга ибтидо берди. “1984” да ҳам Оруэлл Европа давлатлари сиёсатдонларининг оқни қора қилиб кўрсатишга, фожиани хаспўшлашга, ютуқларни бўрттиришга қаратилган жимжимадор нутқларига ишора қилади. “Сиёсат ва инглиз тили” эссесида у айнан шу ҳолат мияларни заҳарлаётгани, ҳатто нацизмдек ғайриинсоний мафкураларнинг кучайишида бош омил бўлганини ўкинч билан таъкидлайди: “...Замонавий сиёсий хаос тил деградацияси билан боғлиқлигини англаш жоиз, ўшанда балки вазиятни ўнглаб, яқинлашиб келаётган фожиани бартараф этиш мумкин бўлар... Сиёсат тили... ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб айтиш учун яратилган ва у бизни, одамийликни унутиб, сафсатали мутлақ ҳақиқат дея қабул қилишга мажбур этади”.

Қизиги, ҳар қадамда ўрнатилган телескринлардан ёғилаётган игво ёмғири остида ҳам қадди букилмаган, иродаси эгилмаган одамлар охири жисмоний укубатларга дучор этилганида сўзлар ростга дўниб, яна асл маъносини англата бошлайди. Оҳанжама лофларга ўралган “Одамийликдан кеч!” буйруғига қатъиян “Йўқ!” дейилганида ҳақиқатни англаш, мустақил фикрлашдек “жиноят”га қўл урган нотавон исканжага олинади ва Партия у билан ўз “тили”да гаплашади. Танаси эзиб ташланган, бироқ ўйлаш ва сўйлашга қобил бош қаҳрамон Уинстон Смитга О’Брайен айтган сўзлар романдаги энг ошқора ва мудҳиш жумлалар бўлса не ажаб: “Оёқости қилиш учун одам ҳар доим топилади. Устидан қайта-қайта ғалаба қозониш ва таҳқирлаш учун шаккок, жамият душмани ҳамиша топилади. Қўлимизга тушганингиздан буён бошингизга ёғилган ҳамма кўргиликлар ҳали давом этади, бундан-да оғирроқ бўлади. Айғоқчилик, сотқинлик, ҳибс, қийноқ, қатл, олиб қочишлар ҳеч қачон йўқолмайди. Бу нечоғли тантана дунёси бўлса, шу қадар террор дунёси ҳамдир. Партия қанчалик кучли бўлса, шунчалик тоқатсиз бўлади; қаршилиқ қанчалик заиф бўлса, зўравонлик шунчалик кучли бўлади. Голдстейн ва унинг бидъати мангу яшайди. Ҳар куни, ҳар дақиқа шаккоклар тор-мөр келтирилади, шарманда қилинади, масхара этилади, камситилади – бироқ улар асралади. Сиз билан етти йил ўйнаганим бу драма қайта ва қайта намойиш этилади, авлод алмашгани сайин найранглар ортади. Биз ҳар қачон бирор шаккоки топамиз – у бу ерда мудҳиш ва ачинарли аҳволда оғрикдан дод солади, охирида эса, ўзидан халос этилиб, дил-дилидан пушаймон бўлиб, оёғимиз остига ўзи ўрмалаб келади. Биз шундай дунё қураётимиз, Уинстон!”

Юқоридаги иддаолардан эт жунжикиб кетади, бош қаҳрамон елкасида синадиган калтаклару бошига тушадиган қийноқлар кишини даҳшатга солади. Партиянинг садоқатли аъзоси арзимас хатоси учун бир зайлдаги турмушдан “суғуриб олиниб”, мислсиз азоб гирдобига улоқтирилиши обрў, бахт, фаровонлик, осуда ҳаёт омонат эканини, буларни инсонийлик ва эрк эвазига сотиб олиш охир-оқибат мудҳиш якун топишини (тобе экансан, “савдогар” истаган пайти келишувни буза олади) “улуғвор” бир ваҳшийлик билан очиб беради. Беихтиёр мумтоз адибнинг бошқа хитоби эса тушади: “Зўравонлик инсонларнинг осуда ҳаётига бостириб кирганида юзи ишонч-ла ёришади, у яловини баланд кўтариб, ҳайқиради: “Мен – Зўравонликман! Чекин, тарқал – янчиб ташлайман!...” У биздан ёлғонга бўйсуниниши, ҳар куни унга қулоқ тутишни талаб қилади – бутун табааллик мана шунда”. Хайриятки, “зўравонлик ўзининг оғир панжасини ҳар қандай елкага ҳам ҳар куни қўявермайди”.

“1984” бизга яна нималарни ўргатади? Романини, таъбир жоиз бўлса, кўзгуга ўхшатаман. Аммо ушбу “қоғоз кўзгу” саҳифаларига боқиб, ўзимни эмас, яна қоғозни кўраман. Зотан, одамзодга аввало руҳоният, микрокосм эмас, бир уюм қоғоз – туғилганлик ҳақида гувоҳнома, паспорт, диплом, ўлганлик ҳақида маълумотнома – сифатида қараладиган оламда кўзгуда қоғоздан бошқа яна нимани кўриш мумкин?

Бир оз кескин туюладиган бу хулоса билан ижтимоийлашувга зинҳор эътироз билдираётганим йўқ. Оруэлл ҳам анархистик дунёқарашдан узоқ бўлиб, коллективизмдан буткул воз

кечишга даъват этмайди. У “ижтимоий келишувлар”, “бирдамлик”, “ахлоқ”, “бахт”, “фаровонлик” сингари мавхум тушунчаларга қатъий чегара белгилаб, уларнинг фойдасига жамият аъзоларидан танлов ҳуқуқи буткул тортиб олиншига қарши исён қилади. Ҳатто, у индивидуал эркинлик ғоясини утопия деб баҳолайди, фақат жамият таркибида, бошқалар билан бирга тўқис эрка етиш мумкин, деб таъкидлайди. Бу билан ёзувчи реал ҳаётдан узилиб, “ички эркинлик” билан қаноатланадиган зиёлиларни қоралайди, уларни тоталитаризмни ҳимоя қилишда айблайди. Унинг эътиқодича, инсон ёлғиз яшай олмайди, яшаса ҳам, салоҳиятини тубан инстинкт ва эҳтиёжларга сарфлашдан бошқасига ярамайди, шундай экан, ўзаро мулоқотгина тараққиёт ғилдирагини айлантиради, кўп томонлама алоқаларда ижод, муҳаббат, меҳр-оқибат туғилади. “Агар Дефо кимсасиз оролда яшаганида, у “Робинзон Крузо”ни ёза олмас эди, буни хоҳламас ҳам эди”, дейди Оруэлл.

Шундан ҳам билса бўладики, Оруэлл ижтимоий бурч ва шахсий ҳуқуқ дилеммасида олтин ўрталиқни сақлашга тарафдор бўлган.

Бир сўз билан айтганда, Оруэлл “мен” эмас, “биз” бўлиб яшашни, шунда ҳам инсон бўлиб қолишни ҳимоя қилган. “Биз” бўлишнинг муаммоли томонларини эса кейинги китоб очиклайди.

АЛГЕБРАИК СЕВГИ, ШАФҚАТСИЗ СЕВГИ, ДЕВОНАВОР СЕВГИ

Евгений З а м я т и н. Мы. Москва, АСТ, 2015.

“Ажиб янги олам” (Brave New World) муаллифи Олдос Ҳаксли ёки “Фаренгейт бўйича 451 даража” муаллифи Рэй Бредбери ёнида Евгений Замятин бирмунча камтарин ижодкор туюлиши мумкин. Қолаверса, унинг шоҳ асари – “Биз” бу иккисидан ҳам, “1984”дан ҳам анча илгари ёзилган. Шундай экан, нега Оруэллдан кейингина Замятинга сўз берилапти? Бунинг сабабини шарҳлаш учун яна китоб билан танишувимга тўхталиш керак бўлади.

Биринчидан, Замятин ҳақида Оруэллнинг “Биз”га тақризи орқали билганман. Ҳакслидан фарқли ўлароқ, Оруэлл антиутопия жанрига қўл уришида Замятин таъсири кучли бўлганини инкор этмайди. Ўз-ўзидан, бундай таъриф рус ёзувчиси ижодига қизиқишимни алангалатди.

Оруэлл “Биз”нинг кўпгина ютуқларини эътироф этгани ҳолда, унинг сюжети “сўлгин ва узуқ-юлуқ”, айна пайтда ўта мураккаблигидан ёзгиради. Менинг таассуротларимга кўра, аксинча, роман, “1984”дан фарқли, том маънода бадиий асардир. Оруэллда биз турғун тоталитар жамиятнинг рангсиз қиёфасини кўрамиз, шу жамият аъзосининг зерикарли, бир зайлдаги қундалик маишатини кузатамиз. У ана шу бирхилликдан безиб, ўзгаришларга қадам қўяман деганида Муҳаббат вазирлигининг ғалвиридан ўтказилади.

“Биз” воқеалари эса саргузашту сир-синаотларга бой. Замятин китобхон қўлига ўзи тасаввур этган олам харитасини тутқазмайди, балки уни мураккаб лабиринтга чорлайди, ўқувчига жумбоқларни мустақил ечиб, чиқиш эшикларини ҳам мустақил топишни таклиф этади. Асар тили ҳам муҳташамки, муаллиф қайд этганидек, қалб олмосини ёриб ўтишга қодир ҳаяжон бағишлайди.

Икки турдош роман ўртасидаги бундай тафовут муаллифларнинг мақсад-муддаоларига бориб тақалса ажаб эмас. Юқорида айтганимдек, Оруэлл ижод уммонидан эстетик завқ дурларини қидириш ўрнига инсониятга чақириқ йўллашни, бир шеърда айтилганидек, “Сайламанг, Заҳҳокни пошшо сайламанг!” дея хитоб қилишни бурчи деб билади – зотан, тарих инсониятни ана шундай таҳдидларга рўбарў қилган эди. Чор Русияси даврида ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида умргузаронлик қилган Замятин эса келажакка разм солишни, кишилиқ тадрижининг фожеий сценарийсини моделлаштиришни маъқул кўради.



Технологиялар ва машиналар биздан қалб самимиятини, туйғулар жунбушини, ижтимоий ҳаёт асоси ва зийнати бўлмиш хилма-хилликни тортиб олишидан, инсонни яшашга ва яратишга ундовчи энг гўзал ҳиссиёт – муҳаббатни шафқатсиз алжабр тенгламасига айлантириб қўйишидан хавотирга тушади.

Иккинчидан, “Биз” қайсидир маънода “1984”ни давом эттиради. Ундан салкам 30 йил олдин ёзилган бўлишига қарамай, негадир бу икки роман мантиқини айнан шунақа тартибда кўраман – “Биз” “1984”да кўтарилган саволларга жавоб беради гўё.

Дейлик, Оруэлл Океаниясида ҳукмрон мавқега эга бўлмиш Newlang тилида “эркин” сўзи ҳали мавжуд, аммо уни фақат “бўш, банд эмас”нинг синоними сифатида қўллаш мумкин. “Сиёсий эркинлик” бирикмаси эса бундай тушунчанинг ўзи йўқлиги боис секин-аста истеъмолдан чиқаётган эди.

“Биз”даги Ягона Давлат жамияти эса шу даражага келиб бўлганки, “эркинлик” сўзи луғатлардан ўчириб ташланиши етмагандай, бахт ва тараққиёт кушандасига ҳам чиқарилган. Ягона Давлат мафқурасига биноан, эркинлик бахт билан қўшничилик қилолмайди, бутун инсоният бахт-иқболи йўлида Мурувватпеша раҳнамолигида бир ёқадан бош чиқариб, жамият манфаатларига бўйсуниб яшаш зарур. Бунинг учун ҳамма кийиниш, овқатланиш, яшашда бир хил қоидаларга бўйсунди, қатъий белгиланган соатларда муайян ишлар билан шуғулланади; бундай тенглик ва бахт ҳиссини йўқотиб қўймаслик, одамлараро тафовут келтириб чиқармаслик учун ҳатто шахсий исмлардан воз кечилиб, рақамларга ўтилган.

Қиёсни давом эттирсак, Уинстон Смит аввал-бошдан Партия сиёсатига шубҳа билан қарайдиган, ундаги камчилик ва нуқсонларни кўра оладиган, сурбетларча юритилаётган мантиқсиз пропаганда бўш челака кийдирилган тўн эканини пайқайдиган (пайқамай ҳам кўрсин-чи – ахир унинг ўзи эски китоб ва газеталардаги зиддиятларни тузатиш, янги факт ва рақамларга мослаштириш билан шуғулланади) инсон. Шунга қарамай, у ўзини ўтга-чўққа урмайди, дунёни яхши тарафга ўзгартириш, адолатсизликка қарши туриш ҳақида ўйламайди. Нима берилса шуни олади, ортиқчасини талаб этмайди, шу билан бирга, ҳақиқатни ёлғиз ўзи билиши билан қаноатланади. Оруэлл Смит тимсолида юқорида тилга олинган “руҳан эркин”лигидан кеккайдиган, лекин реал ҳаётда Буюк оға чизган чизикдан чиқа олмайдиган зиёлиларни аёвсиз танқид қилади. Бош қаҳрамон кичик бир хато важдан аянчли аҳволга солиниши ҳам бежиз эмас – бу билан муаллиф “ички эркинлик”дан ўзича мамнун шахс адолатсизлик қўлидан барибир қочиб кета олмаслиги, бир куни қоралама мисоли ғижимлаб, ахлатхонага улоқтирилишини таъкидламоқчи бўлади.

Замиятининг қаҳрамони – Д-503 эса ўзи қилаётган ишга, Ягона Давлатга сидқидилдан ишонади, садоқатли “рақам”, жамиятнинг тўлақонли аъзоси, “биз”нинг кичик бир бўлаги бўлишга интилади. Атавистик туйғулар бўғови қўл-оёғига банд солаётганидан юраги тилка-пора бўлган бу фуқаро жон-жаҳди билан инстинктларга қаршилик кўрсатади. Алжабрга, тартибга ва ақл кучига чексиз эҳтиром туйган Д-503 танасини чулғаётган девонавор муҳаббатдан даҳшатга тушади.

“Наҳотки бу ақлсизликлар – севги ва рашк – аҳмоқона эски китоблардан ташқарида ҳам мавжуд бўлса? Қўрқинчлиси – менда мавжуд бўлса! Тенгламалар, формулалар, рақамлар...”, деб ҳайратини ифодалайди у.

“Биз”ни “1984” билан узвий боғлайдиган муштаракликлардан бири ҳам шу – қаҳрамонларнинг осуда ҳаётига айнан севги чек қўяди, уларнинг ақл қобиғидан ташқарига мўралаб, “телбалик” қилишига туртки беради. Таассуфки, ҳар икки ҳолатда ҳам бу қутилмаган уйғониш, кеч бошланган ҳаракат саодатсиз яқунланади, имконсизлик деворига урилиб, чил-чил синади.

Яна бир жиҳат. Оруэлл тоталитар тузумнинг оммавий уйғонишга, исён кўтаришга йўл қўймас қатагон машинаси индивидуал чиқишларни қанчалик шафқатсиз топташини бор бўйича тасвирлар экан, барибир жамоавий бахт, умуминсоний манфаатлар, ўзгалар учун

яшаш, бунёд этиш позициясидан чекинай демайди. Жамият ва шахсият ўртасидаги чуқур зиддиятларни ижтимоий келишув ва ўзаро ҳурмат йўли билангина ҳал этиш зарур деб билувчи интеллектуал коллективизм танлов ҳуқуқини ҳам тақозо этишини бот-бот таъкидлайди, жамиятдаги тартиб-таомил ислоҳ қилинса бас, деб ишонади.

Замятинга Оруэлл билан ҳамфикр бўлишга унинг сиёсий қарашлари шаклланган муҳит имкон бермас эди: Русия империясидаги ёввойи сиёсий муҳорабаларга гувоҳ бўлган, инқилобий кўтарилиш йилларида сўл эсерлар ҳаракатига яқин турган адиб Европа ойдинларининг маданий коллективизмини ва барча билан муроса қилиш истагини тушуна олмас эди. Ўша давр сўл ҳаракатларига хайрихоҳ бошқа зиёлилар сингари, Замятин ҳам инқилобни барча дардлар давоси, жамиятни ўзгартирувчи жарроҳлик амалиёти деб билди. Мамлакатни бир йилда икки карра ларзага келтирган сиёсий талотўп – либералларнинг буржуа-демократик ҳамда большевикларнинг социалистик инқилоби фаровонлик ўрнига уруш, очлик ва диктатура келтиргани ҳам уни ўз эътимодидан қайтара олмайди. У анархист ва сўл эсерлар уюштирадиган учинчи инқилоб ғоясини дилига тугади. Романда исёнчилар тайёрлаган тўртинчи инқилоб ана шу ғояга ҳамоҳангдир. “Кишилиқ жамияти чексиз такомиллашиб бориши”га ишонган Замятин ўз қарашларини энг охириги ҳақиқат, шу тобдаги тартиботни эса энг охириги воқелиқ деб билувчи кучлар устидан кулади ва сўнги инқилоб, сўнги тузум, сўнги аср, сўнги раҳнамо каби даъволар асосизлигини оддий аналогия ёрдамида далиллайди:

- Наҳотки тушунмасанг: сизлар уюштираётган нарса – инқилоб.
- Ҳа, инқилоб. Нега буни бемаънилик деб ўйлаяпсан?
- Бемаънилик-да, ахир инқилоб бўлиши мумкин эмас. Чунки бизнинг инқилоб охиригиси эди. Бошқа ҳеч қандай инқилоб бўлиши мумкин эмас. Буни ҳамма билади...
- Азизим, сен математиксан. Менга охириги сонни айт-чи.
- Қанақа охириги сонни?
- Охириги, энг юқори, энг катта сонни.
- Лекин, Бир, бу – бемаънилик. Сонлар миқдори чексиз-ку, охиригисини қаердан оламин?
- Шундай экан, охириги инқилоб дея ҳукм чиқариш тўғрими?


Русия империяси ва икки инқилобни кўриб, уларнинг барига муҳолиф бўлган, умрининг ниҳоясини қувғинда ўтказган ёзувчидан жамиятга ишончини кутиб бўлармиди? Таққосланаётган икки китоб орасидаги яна бир зиддият шундан илдирилади: муштарак “олтин қафас”, ўхшаш фабула, бир хил лейтмотив, эгиз олижаноб мақсад ва мудҳиш хотимага қарамай, Оруэлл ёрқин оптимизмга содиқ қолади, жамиятни таҳдидга қарши бирлашишга чорлайди. Замятин эса “ҳақиқатнинг зарурий белгиси унинг шафқатсизлигидир”, деган хулосага келади ва ўқувчиларига танлов имкониятини қолдиради. У тарғиб этишни, ўзгаларни етаклашни эмас, сўз гишtidан ҳаётий мураккаблиқ ва зиддиятлар иншоотини барпо этишни ўз миссияси деб билади. Зеро, “бутун ҳаёт ўз мураккаблиги ва гўзаллиги билан сўз ёмбисига мангуга зарб этилган” экан, калом бизга чалкаш илонизи сўқмоқларда йўл топишда ёрдам беради. Бу йўл қайсидир жиҳатдан тўғри, қайсидир жиҳатдан эса нотўғридир. Бу ҳақиқатни қабул қилиб, инсоннинг номукамаллигига имон келтириб, мазмунли умр кечиришга интилишнинг ўзиёқ ҳаёт мазмунидир балки.

“Биз”нинг сўнги саҳифасини ёпгач, беихтиёр ўйга толасиз: ёзувчи нима демокчи ўзи? Менга нимани ўргатмоқчи? Инсонийликни асраш учун нима қилиш керак – муроса йўлини танламоқми, қалам, ғоя, сўз билан қуролланиб, майдонга чиқмоқми? Атрофдагиларга эзгу сўз, эзгу амал хислатларини етказмоқми, яхшилар ҳаётини яшамоқми? Ёхуд сайёранинг бирор тинч бурчагига қочмоқми? Овора бўлманг, китобда бу саволларга жавоб йўқ. Жавобни ичкари ва ташқаридан – қалб қатлари, ҳаёт тажрибалари, гавжум кўчалар, бепарволик, қувонч, ҳамдардлик, хавотир, ғазаб, севги, рашк, нафрат, бахт, ташвиш ифодаси муҳрланиб қолган нигоҳлардан қидириш керак. Ва бу нигоҳлар, сўзлар, кўчалар, юрак саси ҳаммага ҳар хил жавоб айтади. Ахир дунё мана шу хилмахиллиги билан гўзал ва бетакрор эмасми?!

“Биз” – “1984” ва навбатдаги китоб ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Омма ва индивид орасида тенглик сақлаш, мувозанатда яшаш ҳикматини ҳар ким ҳар хил тушунади. “Бизми, менми?” саволига Оруэлл ишонч ила “Биз!” дейди, Замятин эса иккилана-ётганини тан олади. Лекин адабиётда баралла янграган “Мен!” деган жавоб ҳам бор.

ОЛАМ – ИСТЕЪДОД КИФТИДА

Ayn Rand. Atlas Shrugged. New American Library, 2005.



Алиса Розенбаум босиб ўтган ибратли йўлнинг ўзиёқ қалбга ажиб илҳом бағишлайди. Худди Замятин каби Русия империясида туғилган, ёшлиги инқилоблар авжига тўғри келган Айн Рэнд умрини бошқача яшаб ўтишга қарор қилди. Англияда истиқомат қилаётган Замятин инқилобий еллар эса бошлаганидан хабар топиб, 1917 йил сентябрида Россияга қайтиб келган ва сиёсий жараёнларда фаол қатнашган эди. Янги сиёсий тузумга катта умид боғлаган адиб тез орада янглишганини тан олди ва қазосига қадар қалами ила ўз идеаллари учун курашди. Сиёсатдан мутлақо узоқ, кўнгил дафтарини варақлаш, онг пучмоқларига етишгагина иштиёқманд Айн Рэнд эса келажagini инқилоб билан ҳам, Россия билан ҳам боғламади. Унинг бош истаги сиёсий воқеалар гирдобидан юлқиниб чиқиб, сўлларга ҳам, ўнларга ҳам, ватанпарварларга ҳам, миллатчиларга ҳам, байналмилалчиларга ҳам тупуриб, ўзи хоҳлагандай турмуш кечирди. Бу талпиниш унинг ижод йўлини белгилаб берди, у ўз иштиёқини миллионлаб одамларга юқтирди.

Хуллас, 21 ёшли қиз Рига орқали Берлинга кўчиб ўтди, у ердан АҚШга йўл олди. Етти-саккиз йил Чикаго ва Лос-Анжелес тамаддиҳоналарида идиш-товоқ ювди, газета сотди, Ҳолливудда либос устаси ва статист бўлиб меҳнат қилди, доимий иш ва даромад манбаи қидириб сарсон кезди. Ниҳоят, йирик кинокомпаниялардан бирига мўмайгина ҳақ эвазига сценарий сотиб, пул ташвишидан бир муддат қутулди-да ижодга шўнғиди.

Баён этилган таржимаи ҳолни ҳар ким ўз маслагига қараб турлича талқин қилади. Кимгадир етук иқтидор соҳибасининг шундай даврда ватанини тарк этгани уятли туюлади. Яна кимдир жамият бахтидан кўра шахсий фароғатини афзал кўрган деб ёзгарили ундан, бунинг “яхши” ёки “ёмон”, “тўғри” ёки “нотўғри” дея баҳоланиши – алоҳида масала.

Бироқ Айн Рэнд асос солган объективизм (ёки рационал индивидуализм) таълимоти моҳияти ана шунда. Унга кўра, одамлар маълум даражада худбин бўлиши, ўз орзу-мақсадларига интилиши лозим. “Бахтга эришиш – ҳаётингиздаги ягона ахлоқий мақсад”, дейди адиба қаҳрамони тилидан. “Ҳаётингиз сизга тегишли, яхшилик – ўзингиз учун яшашдир”, деб таъкидлайди у яна.

Бу ёндашув кўпчилик норозилигига сабаб бўлади, албатта. Чунки худбинликнинг жиддий нуқсонлиги, омма манфаати ҳар нарсадан устунлиги миямизга куйиб келинган. Айтиш жозик, Ғарбда ҳам коллективизм ихлосмандлари Айн Рэнднинг ғайриижтимоийлигини “фош этиш”дан бирор сония тўхтаётгани йўқ.

Ваҳоланки, рационал индивидуализм ғояси замирида буюк ҳикмат ётади. Аслида, шахсий ва жамоавий эгоизм зид эмас, мутаносиб тушунчалардир. Жамият шахслардан таркиб топган экан, унинг алоҳида аъзолари қалбдаги матлаб ва ниятлар ҳам уюшиб, жамоавий манфаатларни ташкил этмоғи лозим (умумий деб қаралган мақсадлар эса кўпинча муайян гуруҳлар манфаати бўлиб чиқади). Ҳар ким ўз бахти, такомилли йўлида саяй қилса, бу охир-оқибат бутун жамият такомиллига элтади. Жамиятнинг вазифаси ҳар бир аъзосини ўз мафкурасига хизмат қилдириш эмас, унинг ўзи хоҳлагандек яшашига, севимли иши билан шуғулланишига шароит яратиб беришдир. Жамиятга хизмат сиёсатнинггина имтиёзи эмас. Қўли ширин ошпаз, уддабурон кашфиётчи, ҳалол фаррош ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши эвазига мукофот олиши учун капитализм оламида капиталист, коммунистик давлатда

коммунист бўлиши шарт эмас. Ҳар бир кишининг салоҳиятини рўёбга чиқарадиган, ўз аъзосини табаа эмас, биринчи галда инсон деб биладиган жамият ҳам ўз фуқаролари томонидан қадрланади, ардоқланади, ҳимоя қилинади.

Рэнд объективизмнинг яшовчанлигини ўз ҳаёти мисолида асослаб берди. У “Сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат сен билан шуғулланади,” деган ибора маъзани жуда эрта чақди. Инқилобдан сўнг Розенбаумлар оиласининг мол-мулки мусодара этилди, улар Қримга кўчишга мажбур бўлди. Ҳар қандай сиёсий ҳаракатлардан четда туришига қарамай, “насл-насаби буржуа” бўлгани сабаб қиз Петроград университетидан ҳайдалди. Бироқ бу кўргиликлар унинг иродасини мустаҳкамлади, холос. Баъзи танқидчилар таъбирча, “худбин мақсадлар йўлида” яшаган Айн Рэнд бой ижодий мерос қолдирди, миллионлаб қалбларга таъсир ўтказди, уларнинг ҳаётини ўзгартирди. Яъни унинг эгоизми ахийри альтруизмга дўнди.

Фаолияти давомида Рэнд тўртта роман, шунингдек, фалсафага доир талай рисолалар ёзди. “Атлант қаддини ростлади” – тўртинчи ва охириги романи унга оламшумул шуҳрат келтирди, миллионлаб ўқувчиларнинг китоб жавонидан ва қалб тўридан жой олди, жаҳон адабиёти хазинасининг нодир гавҳарига айланди. Учта катта-катта жилд – салкам минг бетдан иборат, услуби мураккаб, воқеалари суст кечадиган бу китоб қисқалик ва жўнликка ўрганган асримизда юксак эътирофга сазовор бўлишининг ўзи бир мўъжиза.

Роман мени серқирралиги, кўп мақсадлилиги, ҳар бир ўқувчига ўзгача хулоса тортиқ этиши билан лол қолдиради. Тожир билан гаплашсангиз, “Атлант”ни “капиталистлар китоби” деб атайди; ҳассос қалб соҳиби билан даврадош бўлиб қолсангиз, Айн Рэндининг асари унга ўзида куч топишга ёрдам берганини тан олади. Мен учун эса бу яна бир сара антиутопиядир. Аниқроғи, унда антиутопия остонасидаги жамият қисмати ифодаланган.

Воқеалар яқин келажакда “Атлант” оламида, АҚШ давлатида рўй беради. Унда Замятиндагидек ноёб илмий-фантастик технологиялар, Оруэллдагидек ялпи назорат ва тақиқлар йўқ. Барчага яхши таниш, одатий технологик ечимлар қўлланади, бугунга қадар деярли ўзгармаган сиёсий ҳаёт дарёси мавжланади. Муаллиф яқин келажак тавсифи баҳонасида ўз замонасига чизги беради, одамийликдан маҳрум бўлиш учун диктатура шарт эмас, ёппа иккиюзламачиликнинг ўзи кифоя эканидан огоҳлантиради.

Рэнд АҚШда Оруэлл Океаниясидаги янглиғ телескринлар мавжуд эмас, лекин оммавий ахборот воситалари оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсата олади; ҳеч нарса расман тақиқланмаган бўлса-да, de facto номақбул шахсни “фош қилиб”, лойга ботириб, “ўз ихтиёрига кўра” ижтимоий фаолликдан четлатиш мумкин; ингсоц (Engsoc – инглиз социализми) ҳокимият тепасида эмас, бироқ “умумий манфаатлари инсонпарварлик”ни дастак қилиб, жамият фикрини ўзи хоҳлаган томонга буриш – карнайчидан бир пуф; рақобатда бир томон ўзиб кетса, “жабрланувчилар”ни “ҳимоя қилиш” мақсадида иқтисодий санкцияларни қўллаш, монополия ўрнатиш ҳеч гап эмас. Тобора гуллаб-яшнаш, жамият манфаатлари устуворлигидан бонг урилади-ю, давлат орқага кетаверади, темир йўллар занглаб, ярқисиз бўлиб бораверади, турмуш тарзи ёмонлашаверади, ғазнанинг туби кўриниб қолади, зиёлилар маънавиятни, ҳалолликни тилдан қўймайди-ю, аммо ўғрилиқ, иккиюзламачилик, қаллоблик, бепарволик гуркирайверади. Яқинлашаётган ҳалокат сабабларини ўзидан қидиришни хаёлига ҳам келтирмайдиган сиёсатдонлар, журналистлар, олим ва шоирлар ҳадеб авомнинг ахлоқсизлигига тадбиркорнинг юлғичлигидан нолийди...

Аслида жамият вабоси бўлмиш бу иллатларни ҳар қаерда топиш мумкин. Дунёнинг ҳар бир давлатида меҳр-оқибатдан гапириб, чўнтагинга қўл соладиган ахлоқ жарчиларию хавф туғилганда дуч келган тешикка кириб кетадиган сохта фидойилар бор. Манипуляция қилиш учун Newlang кашф этишга ҳожат йўқ, Рэнд хаёлоту яратган АҚШдагидек чўзиқ, баландпарвоз, маъносиз жумлалар тизиш, аниқ жавоб беришдан қочиб, гапни биродарлик ва меҳр-мурувват атрофида айлантириш кифоя. Илмий комиссиянинг Реарден метали юзасидан берган хулосаси ғаройиб: бир-бирига боғланмаган илмий атамалару сиёсий қолиғда пишитил-

ган шаблонлар қоришмасидан иборат матнда бу металнинг хавфи, зарари ҳақида лом-мим дейилмайди, “қотишма маълум шароитларда ўз мустаҳкамлигини йўқотиши мумкинлиги назарий жиҳатдан истисно этилмайди” қабилидаги умумлашмалардан нарига ўтилмайди. Бу “олимплар” на тажриба ўтказиб кўргани, на етарли назарий билимга эгаллиги маълум бўлади. Шунга қарамай, аввал-бошдан шаклантирилган оммавий нуқтаи назар сабаб ҳужжат металнинг зиёнини аргументлади, деб топилади (табиийки, манипуляцияга лаққа тушган жамонатчилик мужмал тили боис хулосани ўқиб ҳам кўрмайди). Бундай усти ялтироқ, ичи қалтироқ ҳужжатлар, матнлар, мақолалар бизнинг замонамиздаги ахборот маконида ҳам кам эмас.

Демак, Айн Рэнд романда қандайдир антиутопик оламни эмас, ўзимизнинг кунларни асқ эттиради, ҳар қадамда учрайдиган нуқсонларни, фирромликларни нишонга олади. Шу маънода, у Замятин ёки Оруэллдан шафқатлироқ – инсоният ҳали тубсиз ботқоққа ботгани йўқ, ҳали нажот имконияти бор деб ҳисоблайди. Бунинг ечимини ҳам ҳавола этади. Чунончи, жамиятда турли-туман қарашлар бирга яшаши ижтимоий қонуният эканини, улардан бири бошқаларидан юқори мавқе эгаллаши хавфли оқибатларга олиб келишини, тенглик бузилишини уқтиради. Яъни гап яна ўша олтин мўътадилликка бориб тақалади.

Доимий ўсиш, ўзгариш учун эса Рэнд Атлантага айланишни таклиф қилади. Унинг фикрича, олам иморати айнан Атлантлар – истеъдодли бунёдкорлар, кашфиётчилар, ижодкорлар, турли соҳа усталари кифтида турибди. Бундайлар қанча кўпайса, замин шунча мустаҳкам таянчга эга бўлади. “Минглар бўламиз ва ҳеч ким бизга бас кела олмайди, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди. Ўн минглар бўламиз ва биз ўз юртимизни танимай қоламиз!”


Новвой ёпган нон қорнимизни тўйдирса, ҳайдовчи, учувчи узоғимизни яқин қилади, ёзувчи асаридан эстетик завқ олсак, муаллимлар кўлида билимимизни оширамыз. Кишилик жамияти бамисоли мозаикадир – одамлар, соҳалар, қарашлар ҳурмат ва тоқат елими ила жипслаштирилиб, бир-бирини тўлдириб, гўзал расм шаклига киради. Бирор бўлагини ноке-рак деб олиб ташласак, кемтик ҳосил бўлади. Ўрнини бошқаси билан ёпмоқчи бўлсак, мутаносиблик бузилади, бир вақтлар суқланиб боққанимиз расм қуроқлардан тикилган Франкенштейн қиёфасини олади.

Тунги фонусларни сир тўла чақноқ кўзлар, маъюс шивалаётган ёмғирни – улардан тўкилаётган кўзёшлар дея тасаввур этиб, бу манзарани дераза ортидан хаёлан томоша қилар эканман, ўйлаб ўйимга етолмайман. Мен қаердаман? Катта оламдами, Кичик оламдами? Эркдами, тутқунлиқдами? Мени моҳиятдан нима ажратиб турибди – дераза, қатра ёш, ёмғир ва тунги фонусларми ёки онгимни қоллаган кўрқувлар, тақиқлар, кўникмалар чакалакзорими?

Қаердалигимни, кимлигимни, нималигимни, келажакда мени қандай қисмат, қандай қувончу қандай синовлар кутаётганини билгим келади. Уддалай олмай ҳалак бўламан, вужудим саросимадан бўшашади. Уфққа тикилиб, сассиз савол бераман, сассиз жавоблар келади, уларни-да англашга қурбим етмайди, зеро “Чархдин ком истамак эрмас бани одамга қурб”. Курашмоқ керакми, қочмоқ керакми? Балки қочмоқнинг ўзи бир курашдир? Балки яшамоқнинг ўзи бир қаҳрамонлиқдир?..

Шарҳимга ана шундай мавҳумлик ҳисси билан хотима ясайман, чунки мавзу тўлалигича очилмади, ўқувчида ундовлар эмас, сўроқлар пайдо бўлди. Тан оламан, ўзимнинг ҳам ҳафсалам пир бўлди, ёзганимдан қониқмадим, инсон идрокининг чеклангани панд берди. Бу чекловни энгиб ўтсак, балки бир кун аниқ жавоблар, аниқ ечимларга ҳам эга бўлармиз. Ҳозирча ҳамманнинг ўз ҳақиқати борлигини эътироф этишдан бошқа хулоса айта олмайман.

Ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор экан, бу ҳақиқатлар рўёбга чиқсин. Одамга нон, китоб ва танлов ҳуқуқини беринг. Қорнини тўйдириб, китоб ўқиган одам тўғри танлов ҳам қилади, албатта. Одамга ишонинг, у ишончингизни оқлайди.





Tizimli tafakkur nima?

Замонавий гносеологияда тизимли тафаккур борлиқдаги мураккабликни ўрганишда адекват тафаккур тарзи сифатида тадқиқ этилмоқда. Тизимли тафаккур нима? Бир қатор тадқиқотларда у шундай таърифланади: “тафаккурнинг энг ривожланган шакли” (Аверьянов А. *Системное познания мира: методологические проблемы*. Москва, “Голитиздат”, 1985. Стр. 263); “ақлнинг сифат жиҳатдан янги ҳолати” (Толкачев В. *Роскошь системного мышления*. Санкт-Петербург, “Эмпатия”, 1999. Стр. 347); “атроф муҳитни тасвирлаш ва билишнинг янги усули бўлиб, у нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратади. Замонавий олам шитоб ўзгармоқда, мураккаблашмоқдаки, тизимли тафаккур олдимиздаги бор имкониятларни яхшироқ кўриш, қўллаш ва бошқаришга ёрдам беради” (Медоуз Д. *Азбука системного мышления*. Москва, БИНОМ. “Лаборатория знаний”, 2011. Стр. 150).

Тизимли тафаккур муқобили – фрагментал (узук-юлук, нотўлиқ) тафаккурдир. Фрагментал тафаккур нарса ва ҳодисани қисмларга ажратиб ўрганса, тизимли тафаккур объект қисмларини яхлит қамраб олади. Бир неча асрлар илгари Хитой файласуфи Лао Цзи фрагментал ёндашувнинг чекланганлигини таъкидлаган: “Инсон оламни қисмларга бўлар экан, у нафақат илохий, инсоний қонунларни ҳам англашдан тўхтади”.

Фақат қисмларни таҳлил этиш бутунни тушунишга ёрдам бермайди, зеро, бутун қисмларнинг ўзаро таъсири орқали аниқланади. Алоҳида олинган қисм бутун ҳақида айтарли тасаввур бермайди. Фрагментал тафаккур ёрдамида биз нарса ва ҳодисанинг кичик қисми ҳақидаги ахборотнигина оламиз. Фрагментал тафаккур орқали киши бирон масаланинг ягона ечиминигина кўради, унинг бошқа ечимларини кўрмайди. Масалан, тадқиқотчи бирон муаммони ечишда унинг сабабини битта омил билан боғлайди, сабаб-оқибатнинг қатъий детерминизми билан иш кўради. Муаммонинг фақат ягона ечими устида бош қотириб, янгича ечимларни эътибордан соқит қилади.

Шундай хитой масали бор: қадимда бир деҳқон яшаган экан. Унинг ажойиб оти бор экан. Бир кун от қочиб кетибдию деҳқон ўзини бахтсиз ҳис қила бошлабди. Бир муддатдан сўн от ўзи билан ёввойи отни эргаштириб қайтибди. Деҳқон яна ўзини бахтиёр санаёт бошлабди. Аммо унинг ёлғиз ўғли ёввойи

отни қўлга ўргатаман деб, йиқилиб мажруҳ бўлибди. Деҳқон ўзини яна бахтсиз ҳис қилибди. Унга иккита от нега керак, ахир, ёлғиз ўғли мажруҳ-ку! Шу орада император уруш учун аскар тўплаш бошлабди ва қишлоқдаги барча йигитларни олиб кетибди, аммо деҳқоннинг ўғли мажруҳлиги боис урушдан қолибди. Деҳқон ўзини яна бахтиёр ҳис эта бошлабди.

Мазкур масалда ўзаро зид нарса-ҳодисалар бир шароитда яхши ва фойдали бўлса, бошқа шароитда ёмон ва фойдасиз бўлиши мумкинлиги, яхлитликнинг бирон қисмини мутлақ яхши ёки ёмон деб баҳолаш хато экани, балки улар бутунда бир-бирига ўтиши, бир-бирини тақозо этиши ифодаланган.

Иқтисодий муаммолар, атроф-муҳит ифлосланиши, жаҳон ҳамжамиятидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ҳақида мутахассислар кўп гапирмоқда, ечимлари устида бош қотирмоқда, аммо улар ҳалигача топилгани йўқ. Боиси мураккаб тизимларни анъанавий тафаккур тарзи ёрдамида англаш, тушуниш даргумон. Демак, ўзгача тафаккур тарзига зарурат туғилади. Ана ўша тафаккур тарзи – тизимли тафаккурдир.

Тизимли тафаккур нарса-ҳодисалар ўртасидаги зиддиятларни бир-бирининг инкори сифатида эмас, балки яхлитликни қурувчи элементлар сифатида кўришни тақозо этади. Олам яхлит тизим экан, у ҳақдаги дунёқарашимиз ҳам тизимли бўлиши зарур. Шунда олам ҳақидаги билимларимиз адекватлик касб этади.

Биринчи президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарига моддий ва маънавий олам ўзаро уйғунлиқда, яхлитлиқда мавжудлиги, улар бир-бирини тақозо этиши ҳақидаги ғояни илгари суради: “Одамнинг кундалиқ ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятлик фикр ва қарашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас... Ана шундай тушунча ва тасаввурлар асосида кейинчалик материализм ва идеализм каби таълимотлар майдонга чиқди...”

Ушбу масалага чуқурроқ ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кўҳна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни ин-

соннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди (Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008. 47-48-бетлар).

Шу каби ғоялар ахлоқшунослиқда эзгулик ва ёвузлик, эстетикада гўзаллик ва хунуклик, маънавиятда донолик ва нодонлик категорияларига кенгроқ қарашни ўргатади. Яъни тизимли тафаккур мазкур жуфт категориялар бир-бирини инкор этувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи, тақозо этувчи, бирисиз иккинчиси мавжуд бўлмаслиги, улар яхлитликнинг қисмлари эканлигини кўрсатади. Масалан, Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Жалололдин Румий "Агарда инсон ўта доно бўлиб, нодонликдан буткул озод бўлса эди, шу доноликнинг ўзи уни вайрон қилар эди. Демак, нодонлик абдий, чунки у мавжудликнинг давомийлигини таъминлайди. Донолик билан нодонлик алмашиб туради, нодонлик доноликка кун ва тун бир-бирини тўлдирган каби ёрдам беради" (*Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили. Масьул муҳаррир М. Абдуллаева. Тошкент "Noshir", 2010. 19-20-бетлар*), дея таъкидлайди.

Тизимли тафаккур, шунингдек, фалсафанинг фундаментал масалаларига ҳам янгича назар билан қаршимиз лозимлигини уқтиради. Жумладан, инсоннинг моҳиятини англашда баъзи фалсафий таълимотлар ақлни (Декарт), иродани (Шопенгауэр), сезиларни (Ж.Локк) устун қўяди. Бундай ёндашувлар, фикримизча, фрагментал, яъни аналитик ёндашувдир. Зеро, улар билишда ақл ва сезгини бир-биридан ажратади ва фақат биттасигагина устунлик беради.

Бизнингча, ҳозирги кунда холизм (тизимли ёндашув) ва элементаризм (фрагментал ёндашув)

усулларини биргалиқда қўллаш – замонавий гносеологиянинг шаклланган тамойилидир. Редукционизм, механицизм методологик усуллари фрагментал тафаккурга хос. Сабаби редукционизм мураккаблиқдан оддийликка ўтишга асосланган методологик усулдир. Яъни мураккаб яхлитликини билиш учун у оддий қисмларга ажратиб ўрганилади. Бундай ёндашув классик фанга хос эди.

Тизимли ёндашув асослари:

- тизимнинг яхлитлиги;
- тизимда бутун ва қисмнинг ўзаро алоқаси;
- бутуннинг қисмга нисбатан бирламчилиги;
- тизим структурасининг иерархиклиги;
- тизим, унинг структураси, элементларининг динамикилиги;
- тизим эҳтимолий ҳолатларининг бир қийматли эмаслиги, ташқи муҳит билан боғлиқлиги ва ўрганилаётган тизимнинг хаотиклиги (*Лившиц В. Основы системного мышления и системного анализа. Москва, Институт экономики РАН, 2013. Стр.18*).

Хулоса қилиб айтганда, мураккаб муаммоларни ечишда, тўғри ечим излаб топишда тизимли тафаккур самарали инструмент бўлиб хизмат қилади. Бундай тафаккур юритишда ҳар бир муаммо тизимли характерга эга экани эътироф этилади ва уни ҳал қилишда биргина эмас, кўплаб муаммоларни ечиш талаб этилади. Тизимли муаммоларни ечиш ҳам тизимли тафаккурга боғлиқ. Зеро, замонавий воқелиқдаги кўплаб муаммолар, инқирозларнинг келиб чиқиши ҳам тизимли тафаккурдаги оқсоқлик билан боғлиқдир.

Марат НИЁЗИМБЕТОВ,

ЎзМУ докторанти,

фалсафа фанлари номзоди

O'zlikni anglash orzusi

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократлашуви, ундаги янгиланиш жараёнлари миллий ўзликни англаш негизда кечилиши ҳар бир кишига улкан масъулият юклайди. Шу билан бирга, миллий онг ва тафаккурдаги янгиланишлар ва миллий ўзликни англаш ўзаро диалектик боғлиқ феноменлардир. Бу боғлиқлик эса миллий тафаккур ва ижтимоий тараққиётнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатади.

Миллий ўзликни англаш мураккаб қонуниятга эга жараёндир. Бу феноменсиз эркин фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиб бўлмайди. Миллий ўзликни англаш сиёсий институтлар фаолияти орқали объективлашади. Бу фақат муайян миллатга мансублик, умумий тил, маънавий, маданий мерос ва қадриятларни ҳис этиш билан алоқадор ҳодисагина эмас. Миллий ўзликни англаш

ва демократик жараёнлар ўзаро чамбарчас боғлиқ экан, демак, миллий ўзлик ҳар бир инсон иштирокисиз шаклланмайди. Шу маънода, миллий ўзликни англаш а) мураккаб ижтимоий психологик воқелик сифатида этносийсиз ва этномаданий жараёнлар билан боғланади; б) тарихий, сиёсий, маънавий тизимларга эга бўлгани учун тизимли ёндашувни тақозо этади; в) ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллатимиз, халқимиз манфаатига мувофиқ ҳолда амалга ошишига имкон беради. Қолаверса, миллий ўзликни англаган шахс, миллат, халқ ислохотлар мақсадини тўғри англайди ва уларда фаол қатнашади.

Бугун "миллий онг ва тафаккур" тушунчасига турли қарашлар шаклланди. Фалсафа қомусий луғатга кўра, "миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва

мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад, йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар, фактлар тизимига айтилади" (*Фалсафа қомусий луғат. Тошкент, "Шарқ", 2004. 270-бет*).

Профессор С. Отамуратов ҳам ушбу таърифга яқин фикрни айтади: "...миллий онг миллат тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, миллат манфаатлари ва муаммоларини ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятига йўналиш берувчи ғоя ва фикрлар тизими" (*Отамуратов С. Глобаллашуе ва миллий-маънавий хавфсизлик. Тошкент, "Ўзбекистон", 2015. 318-бет*).

И.Хўжамуродов, И.Сувановлар фикрича, "Миллий ғоя тизимида миллий онг, миллий ўзликни англаш ва миллий менталитет етакчи ўринни эгаллайди. Чунки миллий онг бўлмас, у ривожланмас, ҳар бир миллат ўзлигини англамас, ўз миллатига оид урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларга амал қилмас, миллий ғоя ривожланмайди" (*Хўжамуродов И, Суванов И. Миллий ғоя ва ўзликни англаш. Тошкент, "Чашма принт", 2014. 30-бет*).

Миллий онг ва тафаккур борасида турли қарашлар мавжуд бўлса-да, барча муаллифлар унга миллий тараққиётнинг муҳим омилли сифатида ёндашганини таъкидлаш зарур.

Миллий онг миллатнинг мавжуд бўлиши, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ. Агар миллий онг бўлмас, нафақат миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, балки миллатнинг ўзи ҳам реал субъект, ижтимоий, этник институт сифатида йўқолади.

Профессор С. Отамуратов тўғри ёзганидек, "Миллий онг ривожланишининг маънавий асосларини миллий тил, мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъана, қадриятлар, миллий таълим-тарбия тизими кабилар ташкил этади" (*"Глобаллашуе ва миллий-маънавий хавфсизлик", 320-бет*).

Фуқаролик жамияти қурилиши ҳар бир кишига ўзлигини англаш, миллий онг ва демократик тафаккурга эга бўлиш масъулиятини юклайди. Ўзлигини англаган, ҳур тафаккурга эга бўлган инсон жамиятнинг фаол аъзосига айланиб борса, ўзлигини англамаган, миллий онг ва ҳур тафаккурга эга бўлмаган инсон эса оддий кузатувчи ёки истеъмолчи бўлиб қолади.

Миллий онгнинг шаклланишига тўпланган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат ва маданият ютуқлари, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади. Миллий онг тарихий тажрибани, аждодлар қолдирган билим ва тафаккур

тарзини ўзига сингдиргач, воқеликни ўзлаштиради, вазифаларни ўртага қўяди, келажак лойиҳаларини тузади, миллатнинг бутун амалий фаолиятини белгилайди.

"Миллий онг" тушунчаси "тафаккур тарзи" тушунчаси билан ўзаро боғлиқ бўлиб, миллий ғоянинг негизини ташкил этади. "Тафаккур тарзи" тушунчаси фалсафада, мантиқ ва психология фанларида ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган. Бизнингча, тафаккур тарзи — нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, қонуний боғланишларни акс эттирувчи билиш шаклини англатади.

Бугунги кунга келиб миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Шу ўринда эслатиб ўтмоқ жоизки, фуқаролар руҳиятида, тафаккурида ўзгариш бўлмас экан, тараққиёт ҳақида гапириш мушкул. Руҳият ва қарашлар ислоҳ қилинмас экан, янги давлат ва жамият барпо этиш ғояси ҳам самарасиз. Чунки одамларнинг онги ва турмушига йиллар мобайнида зўравонлик билан сингдирилган иллатларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига барҳам бериш керак.

Миллий менталитетни мутлақлаштириш, шахсий, гуруҳий манфаатларга бўйсундиришга интилиш жамиятнинг ривожини учун зарарли ва хатарли эканини тарихнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Миллий менталитетимиз кўп асрлик тарихнинг онгимиз, феълимиздаги муҳридир. У суяк-суягимизга, қон-қонимизга сингиб кетган, дунёқарашимиз, имон-этиқодимизга айланган.

Ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини белгилашда миллий менталитетдаги асосий хусусиятларни, фазилат ва иллатларни мукамал ўрганиши ва хулосаларга таяниб миллий демократик тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқиши зарур.

Миллий ўзликни англаш юксак ижтимоий ютуқларга эришишни таъминлабгина қолмай, айрим ҳолларда турли низолар ва ҳалокатлар сабабига айланиши ҳам мумкин. Шунинг учун миллий ўзликни англашнинг шакллари ва ўзига хосликларини ўрганиш замонавий ижтимоий тафаккурнинг муҳим вазифасидир. Шу нуқтага назардан, кўп миллатлилик шароитида миллий ўзликни англаш масалаларини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Бердиёр САФАРОВ,

*Тошкент давлат Аграр университети
гуманитар фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси*

Ahmad Donishning vorisi

Бухоро амирлигида ислохотчилик ҳаракатининг вужудга келишида Абу Наср Курсавий, Шаҳобиддин Маржоний, Аҳмад Донишларнинг хизмати катта бўл-

ган. Улар сафида яна бир маърифатпарвар Мирзо Си-рождиддин Ҳаким Бухорий номини ҳам эътироф этмоқ лозим. Савдогарлик ва табиблик билан шуғулланган бу

шахс вақтли матбуотда чоп этган мақолаларида жамиятдаги долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларни бартаграф этишга оид таклиф-тавсияларини илгари сурди.

Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий 1877 йил 23 октябрда Исмоилхўжа оталиқ маҳалласида Ҳожи Абдурауф Мирзохурдбой оиласида дунёга келган. Сирожиддин 10 ёшга тўлганида, отаси ахлоқ, тарих, адабиёт, риёзиёт, араб ва француз тилларидан муаллим ёллайтиди. Билимга чанқоқ ўсмир отасидан рус-тузем мактабда ўқийди. Кейинроқ фикҳ асосларини ўзлаштиради (*Зайниддинов Ҳ. Сайёҳ Мирзо Сирожий // "Гулистон", 1988, 8-сон, 17-бет*).

Мирзо Сирожиддин 1902 йили чет эл саёҳатида отланади. У сафар асносида Боку, Ботуми, Истанбул, Вена, София, Сараево, Будапешт, Берлин, Белград, Париж, Лондон, Берн, Цюрих, Марсель, Варшава, Санкт-Петербург, Москва каби шаҳарларда бўлиб, университет, музей, кутубхона, шифохона ва саноат корхоналари фаолияти билан танишади. Техрондаги тиббиёт коллежида, Берн университетининг тиббиёт-факультетида ўқиб, бир муддат чел элда шифокорлик қилади. 1909 йил декабрда Бухорога қайтиб, бу ерда оврупоча усулда шифохона очиб, уни хориждан келтирилган ускуналар билан жиҳозлайди (*Ражабов Қ. Сирож Ҳаким. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 7-жилд. Тошкент, ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2004. 650-бет*).

Мирзо Сирожиддин 1902-1909 йиллардаги саёҳатлари асосида "Тухфаи аҳли Бухоро" асарини ёзган. Эсдаликлар тарзида битилган асарда Осиё ва Европа мамлакатларининг табиати, тарихи, маданияти, саноати ҳамда тараққиёти ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, 1912-13 йилларда "Бухорои шариф", "Самарқанд" газеталари ва "Ойна" журналида унинг ўнлаб мақоласи эълон қилинган. Уларда бола тарбияси, диний ва дунёвий илмнинг аҳамияти, комил инсон, мактаб ва мадрасалар, хасталиклар ва уларни даволаш каби мавзулар ёритилган.

Маърифатпарвар "Бухорои шариф" газетасида чоп этилган мақоласида бир замонлар илму фанда пешқадам бўлган миллат қолюқликка юз тутганини надомат ила ёзади: "Бас, ҳозиргача бизга нима бўлибдики ва нима монелик қилмоқдаки, бизнинг кўзларимиз ҳозирги илм-фанни кўриш у ёқда турсин, аввалги илм-фандан ҳам ёпиқ қолмоқда" (*"Бухорои шариф", 10-сон, 1912 йил 22 март*). Замондан орта қолмаслик учун эса саноат корхоналари, тижоратхона ва ширкатлар очил, илму фан, хусусан, тиббиётни ривожлантириб, соғлиқни сақлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди.

Мирзо Сирожиддин Бухоронинг Европа ва Осиё давлатларидан ортада қолишига асосий сабаб сифатида илм-фаннинг оқсаётгани ва иқтисодий қарамликни кўрсатади: "Бутун Ер юзини улар (Оврупо мустамлакачилари) ўз тасаруфларига олганлар. Биз уларнинг қўл остиларида қолганмиз. Биз ифлос кўча ва бозорларда яшаб касб қилишимиз ва қуёш иссиқ-

лигида зироат билан шуғулланишимиз керак ва қўлга киритилган бойлигимизни уларнинг санъатлари эвазига бериб, ўзимизни гадои қилишимиз керак... Болаларимиз либосидан бошлаб то ўликларимизнинг кафанигача Овруподан келади... Энди биз муҳтож бўлмай, ким бўлсин! Улар биз – осиеликларнинг бойликларини олиб кетар эканлар, бой бўлмай, ким бой бўлсин! Ахир, биз ҳам улардай одаммиз" (*Мирзо Сирожиддин Ҳаким. Тухфаи аҳли Бухоро. Душанбе, "Адиб", 1992. 76-бет*).

Муаллиф тараққиётга эришмоқ учун маорифни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш муҳимлигини таъкидлайди: "Биз, Осиё халқи, овруполиклардан тараққиёт жиҳатидан орқада қолган бўлсак ҳам, хали вақт бор, қўлимиздан чиқиб кетган илм ва сарватни қайта қўлга олишга, бугунги фақирликдан қутулишга имкониятимиз бор, тараққиёт ва ободончилик йўлини тўснадиган бирор нарса кўринмайди ва ҳеч ким бизнинг юзимизга илм ва хунар эшикларини ёпгани йўқ. Бизнинг тараққиётимиз илмга боғлиқдир. Биз мактаб ва мадрасаларимиздаги таълим ва тарбияни ислоҳ қилишимиз керак" (*"Бухорои шариф", 1912 йил 11 июнь*).

Дунё кўрган маърифатпарвар диний илмлар билан чекланмай, дунёвий фанларни ҳам ўрганишга даъват этади: "Дин бизга таълим берадики, шариатга хилоф бўлган илми ўрганиш ҳаромдир. Дунёвий илмлар – тижорат, саноат, сайёҳлик, кemasozлик, ўқ отиш илмлари ҳеч вақт ҳаром эмас, балки уни ўрганиш савобдир. Баъзилар айтадиларки, бу илмлар Расул ҳазратлари даврларида йўқ эди. Шуни мен қайд қилиб айтаманки, у кишининг даврларида Қуръондан бўлак ҳеч бир китоб ва илм йўқ эди. Бизнинг кийимларимиз ҳам ўша даврдагидай эмас. Демак, биз ҳаммамиз бидъат аҳли эканмиз-да?!" (*"Бухорои шариф", 1912 йил 18 июнь*).

Мирзо Сирожиддин миллат тараққиётида дунёвий илмларнинг аҳамиятини мутараққий мамлакатлар мисолида кўрсатиб ўтади: "Бутун Оврупо Швейцария миллатининг илм тарбияси олдида бош эгадилар. Уларнинг мактаб ва мадрасаларини кўрганимдан кейин эсимга ўзимизнинг мактаб ва мадрасаларимиз келди ва жуда афсусландим. Бизнинг миллатимиз бу даражада илми хор қилган ва улар дунёвий илмлари бу даражада муҳтарам тутиб, қадр-қимматига етган" (*"Тухфаи аҳли Бухоро", 84-бет*).

Мирзо Сирожиддин Бухородаги кутубхона ва кироатхоналарни ислоҳ қилиш масаласига эътибор қаратиб, уларни оврупоча усулда қайта қуришни тавсия қилади: "Оврупо кутубхоналарида бизнинг илмий китобларимиз ниҳоятда кўпдир. Уларни эҳтиром юзасидан сандиқларга асраб қўйганлар ва кўпчилигини ўз тилларига таржима қилганлар. Ҳозирги вақтда бу китобларни бирон бир мадрасамиздан топиб бўлмайди" (*"Бухорои шариф", 1912 йил 4 апрель*).

Мирзо Сирож Бухородаги маориф соҳаси ҳақида бундай ёзади: "Икки йил бурун амир мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди, бир нозир, яъни муфаттиш ҳам тайинланди. Бу ташаббусдан Бухоро халқи хурсанд бўлди,

лекин иш самара бермади, на нозир мактабни бошқара олди ва на бошқалар унинг ишидан хабардор бўлдилар. Шунинг учун ҳам мактаб ислоҳоти билан олий мактабни битирган, ҳамма ақлий ва нақлий илмларни биладиган киши шуғулланиши керак” (“Самарқанд”, 1913 йил 12 июль).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мирзо Сирожиддин Аҳмад Дониш бошлаб берган маърифатчи-

лик ҳаракатини муносиб давом эттириб, ўз даври учун илғор ғоя ва тақлифларни илгари сурди. Қоғозга тушириш билан чекланиб қолмай, илғор ғояларни амалда ҳам кўрсатиб берди.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
ЎзР ФА Тарих институти
таянч докторанти

Idrok ko'zgusi xira tortmasin

Бугунги кунда антропоцентризм деб номланаётган лингвистик тадқиқ тамойилининг аҳамияти беқиёс. Антропоцентрик парадигма тилни фақат белгилар тизими эмас, жонли мулоқотга асосланган очик тизим сифатида ўрганувчи, уни бошқа тизимлар – жамият, инсон, маданият, руҳият, миллий менталитет кабилар билан узвий алоқадорликда таҳлил этувчи қараш ва таълимотлар мажмуидир. Бу борада муайян изланишлар олиб борган олим сифатида айта оламанки, тилшуносликнинг кейинги тараққиётини, асосан, ана шу тамойил белгилаб беради. Зеро, тилнинг яратувчиси бўлган инсон омиллини ҳисобга олмай туриб, бу кўп қиррали ҳодиса моҳиятини мукамал ёритиш имконсиз.

Лисоний антропоцентризм В.фон Хумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, Л.Вайсгербер каби олимлар қарашлари асосида шаклланди. Хусусан, В.фон Хумбольдтнинг тил халқ руҳи экани ҳақидаги қараш, Л.Вайсгербернинг “оламнинг лисоний манзараси” номли назарияси антропоцентрик тилшуносликнинг юзга келишига замин ҳозирлади. Бугунги кунда антропоцентризм дунё тилшунослигида етакчи лингвистик тамойиллардан бири сифатида эътироф этилган. Мазкур қарашлар “шахс омили”, “когнитив-дискурсив парадигма”, “антропологистика”, “антропоцентрик тилшунослик” каби истилоҳлар билан номланаётган бўлса-да, уларнинг туб моҳияти бир – тилни унинг соҳиби ҳисобланган инсон ва у мансуб бўлган этнос билан узвийликда тадқиқ этишдир. Антропоцентрик парадигма лингвокультурология, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, прагмаллингвистика, нейролингвистика, социоллингвистика, маданиятлараро мулоқот каби лингвистик йўналишларнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Тилни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигида ХХ асрнинг охиридаги шакллана бошлади. Бу борада А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Д.Ашурова, Ш.Сафаров каби тилшуносларнинг назарий қарашлари катта аҳамиятга эга бўлди. С.Мўминовнинг “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари”, М.Ҳакимовнинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” мавзuidaги илмий тадқиқотларида тилимизнинг

миллий характер, урф-одат, қадрият ва аънаналар билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида айрим фикрлар билдирилганки, уларни лингвокультурология назариясига оид қарашларнинг илк намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Ш.Сафаровнинг “Когнитив тилшунослик” (Жиззах, 2006) номли монографияси антропоцентризм, хусусан, когнитив тилшуносликка оид назарий қарашларнинг ўзбек тилшунослигига кириб келишида муҳим қадам бўлди. Китобнинг устувор жиҳатларидан бири шундаки, унда тил ва тафаккур муносабати миллий менталлик ва миллий маданият билан боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратилган. Олимнинг 2013 йили эълон қилинган “Семантика” номли монографиясида лингвокультурология, хусусан, лингвомаданий концептга доир назарий қарашлар янада кенг талқин этилди. Антропоцентрик тадқиқ тамойиллари луғатларда ҳам ўз аксини топа бошлади. Профессор Н.Маҳмудов бошчилигида тузилган “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да (2013) тилимиздаги турғун ўхшатишларнинг лингвомаданий хусусиятлари ёритиб берилди.

Каминанинг “Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини” мавзuidaги илмий тадқиқотимда ҳам антропоцентрик парадигманинг назарий асосларига доир фикрлар илгари сурилган. “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” (2015) эса ўзбек тилшунослигида лингвомаданиятшуносликка оид илк луғат ҳисобланади. Унда мазкур соҳанинг асосий терминлари маъноси изоҳлаб берилган.

Айтиш жоизки, антропоцентрик тилшуносликнинг барча йўналишлари фанлар интеграциялашуви тўғрисида келган. Жумладан, лингвокультурология соҳаси тилшунослик, психология ва маданиятшунослик; когнитив тилшунослик соҳаси тилшунослик, когнитология, мантиқшунослик ва билиш назарияси; нейролингвистика эса тилшунослик ва тиббиёт фанлари ҳамкорлиги асосида шаклланган. Бу, бир томондан, глобаллашув жараёни натижаси бўлса, иккинчи томондан, ХХI асрнинг фанлар интеграциялашуви асри сифатида эътироф этилаётгани билан изоҳланади. Мазкур омиллар янги аср тадқиқотчи-

лари, жумладан, тилшунос олимларга ҳам тадқиқ объектига янгича мезонлар, янгича илмий тафаккур билан ёндашиш талабини қўяди.

Ҳар қандай соҳада, шу жумладан, тилшунослик илмида ҳам “ердан узилиб қолиш” хавфи мавжуд бўлиб келган. Назария ортидан қувиб, унга маҳлиё бўлиш фанга ҳеч қачон фойда келтирмаган. Антропоцентрик парадигма, хусусан, лингвокультурология ўзбек тилшунослигида нисбатан янги соҳа бўлгани сабабли айрим ишларда мазкур соҳани тил ва маданиятнинг жўн алоқаси сифатида талқин қилиш, тушунчалар моҳиятини тўғри англай олмадик, хорижий терминларни ёппасига “ҳазм қилиб юбориш” ҳоллари ҳам учрамоқда.

Айтиш жоизки, лингвокультурология биринчи навбатда ментал (онга оид) тушунчалар ва лисоний бирликлар алоқасини ўрганувчи соҳадир. Шу сабабли ҳам унда *концепт*, *оламнинг лисоний манзараси*, *лисоний онг* асосий тушунчалар ҳисобланади. *Дўппи*, *белбоғ*, *тандир*, *карнай-сурнай* каби миллий-маданий сўзлар қатнашган матнни лингвомаданий хусусиятни намоён қилувчи бирлик сифатида талқин қилиш масалага бир томонлама, фақат ташқи томондан ёндашув ҳисобланади. Лингвокультурологик тадқиқотларда тил воситасида оламни идрок этиш ва тасвирлашда ўзбек миллий тафаккурининг ўрнини аниқлаш асосий мезон бўлмағи лозим. Бу эса тилимизнинг ички – ўзбекзабон аҳолининг миллий идрок тарзи, руҳияти, дунёқараши каби омиллар билан дахлдор жиҳатларини тадқиқ этишни тақозо қилади. Тил объектига янада теранроқ ёндашиш, уни инсон феноменига хос ақлий ва руҳий қобилиятлар узвийлигида таҳлил қилиш, ўзбек “тафаккур грамматикаси”нинг ўзига хос қонун-қоидаларини очиб бериш замонавий ўзбек тилшунослигининг асосий тамойиллари бўлмағи лозим.

Ўзбек тили бирликларини антропоцентрик тамойил асосида ўрганишда, аввало, она тилимизнинг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ этишга эътибор бериш лозим. Ономастик бирликлар, яъни номлар бу борада муҳим тадқиқот объекти бўла олади. Номлар замирида халқ тарихи ва маданиятига оид ноёб маълумотлар ётади.

Ўзбек халқ мақоллари, иборалар, тургун ўшатишлар, нутқий этикетлар, топишмоқларда ҳам халқимизнинг образли тафаккури, воқеликни тил воситасида қабул қилиш ва ифодалашнинг ўзига хос жиҳатлари ёрқин намоён бўлади. Шу сабабли бундай бирликларни ўзбек маданияти ва миллий қадриятлари билан узвийликда ўрганишни бугунги тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан деб ҳисоблаш мумкин. Шу ўринда баъзи мисолларни келтириб ўтсак. Маълумки, ўзбеклар ўта хурсанд бўлиш ҳолатини *дўпписини осмонга отмоқ* ибораси воситасида ифодалайди. Ушбу ибората *дўппи* сўзи таянч миллий-маданий лексика вазифасини ўтайди. Бу, хусусан, бошқа миллатлар тилидаги шу маъноли ибора билан қиёсланганда аниқ кўзга ташланади. Масалан, рус тилида ушбу ҳолат “*на душе точно ангелы поют*” (*қалбида гўёки фаришталар қуйлаётми*),

“*заиграли кости*” (*суяклари ўйнаб кетди*) иборалари орқали ифодаланади. Кўринадики, ҳар бир тил эгаси муайян ҳолатни, ўз миллий тафаккуридан келиб чиқиб, муайян вазият билан образли-ассоциатив тарзда боғлайди ва бу жараён тилда ўз аксини топади. Шу сабабли ҳам тилшунослиқда дунёда нечта табиий тил бор бўлса, оламнинг лисоний манзараси (воқеликни идрок этишнинг муайян лисоний ҳамжамият тилида барқарорлашган усуллари мажмуи) ҳам шунча деб ҳисобланади.

Тилнинг миллий-маданий ўзига хослиги тургун ўшатишларда ҳам намоён бўлади. Профессор Н. Маҳмудовнинг “Ўшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули” номли мақолада халқларнинг дунёни тил воситасида идрок этишдаги ўзига хосликларни турли тиллардаги тургун ўшатишлар миқсолида кўрсатиб берилган. Н. Маҳмудов *ой* ўшатиш эталони ўзбек тилида тўртта маънода (чиройли, равшан, порламоқ, гўзаллашмоқ) қўлланишини қайд этиб, қуйидаги фикрларни ёзади: “Аmmo рус лингвомаданиятида *ой* ўшатиш эталонининг ўзбек тилидаги мазкур тўрт мазмунидан бирортаси ҳам мавжуд эмас, бу лингвомаданиятда *ой* образи кўпроқ тамгин, маъюс, совуқ манзара билан боғланади... Хитой ва корейларда *ой* эталони фақат мусбат ўлчовларда талқин этилади, гўзал аёлнинг ойга ўшатилиши жуда кенг тарқалган, худди ўзбеклардаги каби *ой* образи гўзаллик, ёрқинлик, ёқимлилиқ каби сифатларни тамсил этишга хизмат қилади. Ёки хитой ва корейларда аёл юзининг ўрикка, мажнунтол новдасига ўшатилиши, гўзал юз айланасининг (овал шакли) ошқовоқнинг уруғидан иборат эталон воситасида таъкидланиши мавжудки, улар ўзбек, рус ва бошқа лисоний ментал аънааларига бегонадир. Демак, турли тилларда ўшатиш эталонларининг танланишида ҳам фарқли миллий-этниқ идрок ҳал қилувчи ўрин тутаети”.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигманинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам муайян тадқиқотлар олиб бориш лозим. Жумладан, тилшунослиқда ўзбек этнолингвистикаси соҳасини шакллантириш фурсати етди. Зеро, ўзбек тили фольклори ҳамда шевалари бу соҳа учун жуда катта материал беради. Социолингвистика соҳасини ривожлантириш эса ўзбекзабон аҳолининг жамиятнинг турли субъектлари билан алоқасини ёритиб беришга, она тилимизнинг ижтимоий ҳаётда тутган маъқени юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбек тили ўз луғавий бойлиги, ифода имкониятларига кўра дунёдаги исталган тил билан беллаша олади. Луғатлар мана шу бойликни намоён этишнинг энг мақбул усулларидан биридир. Луғатшуносларимиз шу муаммога эътибор қаратиб, лингвокультурология, психолингвистика, этнолингвистика каби соҳаларга доир янги типдаги луғатларни яратишлари лозим. Ўзбек тилининг ассоциатив луғати, метафоралар луғати, прецедент номлар (машҳур номлар) луғати, нутқий этикетлар луғати каби луғатлар тузишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

XXI аср ўзбек тилшунослиги она тилимизнинг бетакрор жозибасини янгича тафаккур, янги илмий қарашлар асосида тадқиқ этувчи янги тилшунослик сифатида шаклланмоқда. Тил илмида кўзга ташланаётган муҳим эврилишлар шундан далолат беради. Бу борада халқимизнинг бой тарихи, маданияти, маънавияти ва миллий қадриятлари ўзбек тилшунос-

лик фанининг илдизларига беқиёс куч-қувват бахш этувчи ҳаётбахш омил бўлишига ишончимиз комил.

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА,
филология фанлари доктори, ЎзР ФА
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг етакчи илмий ходими

San'atkor qanday tarbiyalanadi?

Назм, наср ва драматургияда баракали ижод қилган Чўлпон театр танқидчиси сифатида ҳам йигирмага яқин мақола ва тақриз ёзган. Адибнинг театр санъати га бағишланган танқидий-таҳлилий битиклари ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб "Фарғона", "Машъала", "Ер юзи", "Туркистон", "Зарафшон", "Иштирокиюн" каби газета-журналларда эълон қилинган.

Адабиётшунос Ҳафиз Абдусаматов қайд этганидек, Чўлпон илмий меросининг бугунги кунимиз учун қиммати шундаки, у бизни 20-йиллар ва 30-йилларнинг биринчи ярмидаги санъат оламига олиб киради, ўша давр театри билан таништиради, саҳна асарларининг савияси, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида тасаввур йўғотади (*Абдусаматов Ҳ. Чўлпон – театршунос. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2010 йил, 45-сон*).

Ҳар бир мақолада Чўлпоннинг дунё театридаги янгилик ва изланишлардан чуқур воқиф экани, саҳна санъати дурдоналарини пухта ўқиб-ўргангани сезилиб туради.

Етук актёр тарбиялаш азалдан саҳна санъатининг асосий масалаларидан бўлиб келган. Хўш, етук санъаткор қандай тарбияланади? Чўлпон фикрича, етук актёр бўлмоқ учун истеъдоднинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун муттасил изланиш ва кўп ўқиш ҳам лозим: "Саҳнада талантан ташқари, маданият ҳам керак. Бунинг йўли маълум: ўрганиш! Актёр – энг аввал турмушнинг ўзидан (типлар, сўзлар ва ҳоказо), китоб мутолаасидан, лексия ва дарслардан, бошқа театр ва актёрлардан, ўз устозларидан ўрганади. Шуларнинг биргинаси камлик қилғонда ҳам актёрнинг турган жойида депсангани билиниб қолади" (*Чўлпон. Адабиёт надир. Тошкент, "Чўлпон" нашриёти, 1994. 144-бет*).

Чўлпон саҳна асарида "асллик", яъни ҳаққонийлик асосий ўрин тутишини таъкидлайди. Муаллифга кўра, актёр ижросидаги ҳаддан зиёд бўрттириш ҳам ҳаққонийлик тамойилига зиддир. Хусусан, у "Коваи оҳангар" асари бош роль ижросиси Маннон Уйғурга танбеҳ бериб бундай ёзади: "Заҳҳок ғоят золим ва мустабид деб кўрсатилгани учун ҳам унинг "фиръавнлашган" лиги асосига таяниб Уйғур ул рўлни жуда қаттиқ ўйнайди ва шунинг билан, бизнинг фикримизча, бироз ортдириб юборади" (*ўша манба, 83-бет*).

Театршунос Чўлпон актёрларга самимиийлик, ролни англаб ўйнаш, саҳнада эркин бўлиш сингари талабларни қўяди. Ижро маромига етмоғи учун актёр жанр талабларини чуқур ҳис этиши лозимлигини уқтиради. Масалан, "Насаб қурбонлари" мусикали драмаси актёрлари ижросига баҳо бериб, "Асар фожиалик бўлғони ҳолда ўйнашда кулги бўлиб чиқди", деб ёзади (*ўша манба, 96-бет*). Айни чоқда, "Арслон" драмасида Зайнаб ролини ўйнаган актриса Турсуной Саидазимованинг ижросини юксак баҳолайди: "Турсунойнинг кудрати ва қуввати ўша кичкина рўлни ҳам улканлар қаторига чиқарди, бир кўриниб ўтатурган Зайнабни бир умр унутилмас тасвирга айлантирди" (*ўша манба, 126-бет*).

Чўлпоннинг фикрича, режиссёр бирор роль учун актёр танлаганда ташқи қиёфага ҳам эътибор қаратиши лозим. "Эпизодик рўллар устаси" номли мақоласида муаллиф актёр Фулом Исомовга бундай таъриф беради: "Юзининг ўзи гримга қобил; кенг. Кафказия одамларниқига ўхшайди... Сирк санъаткорларининг суяксиз гавдаси каби жуда эгилувчан бармоқлари бор" (*ўша манба, 127-128-бетлар*).

Зукко театршуноснинг назаридан грим масаласи ҳам четда қолмаган. У актёр ижроси таъсирчан ва ишонарли чиқишида гримнинг аҳамияти катта, деб ҳисоблайди. Бир мақоласида эса "Тузанишни хошиллиб ясайларда, сўнгра сунъий сочлар остидан шаклиий сочлар – кўб вақт "мана мен" деб кўруниб қўядилар", дея гримчиларни танқид қилади (*ўша манба, 83-бет*).

Умуман, Чўлпон бирор спектаклни таҳлил қилар экан, саҳна асари билан боғлиқ барча ташкилий ва ижодий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда фикр юритган. Дастлаб пьесани ўқиб чиққан, сўнгра репетиция жараёнини кузатган ва ниҳоят саҳна асари томошабин эътиборига ҳавола этилган у ҳақда мақола ёки тақриз битган.

Биз ушбу мақолада Чўлпоннинг театршунослик фаолиятига доир айрим муҳим жиҳатларга эътибор қаратдик, холос. Аслида, адибнинг илмий мероси бугунги театршунослигимиз учун алоҳида қимматга эга бўлган хулосаларга бой.

Моҳиасадаф УБАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзДСМИ магистранти

Insenirovka zarurmi yoki...

Ўзбек ва жаҳон сахна тажрибасидан маълумки, театрлар репертуарини шакллантиришда фақат драматик асарлар билан кифояланганмайди. Биринчидан, адабиётнинг бошқа тур ва жанрларига қараганда драматик асарнинг туғилиши анча мураккаб, қолаверса, унинг тақдири муаллифнинг фақат ўзига боғлиқ эмас. Иккинчидан, ҳатто мумтоз драмалар етарли бўлган тақдирда ҳам, сахна ижодкорлари, аввало, режиссёрлар ўз иқтидорини намоён этиш мақсадида лирик ёки эпик асарларга-да мурожаат қилади. Ва ниҳоят, учинчидан, ҳар бир миллат адабиётининг шундай буюк намуналари борки, уларни гоёвий-бадий хусусиятларига дахл қилмаган ҳолда сахна ва экранга кўчириш жуда зарур.

Драматургияга мансуб бўлмаган асарни сахнага мослаштириш, содда айтганда, пьеса ҳолига келтириш театр назариясида "инсценировка" деб аталади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ушбу атамга бундай таъриф берилди: "Инсценировка" (лотинча, "in" – га + "scena" – сахна) – бирор асарни сахнабоп қилиб ўзгартириш, сахнада қўйиш ва сахналаштирилган асарнинг ўзи (*Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдлик, II жилд. Тошкент, "ЎзМЭ давлат илмий нашриёти", 2006. 216-бет*). Театр санъатига доир манбаларда эса мазкур тушунча янада батафсил шарҳланади: "Инсценировка – насрий ва шеърый усулда ёзилган асарнинг театр учун қайта ишланган варианты. Мантиқан воқеалар пьесанинг тузилиш шаклига эга бўлади. Одатда, машхур, китобхонлар орасида катта муваффақият қозongan асарлар инсценировка қилинади. Инсценировкаки ёзувчининг ўзи тайёрлаши мумкин (Эмиль Золянинг "Тереза Ракен" асари инсценировкаки). Лекин кўплаб инсценировкалар бошқа ижодкорлар томонидан ёзилади. Агар инсценировка аслиятдан сезиларли даражада фарқланса, у мустақил пьесага айланади ва мавжуд асарнинг "мотивлари асосида" деб кўрсатилади. Шунингдек, адабий манбадан йироқлашган, замонавий услубда қайта тайёрланган инсценировкалар ҳам мавжуд" (*Театральная энциклопедия. Москва, "Искусство", 1963. Стр. 884*).

Модомики, театр санъати тараққиётини инсценировкаки тасаввур этиб бўлмас экан, рус драматурги ва театр танқидчиси А.Свободиннинг "Насрий асарнинг сахнавий талқини – театр санъатидаги энг бемаъни ҳодисалардан бири. Очиғини айтаман, биз яна насрий "таржима"га дуч келсак, театрда асабий муҳит пайдо бўлади" (*Свободин А. Диалог о современном театре. Москва, "Искусство", 1979. Стр. 14*) деган киноомуз фикрини қандай изоҳлаш мумкин? Улуғ рус адиби Максим Горькийнинг инсценировкага мутлақо қарши бўлганини-чи? (*Горький М. Собрание сочинений. В 30-ти томах, том 30, Москва, "Художественная литература", 1955. Стр. 327*).

Демак, театрда инсценировкага эҳтиёж қанчалик кучли бўлмасин, бу ҳодиса устидан узил-кесил хулоса чиқариш, унга батамом ижобий ёки салбий баҳо бериш осон эмас.

Инсценировка хусусида баҳсли, ҳатто бир-бирини инкор этувчи фикрлар пайдо бўлишига асосий сабаб унинг театр ва адабиётга баравар дахлдор экани, шу боис иккала санъат тури назарий-театрларини ҳам бирдек қизиқтириши, қолаверса, уларнинг ёндашувида ўзига хос хусусиятлар мавжудлигидир десак, хато бўлмас. Инсценировкага қарши чикувчилар китобхон учун ёзилган асарни бутун жозибаси билан театр тилига кўчириш мумкин эмас, деган фикрга таянади. Инсценировкаки ёқовчилар эса сахна адабий асарнинг янги кирраларини кашф этишига, қолаверса, драматик асарларга бўлган эҳтиёжни тўлиқроқ қондиришига ишонади.

Маълумки, буюк рус адиби Фёдор Достоевский бирорта ҳам драматик асар ёзмаган. Шундай бўлса-да, унинг деярли барча қиссаю романлари дунё театрларида қайта-қайта сахнага қўйилмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. "Шубҳасиз, Достоевский – тўғма драматург, – деб ёзади рус театршуноси А.Гладков. – Унинг романларида трагедия аломатлари сезилиб туради. Ҳақиқат шуки, инсценировка муаллифларининг барча қусурларига қарамай, "Достоевский театри" деган ибора "Гоголь театри", "Пушкин театри", "Островский театри" каби атамалар билан бир сафда туради" (*Гладков А. Театр. Воспоминания и размышления. Москва, "Искусство", 1980. Стр. 305*). Улуғ театр ислохотчиси В.Немирович-Данченко ҳам Достоевскийнинг драматурлик маҳоратини юксак баҳолайди: "Достоевский романнавис ўлароқ ёзади, лекин драматург каби ҳис этади. Унинг образлари, диалогларида сахнавий ҳаракат мавжуд, кўплаб романлари театрни, сахнани эслатади" (*Взаимодействие и синтез искусств. Ленинград, "Наука", 1978. Стр. 80*).

Биргина Достоевский ижоди шуни кўрсатадики, етук адабий асар кўнгилдагидек талқин ва инсценировка қилинса, ўқори савияли спектаклга асос бўлиши мумкин. Қолаверса, адабиёт дурдоналарини ўқувчи оммасига танитишда театр муҳим роль ўйнайди. Бугун дунё театрларида М.Сервантес, И.Гёте, Ж.Байрон, А.Пушкин, Л.Толстой, Стендаль, П.Мериме, О.Бальзак, В.Ҳюго, Р.Тўқоқур, Э.Ҳеменгуэй, Ч.Айтматов асарларидан тортиб, онгостига нозик таъсир этувчи, сахналаштириш гўё иложсиздек туюлувчи Ж.Жойс, Ф.Кафка, У.Фолкнер, Г.Маркес, А.Камю, Х.Кортасар, К.Ҳамсун, Х.Борхес каби модернистлар асарларидан томоша – спектаклга айланаётир. Демак, театрда қўйиб бўлмайдиган адабий-бадий ҳодисанинг ўзи йўқ, бу муъжизакор санъат ҳар қандай асарни ўз мулкига ай-

лантира олади, фақат шунга қодир режиссёр, актёр, сахна рассомлари бўлса бас.

Анъанавий томоша ва ўйинлар негизда вужудга келган, халқимизнинг асрий қадриятлари, турмуш тарзи, урф-одатлари билан узвий алоқада ривожланган ўзбек театри даставвал адабий асос – оғзаки драматургияга таянгани соҳа мутахассисларига аён. Оғзаки драматургия эса фольклорнинг турфа шакллари билан, миллий мумтоз адабиёт ва мусиқадан озикланиб бўй ростлагани маълум. Табиийки, театр фольклордан андоза олар экан, томоша асосини шеърӣ ёхуд нарсӣ баён, ҳикоянавислик, ваъзхонлик ташкил этгани, бу эса беихтиёр адабиётнинг театрга кўчишини эсга солади. Албатта, бу ҳодисани инсценировка дея баҳолаш тўғри бўлмас. Аммо миллий театримиз наинки драматургия, балки адабиётнинг бошқа турларига ҳам таяниб, секин-аста профессионаллик касб этганини инкор этиш мумкинми?! Масалан, театрда яқка ижрочининг ҳаракати ва нутқи, бошқача айтганда, сахнавий маҳорати асосланган бир актёр театрига назар ташласак, унда асотир, афсона, ривоят, қисса каби эпик жанрлар етакчи эканини кўрамиз. “Тўтинома”, “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча”, “Китоби Жамшид” каби Ўрта ва Яқин Шарқда машҳур бўлган эпик-афсонавий асарлар, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Баҳром ва Гуландом” сингари ишқий-романтик қиссалар бахшилар томонидан айтилиб, оғиздан-оғизга кўчган.

Мамлакатимизда профессионал театр санъати пайдо бўлгач, ўзбек ва жаҳон адабиётининг кўплаб асарлари инсценировка қилиниб, сахнага қўйилди. Шу ўринда Алишер Навоий ижодига қайта-қайта мурожаат этилгани, унинг асарлари асосида турли мавзу ва жанрда спектакллар яратилганини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, турли йилларда ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида Ойбекнинг “Қутлуғ қон” (1954, 1963 йиллар – Т.Хўжаев, 1987 йил – Р.Ҳамидов), Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” (1983 йил – Б.Йўлдошев), Робиндранат Ҳокур романи асосида “Ганг дарёсининг қизи” (1956 йил – А. Гинзбург), Борис Васильев қиссаси асосида “Рўйхат-

ларда йўқ” (1978 йил – Б.Йўлдошев), Чингиз Айтматовнинг “Сарвиқомат дилбарим” (1963 йил – Т.Хўжаев), “Асрга татиғулик кун” (1986 йил – Р.Ҳамидов) асарлари асосида ажойиб спектакллар яратилди.

Мустақиллик йилларида эса ҳозирги Ўзбекистон давлат драма театрида Алишер Навоийнинг “Садди Исқандарий” дostonи асосида “Исқандар” (1993 йил – Б.Йўлдошев), Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссаси асосида “Бухорои шариф” (1998 йил – Б.Йўлдошев), Кобо Абэнинг “Қумдаги аёл” (1995 йил – А.Хўжақулиев), Г.Г.Маркеснинг “Полковникка ҳеч ким ёзмайди” (2000 йил – А.Кудряцев); Ўзбек Миллий академик драма театрида Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” (1994 йил – Т.Азизов), Саид Аҳмадининг “Уфқ” (1995 йил – О.Салимов), Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида Ғафур Ғулломнинг “Ҳасан Кайфӣ” (1995 йил – Ж.Худойқулов), “Шум бола” қиссаси асосида “Халфана” (2008 йил – О.Салимов); Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” ва “Ойдинда юрган одамлар” қиссалари асосида “От йиғлаган томонда” (1994 йил – О.Салимов); Ўзбекистон давлат ёшлар театрида Темур Зулфиқоровнинг “Умар Хайём юлдузлари” (1997 йил – Н.Абдураҳмонов); Лев Толстойнинг “Холстомер” (1998 йил – Н.Абдураҳмонов) асарлари асосида спектакллар муваффақиятли ўйналди. Бу инсценировкалар ўзбек театри репертуарини бойитди, режиссёр ва актёрлар маҳоратини чархлади, театр эстетикаси ва жанр имкониятлари кенгайтирди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, инсценировка воситасида адабиёт ва театрнинг синтезлашуви ҳар икки санъат тури раванқига ҳам бирдек хизмат қилади. Чунончи, адабий асарни сахналаштириш, бир томондан, ўқувчининг асар ҳақидаги билим ва тасаввурларини бойитиб, китобхонлик маданияти шаклланишига кўмаклаша, бошқа томондан, театрларни мудом хавотирга солувчи драматик асар танқислигидан халос этади.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,

ЎЗР ФА Санъатшунослик институти
таъяс докторанти

An'anaviy qonuniyatlar buzilganda...

Ҳар қандай санъат асари кенг оммага мўлжаллангани, бадий тафаккур ва эстетик дунёқарашни шакллантириши, чин инсоний фазилатларни тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Санъат тарихида инсон руҳий оламини бойитишда муҳим ўрин тутган жуда кўп тасвирий санъат асарлари яратилган. Улар ҳамма замонда ҳам ўзининг композицион ечими, бадий савиясининг

юксаклиги билан томошабинни жалб этиб келган, ҳаётӣ воқеа-ҳодисаларни акс эттиргани, тушунарли бўлгани билан шухрат қозонган. Чунки бундай санъат намуналарида композициянинг муҳим қонуниятларидан бири бўлган ўхшатиш қонуни етакчи мазмун-моҳият касб этади.

Даврлар ўзгаради, инсон ва унинг тафаккури, қизиқишлари, дунёқарашиди ҳам янгиланишлар

бўлади. Кечаги тасвирий усуллар бугун ўз мавқеини, эҳтимол, тўлиқ сақлаб қола олмас. Шу боис мушаввирларнинг санъат соҳасида янги-янги усулларни ўйлаб топиши, ўзгача тасвирий воситалардан фойдаланиши, экспериментларга қўл уриши табиийдир. Айни ҳаётий жараён туфайли XIX аср охири ва XX аср бошларида санъатдаги таҳлилий қарашлар ва ўзгаришлар натижасида кўпгина оқим ва йўналишлар – фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, абстракционизм, сюрреализм ва бошқалар пайдо бўлди (Сокольникова Н. *История изобразительного искусства. Том 1. Москва, 2007*). Уларда тасвирий ижоддаги мавжуд қарашлар, идеаллар ва анъаналар инкор қилиниб, янги композицион ечимлар излаш, ўзгача тенденцияларга интилиш устуворлик қилар эди.

Модернистик санъат тарафдори бўлган ижодкорлар бугунги кунда ҳам кўпчиликни ташкил қилади ва, табиийки, улар яратаётган асарларда тасвирий санъат композициясидаги айрим қонуниятлар, дейлик, ўхшатиш қонуни тўлалигича ўз ифодасини топмайди.

Кўпинча шундай саволларга жавоб топишга тўғри келади: санъатда ҳар доим ҳам барча тасвирлар тушунарли бўлмаслиги, у ҳақдаги асл тасаввурларимизга сиғмаслиги мумкинми?

Абстракционизм тарафдорлари асарда тасвирланган нарсаларни тўлиқ таърифлаб ўтирмаслик кераклигини, уни кўрган томошабин ўзи нимани хоҳласа, ўшани тушуниб олавериши лозимлигини таъкидлайди. Модернистик оқимнинг бошқа йўналишларига мансуб баъзи ижодкорлар асарларида эса нарсалар ёки бизни қуршаб турган олам ниҳоятда бўрттириб тасвирланади. Пабло Пикассо, Салвадор Дали асарлари бунга мисол. Уларнинг композицион ечими ҳам кишини ўйлантириб қўяди.

Санъатда "Агарда шу вақтгача бу нарса қилинмаган бўлса, ўша нарсани қилиш керак" деган формула пайдо бўлиши айрим санъат асарларининг ажралиб

чиқишига олиб келди (*ўша манба, 121-бет*). Шу йўсинда бу ақида тарафдорлари асарларни сифатига қараб эмас, бошқа мезонларга кўра баҳолашни таклиф қилади. Лекин маълум баҳолаш мезонларини қўлламасдан туриб, "яхши" асарни "ёмон"идан ажратиш мумкинми? Айнан ана шу асарнинг юзага келиш чегараси қаерда? Чунки ҳар хил бўёқларни сепиш ёки қора квадрат чизиш ҳамманинг қўлидан келади. "Буни мен ҳам қила оламан!" дейди ўжарлик билан авангардизмга қарши бўлганлар. Шундай экан, авангард йўналишдаги баъзи асарлар баҳонинг аниқ мезонлари бўлмагани учун барчага очиқ ҳисобланади.

Авангард услубидаги асарни қандай қилиб баҳолаш мумкин, деган савол кўндаланг туравереди. Бунга жавобан, энг аввало, мазкур асар гоҳисини томошабин баҳолаши керак, деб айтган бўлардик.

Бадий асарда тасвирланаётган воқелик анъанавий йўналишдаги санъат асарларига хос композиция қонуниятларига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Аммо у қандай санъат асари бўлмасин, ҳаётнинг бирор-бир жабҳасини акс эттириши, қайсидир қонуниятга асосланиши керак.

Боиси, "Композиция қандайдир қотиб қолган, догматик тушунча эмас. Фанда аниқ қонунлар бор. Санъатда эса, ҳар қандай аниқ қонун ҳам охиригача тўлиқ татбиқ қилина олмаслиги мумкин: ҳар доим эркин ижод учун унда озгина жой қолади", деб айтган эди рассом-педагог А.Буров. Ҳақиқатан ҳам, биз билган айрим санъат намуналарида тасвирий санъатга тааллуқли баъзи қонуниятлар бузилади, уларга зид ҳолда тасвирлар, ўзига хос композициялар яратилади. Сабаби оддий: бу каби санъат асарлари ҳам ўз муҳлисига эга...

Нурмон БЕРДИЕВ,

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти катта ўқитувчиси

Ramzga yo'g'rilgan tasvirlar

Тасвирий санъатнинг дастлабки намуналари мифологик тасаввурлар асосида юзага келгани маълум. Тарихий тараққиёт жараёнида эса у шаклан ва мазмунан бойиб борган. Замонавий рангтасвирда ҳам мифо-эпик образлар ўз ўрнига эга. Янги бадий ечим ва ифода услубларини қидираётган миллий рассомларимиз илоҳиёт, коинот сирлари, олам мўъжизалари, антропоморф ва зооморф жонзотлар, инсоният ибтидоси, культлар ва тасаввуф фалсафаси борасидаги қарашларини асарларга сингдирмоқда.

Жаҳон тасвирий санъатида бу борада муайян қонуниятларга амал қилинади. Жумладан, афсона-

вий қаҳрамонлар, авлиёлар, фаришталар, маъбудалар ва бошқа илоҳий образлар маълум рамзлар ила ифодаланади. Аммо миллий тасвирий санъатимизда ҳар бир рассом ўз дунёси, бадий тафаккурдан келиб чиқиб янгича тимсоллар танлаётганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошев узоқ йиллик ҳаётий кузатишлари ва манбаларга таянган ҳолда афсонавий қаҳрамонлар образини яратар экан, аввало, бадий ифода шакли ва тасвир усулларининг содда ва оммабоп бўлишига эътибор қаратади. Рамзлар тилида сузлаш, теран мантиқий

фикрлаш, қаҳрамонлар қиёфасини эртақлардаги-дек сирли-муболағали тасвирлаш рассомнинг ўзига хос ижодий услуги саналади. Муаллифнинг "Алпомиш" ва "Ўруғли" дostonларига бағишланган туркум асарларида ҳам хаёлнинг юксак парвозини кўрамыз. Ўзбекистон Бадий академияси академиги Жавлон Умарбеков "Алпомиш" дostonининг янги фундамента-л наشريга ишлаган оҳорли бадий безаклар ҳам томошабини мушоҳадага ундайди. Мусаввир Собир Раҳметов эса Алпомиш образини кўлида камон тутганча жанга отланган суворий қиёфасида гавдалантирган. Ушбу картина машхур итальян рассоми Караважо асарларини ёдга солади. Жанг либосини кийган афсонавий баҳодир оқшом чоғи ой ёруғида суюкли ёри Барчиной ила дийдорлашмоқда – рассом Ориф Муинов Алпомиш бадий образини шу тарзда талқин этган. Рассом Эркабой Машарипов талқинидаги Алпомиш образи ҳам айрича таъсирли. Умуман, образ яратилганда ҳар бир ижодкор турли ечимлар излаётгани миллий рангтасвиримизда услубий ранг-барангликни таъминламоқда.

Инсоният ибтидоси – ижодкорлар, жумладан, рассомларни оҳанрабо каби ўзига тортиб келаётган мавзулардан бири. Мусаввир Имяр Мансуров чизган "Одам Ато ва Момо Ҳавво" картинаси ҳам ибтидо ҳақида ҳикоя қилади. Меваси кўплигидан шохлари эгилган илоҳий дарахт Одам фарзандларининг гуноҳу хатога тўла қисматиға ишора этаётгандек. Академик Алишер Мирзаев ибтидо мавзуини триптихда акс эттирган. Рихситилла Ақромов чизган композицияда эса Одам ва Ҳаввони илоҳий дарахт ажратиб турганини кўрамыз. Ижодкор эзгулик ва ёвузлик, раҳмон ва шайтон ўртасидаги азалий курашни шу тарика рамзий акс эттирган.

Кейинги чорак асрда кўҳна Туроннинг унутилган афсоналари яна ёдга олиниб, янгидан идрок этилди. Хусусан, озодлик ва жасурлик тимсоли, енгилмас малика Тўмариснинг бир неча расми ишланди. Ориф Муинов мўйқаламига мансуб картинада ёрқин фонда нозик жуссали саркардани кўрамыз. Бу билан ижодкор Тўмарис аввало аёл эканига урғу беради. Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худойберганов эса Тўмариснинг жанг олдидаги руҳий ҳолатини ифодалаган. Имяр Мансуров ҳам довурак саркарда тимсолини гавдалантирган: кўрқув нелигини билмаган Тўмарис босқинчи Кирнинг кесилган бошини баланд кўтариб турибди.

Ўзбекистон замонавий рангтасвирида исломий ривоятлар асосида ҳам бир қанча расмлар ишланди. Масалан, инсонларга бахт ва омад келтирувчи

донишманд қария – ҳазрати Хизр сиймосининг турли талқинлари яратилди. Рассом Аслиддин Исаев му-сулмонлар қалбида алоҳида ўрин эгаллаган ушбу сиймони спиралсимон композицияда ифодалаган. Мовий ва оқ ранглар уйғунлашган расмда ҳазрати Хизр ўнг кўлида нур олиб келаётир. У картинада кўҳна қарашларга мувофиқ, ҳаёт карвонининг сарбони, Оллоҳнинг амру фармонларига сўзсиз бўйсунувчи комил инсон сифатида намоён бўлади. Академик Акмал Нур эса фаришталар қуршовида гўё самога парвоз қилаётган нурли сиймони тасвирлаган.

Мумтоз адабиётимиз сарчашмаси саналган тасаввуф фалсафаси замонавий рангтасвирда ҳам ўзига хос шаклда яшаб келаётир. Рассомларимиз, масалан, дарвеш мотивига кўп мурожаат қилмоқда. Мўйқалам устаси Файзулла Аҳмадалиев чизган "Дарвешнинг ҳаёти" картинаси мажозларга бой. Расмда дарвиш тимсоли тиниқ кўринмайди, аммо томошабин эътиборини унинг сояси тортиши аниқ. Муаллиф соя воситасида дарвишнинг бой ички олами, сакинатга чўмган қалбини акс эттиришга муваффақ бўлган. Асардаги кичик-кичик деталлар яхлит рамзий манзарани ҳосил қилган. Атоқли рассом Баҳодир Йўлдошев эса дарвеш образини яратар экан, Шарқ миниатюриси аънаналарини замонавий услуб билан вобаста этган. Мусаввир Жамол Усмоновнинг "Қушлар", "Кузги зикр", "Уйғониш", "Балиқ парвози" каби асарларида ҳам сўфиёна руҳ етакчили-лик қилади.

Юртимиз рассомлари нафақат туркий дунё асо-тир ва афсоналари, Фарб мифологиясига ҳам му-рожаат этмоқда. Масалан, Европанинг ўғирланиши мавзуси турлича талқин қилинмоқда. Афсонага кўра, маъбуд Зевс Финикия ҳукмдорининг қизи Европа ҳу-зурига оқ буқа қиёфасида келиб, уни Крит оролига ўғирлаб кетади. Баҳодир Жалолов ушбу афсонани маҳорат билан тасвирий санъатга кўчирган.

Янги давр рассомларимиз учун кенг имконият-лар эшигини очди. Жумладан, мифологик мавзуда турлича талқинлар, бадий ифода услублари вужуд-га келди. Мавзуга оид дастлабки илмий-тадқиқот ишлари ҳам ёзилди. Эндиликда мифологик мавзу-ларда яратилган асарларнинг алоҳида бадий кўр-газмалари ва танловини ҳам ташкил этиш лозим. Бу эса рассомларга қанот бериши, янги ижодий уфқлар очиши шубҳасиз.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
санъатшунослик фанлари номзоди,
доцент



SUMMARY

Interview with Jabbor Eshonqul, literary scholar, ethnologist. pp. 4-11.

Although myths and mythological thinking lost its place to philosophy and science, human mind has not got rid of myth. Modern world has not stopped creating modern myths. Every society has its myths shaped by communication and media technologies. Human being that once believed and prayed supernatural beings, today he believes modern ideologies, religious and secular preachers. What is the place and role of modern myths in our life? Our interviewee discusses this and other questions concerning to our social and cultural life.

Khurshid Yuldoshev. Does Morality Change? pp. 12-21.

The article begins the discussion with these questions: Who created morality? Is this right question? According to the author, there are two approaches to the origin of morality: theological and evolutionary. Theological approach maintains that morality was created and sent by Supreme Being to humanity. Moral law or higher supernatural laws cannot be changed, because of the same reason – they are divine. All the deviations or changes in morality are immoral. Evolutionary approach, on the contrary, denies unchangeable nature of morality, and argues that our moral teachings are only rationalization of our social order which evolved not only among humans, but all social animals over millions of years. Morality has been changed, transformed, adapted over thousands of years too. Supporting evolutionary approach, the author asserts that the denying the fact of changeable nature of morality causes conflict and clashes between reactionary and radical groups in society. He also supports his view stating that the scope

of moral community has been expanding. At the outset, moral community was confined to members of family and tribe. Outsiders were considered non-human or semi-human. But its enlargement has brought other tribes, nations, and races into community gradually until all humanity become single moral community. Being aware of this fact, how can we reject evolving moral nature of humanity?








Viktor Alimasov. Taoist Paradoxes. pp. 22-27.

According to Lao Tzu, the wise embraces the paradoxes of life – or rather, embraces the paradoxical nature of reality – because by doing so one goes beyond the trappings of the mind and the illusions of the ego. We are goal-oriented creatures. We believe that everything we do takes us somewhere or makes us achieve something. But the wise can work for no rewards and competes but without seeking results. If we are to seek harmony with ourselves and the world, we should accept all seeming contradictions in reality as a harmony or Dao's way of existence, and do everything that comes from our inner passion and live in harmony with ourselves rather than following an idea, goal or belief handed down to us by society. Taoism sees harmony in contradictions that we see them as paradoxes. The article explains Taoist paradoxes and its approach how to bring harmony in our mind and life.

Sultonmurod Olim. Khadichabegim: Contradiction between Literary and Historical Truth. pp. 42-47.

Literary and historical reality... At first sight, they have nothing with each other, and there is no connection between them. But there are such literary works tacitly talks about real, historical personality. Alisher Navai, great Turkish poet, and Babur, king and poet remember a woman, whose life tragically ended, in their works. Navai talks about her not straightforwardly, but through fictional character, without mentioning her name. Babur writes directly, describing her as historical person. She was a temurid queen, wife of Sultan Huseyn, and cousin of Babur. The author of the article examines accounts given by Navai and Babur, and compares them.

Ўқинг, кам бўлмайсиз!



1 аф. 10 797 е.

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархд

TAFAKKUR

ТАФАККУР 2/2018



ISSN 2010-6491



9 772010 649005